

# Жаҳон

## АДАБИЁТИ

Адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик журнал

**Alisher Navoiy** Xose Ortega i Gasset **Janni Rodari** Anna Axmatova **Jeyms Joys** Jonatan Svift **Jorj Bayron** Ryunoske Akutagava **Fransua Rable** Edgar Allan Po **Frans** Tomas Eliot **Vilyam Shekspir** Kafka **Martti Larni** **Artur Rembo** **Gi de Mopassan** **Ivan Bunin** **Aflotun Dante Aligeri** **Chan Chhol** **Roa Bastos** **Mario Vargas Losa** **Isay Kalashnikov** **Anton Chexov** **Taduesh Dolenga Mostovich** **Andreys Pumpurs** **Fridrix Nitshe** **Fyodor Dostoyevskiy** **Viktor Gyugo** Ivo Andrich **Marsel Prust** **Mo Yan** **Aleksandr Veselovskiy** Ann Fillip **Abdulla Qodiriy** Roxelio Sinan **Andres Mata** **Moris Meterlink** Hermann Hesse **Oktavio Pas** Migel Otero Silva **Onora de Balzak** **Rikardo Miro** **Arastu** Tomas Mann **G'afur G'ulom** **Gabriela Mistral** **Ernest Heminguey** **Zahiriddin Muhammad Bobur** **Tetsuo Miura** **Erkin Vohidov** **Aleksandr Pushkin** Boris Pasternak **Premchand** Uolter de la Mer **Toni Morrison** **Migel de Servantes** **Emil Zolya** **Muxtor Avezov** **Abdulla Oripov** **Iohann Gyote** Mixail Bulgakov **Mark Toutant** **Yan Parandovskiy** **Nelli Zaks** Bernard Shou **Chingiz Aytmatov** **Oskar Uayld** **Li Munyol** **Xose Marti** Patrik Modiano **Semben Usmon** **Homer** **Jaloliddin Rumi** **Grem Grin** **Emili Dikinson** **Oybek** **Lev Tolstoy** Migel de Karron **Herta Myuller** **Avetik Isaakyan** **Jan-Mari Leklezio** **Gabriel Garsia Markes** **Sharlotta Bronte** **Grant Motevosyan** **Lesya Ukrainka** **Rabindranat Tagor** **Sofokl** **Aka-uka Grimmlar**

### Жамоатчилик кенгаши:

Муҳаммад АЛИ  
Наим КАРИМОВ  
Иброҳим ҒАФУРОВ  
Низом КОМИЛОВ  
Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ  
Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ  
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД  
Абдураҳим МАННОНОВ  
Муҳаммаджон ҚУРОНОВ  
Муҳаббат ТЎЛАХУЖАЕВА  
Баҳодир КАРИМОВ  
Муҳиддин ОМОН

МУАССИСЛАР:  
РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ  
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ  
ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

Бош муҳаррир  
Шуҳрат РИЗАЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Жалолiddин САФОЕВ  
Амир ФАЙЗУЛЛА  
Назира ЖЎРАЕВА  
Алимурод ТОЖИЕВ  
Дилдорхон АЛИЕВА  
Алишер ОТАБОЕВ  
Жамила АСҚАРОВА  
Даврон РАЖАБОВ  
Шаҳноза НАЗАРОВА

## МУНДАРИЖА

### ПУБЛИЦИСТИКА

- 3 Ж.САФОЕВ. Китоб – биринчи мўъжиза.

### НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

- 6 Алишер НАВОИЙ. Юзи давринда қиронму... *(Рус ва инглиз тиллариға В.Рождественский, А.Буматова тарж.)*.

### НАСР

- 36 Б. КАРТЛЕНД. Шарқона муҳаббат. Роман. *(Рус тилидан Ш.Ахророва тарж.)*.
- 87 Япон ҳикоялари. Я.КАВАБАТА. Италия ҳақида қўшиқ. Хол ҳақида мактуб. *(Рус тилидан О.Отахон тарж.)*.
- 103 Х.ТАКУБО. Ёғоч тўй. Ҳикоя. *(Рус тилидан Д.Алиева тарж.)*.
- 149 Араб ҳикоялари. М.ТАЙМУР. Салом пошонинг холаси. А.АЛ-ХАМИСИЙ. Ҳақиқат узуги. Ю.ИДРИС. Шўрпешона. Ҳикоялар. *(Араб тилидан С.Абдуллаев тарж.)*

### ЭПОС –ТАФАККУР ДУРДОНАСИ

- 10 Манас. Достондан парча. *(Қирғиз тилидан З.Исомиддинов тарж.)*

### ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

- 79 Ф.ПЕТРАРКА. Сонетлар. *(Рус тилидан С.Оллоёр тарж.)*.

### ДРАМА

- 114 А.ВАМПИЛОВ. Ўрдак ови. *(Рус тилидан М.Хайруллаев тарж.)*.

### ЭССЕ

- 168 Я.ПАРАНДОВСКИЙ. Сўз кимёси. *(Рус тилидан М.Акбаров тарж.)*.

### НОБЕЛЬ МАЪРУЗАСИ

- 181 П.МОДИАНО. Менинг сюжетим – замон. *(Рус тилидан А.Файзулла тарж.)*.

### АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА.

- 189 Қ.СЕЙДАНОВ. Авезов ва Ўрта Осиё адабиёти.

### ЖАҲОН КУЛАДИ

- 195 Жаҳон машҳурлари ҳаётидан. *(Рус тилидан Ш.Отабек тарж.)*.

201 Муқоламизда.

203 Таквим.

206 Журналнинг русча ва инглизча мухтасар мазмуни.

## КИТОБ – БИРИНЧИ МЎЪЖИЗА

Маънавий жасорат соҳиби деб ардоқланган атоқли адабиётшунос олим ва таржимон Озод Шарафиддинов дунёдаги етти мўъжизага таъриф бериб “...етти мўъжиза инсон ақлининг, тафаккурининг, қалбининг оташин мадҳияси, инсон даҳосининг улуғлигига қўйилган мангу обида бўлиб келмоқда. Бироқ, шундай бўлса-да, оламда яна бир мўъжиза борки, унинг буюклиги, муқаддаслиги етти мўъжизанинг жамики улуғворлиги, гўзаллигидан камлик қилмайди. Бу мўъжиза – китоб. Китобнинг мўъжиза, мўъжиза бўлганда ҳам биринчи мўъжиза эканлигини кўпгина буюк одамлар қайд қилган” деб ёзади. Жумладан, ёзувчи ва драматург С.Цвейг “Қаердаки китоб бор экан, у ерда одам ўзи билан ўзи узлатда, ўз кўлами доирасида қолиб кетмайди, у ўтмиш ва бугунги куннинг барча оламшумул ютуқларига, бутун инсониятнинг фикр ва туйғуларига ошно бўлади”, деб ёзади. Ёзувчи ва файласуф Ж.Свифт “Китоблар ақл фарзандларидир”, деса, педагог ва ёзувчи Я.Коменский “Китоблар донишмандликни ёйиш қуролидир”, дейди, файласуф ва тарихчи Ф.Бэкон эса “Китоблар замон тўлқинларида сузувчи ва ўзининг қимматбаҳо юкини авлодлардан-авлодларга авайлаб элтувчи тафаккур кемаларидир”, деб ёзади. Ана шу тариха буюк алломалар, донишмандлар ва ёзувчию олимлар китобнинг мўъжизага, нурга, тафаккур қуввати ва устунига, мангулик ва маънавий тимсолига, билим манбаига, содиқ дўстга, давр кўзгусига ўхшатганлар. Энг муҳими, китоб жаҳолатга қарши маърифат билан курашда энгилмас кучдир.

Милодий 2000 йил тугаб, инсоният йигирма биринчи асрга қадам қўйганда дунё олимлари, сиёсат ва жамоат арбоблари, халқаро ташкилотлар ўтган икки минг йилликнинг инсоният тараққиётига бемисл ҳисса қўшган энг буюк воқеаси деб китоб чоп этишнинг ихтиро қилинишини бир овоздан тан олишди. Ваҳолатки, 2000 йилликнинг энг буюк воқеаси ҳисобланишига – порох, радио, пеницилин, интернетнинг кашф этилиши, Эйнштейннинг инсон тафаккурини остин-устин қилиб юборган нисбийлик назарияси, космоснинг забт этилиши ва бошқа кўплаб улуғвор воқеалар ва оламшумул ҳодисоту кашфиётлар даъвогарлик қилган эди.

Китоб чоп этилиши 2000 йилликнинг энг буюк воқеаси деб эътироф этилиши замирида қандай улуғ ҳақиқат ётганлигини тушунтириб ўтиришга сира ҳам ҳожат йўқ. Буни ёзувчи ва сиёсат арбоби А.Ламартин қуйидагича ифода этган: “Агар буғ ва темир йўл масофаларнинг узоклигини йўқотган бўлса, китоб наشري замон ҳадларига барҳам берди: китоб шарофати билан биз ҳаммамиз замондошмиз. Мен Гомер ва Цицерон билан суҳбат курсам, келажакнинг Гомер ва Цицеронлари эса биз билан гаплашадилар”.

Бугун мамлакатимизда маънавий ислохотлар жараёни сифат жиҳатидан ўзининг янги ва янда юксак поғонасига қадам қўйди. Жамиятимиз ҳаётида



бебаҳо ва бетакрор қадрият ва анъаналарни қарор топтиришга, хусусан, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътиборнинг маҳсули сифатида қабул қилинган “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори соҳа тараққиётига кенг йўл очган том маънодаги муҳим ҳужжат бўлди.

Ахборот технологиялар беқиёс даражада ривожланиб бораётган, виртуал дунё турли-туман ахборот оқими билан тўлиб-тошган ҳозирги замонда ёшларнинг маънавий ва бадиий-эстетик онг-тафаккурини тарбиялаш, уларда китобхонлик маданияти ва кўникмасини шакллантириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ушбу қарор билан китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси, хусусан электрон китоб ўқиш ва китобхонлик маданиятни ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Дастурда, энг аввало, китоб маҳсулотларни чоп этиш ва тарқатиш, матбаа соҳаларини янада жадал ривожлантиришга оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган китобларни, хусусан, болаларга мўлжалланган адабиётларни чоп этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Мамлакатимизда кейинги йилларда китоб савдоси ва китоб дўконларига бирмунча эътибор қаратилган бўлса-да, лекин хизмат кўрсатиш сифати ва дўконлар сони аҳолининг ўсиб бораётган маънавий талабларига тўғри келмасди. Шу боис мазкур ҳужжатда ҳар бир шаҳар ва туманда китоб савдосига ихтисослашган дўконларни ташкил этиш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида эса юридик шахс мақомидаги тадбиркорлик субъектларига фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини текин фойдаланишга бериш, савдо айланмасида китоб сотиш улушининг ҳажми 70 фоиздан кўп бўлган юридик шахс мақомидаги тадбиркорлик субъектларига алоҳида статистик ҳисоби юртилиши ва улар 2020 йил 1 январига қадар ягона солиқ тўловидан озод этилиши кўзда тутилди. Шу билан бирга илмий-назарий, илмий-оммабоп ва кўргазмали адабиётлардан иборат ихтисослашган китоб дўконлари фаолиятини ривожлантириш ҳам алоҳида тилга олиб ўтилди.

Маълумки, авваллари китоб ва китобхонликни кенг миқёсда тизимли тарғиб-ташвиқ қилишга етарли эътибор берилмаганлигини мамлакатимиз жамоатчилиги вакиллари турли йиғин ва машваратларда, оммавий ахборот воситаларида куйиниб гапирганларига гувоҳ бўлганмиз. Қарорда китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга доир тарғибот ишларини тизимли ва самарали ташкил этиш, бу борада китобхонлар, кутубхоначи ва тарғиботчилар ўртасида “Энг китобхон мактаб”, “Энг китобхон маҳалла”, “Энг китобхон оила”, “Энг фаол кутубхоначи” каби кўрик-танловларнинг саралаш ва республика босқичларини ўтказиш белгиланди. Бу эса мамлакатимизда китобхонлик ҳаракати оммавий тус олишига ўзига хос туртки бўлади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятдан муносиб ўрин эгаллаб ва хорижий мамлакатлар билан кенг қамровли сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни йўлга қўйди. Халқимиз, айниқса ёшларимиз жаҳон маданияти ва адабиётидан баҳраманд бўлиши учун кенг имкониятлар яратилди. Сўз юритилаётган қарорда ҳам “жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш бўйича давлат буюртмалари бериш” вазифаси белгиланди. Бу асосан жаҳон адабиётининг нодир намуналарини таржима қилиш ва тарғиб қилишга ихтисослашган “Жаҳон адабиёти” журнали ижодий жамоаси зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

Президентимиз қароридан мазмунан саёз, миллий маънавият ва кадриятларимизга, ахлоқ меъёрларига мос келмайдиган, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган адабиётларни тайёрлаш, босиб чиқариш ва тарқатишнинг олдини олиш юзасидан мутасадди идоралар зиммасига аниқ вазифалар юкланган. Миллатимиз келажакига дахлдор бўлган мазкур масаланинг аҳамиятини ҳисобга олиб, бу борада жамоатчилик вакиллари – ёзувчилар, олимлар, ўқитувчилар, ота-оналар ҳам масъул эканликларини унутмаслигимиз лозим.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ўтган йили сайловчилар билан учрашувларда ва шу йил турли соҳалар вакиллари билан ўтказган видео-селекторларда халқимизни ва, айниқса, ёшларни китоб ўқишга даъват этиб, январь ойида айна масала юзасидан фармойиш ҳам қабул қилган эди. Биз сўз юритаётган қарор ҳам Президентимизнинг бу борадаги изчил сиёсатининг мантикий давоми сифатида юзага чиққан.

Бугун, замонавий ахборот ва инновацион технологиялар ривожидан ҳамда интернет имкониятларидан ақлимиз шошиб қолаётган бир пайтда, одам боласи ҳаётида китобнинг ўрни ва аҳамияти йўқолди, дегувчилар кўплаб топилади. Бу каби қараш ниҳоятда юзаки ва сохта эканлигини ҳаётнинг ўзи исбот этмоқда. Биргина мисол: халқаро тадқиқотлар ва сўровлар ривожланган Ғарб мамлакатларида интернетдан фойдаланувчилар сони қанчалик ошаётган бўлса, китоб сотиб олиш ва ўқиш ҳам худди шунга мувофиқ равишда ўсаётганлигини кўрсатган. Ваҳоланки бу тадқиқотлар интернет технологиялари ниҳоятда тараққий қилган ва унинг хизматлари кун сайин ошаётган Ғарб давлатларида ўтказилган. Бу нарса китобнинг ўрнини ҳеч нарса боса ололмаганлигини, унинг мўъжизавий куч-қудрати олдида интернетдек энг қулай ва замонавий восита ҳам ожиз қолишини кўрсатапти.

Президентимизнинг “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори бугун дунёда шиддат билан кечаётган интеллектуал рақобат ва мусобақа ҳамда халқимизнинг кун сайин ошиб бораётган маънавий эҳтиёж ва талабларига ҳамоҳанг эканлиги билан катта аҳамият касб этади ҳамда мамлакатимиз ва жамиятимиз тараққиётига хизмат қилади.

*Жалолiddин САФОЕВ*





# NAVOIY SABOQLARI



*Алишер НАВОИЙ*

(1441–1501)

## ЮЗИ ДАВРИНДА ҚИРОНМУ...

*Юзи давринда қиронму зоҳир этмиш ул пари,  
Ё қуёш бирла қирон айлабтурур юз Муштари.*

*Йўқса анжум ҳалқа урдилар тамошо қилгали,  
Жилваи хусн айлаганда офтоби ховари.*

*Бу баҳона бирла рухсорига етқайменму деб,  
Риштаи жоним аро тортилди ашқим гавҳари.*

*Гул уза шабнам эмас ул юзда дур монандиким,  
Инфиолидин ботибтур терга гул барги тари.*

*Жолаларнинг лозазор ичра йўқ онча зебиким,  
Лолагун рухсоринг атрофида дурлар зевари.*

*Дур била фахр этмаким, ул беш эмас бир қатра су,  
Панд дуррига қулоқ сол, эй санамлар сарвари.*

*Юзи васфида Навоий доғи айлабтур қирон,  
Назм силкигаки чекмиш дурри маъни ҳар сари.*

**“Наводир уш-шабоб”, 591-газал**

### ЛУҒАТ

**Қирон** – 1) яқинлашиш, интилиш

2) икки сайёранинг бир буржда тўқнашуви, яқинлашуви;

**Муштарий** – Юпитер сайёраси

**Анжум** – юлдузлар

**Офтоби ховарий** – қуёш, шарқ қуёши

**Инфиол** – ҳаяжонланиш, уялиш, хижолат тортиш

**Жола** – дўл, дўл доналари; бу ўринда шабнам, шудринг.

**Беш – кўп, ортиқ**  
**Назм силки – шеър тизмалари**

**Ғазалнинг насрий баёни**

*Дилнавоз ЮСУПОВА шарҳи*

1. Ул пари юзи атрофида қирон зоҳир этиптими ёки куёш билан юз Муштарий орасида қирон (тўқнашув) содир бўлдимиди?
2. Ёки шарқ куёши, яъни ёр ўз хусни билан жилва қилганда юлдузлар уни томоша қилиш учун ҳалқа, яъни доира ҳосил қилдиларми?
3. Шу баҳона мен ҳам унинг рухсоридан бебаҳра қолмай деб, жонимнинг ипи узра кўз ёшларим гавҳарини тиздим.
4. Гул устидаги дурга ўхшаш томчиларни шабнам деб ўйламанг, улар гул баргининг (ёр жамолидан) хижолат тортиб, терга ботгани оқибатида пайдо бўлган томчилардир.
5. Лолазордаги шабнамнинг гўзаллиги лоладек юзинг атрофида пайдо бўлган дурлар безагидан ортиқ эмас.
6. Эй санамлар сарвари, сен бу қимматбаҳо дур билан фахр этма, у аслида бир қатра сувдан ортиқ эмас, ундан кўра панд-насиҳат дурига кулоқ солгин!
7. Навоий ҳам ёр юзи васфида ҳар томонга сочилган маънолар дури-ни бир-бирига яқинлаштириш учун назм сафи билан қирон айлади.

**Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси**

Мазкур ғазал ишқий мавзуда, васф характерида бўлиб, унда поэтик лавҳа яратиш билан боғлиқ хусусиятлар етакчилик қилади, бошқача қилиб айтганда, ғазалда ёр тавсифи учун табиат ҳодисаларининг муайян ҳолати тамсил қилиб олинган. Бир қарашда самовий жисмлар тасвири етакчилик қилгандай тасаввур қолдирадиган ушбу ғазалда шоир ўз муддаоси баёни учун самовий жисмлар (Куёш, Муштарий, юлдузлар) ҳолати тасвиридан бадий фон сифатида фойдаланади. Ғазал матлаъсида ёр юзининг гўзаллигидан ошиқларда унга интилиш ҳосил қиладиган ҳолат Куёшнинг Муштарий сайёраси билан яқинлашувига муқоёса қилинган ва шоир “юз” сўзи билан боғлиқ ҳолда ажойиб ташбеҳ яратган: бири ёрнинг юзи билан боғлиқ бўлса, иккинчиси юзта Муштарий билан алоқадор. Байтнинг умумий маъноси: Ул пари юзи атрофида қирон (унинг юзини кўришга интилаётганлар билан) зоҳир этиптими ёки куёш билан юз Муштарий орасида қирон (тўқнашув) содир бўлдимиди? Байтнинг иккинчи мисрасида ийҳом (икки хил маънодан фойдаланиш) санъати мавжуд. Ундаги биринчи маънодан англашиладиган фикр илми нужум (астрономия) билан боғлиқ: унга кўра, икки сайёра бир бурж остида тўқнашган вақт қирон содир бўлади ва бу пайтда таваллуд топган шахс қирон соҳиби сифатида гўзал тақдирга эга бўлади ёки шу вақт бошланган муайян иш ёки ҳодиса хайрли яқун топади. Бу



ўринда Қуёш ва Муштарий сайёраси орасидаги яқинлашувга ишора бор. Иккинчи маъно: ёки Қуёш (ёр) билан Муштарий (харидорлар) орасида яқинлашув содир бўлдим, бошқача айтганда юзта муштарий (харидор) қуёш юзли ёр жамолига интилдиларми? Демак, бу ўринда Муштарий сайёрасининг танланиши тасодифий бўлмасдан, унинг “харидор”, “талабгор” маъноларини ҳам англашиб келишига ишора қилинган, “юз Муштарий” бирикмаси шу маъно билан боғлиқ ҳолда “юз харидор” (ошиқ) мафҳумини билдиради.

Кейинги байт бевосита шу фикрни янада тўлдиради ва ривожлантиради. Унда гўзал поэтик лавҳа чизилганлигига гувоҳ бўламиз: фалакдаги юлдузлар осмон маликаси – Қуёш жилва айлаб, ўз хуснини намойиш қилганда, уни томоша қилиш учун айлана атрофида бирлашадилар. Учинчи байтда шеърнинг лирик қаҳрамони, яъни ошиқ ҳам ёр хуснига талабгор сифатида шу баҳонада ўз жонининг риштасига кўз ёшларидан гавҳарлар териб, томошага отланади. Кейинги байтларда ёр гўзаллиги тасвири осмону фалакдан гулшанга кўчирилади: ошиқнинг фикрича, гул юзидаги томчилар бу шабнам эмас, балки ёр юзининг гўзаллигидан хижолат чеккан гулнинг юзидаги тер томчилари; лолазордаги шабнамнинг гўзаллиги ёр юзи атрофидаги дурлар безагидан ортиқ эмас.

Мақтадан олдинги байтда анъанавий навоийёна услуб етакчилик қилади: ёр тасвири етакчилик қилаётган ғазал “мавъиза” (панд-насиҳат) руҳидаги байт билан зийнатлантирилади, яъни Навоий байтда санамлар сарвари, у орқали эса барча замондошларига насиҳат қилиб, ўткинчи гўзаллик, ҳойу ҳавасга берилмасликни, балки панду ҳикматни мақсад билиб, унга қулоқ тутиб яшаш зарурлигини уқтиради. Шоир ёр юзи васфида ҳар томонга сочилган маънолар дурини бир-бирига яқинлаштириш учун назм сафи билан қирон айлаганини айтиб, ғазални яқунлайди.

Ғазалда қўлланилган тамсил (биринчи мисрада айтилган фикрга иккинчи мисрада мисол келтириш), тажохули ориф (билиб-билмасликка олиш), ташбеҳ (ўхшатиш) санъатлари шоир ғоявий ниятини амалга оширишга хизмат қилдирилган. Эътибор қаратилса, одатда, Навоий ғазалларида мақсад қилинган фикрнинг баёни учун муайян бир шакл ёки тасвир воситаси асос қилиб олинади. Юқоридаги ғазалда шоир айлана ёки доира шаклини ўз тасвир объекти учун етакчи восита қилиб олганлигини кузатиш мумкин. Ғазалда ушбу шаклга эга тимсолларни санасак, куйидаги манзара ҳосил бўлади: юз, Қуёш, Муштарий, ҳалқа, гавҳар, ашк, дур, жола ва ҳ.к. Уларнинг барчаси тавсифий характердаги ушбу ғазалда ёр гўзаллигини очиб бериш жараёнида муайян бадий функцияни бажарган.

Умуман олганда, ушбу ғазал ёр гўзаллиги тасвири ҳамда табиат ва осмон ҳодисалари параллелизмидан иборат бўлиб, китобхоннинг бадий тахайюлини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ғазалнинг русча таржимаси Всеволод Рождественский томонидан амалга оширилган. Таржимон ғазалнинг тўлиқ ҳажмини сақлаб қолиб, уни аслият каби 7 байт тарзида рус тилига ўгирган. Аввалги таржималарда бўлгани каби ушбу таржимада ҳам асосий эътибор ғазалнинг зоҳирий маъносига қаратилган. Баъзи ўринларда сўзларни ўзгартириб таржима қилиш кўзга ташланади, хусусан, иккинчи байтдаги “ҳалқа урдилар” ибораси “наблюдать из-под бровей” тарзида ўгирилган.



## Ғазалнинг русча таржимаси

Таржимон – Всеволод РОЖДЕСТВЕНСКИЙ

*На лице горит созвездье у красавицы моей,  
Иль то сблизился Юпитер с Солнцем в пламени лучей?*

*Если нет, то это звезды в ожиданье встали в ряд,  
Чтобы утреннее солнце наблюдать из-под бровей.*

*Говорил я: как увидеть мне красу ее лица?  
Слез жемчужины нижу я вновь на нить души моей.*

*Это не роса на розе, но подобие того,  
Как в смущеньи прячет роза капли свежести своей.*

*В цветнике тюльпанов так же ярко градины горят,  
Как жемчужные подвески возле щек, что роз алей.*

*Не гордись же жемчугами — это капельки воды —  
Только жемчуг поучений всех нас делает мудрей.*

*Навои для описанья лика милой брал слова,  
Чтоб низать их, словно жемчуг, поучая тем друзей.*

## Ғазалнинг инглизча таржимаси

Таржимон – Аидахон БУМАТОВА

*Either alignment around face of that peri does exist,  
Or those are hundred Jupiters round the Sun there having tryst.*

*Or have the stars formed a parade in order to admire,  
The ultimate beauty displayed by rising Sun of the east.*

*Craving for the opportunity to see her face by chance,  
My teardrop gems have been strung to the thread of my life in midst.*

*It's not dew on the flower that looks a pearl like drop, indeed,  
The rose petal has perspired – shy of rivalry increased.*

*Beauty of dewdrops on tulips dale would rivalry bear not,  
Against pearl beads of sweat around your face they will not resist.*

*Don't be proud of pearls, they are not worth more than a water drop,  
Mind the pearls of sense, oh monarch of beauty, my words art minced.*

*Praising her face, Navoi too made a gathering around,  
Threaded on poetic stanzas pearls of wisdom it consists.*



**МАНАС**

**ҚИРҒИЗ ХАЛҚ ҚАҲРАМОНЛИК  
ЭПОСИ<sup>1</sup>**

*Қирғиз тилидан  
Зухриддин ИСОМИДДИНОВ  
таржимаси*

Ўзбекнинг “Алпомиш”и, “Гўрўғли”си каби достонлари, юзлаб сеҳрли эртаклари бор. Буларнинг биронтаси йўқолса, ўрнини тўлдириб бўлмайди. Ёки аксинча, халқ оғзидаги бирон асар топилиб қолса, нақд хазинага дуч келган бўламиз.

Қирғизларнинг “Алпомиш”и ҳам, “Гўрўғли”си ҳам, бошқаси ҳам, аввало, “Манас” достонидир. У ҳам типологик жиҳатдан “Алпомиш”, “Гўрўғли”лар билан бир хил, яъни қаҳрамонлик достони. Ва уларнинг аксари деярли бир вақтда – ўтган асрнинг йигирманчи-эллигинчи йилларида ёзиб олинган. Бироқ бизнинг достонлар ёзиб олинган чоғда ўзбекларда эпик муҳит барҳам топиб, бу асарлар бадиий обидага айланган бўлса, худди ўша XX аср бошида қирғиз фольклорига эпик муҳит ҳали барқарор эди. Бу ҳолат то эллигинчи йилларга қадар давом этди. Унинг инерцияси ҳатто ҳозир ҳам сезилади, ҳар беш-ўн йилда янги-янги “Манас”чи оқинлар етишиб чиқяпти.

Аммо бугунги шиддатли давр эпик муҳитнинг яна давом этишига имкон қолдирмади. Шунинг учун, “Манас” эпоси ҳам, қачон ёзиб олинганидан қатъи назар, ўтмиш мероси. Бугунги қирғиз аудиторияси ҳам уни сўз санъати намунаси, бадиий асар деб эмас, ўтмиш обидаси деб билади.

Хўш, ҳозирги ўқувчи “Алпомиш”, “Манас”, “Гўрўғли” каби достонлар, ёки сеҳрли эртаклардан ўзи учун нима топади? Бугунги технология асрида оғир гурзиларни кўтариб от чопган содда ва дўлвор қаҳрамонлар бизга нима бера олади? Умуман, ҳаётни кенгроқ мушоҳада қиладиган бўлсак, бир қадар эртакка, чўпчакка ўхшаб кетадиган бу достонларга бугун зарурат борми ўзи?

Албатта бор. Гап шундаки, сўз ихлосманди бадиий асардан техника ёки технология ютуқларини эмас, ҳис-туйғуларни, инсоний олийжанобликларни қидиради. Ва топади ҳам. Бу соҳада эса, айнан оғзаки ижод намуналари ҳатто анча-мунча бадиий асарларни ҳам ортда қолдириши тайин. Чунки уларда халқ руҳи бутун манзаралари билан, яйраб-ёйилиб акс этади. Техника, технология ҳар замонда янгиланиб туради, лекин ҳис ва туйғулар асло эскирмайди, билъақс, ҳиссиётлар, туйғулар қанча “қадимги”, қанча “эски” бўлса, шунчалик ноёблашиб, қадри ортиб боради.

Қирғиз “Манас” эпосининг таржимаси ҳам бизга шунинг учун керак. Чингиз Айтматов бекорга уни “қадимги қирғиз руҳининг сарбаланд чўққиси” демаган. Бу асар билан танишиб, биз қардош ва кўшни эл – қирғизларнинг миллий руҳини, ўзига хосликларини кўпроқ англаймиз.

<sup>1</sup> Достондан парча.

“Манас” – ҳажман дунёда энг йирик достон. Соғимбой Ўрозбеков айтган биргина варианты 450 минг мисра келади. Яна бир машҳур “Манас”чи Саёқбой Қоралаев эса бу эпосдан қарийб 1 миллион мисрани ёд билганини нақл этадилар. Аёнки, бунча кўламли нарсани юзлаб китоб қилиб нашр этиш амримаҳол. Шунинг учун ҳам Қирғизистоннинг ўзида ҳам “Манас” ҳозирга қадар фақат қисқартирилган ҳолда нашрга тайёрлаб келинган.

Бу асарнинг I бўлим биринчи қисми янада катта қисқартиришлар билан 1964 йилда устод Миртемир томонидан ўзбек тилига ўғирилган. Орадан ўттиз йил ўтиб, 1995 йилда – минг йиллиги нишонланаётган кунлари унинг иккинчи қисмини Султон Акбарий таржима қилди, болалар учун тайёрланган вариантнинг эса Турсунбой Адашбоев ўзбекчалаштирди. Шу ўринда ўтган аср эллигинчи йиллари охирида Фрунзе шаҳрида чиққан “Қирғизистон ҳақиқати” газетаси ходимлари унинг баъзи қисмларини ўғириб, ушбу рўзнома саҳифаларида чоп этиришганини, XXI аср бошларида эса ўшлик айрим қаламкашлар ҳам эпоснинг у ёки бу вариантини ўзбек тилига ағдарилганини қайд қилиб ўтишимиз лозим.

Ҳозиргача “Манас”нинг ёзиб олинган вариантлари сони олтмишдан ошди. Бунча кўп вариантларда (нашр этилган нусхалар орасида ҳам) эпосда тасвирланган улкан эпик воқелик тасвири ва талқинида анча-мунча фарқлар борки, ҳатто энг билармон ўқувчи ҳам унинг асл “ўриш-арқоғи”ни иккинчи даражали, асарга кейин кўшилган эпизодлардан ажрата олмай қолади. Шуни ҳисобга олиб, ёзувчи, Қирғизистон қаҳрамони, профессор Бексултан Жакиев “Манас”нинг “қисқартирилган” эмас, “қисилган” вариантини тайёрлади ва бу хрестоматик нусха илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилиб, барча таълим даргоҳлари – бошланғич ва ўрта мактаблар, олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланмаси сифатида чоп этилди. Диққатингизга ҳавола этилаётган “Манас” таржимаси ана шу нусхага асосланган.

Икки оғиз таржима усули ҳақида. Биз юқорида халқ қаҳрамонлик достонларининг илмий-маърифий жиҳатларига бежиз тўхталмадик. Гап шундаки, бадиҳаан айтиш (бир оннинг ўзида ҳам тўқиб, ҳам ўша лаҳзада ифода этиш, ижод ва ижро жараёнининг омухталиги) бу обидалар матнидан ўта юксак бадиий санъатлар, истиоралар қўллашга имкон бермайди. Уларга халқона соддалик, табиийлик хос, туркий тилларнинг асл хусусияти – жумланинг феъл-кесим билан тугалланиши, мисраларнинг уч бўғинли клаузула билан яқунланиши кабилар хос. Камина таржима матнида ана шундай жиҳатларни имкон борича сақлашга интилдим, мисралар ўрнини алмаштириш, мураккаб перифразалар қўллашдан воз кечиб, “Манас”чи оқиннинг ўзи тузиб, ўзи тизган жайдари сўз ва ифодаларни имкони борича ўзгартирмасликка интилдим, “бадиий” ўғиришдан кўра илмий-адекват таржима қилишни (бу ўринда) афзал билдим. Дарвоқе, ҳозир дунё эпосларини шу принцип асосида таржима қилиш тамойили етакчи ўринга чиққан. Бу усулда қилинган таржималар матнига таяниб, шу асар ҳақида бемалол илмий иш қилиш мумкин. Боз, боя айтилганидай, асар аслиятига хос тароват улардан кўпроқ уфуриб туради.

Таржимондан

## ДОСТОН БОШЛАМАСИ

Э...э...э...эй, бурунгининг эртаги,  
Бошласа бўлар эрмаги.  
Оталарнинг эртаги,  
Айтмай кетсак бўлами?  
Кўпи тусмол, кўпи чин,

Кўпчиликнинг кўнгли-чун.  
 Кўриб қайтган киши йўқ,  
 Кўшиб айтган билан иши йўқ.  
 Ярми тахмин, ярми – чин,  
 Ёронларнинг кўнгли-чун.  
 Ёнида бўлган киши йўқ,  
 Ёлғони билан иши йўқ.  
 Уламодан уққан сўз,  
 Олимлардан юққан сўз.  
 Қарилардан қолган сўз,  
 Халқ ичидан олган сўз.  
 Турфа масал, тўлган сўз,  
 От кўтармас бўлган сўз.  
 Орсизлардан оғриниб  
 Азамат эрга кўнган сўз.  
 Эранлардан<sup>1</sup> қолган сўз,  
 Энчи қилиб олган сўз.  
 Нақ юракка ботган сўз,  
 Дилда қайнаб, қотган сўз.  
 Ёвга отланган ботирнинг  
 Ён яроғи бўлган сўз.  
 Бўрон-довулли белдан  
 Беш айланиб ўтган сўз.  
 Боласига отаси  
 Мерос қилиб кетган сўз.  
 Ёзилган бир номадай  
 Қулли юртга маъқул бўп,  
 Унутилмай етган сўз.  
 Қанча замон бу дoston  
 Тилда тошиб сел бўлган.  
 Ҳормас-толмас эрлари  
 Ғайрат берар бел бўлган.  
 Ул замондан то ҳануз

Тўккан қумдай кун ўтди,  
 Ёришмас неча тун ўтди,  
 Не-не полвон, шер ўтди,  
 Алвон-алвон эл ўтди.  
 Олишган ёвни ер қилган  
 Оз эмас, кўп эр ўтди,  
 Эллик йилда – эл янги,  
 Юз йилда буткул ер янги.  
 Боболардан сўз айтган  
 Биз эканмиз, бериёғи.  
 Талай эрлар кўз юмиб,  
 Қонлари сувдай оқибди...  
 Найзани кўксига қоқибди,  
 Қилични силтаб чопибди.  
 Ул замондан то бу кун  
 Ғов бузилиб, сой бўлди,  
 Остин-устун айланиб,  
 Сой бузилиб, тоғ бўлди.  
 Тоғлар кўчиб, боғ бўлди  
 Қаққайиб турган заминнинг  
 Қай ери қачон соғ бўлди?  
 Оти қолмиши, ўзи йўқ,  
 Не-не эллар йўқолди,  
 Денгиз қургаб, чўл бўлди,  
 Чўллар ботқоқ, кўл бўлди,  
 Дала бир кун қир бўлди.  
 Бурунгининг алпи кўп,  
 Алтидан ҳам гапи кўп.  
 Бош айлантган урфи кўп,  
 Урф-одати турфа, кўп.  
 Бари гўзал, бари хўб.  
 Айтар сўзга шошмайлик,  
 Ойкўл Манас ботирнинг  
 Достонини бошлайлик.

## АЛОКЕ ХОННИНГ ҚИРҒИЗЛАРНИ ҚИРГАНИ

Аждодлари бари хон,  
 Олдида Хизр дориган.  
 Туб отаси Қирғиздан  
 Тўққан экан Қорахон.  
 Қорахондан Ўғузхон.  
 Ўғузхондан Аланча,  
 Аланчадан Бойғурхон.

Бойғурхондан Бобурхон,  
 Бобурхондан Тўбайхон  
 Тўбайхондан Кўкайхон,  
 Кўкайдан Чийир, Шийгадир,  
 Яна бир ўгли Нўғайхон.  
 Ўрозду, Усан, Бой, Жақип  
 Нўғайхондан тараган.

<sup>1</sup> Эран – баҳодир.

Гайраты зур, захри куч,  
 Қотилганни ер қилган  
 Қоплон экан Нүзайхон,  
 Қайтмас бұлиб тузилган  
 Ҳаммага донги уқилган.  
 Ғазабига текканда,  
 Хитойга қараб ўқ узган.

Шул Нүзайхон ўлганда,  
 Қайтиб келмас чин жойни  
 Шундоқ эран кўрганда  
 Қорахитой, Манжу<sup>1</sup>дан  
 Алоке деган хон чиқиб,  
 Ҳайбатидан жон чиқиб,  
 Не дарахт бор – қулатиб,  
 Не иморат – сулатиб,  
 Гофил ётган қирғизни  
 Ғаним билиб, қирди-ку!  
 Ўшанда хитой Алоке  
 Ўрдани ёқиб кул қилди.  
 Хотин-қизни ҳеч кўймай,  
 Қамаб, бойлаб, тул қилди,  
 Бошига азоб солди, ҳа,  
 Ошига заҳар солди, ҳа.  
 Хонсиз қолган, довдираб,  
 Талон бўлди шўрлик эл!  
 Адирда йилқи олти сон,  
 Алоке бойлаб кетди уни.  
 Тоғдаги йилқи тўққиз сон,  
 Алоке ҳайдаб кетди уни.  
 Нүзайхоннинг Жақипи  
 Эргашиб юриб, эр бўлиб,  
 Эр ўгли билан тенг бўлиб,  
 Эгарлаб отга минганда,  
 Эплаб-сеплаб юрганда,  
 Оқболта оғанг борибди,  
 Жақипга ўғит берибди:  
 – Биз қадимдан эл эдик,  
 Она туққан эр эдик.  
 Қора халқ гамин билмай,  
 Қазы-қарта ер эдик.  
 Бундай тирик юргандан  
 Не муродга етайлик?  
 Ҳаддан ошди бул хитой,  
 Ҳарб солишиб кетайлик!

Оқболта аслин сўрасанг,  
 Нўйғут<sup>2</sup>дан чиққан жон эди  
 Алокега таланиб,  
 Ороми кетган инсон эди.  
 – Ўлсак – бирга ўлсак, – деб,  
 Таслим бўлиб тургандан,  
 Қўл солишиб кўрсак, – деб  
 Қисталанг қилди Жақипга.

Яроқлилар шайланиб,  
 Белига қилич бойланиб,  
 Танлаб тулпор от олиб,  
 Кулли юртдан фотиҳа олиб,  
 Қирон Болта оғангиз  
 Олтмиш сарбоз қўл<sup>3</sup> бошлаб,  
 Олдига тушди йўл бошлаб.  
 Қўққисдан худой қўллади,  
 Қангай<sup>4</sup>нинг саксон полвони  
 Тўқсон беш туя юк тортиб,  
 Нуқул зар – тилла ортиб,  
 Кундузи тиниб, тун қотиб,  
 Хитойга жўнаб қолгани.  
 Оқболта, Жақип аларни  
 Далада тутиб олгани.  
 Тош-талқонин чиқариб,  
 Кўймай қириб солгани.  
 Алоке хоннинг олдига  
 Югурук деган полвони  
 Қочганича қутулиб,  
 Омон етиб боргани.  
 Хабарчи бунга айтган сўнг  
 Карнай-сурнай чалиниб,  
 Довулар қаттиқ қоқилиб  
 Хитой қўшин ёпирилиб,  
 Қангиллаб жўнаб қолгани.  
 Шўрлик қирғиз бошига  
 Бор азобни солгани.  
 Ҳисобсиз жонлар қирилди,  
 Қизлари ўлжа қилинди.  
 Саноқсиз қирғиз эл эди,  
 Сони қолмай, таради.  
 Гайратлини бойлади,  
 Тутиб олиб, жойлади.  
 Уларнинг фарзандларин  
 Чўри-кул қилиб тайлади.

<sup>1</sup> Қорахитой, манжуу – Олтойдаги элатлар.

<sup>2</sup> Нўйғут – қирғизларнинг бир уруғи.

<sup>3</sup> Қўл – лашкар.

<sup>4</sup> Қангай – қалмоқ босқинчилари



Эркиман ётган қирғизнинг  
 Шуйтиб шўри қайнади.  
 Юртнинг бари чопилиб,  
 Ўлайин деса, ўлолмай,  
 Эрки кетган шўрлик эл  
 Ҳоли танг бўлди шундай!  
 Ўз жойидан қирғизни  
 Битта қўймай кўчирди.  
 Илож қолмай яшарга  
 Кимдир кетиб Попонга,  
 Кимдир тенгиб Олтойга,  
 Бирови кетиб Қангайга  
 Бирови кетиб Масчоҳга  
 Биров тушиб кетди чоҳга...

Усаннинг қўлин бойлади,  
 Ўрканни кўзлаб ҳайдади.  
 Бойнинг ҳам қўлин бойлади,  
 Желпиниш ёққа ҳайдади.  
 Туннинг ўғли Ўрозни  
 Ҳайдадилар узоққа.  
 Оқболта билан Жақипни  
 Туширдилар тузоққа.  
 Овули билан кўчириб,  
 Олтмиш жайсанг, кўп қалдай<sup>1</sup>  
 Ўраб олиб ҳайдади,  
 Олти хўкиз, тўрт хачир,  
 Кучини бериб ҳайдади.  
 Олти эчки, уч сизир  
 Сутини бериб ҳайдади.  
 Қуёш чиқар, ой чиқар,  
 Ботқизмай ҳайдаб боради.  
 Икки қуни бир ерга  
 Ётқизмай ҳайдаб боради.  
 Ортда тоғлар, бел қолди,  
 Кўз илгамас чўл қолди.

Илиннинг боши Учорол  
 Олтой деган ер экан.  
 Бу Олтойни ерлаган  
 Қалмоқ, манжуу эл экан.  
 Қирқ уйлик бу қирғизлар  
 Қора қалмоқ, манжуудан  
 Эчкининг қотган мойин еб,  
 Ёрдамчи бўп, сут ичиб  
 Қунин кўрди амаллаб,  
 Йилқи ёйиб, от миниб.

Олтойлик қирғиз ичида  
 Ақли ўткир Оқболта  
 Қўлга илинар жонлиқ –  
 Қирғизман келган кўк буқа.  
 Кўк буқани сўйишиб,  
 Оганг Болта қирғизга  
 Ўғит айтар шангиллаб:  
 – Қайғурсак ҳам, куйсак ҳам,  
 Энди у юрт топилмас.  
 Тирикчилик кўп азоб,  
 Кетмонлаб ерни қазайлик.  
 Қун кўргувчи гарибмиз.  
 Қора қалмоқ, манжуунинг  
 Ўртасида қолибмиз.  
 Номи Олтой ер экан,  
 Қора қалмоқ, бу манжуу  
 Ошлиқ<sup>2</sup> билмас эл экан.  
 Ўриб-йиғсанг, экиннинг  
 Товоғин тойга сотасан.  
 Ҳаққинг меҳнат оқлайди,  
 Мўл-кўлликка ботасан.  
 Оч қолганлар тўяди,  
 Шунда Жақип сўйлади,  
 Ҳар томонни ўйлади:  
 – Озиб келган қирғизим,  
 Оқболта сўзин олайлик.  
 Манглайдан тер оқизиб,  
 Деҳқон бўлиб қолайлик,  
 Шуйтиб бойлик топайлик.

Қирқ уйлик қирғиз бариси  
 Хизматда ёшу қариси.  
 Жабдуқларни шайлабди,  
 Қўш-қўш хўкиз ҳайдабди.  
 Ернинг юзин очибди,  
 Ҳовучлаб дон сочибди.  
 Баҳор ўтди, ёз кетди,  
 Ҳосилдан оғоз етди.  
 Қизариб турган хирмоннинг  
 Ҳовучин қўйга сотишиб,  
 Тогогин тойга сотишиб,  
 Гўё олтин кон қазиб,  
 Қазиб олган олтинин  
 Тўрвага солиб, қоплабди.  
 Керак деса, қалмоққа  
 Нақд ақчага сотишиди,  
 “Меҳнатимиз қайтди” деб,  
 Даромадга ботишиди.

<sup>1</sup> Қалдай – қалмоқ, мўғулларнинг амалдори.

<sup>2</sup> Ошлиқ – буғдой.

Азоби кетиб, Жақипнинг  
Армони қабул бўлибди,  
Тўрва, сандиқ бариси  
Тилло, пулга тўлибди.  
Манжуу, қалмоқ ичида  
“Бой Жақип” бўлиб қолибди.

Мол-мулки кўп бой бўлиб,  
Тургани Олтой жой бўлиб,  
Борди-келди бул ерда  
Манжуу, қалмоқ эл бўлиб,  
Ўсар кун ийўқ бўлиб,  
Ўлар кунин ийланиб,  
Дилида алам, хор бўлди,  
Бир болага зор бўлди.  
Юрса-турса бола деб,  
Бир тирноқни кўрган ийўқ,  
Тирик мурда, ўлган ийўқ.  
Эгамдан фарзанд тилади:  
“Ажал аниқ, чора ийўқ,  
Мендайн бечора ийўқ.  
Охирага юзлансам,  
“Отажон” деб ортимдан  
Қайғиргувчи бола ийўқ.  
Қурч темирдан ойболта,  
Қарсиллатиб ким соплар?  
Қачон шўрлик бу элга  
Хон бўлар эр топилар?”

Жақип бойнинг оғаси,  
Отаси билан ога-ини,  
Чийир отли киши эди.  
У Чийирнинг хотини  
Булгор хони Эштекнинг  
Шақан деган қизи эди.  
Чийирнинг кўзи ўтган сўнг,  
У дунёга сафар тортган сўнг,  
Қалмоқнинг қалдайига<sup>1</sup>  
Юқуниб Жақип борибди:  
Чийирнинг есир хотини –  
Янгамни олиб, боқай” деб,  
Чин уриниб, олибди.  
Шақанни қалмоқ шу бўйи  
Чийирди атаб қолибди.

Бойвуччаси Чийирди  
Бойидан бир кун гап сўрар:

– Нега мунча эзилиб  
Қайғудасан? – деб сўрар.  
– Яйловдан келдинг оғриниб  
Қовоғинг қарич солиниб,  
Кўзингдан оқар қора ёш,  
Бот не азоб топилиб?..  
– Қуриб кетсин бу дунё,  
Қоқбоши Жақип атандим.  
Ёшим, мана, қирқ саккиз,  
Кунда-тунда тиним ийўқ.  
Дунё топдим армонсиз.  
Охирага ийўл олсам,  
Олтин-кумуш пул қолар.  
Сонсиз молим эгаллаб,  
Олтойдаги қул қолар.  
Ҳаволаб учкан оқ шунқор  
Тоблаб солувчи кишим ийўқ.  
Ёшлик чоғдан мол ийғдим,  
Бола билан ишим ийўқ.  
Мол ийғдим дегани чала экан,  
Дунёнинг эгаси бола экан.  
Ортингда бола ийўқ бўлса,  
Қуриб кетсин бариси,  
Бузилиб кетар қалъа экан.  
Эл-юртнинг бари сени айтар,  
“Хотини бор, туғмас!” деб.  
Икки хотин олганим,  
Туёқ кўрмай, зорладим.

Бой Жақип, ҳа, шуни айтди,  
Бойвуччасин мунгайтди:  
– Юзимни ерга қаратди,  
Азобга худой яратди.  
Элликка ёшим етибди,  
Эҳ-ҳа, йиллар ўтибди,  
Эсимдан бола йитибди.  
Эркатоё ёш тўқолинг<sup>2</sup>  
Нега туғмай ётибди?  
Бахтдават оти қўйилиб,  
Бола туғиб бергандай,  
Босиб юрар ёйилиб.

Чидаёлмай Бахтдават:  
Мен шўрликни қопди деб!..  
– Отажон сенга эргашиб,  
Этагимдан қон чиқмай,  
Йўлинг тутиб кетдим! – деб,  
Бахтдават чиқиб кетибди.

<sup>1</sup> Қалдай – қалмоқ амалдори.

<sup>2</sup> Тўқол – иккинчи хотин.

Буни уққан бойвучча  
Кўзидан ёши тўкилиб,  
Бўғини бўшаб йиқилди,  
Юк<sup>1</sup> тагига биқиниб:  
“Тингла, Тангрим, зоримни

Омон кўйиб чолимни,  
Ёшартиб бер жонимни!  
Оллоҳ, берсанг тилагим,  
Садқа бўлсин мол-жоним,  
Йиққан барча анжомим!”

## ЖАҚИП, ЧИЙИРДИ ВА БАХТДАВЛАТНИНГ ТУШИ

Йиглаб ётиб бойвучча  
Уйқуга кўзи борибди.  
Оқ соқолли бир одам  
Яқинига дорибди.  
– Парвардигор худойим  
“Қайгурмасин, деб, сени  
Мени атай юборди.  
Лагандай манов оқ олма  
Асалдан ширин бол олма  
Тут қўлингга, олма, – дер,  
Нафсинг қонсин, ямла, – дер.  
– Айтган сўзим уқ, – деди,  
Олтмиш қулоч аждарҳо,  
От ўрнига мин, – деди.

Тушида еган оқ олма  
Курсоғига тўлибди  
Олдидаги мингани  
Аждарнинг ўзи бўлибди.  
Қаҳрланиб ҳўп тортса,  
Кенг оламни сўрибди.

Ўшал дамда ўйготиб,  
Бердике кириб борибди:  
– Бойвучча, бойга нетди? – деб,  
Оти қочиб кетди, – деб.  
– Ҳакимбек ўғли Менглибой  
Ортидан қувиб кетди, – деб.  
– Бойловчи бола бўлмаса,  
Бул семирган тўнғизни  
Бойвучча ё тўқоли  
Бойлаб кўймай нетди, – деб.

Қирдан ошган Менлибой  
От қувганча йўқ бўлди.  
Қош қорайиб, тун бўлди,  
Менглибойга не бўлди?..

Менглибойнинг энаси  
Оғзи шалоқ Хонимжон  
Ётиб келса қошига,  
Жақип ухлаб қолибди  
Ёстиқ тортиб бошига.  
Буни кўриб Хонимжон,  
Жанжални катта олибди.  
Чийирдига қарата:  
– Қачондан боши бойланган  
Малайинг бўлдик? – деб айтди.  
– Ўн бир ёш болам йўқолди,  
Йўлиқса йўлбарс олмасми,  
Қотилса қобон чалмасми!  
Бола нима, билмайсан,  
Ўхшатсам дейсан ўзингга,  
Боятдан бери сўз айтсам,  
Қуриган қоқбош Чийирди,  
Қулогингга илмайсан.  
Дарров уйғот чолингни,  
Йўқолса болам, ўрнига  
Олмасман дунё, молингни!

Бойвучча бунга орланиб,  
Жақипга сўзлар зорланиб:  
– Топиб берсанг-чи, боласин,  
Толиқиб ухлаб қоласан!  
Кечқурун келдинг, йиқилдинг,  
Керилиб ухлаб, не қилдинг?  
Ҳаром ўлгур Тугчуноқ  
Адирни кўзлаб кетганми?  
От қочгани – ёмон фол,  
Ажалинг сенинг етганми?

Бой Жақип ётган ўрнидан  
Бош кўтариб, кўзгалди:  
– Қайгурма кўп, кампири,  
Қодир Оллоҳ буюрса,

<sup>1</sup> Юк – ўтовдаги кўрпа-тўшак, сандиқлар турган жой.

Қайта тўлар кемтигинг.  
Бойвучча, эшит сўзимни,  
Қудрати зўр Худойим  
Қувнатар экан кўзимни.  
Кароматли туш кўрдим,  
Тушимда ажиб иш кўрдим!

Бахтдавлат туриб, муни айтар:  
– Мен ҳам яхши туш кўрдим,  
Бир булакча иш кўрдим.  
Бўз-ола лочин, занжири мис,  
Қўкси қора, абжирмиш.  
Ўнг қўлингга олибсан.  
Осмонни кўзлаб солибсан.  
Бойвуччанинг уйинда,  
Балдоғи олтин туурда<sup>1</sup>  
Тек ўтирмай, талпинар.  
Аямай мол сўяйлик  
Қурбонлик қилиб қўяйлик.

Жақипнинг жони чиқди:  
– Шунча молни қирайми?  
Моллар тамом сўйилгач,  
Сенинг тушинг кўрайми?  
Бойлик, қут-ку, мол деган,  
Тирикчилик мол билан,  
Ғашга тегар сўз бошлаб,  
Қуриб кетсинг ҳангоманг!

Ташқарида тонг отар,  
Биров сўзлаб ётгандай  
Бой Жақипга қарата:  
“Отажон, нега қайғурдинг  
Ақл-хушдан айрилдинг,  
Армонинг не, болами,  
Ё, ниятинг чалами?”

Қулоқ солиб сўзига,  
Ёлғиз турган бой Жақип  
Ёш чиқарди кўзига.  
Ёнига келиб Бахтдавлат  
Бой Жақипга гап солди:  
– Нега аяйсан, ҳей чол,  
Ҳеч жойга сизмас кўп молни?  
Дунёинг кўп, чаланг йўқ,  
Лек гамгинсан, боланг йўқ,  
Мол-дунё кўп, элинг йўқ,  
Пайқаб кўрсам, ўзингни

Юрт сўргулик эпинг йўқ.  
– Бўпти, маъқул, – деб, Жақип  
Бойвучча уйин кўзлади.  
Ортидан келган Кишимжон  
Дод-вой солиб бўзлади:  
– Болам кетган шом пайти,  
Қўрқиб ўтказдим тунимни,  
Тонг отгунча бўзласам,  
Ҳеч уқмадинг унимни.  
Ортидан бориб қўймадинг  
Қоқ бошлигинг билинди!

Шунда Жақип гап айтди:  
– Бир от бер, ҳой, – деб айтди.  
Берингиз бир от, минайин,  
Боласин топиб, тинайин.

Қўйчивоннинг бўз отин  
Тўқимлаб минди бой Жақип.  
Кенг далада, ҳар ёққа  
“Менглибой!” лаб ўр тортиб,  
Қирлаб кетди бой Жақип.  
Кексайганда жонини  
Қийнаб кетди бой Жақип.  
“Ўлгандир”, деб болани  
Ўйлаб кетди бой Жақип.  
Тўқай қолмай, тош қолмай,  
Синлаб кетди бой Жақип.

Ҳаром қотқур Туғчуноқ,  
Бир гўрдан чиқди топилиб.  
Оқ йўлбарснинг териси  
Отига турар ёпилиб.  
Уни кўриб Жақипнинг  
Эс-хуши кетди сочилиб:  
“Болани йўлбарс олганми,  
Фалокатни солганми!  
Отим-ку, омон топилди,  
Топилгани ҳам қурсин,  
Оқ йўлбарснинг териси  
Қандоқ қилиб ёпилди?!”

Шул аснода тўқайдан  
Менглибой чиқиб келгани.  
Саросима Жақипга  
Жилмайиб салом бергани:  
– Минган отинг Туғчуноқ  
Қочган экан, тутай деб,

<sup>1</sup> Туур – ов қуши қўндоғи.

Ғунон билан қувгандим.  
 Энди отга етганда  
 Қош қорайган чоғ эди,  
 Қирдан чиқиб қийқириб,  
 Қирқ бола етиб келди-ку:  
 “Бой Жақип!” деб бақирар,  
 “Манас!” деб урон<sup>1</sup> чақирар.  
 Тўқайга отинг етканда  
 Йўлбарс чангал соларда,  
 Йўлдош бўлган бир бола  
 Гурзи солса, Тугчуноқ  
 Йўлбарсни тепди чунонам.  
 Бола ҳам гурзи ургани,  
 Билмай қолдим мен чини  
 Тугчуноқ қорнин ёрганин,  
 Ё бошқа урганда боланинг  
 Гурзисидан ўлганин.  
 Йўлбарсни болалар сўйишиди,  
 Отингга ортиб қўйишиди.  
 Қирқ бола бўлди йўлдошим,  
 Қизик иш кўрди бу бошим.  
 Салқинлаб сувни бўйладим,  
 Тонг откунча ўйладим.  
 Бор бўлган болаларни  
 Нега йўқ деб алдайсан?  
 Қирқта ўғлинг бор экан,  
 Ана энди қандайсан?  
 – Болам, мазах қилмагин!  
 Энанг ҳам хўрлаб гапирди.  
 Тун ярмидан ухлатмай,  
 Жонимга солди жабрни.  
 Кетайлик уйга, юргин, – деб,  
 Болаю отни олиб,  
 Борди Жақип уйига  
 Кўп гап келди ўйига.  
 Бойвучча билан Бахтдават  
 Чопиб чиқди суюниб.  
 Хонимэсон келди қошига,  
 Боласин кўриб, қурғурнинг  
 Бағри тўлди ёшига.

\* \* \*

Атрофида Жақипнинг  
 Етмиш уйлик бор экан.  
 Элик ёшига чиққунча,  
 Тўққиз йилқи, тўқсон қўй,  
 Етти қорамол сўйиб,

Икки туя эт қўйиб.  
 Мунча эҳсон қилмаган.  
 “Жақип бир иш кўрди” деб,  
 Эл-юрт бари тонг қолди.  
 Дастурхонга чақирди  
 Ўн икки уруғ қирғизни.  
 Сўз бошламай аввали  
 Элга товоқ киргизди:  
 – Тушимда бир қуш олдим,  
 Туманли ерга солдим.  
 Қий-қув қилиб ун солса,  
 Қушдан бўлак уни бор.  
 Қуйруқ-боши ялтиллаб,  
 Қувдан ҳам оқ жуни бор.  
 Ҳайбат билан қараса,  
 Алл қорақуш жўни бор.  
 Оёқ пати – сари олтин,  
 Қанот жуни бари олтин.  
 Бўйнидаги пари олтин.  
 Чангали пўлат-темирдан,  
 Тошни тутса – хамирдай.  
 Тумишуги чўян қарчигай,  
 Тирноги тошни арчигай.  
 Олтмиш қулоч ипак боз  
 Оёғига тақибман.  
 Ой шўъласин ем қилиб,  
 Аямай сийлаб боқибман.  
 Осмондаги парранда  
 Ҳайбатидан учолмас.  
 Ердаги ҳар жонивор  
 Елиб чиқиб қочолмас.  
 Қўнсин деб туур жойлабман,  
 Ола бўйин оқ шунқор  
 Унга қўшиб бойлабман.  
 Бир яхшилик бўларми?  
 Қани, йўйинг бўларин.  
 Қумуш қанот сор лочин  
 Қачон келиб қўнарин!  
 Бойвуччам ҳам туш кўрмиш,  
 Бир ажойиб иш кўрмиш:  
 Олма еб, бағри тўлибди,  
 Олтмиш қулоч бир аждар –  
 Отмисан от бўлибди.  
 Бул тушларни йўйингиз,  
 Оқил одамлар айтсин,  
 Қандай бўлар ўйингиз?  
 Тўқолим ҳам туш кўрмиш,  
 Тушида икки қуш кўрмиш,

<sup>1</sup> Урон – жанговар исм, ҳар бир қўшиннинг махфий сўзи.



Бағри қора, бүйни бұз,  
Пұлат чангал, бутти жез,  
Күндокқа тўғри жойламиш,  
Хотиним икковин бойламиш.  
Бул нимаси бўлсайкин?  
Айтинг, күнгил тўлсайкин!

Жақип бой қизиб, чўғ бўлди,  
Ёр-ёронлар бариси  
Айтарга сўзи йўқ бўлди.  
Қанча фурсат ўтганда  
Ош қайнашга етганда  
Оқболта гапни бошлади:  
– Жақипнинг туши – туш экан,  
Ўнгидан келар иш экан.  
Қуш кўринган – боладир,  
Фарзанди йўқ бўлган-чун  
Жақип күнгли оладир.  
Ой теккан ернинг барисин  
Олар экан болангиз.  
Кун теккан ернинг барисин  
Кутар экан болангиз.  
Оёғига таққанинг  
Олтмиш қулоч ипак бог  
Ой шўъласин ем қилиб  
Ором бериб боққанинг –  
Олтмиш ёшга чиққунча  
Ҳоким бўлиб, юрт сўраб  
Олар экан дунёни.  
Арвоҳ кўниб бошига,  
Оллоҳ-таоло суйгани.

Аждарҳони от қилиб,  
Бойвуччанг миниб юргани –  
Шул боланинг арвоҳи  
Дунё юзин сургани.  
Аждар каби ҳайбатли  
Эркак бола эр бўлар,  
Эррайимнинг бариси  
Ҳисоб бериб, эл бўлиб,  
Қарар экан кўзига.  
Қора тоғдай чўнг хислат  
Кўнар экан ўзинга...

Бой Жақип бўзлаб йиглади  
Оқболтанинг сўзидан.  
Бойловдаги оқ шунқор  
Кетмас эди кўзидан.  
– Оқ шунқор кўшиб бойладим,  
Буни ҳам йўйиб бер, – деди.  
Бахтдаватнинг тушинда  
Бойланган икки қуш, – деди.  
– Шунни айт, қандай иш? – деди.

Оқболта туриб гап айтар,  
Гап айтганда зап айтар:  
– Бахтдават тугар қўш ўғил,  
Эгалларкан икковлон  
Оғасининг жойини.  
Дил чигилин ёзгандай  
Кўрибсизлар учовинг  
Тушининг асл, бойини.  
Фотиҳа ўқиб, кетишди,  
Жақип қувончга етишди.

## БОТИРНИНГ ТУҒИЛИШИ

Ўшандан сўнг билинмай  
Икки йил ўтиб кетибди.  
Чийирди бўйида бўп,  
Тамом уч ой ўтибди.  
Бойвуччанинг тилаги –  
Есам, – дер, – йўлбарс юрагин.  
Шуни дер фақат, тамом.  
Маъқулмас бошиқа таом.  
Йўлбарс юраги қайда?  
Йўлбарслар олис тоғда  
Шўрлик күнгли алағда.  
Йилқичи хабар бергани:  
“Қангайнинг Қора мергани

Йўларс отди” дегани.  
Муни уққан Чийирди  
Қора қулоқ зўр ёмби<sup>1</sup>  
Кўрсатди унинг кўзига:  
– Ёриб йўлбарс юрагин  
Опкел, – деди, – ўзимга.  
Йилқичи бунга тонг қолди,  
Ҳаққига ёмби олди  
Елдай учиб, тўқайга  
Борса, йўлбарс ётибди,  
Танаси музлаб, қотибди.  
Йўлбарс юрагин олмиш,  
Орқасига йўл солмиш.

<sup>1</sup> Ёмби – қуйма олтин.

Йилқичилар бир жойда  
 Бия сўйганин кўрди.  
 Семиз бия чўзилиб  
 Бошин қўйганин кўрди.  
 Униям олди юрагин,  
 Қўша қилиб берсам, деб.  
 Бойвуччамиз не қилар,  
 Ана шуни кўрсам, деб.  
 Йилқичи келиб қолгани  
 Юракни кўлга олгани.  
 Жилмайганча бойвучча,  
 Йилқичига гап айтар:  
 – Бадалбой болам, – деб айтар,  
 – Икки юрак нимаси?  
 Йўлбарслар йўлда ётганми?  
 Қангайнинг Қора мергани  
 Қаторлатиб отганми?  
 Ё, мол юрагин йўлбарс деб,  
 Егунча шўрим қотганми?  
 – Бири молнинг юраги,  
 Бири йўлбарс юраги.  
 Балким дори қилсангиз,  
 Бўлиб қолар кераги?

Чалқайиб босиб бойвучча,  
 Челақка сувни олгани.  
 Қопқоқли мис қозонга  
 Икковини солгани.  
 Чала-чулпа пишириб,  
 Ҳаммасини ямлади.  
 Бошқоронгулик ариб,  
 Азоблари қолмади.

\* \* \*

Бола бўйга битгандан  
 Тўққиз ой ҳам ўтибди.  
 Яна тўққиз кундан сўнг,  
 Қоқ тўлгоги етибди.  
 Бойвучча муниси сезибди,  
 Азобидан безибди.  
 Оқбўз бия сўйилди,  
 Олтин товоқ қўйилди.  
 Уни тутиб, бойвучча  
 Айҳой солиб бақирди,  
 Қўшнилари чақирди.  
 Қўзгалган сари бойвучча  
 “Вой-вой!”ин айтиб зорланди.

Бола қимирлаган он  
 Кўз олди қораланди.  
 Белдамчининг иплари  
 Беш жойидан узилди.  
 Айҳойи тинмай, бойвучча  
 Туйнукка боқиб эзилди.  
 Ҳар дақиқа ўтгунча  
 Азоби ортиб, дод солди:  
 – Менинг бошимни ер болами,  
 Ё, ёриб, ичдан олами?!  
 Жонимни еяр болами,  
 Жақипим есир қолами?!

Етти кун тортди тўлгогин,  
 Дармони қуриб, ҳориди.  
 – Тўлгоги ҳам тўлди, – деб, –  
 Туғар кунни бўлди, – деб,  
 Бердибойнинг хотини  
 Безовта бўп қолибди,  
 Акимбекнинг хотини  
 – Ҳа, шундай, – деб қолибди.  
 – Худой берса, туғар, – деб,  
 Оқболтанинг хотини  
 Қўрқиб қолган Жақипнинг  
 Қўлоғига солибди.

“Бойвучча туғар” деганда,  
 Бой Жақип йиғлар зор-зор:  
 – Болага бўлдим интизор,  
 Суюнчи деган жонларга  
 Ҳеч аямай отларнинг  
 Қирқ-эллигин бойлайин.  
 Ўғил деб биров юурса,  
 Қинидан чиқар юрагим.  
 Ҳозир йўқдир керагим,  
 Секин чиқиб кетайин,  
 Овулдан олис жойга  
 Ошиқмасдан етайин.

Шуни айтиб бой Жақип,  
 Қил арқон керма<sup>1</sup> шайлатди,  
 Қирқдан ортиқ мол-қўйни  
 Суюнчига бойлатди:  
 – Қиз туғса, уйда қол баринг.  
 Қимирлама ҳеч биринг.  
 Ўғил туғса, чопинглар,  
 Даладан мени топинглар.  
 Суюнчиси нақд бўлар,

<sup>1</sup> Керма – арқондан қилинган от бойланадиган дор.

Ким олса, хушвақт бұлар.

Жақип бой йўлга тушибди  
Назари чўлга тушибди.

Бўз айғир уюридан

Қора ёл қула<sup>1</sup> бия

Сағрин букиб қолибдир.

– Бугун бұлса-бўлмаса,

Қула биям тугар, – деб, –

Эркак бұлса қулуни,

Энчилай, – дер, – боламга.

Аймонбўз деб от қўяй

Бу тугилар қулунга.

Парвардигор, давлатинг

Еткизгин, – дер, – қулингга!

Хотиним тугса бир ўгил,

Сонсиз йилқи молимга

Йўрғабўз деб от қўяй,

Анов турган айғирга

Қамбарбўз<sup>2</sup> деб бот қўяй”.

Йилқи бари дупурлаб,

Жилгага кириб боргани.

У ён-бу ён одимлаб,

Бир ерда туриб қолгани.

Нари-бери ўт чимдиб,

Чивин ҳайдаб, қичинди.

Ётиб-туриб қула бия

Тугай турган кўринди.

Ортидан борган бой Жақип

Ичидан ўтар қиринди.

Уни ташлаб солайлик,

Бойвуччаси Чийирди

Ҳолидан хабар олайлик.

Тўлгоги етти кун бўлган,

Тўлгоги мунча ким бўлган?

Ўн икки хотин хўп тортди,

“Қўллагин, Худой!” деб тортди.

Қағаноқ суви шар этди,

Боланинг товши “бар!” этди.

Қорнини қаттиқ сузгани

Ҳар икки панжасида

Қон чангаллаб тушгани.

Типирчилаб, қўймади,

Йиғлади вағ-вағ этиб.

“Ўгилмикин-қизмикин,  
Менга қачон айтар?” деб,  
Бойвучадан ҳол кетиб.

Разм солган дояларга

Эркаклиги кўринди.

“Ўгил экан, хайрият!

Худой, умрин бер энди”.

Чийирди уқиб, пиқиллаб,

Ётиб қолди шилқиллаб.

“Вой, бойвучча нетди? – деб,

Қора куч босиб кетди” – деб,

Бари аёл чўчиди.

Бойвучча бошин кўтариб,

Улар унинг учирди:

– Каловланмай, хотинлар

Ердан олинг тез! – деди.

Ошиқинг бул кез, – деди.

Ҳой, домланинг хотини,

Киндигин ўзинг кес, – деди.

Рўмолин қўлга олиб,

Ўрайин деса болани,

Ўша кезде чақалоқ

Ўнг қўлин тортиб олди-ку.

– Вой тавба-ей, нетди? – деб,

Ўттиз яшар йигитдай

Қўлин тортиб кетди! – деб,

Хонимжон онг-тонг қолди-ку.

– Сўзинг қурсин қўпол! – деб,

Ушлашга ҳолинг келмаса,

Нари жўна, йўқол! – деб,

Бақириб ётган болани

Бахтдават ердан олди-ку.

Ўн беш яшар боладай

Кўтарганда салмоғи.

“Берган ўхшар худойим

Баракали болани!”

Кўзи пишган Бахтдават

Кўтариб ўпиб олгани.

Уч қорин мой пейма-пей

Оғзига тутиб солгани.

Бағрига олиб Чийирди

Бир кўкрагин солгани.

Аввалгиси сут чиқди

<sup>1</sup> Қула – хира сарғиш ранг (туси шунақа от).

<sup>2</sup> Қамбарбўз – Қамбарнинг оти, деган маънода. Қамбар – йилқичилар пири.

Иккинчи бор сув чиқди,  
Учинчиси қон чиқди.  
Чийирди ҳеч чидамас,  
Гўё ундан жон чиқди.

Буни бунда солайлик,  
Жақипдан хабар олайлик.  
Овулдаги одамлар  
Шоша-пиша от миниб,  
Адир чопди аланглаб,  
Ўзанга чопди ўзишиб,  
Далага чопди топай деб,  
“Бой Жақип қайда бўлса?” деб,  
Бари юрар тўзишиб.  
Зипиллаб чиққан Зулайхо  
Ўтовга бошин солибди.  
Уйда ўтирган Оқболта  
Уйқусираб қолибди.  
Буни кўриб Зулайхо  
– Тавба! – деб дашном берибди.  
– Чолим, кўзинг тўйдими?  
Суюнчига бой Жақип  
Қирқта отни бойлаган.  
Шул қирқдан бирин олмай,  
Қандоқ шўринг қайнаган!

Ҳайрон бўлиб Оқболта  
Хотинига бақрайди:  
– Қора босган Зулайхо,  
Худойлигинг айтсанг-чи!  
Мен кексани қийнамай,  
Айтган сўздан қайтсанг-чи!  
Мол кўрмаган фақир кўп,  
Қўй кўрмаган, ахир, кўп.  
Ёндош бўлган қўраси  
Кўшни, таниш, жўраси.  
У эмас менинг армоним,  
Ҳозир отга минарга  
Келмас менинг дармоним.  
Ўзинг, неча кун бўлди,  
Қаралашиб юрасан,  
Бергани неча пул бўлди,  
Қани сенинг олганинг?  
– Мана менинг ўлжам! – деб,  
Икки лачак, бир чопон  
Зулайхо ташлаб солгани.  
Борар бўлди Оқболта,  
“Бормайман”, деб айтолмай.  
Бойловдаги Кўкдўнон,

Қадами илдам шайтондай.  
Оқболта отга минди,  
Зулайхо жағи тинди.

Овулга яқин бир сойда  
Қамиш-қиёқли жойда  
Кўздан панароқ қия  
Қора ёл қула бия  
Оқсур қулун тўради,  
Бой Жақип буни кўради.  
Тумишқ, қулогин артиб,  
Онасига ияртиб,  
Турган экан бой Жақип.  
Оқболта кўриб охири  
“Суюнчи!” деб бақирди.  
– Арслоним Жақип, суюнчи!  
Уйинг тўлди, суюн-чи!  
Қариганда бойвуччанг  
Қоплонли бўлди, суюнчи!  
Буни уқиб бой Жақип,  
Илжаярди хуш ёқиб:  
– Суюнчингга, Оқболта,  
Ма, олтин ол бир халта.  
Қамбарбўзнинг уюридан  
Тўққизта от танлаб ол –  
Ҳаммаси сенга ҳалол!  
Энди бунда нетайлик?  
Юргил, уйга кетайлик.  
Болани бориб кўрайлик.  
Бойвуччанинг ҳоли не?  
Ундан аҳвол сўрайлик.

Кимхоб чопонин кийиб,  
Сал бедармон, ич куйиб,  
Бойвучча уй ичида  
Ўлтирар меҳри ийиб,  
Кўлида – бола, суйиб.  
– Топкан боланг шуми? – деб,  
Гўдакни қўлга олди,  
Армон кетиб, бўшашиди.  
Йиғлар эди шу чоғи  
Болага тўлиб қучоғи.

Сўнг аста назар солди,  
Боқиб, ҳайратда қолди:  
Манглайи кенг, боши тор,  
Жусса қаттиқ, қувват бор.  
Кўчқор тумишқ, қўи киприк,  
Қараши ёвқур, кўзи тик.

Катта ирин, кенг қовоқ,  
 Эр сиёғи кўринар.  
 Кучоқ ёзиқ, қўл очиқ,  
 Отланиб чиқса – йўл очиқ,  
 Зўр сиёғи кўринди.  
 Кўкраги кенг, тўш ёйиқ,  
 Яғрин – супа, хипча бел,  
 Ҳайбати зўр, захри куч  
 Шер сиёғи кўринар.  
 Йўлбарс бўйин, қурч билак,  
 Очиқ қовоқ, юлдуз кўз,  
 Бўри қулоқ, елка туз,  
 Бад ниятли ёвузни  
 Ер сиёғи кўринар.  
 “Ўзинг бердинг, Худойим,  
 Сендан умрин тиларман.  
 Тепгангандан олсин кекимни,  
 Ургандан олсин ўчимни.  
 Шукр!” деб, йиглаб-кўпибди,  
 Юзидан ҳидлаб, ўпибди.

Сўз айтди Жақип суйиниб:  
 – Қолмасин ичим куйиниб,  
 Учоролда тўй бергум,  
 Минглаб буқа, қўй бергум.  
 Эшитган кела берсин,  
 Шу ёққа ела берсин.  
 Боши Эртиш сув бўлсин,  
 Этаги Орол кўл бўлсин,  
 Келсин Чамбил, Хитойдан,  
 Эшитган ҳар не жойдан.  
 Тўйга келсин бариси,  
 Эр-хотин, ёш-қариси.

Жақип бой айтиб ташлади,  
 Ёз келиб, тўй бошлади.  
 Етти юз ўчоқ ўйдирди,  
 Етмиш уйли қирғизин  
 Эт осарга деб қўйдирди<sup>1</sup>.

Қалмоқдан қанча қўл келди,  
 Қозоқ, қирғиз мўл келди.  
 Қалмоққа қозон осдирди  
 Талай мардикор чорлаб,  
 Ер ўчоқлар қаздирди.

Кўрмаганлар армонда,  
 Кўрганлари дармонда.

Қолди қирғиз бўлиниб,  
 Тўй оёқлаб қолганда.  
 Болани Жақип олибди,  
 Элга кенгаи солибди:  
 – Сизлардан ушбу мурод –  
 Боламга қўйингиз от!

Ўтирган эрлар тек қолди,  
 Бир-бирига серп солди.  
 От қўёлмай, онг бўлди,  
 Шунча одам бариси  
 Бу дам ҳоли танг бўлди.

Болага от тополмас,  
 Ё айбини ёполмас,  
 Бир-бирига жавдирар.  
 Асоси ерда шалдираб  
 Кириб келди девона,  
 Тўлганида паймона:  
 – Берсангизлар ижозат,  
 Мен қўяйин отин, – дер.  
 – Сиздан бўлсин, шу маъқул.  
 Девонамас, сиз оқил, –  
 Дер одамлар хижолоат.  
 – Пайгамбарнинг исмидан –  
 Бош ёғига “мим” келсин.  
 Анбиёлар қисмидан –  
 Ўртасига “нун” келсин.  
 Сиртлон, арслон, йўлбарсдан  
 Охирига “син” келсин.  
 Бу учовин қўшайлик,  
 Оти бўлсин “Манас” – деб,  
 – Парвардигор асрасин,  
 Алас, алас, алас! – деб, –  
 Ҳар балодан халос, – деб.  
 Дуо берди девона  
 Омин қилди эл бари –  
 Шу ердаги ёш-қари.  
 Девона-чи, заройиб –  
 Бўлибди кўздан зойиб.

Жақипнинг тўйи тарабди,  
 Ҳар ким йўлга қарабди.  
 – Тўхтанглар! – деб шу ҳолда,  
 Сўз айтибди Оқболта:  
 – Оллоҳ рўшнолик бериб,  
 Элни топар ўхшаймиз!  
 Туғилган, киндик кесган,  
 Ерни топар ўхшаймиз!

<sup>1</sup> Эт – гўшт. Шўрва пиширишга қўйди, дегани.



Билсанг, қадр тун келди,  
 Ылаб кўрсанг, Жақипим,  
 Ёруққа чиқар кун келди.  
 Лек олисда душман бор,  
 Уламодан гап уқдим:  
 Азалий ёв Эсонхон  
 Бу қирғизнинг юртидан  
 Бола излар, деб уқдим.  
 “Қирғиздан Манас чиқар, – деб,  
 Ул Манаси туғилса,  
 Бээжинга завго солар” деб,  
 “Хонлигингни олар” деб,  
 Айтмиш билгич айёри  
 Шум хабарга тайёри.  
 Манасни излаб Эсонхон  
 Ғаламуслик қилармиш.  
 Шу кунларда, қизталаоқ,  
 Ҳар ёққа дарак солармиш.

Ҳеч биринг, ҳов, қирғизлар,  
 Айта кўрма “Манас” деб.  
 Жами қирғиз атайин,  
 Хизрнафас гўдакни  
 “Чўнг Тентак” деб атайлик.  
 Ўн икки ёшга тўлганда,  
 Оқ-қора билар бўлганда,  
 Билмаганин билдириб,  
 Ёш кўнглини тўлдириб,  
 Ёвга завго солайлик,  
 Ўч-кекимиз олайлик  
 Ўн тўртида қочар душман,  
 Қаттол ёвга қотилар,  
 “Қоплон Манас” аталар!

Болта сўзи – хўп маъқул,  
 Ҳар ким такрорлар нуқул:  
 “Манас”мас оти, қандай –  
 Чўнг тентак у, Чўнгтентак”.

## МАНАСНИНГ БОЛА ЧОҒИ

Ойлар ўтиб, ой ўтиб,  
 Олтидан ёши ошибди.  
 Етти ёшида Манас  
 Ғайратидан тошибди.  
 Бола бўлса ҳам аён:  
 Бандадан бўлак сиёғи.  
 Ҳар мучасин қарасанг,  
 Бошқаларга ўхшамас,  
 Қай бир кунни қарасанг,  
 Белин маҳкам боғлатар.  
 Чол-кампирни доғлатар.  
 Ҳалол-ҳаром не, билмас,  
 Муздай сувда чўмилиб,  
 Сувайғирдай тишиқарар.  
 Ёдига келса қай иш,  
 Қилар, асло йўқ қайтиши.  
 Бундай масъум боланинг  
 Эр эканин ким билар?!  
 Босган изидан қайтмас  
 Шер эканин ким билар?!  
 Ҳолбуки, беш ёшгача,  
 Ботир Манас босган йўқ.  
 Бошқалардай шошган йўқ.  
 Аммо саккизга тўлгач,  
 Оташ бўлди, чўг бўлди.  
 Кулли қирғиз ичида

Бундайин иўх йўқ бўлди.  
 Қирқ уйдан қирқ болани  
 Ёнига йиғиб олибди.  
 Олтойда кенг далага  
 Ёйилиб ўйин солибди.  
 Қора қалмоқ, манжуудан  
 Саксон бола ҳам борди.  
 “Қочиб келган бурут<sup>1</sup>, – деб.  
 Бул бурутнинг боласин  
 Қувалаб ур, қурит!” деб,  
 Ураб олиб, турибди,  
 Кўп болани урибди.

Шунда Манас бақирди:  
 “Қирғиз!” деб, ўрон чақирди.  
 Қора чўқморин олди,  
 Қарсиллатиб бир солди.  
 Саксон бола дуркираб,  
 Тит-тит бўлди тирқираб,  
 Қанчасида кўз чиқди.  
 Элда шундай сўз чиқди:

“Бой Жақипнинг бу ўгли  
 Бир фалокат бошлар деб,  
 Кўпнинг кўзин ёшлар” деб.  
 Бой Жақип уқиб, эзилди.

<sup>1</sup> Бурут – қалмоқлар ўтмишда қирғизларни шундай аташган.

Бойвучча ҳам эшитиб,  
 Күзидин ёши тизилди.  
 – Қара, боланг эси паст,  
 Тинчи йўқ, давлатга маст  
 Мен хўрландим ёшимдан,  
 Азоб ўтди бошимдан.  
 Мўғулда мол боққанман,  
 Манжууларнинг юртида  
 Қанча йил жон боққанман!  
 Озиб-тўзиб, мол топдим,  
 Олтой яхши ер эди.  
 Кўнгли тоза, ичи кенг  
 Қалмоқ яхши, эл эди.  
 Баяннинг ўгли Чаянни  
 Қалмоқ деб, кўнглим илимай,  
 У ердан бошқа жилмай,  
 Хизматин оқлаб қилдим.  
 Бахтдават қизин берди,  
 Чаёндан топдим аённи.  
 Қурусса бу Чўнг Тентак,  
 Қайнатарми шўримни!  
 Бу кетишда, бир куни  
 Йўқ қилади боримни.  
 Қалмоқларга хор қилиб,  
 Кўпайтирар зоримни!  
 Ўйиндан ҳеч бўшамас,  
 Қайдан келар ризқу рўз  
 Билмайди у, ҳарқалай.  
 Мен жўнатгум узоққа,  
 Ўшпирга қилиб малай.

Бойвучча: “Хўп, маъқул” дер,  
 “Унда, ўглинг чақир” дер.  
 Чорлаб Жақип болани,  
 “Энди қўй, – деб, – далангни,  
 Бизда от йўқ, туя йўқ,  
 Сенда эс йўқ, мия йўқ,  
 Юзтагина қўйим йўқ.  
 Сенинг тинар ўйинг йўқ.  
 Ўшпирнинг қўйин боқсанг,  
 Хизматин қилиб, ёқсанг  
 Ҳаққингга қўй беради.”  
 Жақип ўглин тергади.  
 Ўшпирга берди уни,  
 Онаизор дер шуни:  
 “Айланайин Ўшпирбой,  
 Ўғлим терга ўшқирмай,  
 Гарчи кўз қиёлмадик,  
 Шўхлигин тиёлмадик.

Омонатдир қўлингга,  
 Солсанг, зора, йўлингга!..”  
 ...Тергайдиган киши йўқ,  
 Ўшпирга Манас шошибди,  
 Лек қўй боқиб юрганда  
 Тетаклик ҳаддан ошибди.

Болалар қўйни ёйиб,  
 Ўйнаб юриб, ажойиб  
 Юрдилар тоғ томонга,  
 Лек дуч келди ёмонга:  
 Рўпарадан бир қашқир  
 Кеб қолибдир, қаршиқир.  
 Қирон бола эр Манас:  
 – Шуни бўри дерми? – деб,  
 Одамни бўри ерми? – деб,  
 Мен буни ўлдирай, – деб,  
 Умрини сўлдирай! – деб,  
 Ёнига чотиб борибди,  
 Бўрига бола дорибди.

...Тишлаганча бир қўйни,  
 Қашқирнинг қочиб кетгани.  
 Қон изи билан қувалаб,  
 Кетидан Манас етгани.

Етиб бориб, лол қолди,  
 Эс-ҳушин ҳайрат олди:  
 Арғумоқ отлар – остида,  
 Беқасам тўнлар – устида,  
 Қирқ киши ўлтирганмиш  
 Кўзиси ҳам турганмиш.

Саломин бериб, Манас,  
 Бир савол сўрди, холос:  
 – Бўри қаёққа кетти?  
 Бу қўзини у нетти?

Одамлар айтар унга сўз:  
 – Бўри бўлган – ўзи биз.  
 Хизир-Илёс деган бор.  
 Билсанг, икки пайғамбар.  
 Бизлар қирқтамиз – чилтон,  
 Бизга ихлос қўй чиндан.

Шунда Манас гап сўрар:  
 – Қандай қилиб, одамлар  
 – Бўри бўлдинг? – деб сўрар.  
 – Бўри бўлинг боз, кўрай,  
 Майли, кейин мен кўнай.

Хўп кулибди қирқ чилтон,  
 Бир силкиниб ўшал он,  
 Гоҳ бўри, гоҳо одам  
 Тусин олиб дамодам,  
 – Энди, болам, тур, – деди. –  
 Доим билиб юр, – деди.  
 “Хизр-Илёс – йўлдошинг,  
 Қирқ чилтанлар қўлдошинг.  
 Ортингдан келган Чегабой,  
 Сенга ҳамроҳ, хойнахой.  
 Чега эмас, бут бўлсин,  
 Сенга толе, қут бўлсин.  
 Қутубий деб от қўйдик,  
 Қутлуғ исмин бот қўйдик.  
 Қолган тўққиз жўранг ҳам,  
 Қўйлар турган қўранг ҳам  
 Бизлар дуо қилурмиз.  
 Шундай нидо қилурмиз”.  
 Гойиб бўлдилар шу он.  
 Қолмабди излари ҳам.  
 Манаснинг кўзлари нам...

\* \* \*

Манас Ўшпир қошида  
 Нақ ўн икки ёшида.  
 Уринай деса тов топмас,  
 Урушай деса, ёв топмас,  
 Қирқта чўпон болани  
 Йигиб олиб далага,  
 Новвос миниб, “от” чопар,  
 Эрмакка ҳар не топар.  
 Чўнг Тентакнинг ёнида  
 Кенг дала – ёбонида  
 Қирқ ўғлоннинг бариси  
 Ўйнар қилиб тўпалон,  
 Ёбонга тўлар тўзон.  
 Қўзи тутиб, сўйишиб,  
 Кабоб қилиб, тўйишиб,  
 От чопишар, бақирар,  
 Бақирганин қарасанг,  
 “Манас!” деб ўрон чақирар.

Буни кўриб, Ўшпирнинг  
 Гулгула тушди дилига  
 Шу сўз келди тилига:

“Қизталоқнинг боласи,  
 Жини тутиб қолсамми?

Ўз билганин далада  
 Қилиб юрган ўхшайди!  
 Бой Жақипнинг қўйларин  
 Қириб юрган ўхшайди!  
 Болангни ол мандан, деб  
 Бой Жақипга борайин,  
 Шум боладан қутулиб,  
 Сал хотиржам қолайин”.  
 Шундай деб, шўрлик Ўшпир  
 Борди Жақип бойига:  
 – Ўзингизда қўй боқиб,  
 Юрган битта фақирман.  
 Ўғлингни тиёлмасам,  
 Нима қилай, ахир мен?  
 Кенг далада қирқ бола  
 Капа тикиб олибдир,  
 Уларга бу Чўнг Тентак  
 Султон бўлиб қолибдир.  
 Гўштга тўйиб, қирқ бола  
 Яёв от миниб бақирар,  
 “Манас!” деб ўрон чақирар.  
 Тентак ўғлинг тиймасанг,  
 Житой, қалмоқ, манжуулар  
 Балони бошга солмасин,  
 Манасни бўлмас олмасанг.

Бойвуччаси Чийирди  
 Сўз бошлаб, шуни деди:  
 “Мол кўп, боланг йўқ эди,  
 Зорлаб топдик Манасни,  
 Қўй чол, уни қийнама,  
 Солма эсонга қафасни.  
 Омон бўлса, ёлғизинг  
 Сочилганинг тўплагай,  
 Қайғурмагил молингга,  
 Бундан ҳам кўп-кўплагай.  
 Бу ўтар дунё курсин,  
 Олтойни билдинг ерим деб,  
 Қалмоқларни элим деб!  
 Бу Олтой бизга ер эмас,  
 Бу қалмоқ бизга эл эмас.  
 Оғу солар ошингга,  
 Қилич чопар бошингга!  
 Бошлаттирмай ноламни,  
 Опкелиб бер боламни”.

Ўйлаб-ўйлаб турибди,  
 Шу гапни маъқул кўрибди.  
 “Ўғлим олиб келайин,

Бойвуччанинг кўлига  
Соғ-саломат тутайин”.  
– Үшир болам, юргин, – деб, –  
Үшал кун кеч маҳал  
Етиб борди Бой Жақип.  
“Кетмаганми улоқиб?”

Дея дилда хавотир:  
“Болам, сени малай берди” деб,  
Эл тинмасдан мазах қилар,  
Энди сени қолдириб борсам,  
Энанг уйни нақ дўзах қилар”.

Борар бўлди боласи,  
Тинди Жақипнинг ноласи.  
Нақ бир кунлик йўл эди  
Борар жойнинг ораси.  
Овулидан тушгача  
Йилқи ётар даласи.  
Шу далада кўрдилар  
Осмонга чиққан туманни.  
“Қанақа бу тўзон?” деб,  
Ҳайрон қолиб тургани.  
Онғ-тонғ турса, бир маҳал  
Қулун, тойлар куйкиби,  
Ғунон, биялар буюқиб,  
Ҳеч тўхтатмай йилқини,  
Олдига солиб, калтаклаб,  
Бош йилқичи Имонни,  
Ўнтача қалмоқ қувгани,  
Тонғ қолиб Манас тургани.  
– Не сабабдан қалмоқлар  
Бу шўрликни уради?  
Кимниг моли бу мол? – деб,  
Отасидан сўради.

Чинин айтар бой Жақип:  
– Бизнинг йилқи бу мол, – дер, –  
Олти даста қалмоққа  
Яйлов ҳаққи, сув ҳаққи  
Ўттиз байтал, беш отни  
Ўт пулига бераман.  
Шуни ҳам оз кўрсалар,  
Энди қайга бораман?!

“Мол бизники” деганда,  
“Молим йўқ, – деб ўтган гал  
Алдаганми отам?” деб,  
Туриб қолди шу маҳал.

– Йилқим нақд тўловда-ку,  
Яна не можаро? – деб,  
Ер кўриган қалмоққа  
От чопиб Жақип боргани.

Бой Жақипни қалмоқлар  
Тевараклаб қолгани.  
Ҳаддидан ошиб бир қалмоқ  
Жақипга қамчи солгани.  
Бун кўриб ёш Манас,  
Уқуруқ<sup>1</sup> қўлга олгани.  
Манжуу бошчи Кўртуқни  
Қувиб келиб ёш Манас  
Қоқ бошига солгани.  
Шундай қаттиқ чопилди –  
Мияси тошга ёпилди.

“Тутиб олиб болани,  
Бошига шири<sup>2</sup> солсак!” деб,  
Қараб турган Манасга  
Қалмоқнинг бари қотилди.

Тек турмади Манасинг:  
Чопгани тушиди чалқанча,  
Ургани ётди узаниб,  
Беш йилқичи, бир Манас,  
Ҳаддан ошган қалмоқни  
Қувди уриб ҳар қанча.

– Айланай болам, кўйгин! – дер  
Отаси Жақип бақариб. –  
Энди тўхта, ўғлим! – деб,  
Ортидан борар чақариб. –  
Айланай болам, қарогим,  
Олд-ортингга қарагин.  
Хизрназар қирғиз элинг йўқ,  
Ўжарлик қилар эпинг йўқ.  
Билагинг кучга тўлган йўқ,  
Урушар чоғинг келган йўқ  
Қангайдан қалин ёв келар,  
Қариб қолган отангни  
Кофирлар тутиб сўярми,  
Индамай, тинч кўярми?  
Қўра кўзим ўярми?  
Юргин, қайтиб кетайлик,  
Овулга тинч етайлик.

<sup>1</sup> Уқуруқ – яйловда эркин юрган ҳайвонни тутишда ишлатиладиган, учи арқон сиртмоқли узун ёғоч.

<sup>2</sup> Шири – жазоланувчи кишининг бошига тортиб боғлаб қўйиладиган янги мол териси, у куриганда бошни қисиб, кучли оғриқ беради.

Не қиларкин кофирлар?  
 Майли хунин олсалар.  
 Довин айтиб, мол сұрар,  
 Мол бермоққа кўнмасак,  
 Шўрлик қирғиз таланар.  
 Охирида, қулуним,  
 Ўлдирмай тинмас ўзингни,  
 Яхшилаб уқ сўзимни.

Шунда Манас гап айтар:  
 – Отажоним, – деб айтар, –  
 Агар чақа пул берсам,  
 Мени худой урмасми!  
 Қўрқиб яшаб бировдан  
 Қўрага мол ийғмадик!  
 Ялиниб яшаб бировга  
 Яйловга молни ёймадик!

\* \* \*

Олтой ерин бийлаган  
 Олти аймоқ қалмоғи  
 Бир овулга жам бўлди  
 Маслаҳат – не қилмоғи.  
 – Ер талашиб, эр ўлди,  
 Хунини қанча соламиз?  
 Ўчини қандай оламиз?  
 Ўчин олиб, бас қилмай,  
 Бой Жақип ё Манасни  
 Бировин нобуд қилмасак,  
 Одам бўлмай қолайлик!  
 Бой Жақипнинг йилқисин  
 Баримтага олайлик.  
 Бу ёмон иш ёзугин  
 Ўлган Қўртуқ манжуулик,  
 Манжууга кўйиб кўяйлик, –  
 Деб ўшанда тонг саҳар  
 Яроқланиб, саф бўлиб,  
 Элик, юздан тўп бўлиб,  
 Қалмоқлар йўлга тушгани.  
 Учоролда Жақипнинг  
 Овулин талаб олмоққа  
 Чопқин бошлаб қолгани.  
 Манжууларнинг йилқисин  
 Қўша ҳайдаб солгани.  
 Ўлган Қўртуқнинг ўғли,  
 Оти Шақум бу бола,

Ақли етук, қув бола:  
 “Ўздан хўрлик кўргунча,  
 Ётдан хўрлик кўрай, – деб. –  
 Етиб бориб, бу ишдан  
 Жақипга хабар берай, – деб. –  
 Ёнида бўлса боласи,  
 Ўша айтган Манасин  
 Ўнги-тусин кўрай”, деб,  
 Шақумбой ўйлаб шуни,  
 Сафдан чиқди бўлиниб,  
 Остидаги аргумоқ  
 Учган қушдай кўриниб.  
 Бой Жақипнинг ёнида  
 Отдан тушди бош эгиб,  
 Кўзидан ёши тўкилиб:  
 – Қалмоқ тубимга етди! – деб, –  
 Овулим талаб кетди! – деб, –  
 Йилқимни ҳайдаб қочди,  
 Боримни талаб қочди!  
 Манасга навкар бўлай, – деб,  
 Шу менга энг қулай, – деб,  
 Жақип ота, мен келдим.  
 Овулинга кўчиб ўтай,  
 Хўп десанг, учиб ўтай.  
 Сизлардан ўлган отамнинг  
 Хунидан кечиб ўтай!

Қирғиз, қозоқ қайишиди,  
 Тезде лашикар уюшиди.  
 Бул қўшиннинг ичида  
 Ўрталаб юрган нўйғут бор.  
 Хизр назар Жақипнинг  
 Хизматин кўрган найман бор.  
 Қўшини юрган қўнғирот,  
 Уордош юрган уйшун бор,  
 Аралашган олчин бор.  
 Арғиндан Қора хўжа бор,  
 Ота-ўғил қўша бор.  
 Жабдуқ солиб от миниб,  
 Жуббаю совут кийиб,  
 – Уруш бошлаб қалмоққа,  
 Ким деб ўрон солмоққа  
 Ҳамма туриб қолгани.

Ана шунда ёш Манас  
 Қўй найзани қўлга олиб,<sup>1</sup>  
 Аймонбўзин йўлга солиб  
 “Манас!” лаб ўрон солгани.

<sup>1</sup> Зайсанг (жайсанг) – қалмоқ амалдори.



“Манас, Манас, Манас!” деб  
Олга жўнаб қолгани.

Бариси кетди бақириб,  
Найза тиклаб, ҳайқириб,  
Бошқа сўз кирмай озгига,  
“Манас!” деб ўрон чақириб.

Ҳайбатига дош бермай  
Қалмоқнинг қалин лашкари,  
От чоптириб қочди-ку,  
Тўп-тўп бўлиб аскари.

Манас, Жақип кенгашиб,  
Отаси ўлган болани  
Қирғизга келиб эл бўлиб,  
Манжууларнинг халқига  
Бий қип сайлаб олғони.  
Қоратўқа Мажик шул  
Қирқ жўранинг бири ул,  
Кейинга қолди достони.

\* \* \*

Манжуунинг нари ёғида  
Қангайнинг қирғоғида  
Эсонхоннинг элчиси,  
Қора қалмоқ, манжуунинг  
Сирин билган синчиси  
Бож олари Кўчқу дов,  
Кўчқуга зайсанг<sup>1</sup> борибди:  
– Бурут феъли торибди,  
Йилқичи боши Қўртқунинг  
Миясин қоқ ёрибди.  
Хўр бўлган Қўртқу шўрлик  
Кўқтувга бекор борибди.

Деганда Кўчқу гезариб,  
Етти алвон туг олиб,  
Етти юз аскар – қўл олиб,  
Қурол-яроқ мўл олиб,  
У бошлаган бу лашкар  
Йўлга тушди чувалиб.  
Довулар уни қоқилиб,  
Милтиқ уни уқилиб  
Ғавғони Кўчқу бошлади.

Тинч ўтирган қирғизнинг  
Кўзин аччиқ ёшлади.  
Керага-увуғин<sup>1</sup> қулатиб,  
Қиз-келинин йиғлатиб,  
Бойловдаги йилқини  
Сочиб кетди чувлатиб,  
Жақип бойни қийратиб:  
– Қизиталоқ, қув бурут,  
Ниятинг бузуқ-ку, бурут!  
Уқ, Кўчқу не дер, бурут!  
Ахмоқ боланг Чўнг Тентак  
Ҳозир бизга бер, бурут!  
Айтганимга кўнасан,  
Хўп демасанг, ўласан!  
“Болангни “Чўнг Тентак” деб,  
Пошиомиз Эсонхонни  
Лақиллатган бўласан.  
Манасинигни бермасанг  
Буйруғимга кўнмасанг,  
Ҳозир сени йиғаман,  
Хону монинг йўқ қилиб,  
Бир ўрага тикаман.  
Аҳвол шундай қолган йўқ,  
Ўн иккида Манас – чўз,  
Айманбўз билан айланиб,  
Ёв-ярогин шайланиб,  
Қинсиз қилични бойлаб,  
Найзасин тутиб, пойлаб,  
Қувиб кирди бақириб,  
Ортидаги қирқ бола  
“Манас!” деб ўрон чақириб,  
Хўкиз мингани бор бир талай,  
От минган ҳам бор ҳарқалай,  
Қийқириқ, чув, бўлди жанг,  
Қалмоқларнинг ҳоли танг.

Ўша келган Кўчқунинг  
Бурнининг ковагига  
Ботмон қанор ботғудай,  
Дуч келганни бу жаллод  
От-поти билан ютғудай:  
– Саксон Манас бўлсанг ҳам,  
Мен тубингга етаман!  
Жақип чолни бош қилиб,  
Баринг бойлаб кетаман!

<sup>1</sup> Керага-увуқ – кўчманчи чорвадорларнинг наматдан ясалган бўз уйининг ўзаро туташтириладиган ёғочлари.

Қахрланиб, “кел-кел!” деб,  
Тоғ гавдаси диркиллаб  
Бир ёққа чиқди эр Қўчқу,  
Тепа сочи селкиллаб.

Бола Манас кўкёлинг<sup>1</sup>  
Ўқдан бурун етди, ҳа,  
Турган ўша Қўчқунни  
Ерга қориб ўтди, ҳа,  
Дагдагаси зўр Қўчқу  
Отдан қулаб, ётди, ҳа.

Манасга Жақип “Аттанг!” дер,  
Эртасининг гамин ер:  
– Қўчқуга зўрлик қилиб,  
Чуқур қаздинг зўримни,  
Қайнатдинг-ку, шўримни!  
Ўрдали элга қотилиб,  
Пойгак қилдинг тўримни!

Койиб Жақип турганда,  
Оқболта келди бўзариб,  
Жаҳлланиб, сўзланиб:  
– Нодон Жақип, тилинг тий!  
Ўғил бола шўх бўлсин,

Шўх бўлмаса, ул бола  
Тузилмасдан йўқ бўлсин!  
Омон бўлса, Манасинг,  
Ўчган ўтинг ёққайдир,  
Бошига жсига таққайдир.  
Жириллама, Жақипим,  
Молнинг борин сочайлик,  
Мадор қилиб Манасни,  
Қирғизни кўзлаб қочайлик.  
Бу Олтойда турганда,  
Не муродга етайлик?  
Омонат жон омон чоғ  
Қирғизга жўнаб кетайлик.

Оқболтанинг айтганин  
Дил тубида эп билиб,  
Озгина бу қирғизлар  
Кетсак-чи, деб гап қилиб.  
Қўчқорин бичиб, ирк қилиб  
Қўй-молни йирик қилиб.  
Айғирни бичиб, от қилиб,  
Ҳар не керак, тахт қилиб,  
Тайёр бўлиб сафарга,  
Йўлга озиқ жам қилиб,  
Қутишар ҳар саҳарда.

## МАНАСНИНГ ЭСОНХОН ЮБОРГАН АЛПЛАРНИ ЕНГГАНИ

Нўх пайгамбар чиққан кез,  
Тўфон сув тошиб чиқиб,  
Бу оламни йиққан кез,  
Шул тўфон ета олмай,  
Бээжинни қоплаб кета олмай,  
Чин-Мочин деган жой қолган,  
Тўққиз юз тутун<sup>2</sup> хитой қолган.  
Қалин хитой бу элда,  
Барини тутиб қўлда,  
Қахри қаттиқ бир ҳоқон  
Подшоҳ экан Эсонхон.  
Олти йилни олдиндан  
Кўриб, айтиб берувчи  
Айёрлари бор экан.  
Қадим китобдан ўқиб,

Қолганин қўшиб-тўқиб,  
Эсонхоннинг олдиға  
Сеҳргари кирибди:  
– Атоқли Манас хон чиқар,  
Бизлардан дармон чиқар.  
Бул Манаси улғайса,  
Магарам мушкул бўлар.  
Манас отга минса гар,  
Тирговут юрти кул бўлар.  
Унинг пири Хўжа Ҳасан<sup>3</sup>,  
Чин йўлдоши қирқ чилтон.  
Шул эр Манас тузилса,  
Қахрини қаттиқ солмасми,  
Қадимги ўчин олмасми?  
Бээжин тош-талқон бўлар,

<sup>1</sup> Кўкёл – Манаснинг асосий эпитетларидан бири, кўкёл бўрига менгалган: кўркмас, ёвкур.

<sup>2</sup> Тутун – кўчманчи халқларда аҳоли сонини аниқлаш усули. Тутун чиққан ҳар ўтов бир оила ҳисобланган.

<sup>3</sup> Хўжа Ҳасан (аспиятда – Кожосан) – акад. Ҳусайн Қорасоев у Ҳасан Басрий, ёки XV аср бошида яшаб ўтган бошқа бир Ҳасан, яъни Мирзо Улуғбекнинг шайхи бўлиши мумкин, кейингиси ҳақиқатга яқинроқ, деб ёзади. Бизнингча эса, бу ўринда Имом Ҳасан, ёки Имом Ҳусайн айтилаётган бўлса керак.

Бор газнанг ўлпон бўлар,  
Қуритар уругингни,  
Каттангни, улугингни!  
“Бээжинни сўрар у” деб,  
Хабар уқдим гойибдан!  
Тўфон суви кирмаган  
Шаҳрингни этар горат,  
Қолмагай бир иморат.  
Тез тутиб шул болани,  
Даф этайлик балони.  
Қирқ қулоч зиндон ковлаб,  
Манасни унга солони!

Шунда буюк Эсонхон  
Фармон берди ҳар томон:  
– Жаҳондор паҳлавонлар,  
Ҳар ёмондан ёмонлар,  
Жами жодугаринг кел,  
Гойибни кўраринг кел,  
Жам бўл баринг шу онда.  
Қирғизни қўймам омонда  
Олис Олтой томонда.  
Тирик қўймай Манасни,  
Қаро ерга тиқайин,  
Ул Манасни топиб кел,  
Бўлмаса, ер қопиб кел,  
Манжуу, хитой, тирговут,  
Барингга тайёр тобут! –  
– Ҳой Жўлай, қалмоқ хони,  
Оқизиб Манас қонин,  
Ерга кўмиб, жойлаб кел,  
Ё эпласанг, бойлаб кел!  
Фармоним удаласанг,  
Сенга хазинам очгум.  
Қуруқ қайтсанг, полвоним,  
Шул жойда қонинг сочгум!

Довул қаттиқ қоқилиб,  
Эшикка фанор ёқилиб,  
Бээжиндан чиқди минг айёр  
Филга юклаб ўқ олиб  
Мерганлар садоқ олиб,  
Яёвлари от олиб,  
Савдогарлар бот олиб.  
Дўнго билан Жўлайи  
Йўлга тушиди гўлайиб.  
Шибирдан бор Музкиндик,  
Тирговутдан Солобо,

Тўғизкердан Бўзкертик,  
Солондан Ўроққир бор,  
Хитойдан-чи, Чўнг Довдир,  
Бўз хачирли Маҳмудбек,  
Карк минган, туя минган,  
Нор минган, моя минган.  
Мана шунча полвони  
Манасни излаб қолғони.

\* \* \*

Ўшал кезде Манаснинг  
Айманбўзи шай экан.  
Қирқ болада қирқ тулпор,  
Мингги бўлган той экан.  
Қирқ товон тизиб ўрда<sup>1</sup>ни,  
Отиб ётган кези экан.  
Томоша, ўйин-кулгига  
Ботиб ётган кези экан.  
Манас роса берилиб  
Ошиқ отиб ётганда  
Эсонхоннинг қирқ нори,  
Қирқ норининг олдида  
Қимматбаҳо қизил нор,  
Икки юз полвон ортада бор,  
Ўтар экан ўрданинг  
Ўртасидан босибди.  
Жаҳли билан эр Манас  
Ошиқни бир чертгани,  
Ошиқ учиб кетгани,  
Йиқди, тегиб қорнига,  
Эсонхоннинг норига.

Манасни тутиб олмоққа  
Чопди икки юз полвон,  
Буни кўриб қирқ бола,  
Турар, ранги заъфарон.  
Қирон Манас боилади  
Ўйнатиб чўян чўқмор  
Ёнига келди қирқ бола  
Мисоли лочин, шунқор.  
Майдон аро югурди,  
Хитойни қувиб урди.

Бола Манас шер бўлиб,  
Полвонларни қирганда  
Етмиш еридан яра еб,  
Довдир қочиб қутулди.

<sup>1</sup> Ўрда – кўчманчи халқлар ўйини. Ўзбеклардаги кўчмак ўйинига монанд.

Етиб келиб Чўнг Довдир  
 Туғи олтин чодирга,  
 Тиззалади юкуниб,  
 Жўлай, Дўнго ботирга:  
 – Манас билан тутишидим,  
 Тинмай қириб бошлади!  
 Икки юз эрнинг бошин  
 Сапчадай узиб ташлади!  
 – Қизиталоқ бурутдан  
 Қўрқибсан, кўзинг пирпираб  
 Ўн икки яшар боладан  
 Баринг қочиб, тирқираб.  
 Манасни бойлаб олайлик,  
 Қўлга тушса отаси,  
 Қурбонликка чалайлик,  
 Қизиталоқ бурутни  
 Қора элачик<sup>1</sup> қилайлик!

Шундай дея эр Жўлай  
 Минган оти Очбувдан,  
 Ҳар ён чопиб, бостириб,  
 Аскарларни шоштириб.  
 Ун солдириб карнайдан,  
 Чумчуқ учмс кенг сойдан  
 Қўл-қўшини қўзғалиб,  
 Жўнаб қолди шул жойдан.

\* \* \*

Бу ёқда Жақип айтар:  
 – Ҳар не деса, кўнайлик,  
 Сулув қиздан бир тўққиз<sup>2</sup>  
 Совға қилиб кўрайлик.  
 Қийналган, абгор эдик,  
 Тирик бўлиб, сонда йўқ,  
 Қулуним,  
 қирилиб кетиб юрмайлик!  
 – Тавба, ота, не дейсан?!  
 Ёвга номус бергунча  
 Ажалдан бурун ўлайин!  
 Молим билан жонимни  
 Ўлжага қандай берайин?!  
 Золим қора хитойга  
 Боплаб уруш соламан,  
 Беномус қора хитойдан

Эрким тортиб оламан!  
 Шу гапим гап, онт ичай,  
 Сўнг майли, ўққа учай!

Шу маҳал мўр-малахдай  
 Хитой қоплаб қолгани.  
 Қўзгун қанот Йўгон алп,  
 Қайчи қулоқ Қобон алп  
 Қувиб уруш солгани.  
 Бола Манас кўкёлни  
 Ўртасига олгани.  
 Лашикар ортин эр Жўлай  
 Ўраб келар шу маҳал.  
 Ҳеч кўймасдай тутишса,  
 Қараб келар шу маҳал.  
 Қўл бошида чўнг Дўнго  
 Энгса сочи тик келар,  
 Баридан тетик келар.  
 Бурнидан чиққан ҳовур  
 Қумгон каби бурқураб,  
 Мўр-малах каби босиб,  
 Қўшин келар дурқураб.  
 Чоптириб Қилқурангин<sup>3</sup>  
 Манасга найза санчмоққа  
 Дўнго келар, қарагин!  
 Кўк темирдан дубулга  
 Бошига кийиб олибди.  
 Қазиб, кўмиб қўйғудай  
 Қичқириб келиб қолибди.

Қирон Манас ёш бола  
 Аймонбўз бошин бурди-ку.  
 Тоғдай бўлган Дўнгуёга  
 Тўхтамай найза урди-ку!  
 “Киндигин нақ бети, – деб, –  
 Ўпканинг бир чети, – деб, –  
 Қўкрагининг тўши, – деб, –  
 Ўлар ери нақ шу, – деб  
 Қаттиқ қоқиб ўтибди.  
 Қилқурангининг устидан  
 Дўнгуё қулаб кетибди.  
 Дўнгуё отдан қулагач,  
 Қиличин қиндан олибди,  
 Бошин чопиб солибди.  
 – Қилқуранг от, – Манас шер –  
 Менга ўлжа бўлди, – дер.

<sup>1</sup> Элачик (лачак) – аёллар бош кийими, қора элачик – аза-мотамда кийиладиган қора тусли элачик.

<sup>2</sup> Тўққиз – туркий халқларнинг қадимий саноқ тури, ҳурматли одамларга бир тўққиз (икки тўққиз ва ҳоказо) миқдорида ҳадя бериш анъанаси бўлган.

<sup>3</sup> Қилқуранг – отнинг зотидан олинган номи (саман, тўриқ каби).

Қилқуранг қўлга киргунча,  
Худо, юзин кўрсатма,  
Қамишини кўр, селни кўр,  
Қоплаб келган элни кўр,  
Қаҳрли Жўлай бақириб  
“Хоқон!” деб ўрон чақириб,  
Қаҳрин қаттиқ солди-ку.  
Қайнаб келган кўп полвон  
Манасни қуршаб қолди-ку.

Аймонбўз отин ўйнатиб,  
Текканнинг шўрин қайнатиб,  
Ўрталиқда зўр Манас  
Асқар тоғдай кўринар.  
Ғазабига чидамай,  
Полвонлар қочиб суринар.  
Манаснинг қирқ жўраси  
Қувди шунча ганимни  
Ўрнак бўлди тўраси.

Етук Жўлай чўнг полвон  
Очбуудан<sup>1</sup>га қамчи уриб,  
Қобон қувган айиқдай,  
У ён-бу ён суришиб,  
Қўлда тутган найзаси  
Қарағайдай кўришиб,  
Бир четга чиқиб олибди.  
Бу кофирнинг қаҳрига  
Ер майишиб қолибди!  
Қирон Манас ёш бола  
Тик қошига борганда  
Жўлай ботир шундай дер:  
– Ошиқмасдан сен, бурут,  
Отинг оғзин бура тур!  
Нарироқ ерда тура тур!  
Айтганимга кўн, Манас,  
Бурутлигинг чин бўлса,  
Ўз галингни бер, Манас!  
Яккама-якка беллашиб,  
Якка санчиш<sup>2</sup> қилайлик.

Жаланглаган Жўлайнинг  
Айтганига кўнибди,  
“Хоҳлаганинг бўлсин” деб,  
Навбатин Манас берибди:  
– Аямай найза ур, Жўлай,  
Аяр бўлсанг агарда,  
Ўз-ўзингдан кўр, Жўлай!

Бор кучингни йиғ, Жўлай,  
Чўзиб ургин, тиг, Жўлай,  
Ўз уволинг ўзингга  
Йиқолмасанг, эҳ, Жўлай!

Кейин Манас ошиқиб,  
Айманбўз бошин бурибди.  
Хизр назар бу қоплон  
Қилт этмай туриб берибди.

Очбуудан минган Жўлай хон  
От устида гўлайган,  
Ўхшар йўгон саночга,  
Синчи феъли бор лекин.  
Олисдан қараб секин  
Разм солибди Манасга:  
“Ётирай, одамдан бошқа тури бор,  
Арслон каби сури бор.  
Қора чипор бир қоплон  
Қоптолида суринар.  
Чўлоқ кўк ёл йўлбарси  
Орқасида кўринар.  
Бир қарасанг, минг киши  
Ёнбошида тургандай.  
Билаги йўгон, тош юрак,  
Фил муча экан, бадирак!  
Қора бўрки уйдаи чўнг,  
Қарши турган кимсанинг  
Иши асло бўлмас ўнг”.  
Тикилибди, ўйлабди,  
Ўз-ўзига сўйлабди.  
Хурпайиб тепа сочи,  
Жўлай полвон ахийри  
Манасга найза санчди.

Галин бериб эр Манас,  
Шул майдонда юрибди.  
Жўлай найза урганда  
Қилт этмасдан турибди.  
Жўлайнинг Очбудани  
Тизгача ерга кирибди.  
Қалмоқ хони Жўлайда  
Қолмади дармон, чора.  
Бу майдондан қочмоқни  
Ўйлаб қолди бечора.

Қувлик-шумликни ўйлаб,  
Баттол Жўлай турганда

<sup>1</sup> Очбуудан – от исми, туси оқиш бедов.

<sup>2</sup> Қадимги, навбатма-навбат ҳужум қилишдан иборат жанг усули.



Йўлбарс чиқди майдонга  
 Отига қамчи солиб,  
 Найзасин қўлга олиб,  
 Оч арслондай хезланиб,  
 Бургут мисол тезланиб,  
 Отилиб Манас етибди,  
 “Қалмоқи эгар қоши деб,  
 Қоқ юракнинг боши” деб,  
 Найза чотиб кетибди.

Қалмоқ шоҳи эр Жўлай  
 Ўтира олмай гўдайиб,  
 Узангидан бути тойиб,  
 Икки кўзи гилай бўп,  
 Ташишилари талай бўп,  
 Қуюшқонни тутамлаб,  
 Ўз-ўзига “Отам”лаб,  
 Ўз-ўзига мотам деб.  
 Ҳоли-жони қолмапти.  
 Қайтиб Манас келгунча,  
 Қобон алтин чақирди,  
 Йўгон алтин чақирди,  
 “Тез келгин!” деб бақирди,  
 Олтмиш жайсанг, қирқ деви  
 Қўргон бўлиб Жўлайга  
 Қўлин тутиб, қўллабди.  
 Суяб-тутиб бадбахтни,  
 Бир чеккага йўллабди.

Энди Жўлай гап айтар:  
 – Эранлар, эшит, – деб айтар, –  
 Очбууданни минганда  
 Ҳайқириб йўлга кирганда  
 Ким йўлиқса, барини  
 Бир ҳамлада жойлардим.  
 Ким дуч келса, фарқи йўқ,  
 Қўл-бутини бойлардим.  
 Мен Жўлай полвон эдим,  
 Шул экан-да, ёзганим.  
 Бир бурутнинг қўлида  
 Ўлиб қолаёзганим!  
 Шундай ёмон ҳол бўлди,  
 Икки қўлим шал бўлди!

Тог этаги – ёбондан,  
 Гўё айиқ қобондан  
 Қочганини Жўлайнинг  
 Қоплон Манас кўрди-ку.  
 “Ҳозир сенга етгум!” деб,

“Бошинг олиб кетгум!” деб,  
 Аймонбўз бошин бурибди,  
 Жўлайга найза урибди.

Тенгсиз тулпор Аймонбўз,  
 Бошини ерга солибди,  
 Барчадан олқиши олибди,  
 Бадани қизиб жўшибди,  
 Тезлиги ҳаддан ошибди,  
 Қамиши қулоқ чимириб,  
 Қуюндай чангни супуриб,  
 Тинмай чотиб қолибди.

Суйри тоғнинг четидан  
 Ойқўл Манас қоплонинг  
 Саккиз айланиб қувибди.  
 Етти тепадан ошириб  
 Етук Манас ботиринг  
 Етти айланиб қувибди.  
 Етайин деб қолганда  
 Шундай полвон эр Жўлай  
 Чорасини топмай, нетибди –  
 Тўқайга кириб кетибди.

Жўлай кўздан гум бўлиб,  
 Аламин чиқаролмай  
 Манас ҳам дилхун бўлиб,  
 Йўлдан аста қайтаркан,  
 Рўпарадан безрайиб,  
 Ўлжа қилиб кетай деб,  
 Олтмиш тулпор бедовни  
 Қобон алп тўсиб, ҳайдаркан.

Қобон алп жойин сўрасанг,  
 Кўҳи Қоф бери ёғида,  
 Хитойнинг нарёғида  
 Ҳиянгар, Қарсанг тоғида  
 Совуққапчигай ёғида  
 Шибе деган эл экан.  
 Шибенинг ёшу қариси  
 Буни Қобон алп дер экан.

Манасни кўрган Қобон алп  
 Айҳой солиб, дўқ солиб,  
 Қўлидаги найзасин  
 Ойқўлга қараб ўқталиб,  
 Найзалашиб ўтган сўнг  
 Ойболта билан қоқишди,  
 Унда эпин қилолмай,

Қилич билан чопишиб,  
Унинг эпин қилолмай,  
Чўқмор билан солишиб,  
Арслон каби олишиб,  
Жон аямай урушди.  
Қирон Манас ботиринг  
Энкайиб қўл солди-ку.  
Қобоннинг қора сочин  
Кўлига тутиб олди-ку!  
Нари-бери тутамлаб,  
Узанги бовлигига  
Уч йўл ўраб чалди-ку.  
Аймонбўзга аямай  
Қаттиқ қамчи солди-ку,  
“Чух!” деб чопа қолди-ку.  
Ўпол тоғдай шибени  
Дирқиратиб судраркан,  
Бой Жақипнинг қиличи  
Жонини суғуриб олибди.  
Эр Манаснинг қўлида  
Қобон алп ўлиб қолибди.

Олтмиш бедов тулпорни  
Эр Манас ҳайдаб келибди.

Қирқ жўрага биттадан  
Тақсим қилиб берибди.  
Йўлбарсингнинг қошига  
Йўлаб биров боролмас.  
Йўлиқса гар бирон кас,  
Яшаб тирик қололмас  
“Қора хитой, манжуудан  
Қутулдик-э, чин бўлсин”  
Деб, қирғиз юрт тўй қилиб,  
Эркини қўлга олиб,  
Яратганга ялиниб,  
Узилгани бут бўлиб,  
Еган оши қут бўлиб,  
Манас Манас атаниб  
Тулпор миниб отланиб,  
Оқ қалпогин эл таниб,  
Қут ёғиб юрган йўлига,  
Қўш тизгин, бир чилвирни  
Олибди ўз кўлига.  
Ўпол тоғдай эр бўлди,  
Ўн икки муча тенг бўлди.  
Куйган қирғиз эл бир бўлиб,  
Қутиб олар шер бўлди.  
Тошган баттол ёвлар-чун  
Тоғни бузар сел бўлди.





**Барбара КАРТЛЕНД**

(1901–2000)

## ШАРҶОНА МУҲАББАТ

Роман

*Рус тилидан  
Шаҳло АҲРОРОВА  
таржимаси*

*Инглиз адабаси. XX асрнинг энг сермахсул ижодкорларидан бири. Ишқий романлар қироличаси деб эътироф этилган Картленднинг 723 та китоби нашрдан чиққан. Шундан 657 таси ишқий роман бўлиб, улар салкам миллиард нусхада чоп этилган. 1983 йилнинг ўзида 26 та романи чоп этилиб, Гиннесснинг рекордлар китобига кирган. Унинг бир қанча асарлари экранлаштирилган. Б.Картленд ЮНЕСКОнинг китоблари энг кўп таржима қилинган адаблар рўйхатида 7-ўринда туради. Картленд вафотидан сўнг унинг архивида яна юзлаб романлар аниқланди ва улар ҳали ҳам чоп этилмоқда.*

### Биринчи боб

1876 йил.

Шона Уинтертон Парк-лейндаги ота маконига яқинлашар экан, “уйга қайтишим жоизмикан?”, деган савол уни қийнай бошлади.

Қачонлардир бу уй бахтга тўла эди. Энди эса келишга юраги бетламайди.

Извошдан тушиши билан, эшик саройники каби ланг очилди ва уни табассум билан кутиб олишди.

– Сизни яна кўришдан мамнунман, мисс. Ўрнингиз жуда билинди.

– Раҳмат, Хоскинс. Онам яхшимилар?

– Муҳтарама хоним кейинги вақтда анча кучдан қолдилар. Ҳозир дам оляптилар, аммо ишончим комилки, сизни кўриб бошлари кўкка етади.

Шона унга жилмайиб кўйди. Хоскинс бу уйда ўн беш йилдан бери хизмат қилади. Агар бирор ёрдамга муҳтож бўлса, бу қари хизматкорга суяниш мумкинлигини Шона яхши биларди. Зинадан кўтариларкан, қиз бу хизматкорнинг ёрдамисиз ўзига қийин бўлиши мумкинлигини ўйлади.

Агар отаси тирик бўлганда, ҳаммаси бошқача кечармиди? Шонанинг отаси адабиётни юксак қадрлайдиган ва китобсевар, бир неча тилларни бил-

\* Манба: Б.Картленд. Любовь на востоке. – Книжный клуб “Клуб Семейного Досуга”. Москва. 2007.

гувчи инсон эди. У, қиз бола турмуш куриши учун жуда ақлли кўринмаслиги лозим, деган бидъатга эътибор қилмас, аксинча, Шонанинг заковатидан ғурурланар, ўзи билган ҳамма нарсани унга ўргатишга ҳаракат қиларди.

Отаси саёҳатни хуш кўрар, имконият бўлганда чет элга хотини ва қизини ҳам олиб кетарди. Бу саёҳатлар қанчалар ажойиб эди!

Аммо уч йил олдин юрак хуружи уни бир неча дақиқада ҳаётдан олиб кетди.

Шона онаси билан бирга жуда қайғуришди, шундай бўлса-да, ярим йил ўтгач, бева қолган онаси яна турмушга чиқди. Қиз энди бу уйда бахтли бўла олмаслигини тушунди. Ўғай отаси полковник Локвуд ўтқир идрокли ва оғир-вазмин отасининг акси – ҳазилкаш ва хушчақчақ эди.

Шона онасининг ётоғи эшиги олдида тўхтади-да, оқсочига юзланди:

– Эффи, мен онажоним билан кўришишим керак. Унга қадар марҳамат қилиб ваннани тайёрласанг.

Эффи бекасининг топшириғини адо этмоқ учун ошиқди, Шона эшикни тақиллатди ва ичкаридан “киринг” деган паст овоз эшитилди.

Шона ичкарига кирган ҳамоноқ каравотида жимжимадор тўрли тунги кўйлақда ўтирган Хелен хонимга юзланди: озгин юзи жуда рангпар эди.

Онаси эллик ёшидаёқ ўзини заиф кампирдай тутадиган бўлиб қолган, қизи бу ҳолатни онасининг кечириб бўлмас иккинчи никоҳи оқибати, деб ўйларди.

Хелен хоним иккинчи эри устидан шикоят қила олмасди. Чунки бу никоҳ унинг бемаъни хатоси эди. Шунинг учун Хелен хоним ҳар қандай муаммодан, ўзи учун энг қулай усул, қочиб ҳимояланарди.

Шона онаси уни яхши кўришини билар, аммо ўғай отаси билан низолашиб қолганида ҳеч қачон унинг тарафини олмаганлигини ҳам унутмаганди.

Қизини кўриб Хелен хонимнинг юзи ёришиб кетди ва кучоғини очди:

– Шона, азизам! Ниҳоят, сен ўз уйингдасан!

Онасининг қувончида Шона аллақандай носамимийликни ҳис этди, бу унинг юрагига оғир ботди. Чамаси, онаси қандайдир хавфни яшириш мақсадида қизи олдида ўзини енгил ҳис қилаётганини намоён этиётганди.

– Болагинам, Донвортлар оиласи сенга ёқдимиз? – сўради Хелен хоним.

– Жуда ёқди. Уларнинг уйда ҳамиша қувонч ҳукмрон. Ҳар оқшом кўнгишчўғлик қилиш, рақсга тушишни айтмайсизми! Тўғриси, кўнгишчўғликлардан баъзан жуда чарчаб ҳам кетаман.

Хелен хоним қизининг сўзларини эшитиб, кулиб қўйди. У ёшлигида бундай кўнгишчўғликларни жуда яхши кўрар, балларнинг тенгсиз маликаси эди. Ўз орзусидаги эркакни учратиб, унга турмушга чиққунга қадар ноз-карашмалари билан жуда кўп йигитларнинг ҳушини ўғирлаганди.

Нозик ва латофатли Хелен хоним ҳали ҳам ўз ҳуснини йўқотмаган, қизи унга жуда ўхшарди: товланиб турувчи майин қизғиш сочлар, катта-катта мовий кўзлар, юз бичими ҳам қўйиб қўйгандек.

Фақатгина Шонанинг юзида акс этиб турувчи қатъият онасида етишмасди. Қизнинг энгаги кўркем ва зодагонларга хос, айтиш мумкинки, унинг иродасини намоён этиб турарди. Нафис ва лўппи лаб чизиқлари унинг журъатли ва кучли руҳият эгаси эканлигидан дарак берарди.

Шона Уинтертон кимдир унга ҳукмронлик қилишига йўл қўймас, аммо атрофида унинг бу феълени англаб етмаганлар ҳам бор бўлиб, улардан бири – ўғай отаси эди.



– Вақтинг хуш ўтганидан жуда хурсандман, – деди Хелен хоним.

– Мен у ерда яна жон деб қолган бўлардим, – деди Шона, – лекин ўгай отамнинг ёзишича...

– Азизам, нега сен уни бундай деб атайсан? Ишончим комил, агар сен “ота” деб атасанг, у жуда бахтиёр бўларди.

– Мен бундай қилолмайман, – аста деди Шона. – Менинг отам ўлган. Мен бошқа одамни унинг номи билан атай олмайман.

Хелен хоним чуқур нафас олди.

– Қизгинам, афсуски, сен жуда қайсарсан. Полковник Локвуд жуда яхши одам. У сенга ёрдам бериш учун қўлидан келган ҳамма нарсага тайёр.

– О, йўқ, онажон. Мен бунга ҳеч қачон ишонмайман. У менга ёрдам кўрсатиш асносида ҳам ўз манфаатини кўзлайди. Мен ҳатто унинг яхши одамлигига ишонмайман...

– Жим! – қичқириб юборишига оз қолди Хелен хонимнинг. – У ҳақда бундай дейишга қандай ҳаддинг сиғди?!

– Кечиринг, онажон. – итоаткорона жавоб берди Шона.

Қиз онасига бу нохуш ҳақиқатни очишга уринишнинг фойдасизлигини биларди, зеро, онаси кўриниб турган нарсани ҳам тан олишни истамасди. Шундай бўлса-да, Шона ҳақиқатни айтишдан ўзини тия олмади.

– Полковник ўз унвонини оширишни мўлжаллаган. Бунга эришиш учун мендан фойдаланмоқчи.

– Бу сафсата...

– Сафсата эмас, онажон. Нима деб ўйлайсиз, нега мен уйга барвақт қайтдим? Ўгай отам мендан Лондонга қайтишимни илтимос қилди, у мени “мафтункор инсонлар”, жумладан, граф Харрингтон билан таништириш ниятида.

– Ҳа, граф ҳақиқатан ҳам мафтункор, – деди она, қизининг кўзларида ялт этиб ўтган ғазаб учқуни туфайли бироз тугилиб.

– Йўқ, онажон, у қўпол, беодоб, жуда маишатпараст. Ўгай отам унга пули ва унвони учун турмушга чиқишимни истайди. Бу истагини амалга ошириш учун у ҳеч нарсадан тоймайди. Ўгай отам қанчалик тикиштирмасин, лорд Харрингтон менга ҳатто эътибор ҳам бергани йўқ. Ер юзидаги энг сўнгги эркак у бўлганда ҳам унга тегмайман.

– Азизам, бундай қайсарлик асл хонимга ярашмайди.

– Агар қайсар бўлмаганимда, аллақачон меҳроб ёнида бўлардим, – жавоб берди Шона. – Нима деб ўйлайсиз, мен нега Донвортларникига кетдим? Чунки улар Лондондан йироқда бўлган Эссексда истиқомат қилишади. Бундан ташқари, у ерда ўгай отамнинг бемаъни таклифларидан узоқ бўлишга умид қилгандим, аммо янглишибман. У бугун кечки овқат дастурхонида бўлишимни талаб қияпти. Мен унга узил-кесил рад жавобини бериш учун ҳам уйга қайтдим.

Хелен хоним чинқириб юборди:

– Азизам, сен ахир ўз отанга қўполлик қила олмайсан!

– Ўгай отамга, – унинг сўзини шарт кесди Шона. – У менга ота эмас ва ҳеч қачон бўлмайди ҳам! Узр, онажон, мен хонамга бориб, кийимларимни алмаштиришим керак.

Шона онасини ўпиб, шошиб хонадан чиқиб кетди.

Шонанинг жомадонини жойлаб бўлгач, бекасига ванна тайёрлаб турган Эффи унинг хонасида кутиб турарди. Эффи йигирма ёшларда эди. У мазкур



хонадонда ўн беш ёшидан бери оқсочлик қилар, бу вақт оралиғида қизлар яқин дугона бўлиб қолишганди.

– Сизга жуда кўп таклифномалар келди, мисс, – деди Эффи. – Бир қаранг-а!

Шона таклифномаларга бепарволик билан кўз югуртирар экан, герцогиня Грешем қароргоҳ – Греш-Хаусдаги бугунги қабул таклифномаси унинг эътиборини тортди. Шона бу хонадонни ёқтирарди.

“Аммо розилик бериш учун кеч бўлди”, – надомат ила ўйлади Шона.

Ванна қабул қилаётиб, Шона ўғай отаси ҳақида мулоҳаза юритди.

“Эҳ, – ўйлади у. – Нега онам унга турмушга чиқдийкин-а? Бир ҳисобда уни айблай олмайман: отам вафотидан сўнг онам жуда ёлғизланиб қолганди, лекин нега энди айнан Локвудни танлади?!”

У полковникдан устун дея ҳисоблайдиган ўнлаб эркакларни санаши мумкин эди. Уни танлаётганда онасининг ақл-хуши жойидамиди? Ё бу эркак унинг бош-кўзини айлантириб олганмиди?

Полковник уларнинг уйига кириб келган биринчи кунданок Шона унинг қандайдир муҳим режаси борлигини сезганди, чунки у Хелен хонимга ҳаддан ортиқ мулозамат кўрсатарди. Нафратини яширмаган қиз англагандики, унинг таклифи ва онасининг розилиги вақт тақозоси эди, холос.

Шунингдек, полковник Хелен хонимга ҳамиша яхши муносабатда бўлганини ва унинг кўнглига қараганини Шона тан олишга мажбур эди, зеро Локвуд, агар истаса, жозибадор эркак бўла оларди. Аммо, тез орада Шона унинг фирибгар эканини, аслида онасининг давлати ва жамиятдаги мавқеига кўз олайтирганини англаб етди. Шона бу одамга на меҳр қўёлди ва на ишонди.

Никоҳдан сўнг Шона тушундики, полковник учун янги рафиқасининг қизи ортиқча бош оғриғи эди, холос. Локвуд бу хонадоннинг Лондондаги ва шаҳар четидаги уйларида ҳукмронликни ўз кўлига олишни истарди. У тез орада Шонадан қутулишнинг ягона йўли – уни эрга бериш, берганда ҳам бирор мартабаси баланд эркакка узатиш ва унинг ёрдамида ўз мавқеини кўтариб олиш лозим, деган хулосага келди.

Шонанинг отаси жангу-жадалда ном қозонган генералнинг ўғли бўлиб, аммо у урушдан сўнг зодагонлар оламига кира олмади. Хелен хоним эса графнинг қизи эди.

“Уни онамнинг насл-насабигина қизиқтирган. У олифта ва худбин, у ҳамиша худбинлигича қолади”, – ўйлади Шона.

Локвуд оқсуяклар даврасига қўшилиш учун хотинининг насаби ва мавқеидан имкон қадар фойдаланишга ҳаракат қилар, аммо бунга ҳали эриша олмаганди.

Локвуднинг бу уринишлари зое кетди: зиёли ва амалдор одамлар уни яқинларига ҳам йўлатмадилар. Шу боис у ўзининг эски ҳамтовоқлари – келиб чиқиши ва насл-насабига қарамай, жентльмен бўлмаган, назокатдан йироқ эркаклар даврасига қайтди. Қартабоз, ичкиликбоз, маишатпараст ва нодонлар – Локвуд атрофида ана шундайлар тўпланганди. Энди эса у шуларнинг бирига ўғай кизини бериш учун жонини жабборга бериб уринаётганди. Граф Харрингтон бу гуруҳдан охирги номзод бўлиб, Шона ҳар гал у билан учрашишдан қочарди. Одатда, граф тушликка таклиф қилинса, Шона от миниш сабоғи баҳонасида кечикиб келар, кечки овқат вақтига келса, ё чарчаганини рўқач қилиб ухлашга ётар, ё сездирмасдан бирор ерга қочарди.

Энди бу уринишлар ёрдам бермай қўйди. Полковник Локвуд жон-жаҳди билан қатъий туриб олганди.

Шона зинадан пастга тушаётиб, полковникни кўрди – қиз шундан хавфсиз сираганди. Унинг ўғай қизи билан сермулозамат бўлиб сўрашиши қизнинг кўнглини ваҳимага солди. Локвуднинг ошланган теридай қип-қизил юзида узун мўйловлари ёқимсиз кўринар, ундан вискининг ўткир хиди анкирди.

Шона ижирғаниб бурнини жийирди.

– Илтимосимни ерда қолдирмай уйга қайтганингдан жуда хурсандман, – Шонанинг энсасини қотирадиган кўпол овозда деди Локвуд.

Шона захарханда гапларини ичига ютиб, босиқлик билан деди:

– Мени онамнинг соғлиги хавотирга солди.

– Албатта, албатта. Бу табиий ҳол. Онажонинг сен учун жуда ҳам қайғурмоқда, болагинам. У сени турмушга берадиган пайт келди, деб ҳисобляпти. Мен унинг фикрига қўшиламан.

– Мен кўнглимга ёққан эркакни учратгачгина турмуш қуриш ҳақида ўйлаб кўраман. Ҳозирча эса мен бунақасини учратмадим, – қатъий жавоб берди Шона.

– Қўйсанг-чи. Сен каби яхши қизлар тезроқ турмушга чиқишлари лозим.

– Фикримча, агар эркак киши мени ўзига мос деб ҳисобласа, менга уйланишни хоҳлайди. Лекин у менинг шахсий қарашларим ва кўнглимга қараши керак. Мен эса ҳали ўзимга ёқдиган эркакни учратмадим.

Полковникнинг кулгуси носамимий янгради.

– Кел, яхшиси бу масалани бугун кечки таом устида муҳокама қиламиз, – таклиф қилди у. – Менинг сенга айтадиган гапим кўп. Хабаринг бор, эртага бизникига лорд Харрингтон ташриф буюради. Менимча, сизлар очикчасига гаплашиб оладиган вақт келди.

– Биз муносабатларимизни аниқлаштириб олганмиз, – кескин жавоб берди Шона. – Мен таклифини узил-кесил рад этганман ва энди муҳокамага ўрин йўқ.

– Мен буни назарда тутмаяпман...

– Билмайман, сиз нимани назарда тутгансиз, лекин бу масалада жавобим қатъий. Уни бекорга умидвор қилиб ўтирманг. Мен у ҳақда билишни ҳам истамайман!

Полковникнинг юзидаги хайрихоҳлик ниқоби ечилиб, унинг ўрнини ғазаб эгаллади.

– Қулоқ сол, кичик хоним! Сен ўзингни ким деб ҳисобляпсанки, мен билан бундай оҳангда гаплашасан?!

– Сиз менга сўзингизни ўтказа олмайсиз, – бепарволик билан жавоб берди Шона.

– Адашасан! Модомики, ҳали вояга етмаган экансан...

– Модомики, ҳали вояга етмаган эканман, сиз менинг никоҳимга ҳалақит қилишингиз мумкин, аммо бутун бошли қироллик лашкари-ю, қироллик отлиғи ҳам мени Харрингтон каби одам билан никоҳдан ўтишга мажбур эта олмайди!

– Харрингтон – менинг дўстим!

– Буни яхши биламан, – ижирғаниб деди Шона.

Унинг сўзларини ўзига ҳақорат деб билган полковник ўғай қизига тарсаки тушириб юборишига оз қолди. Расво феъл-атворли бу кимса кейинги пайтларда ўзини назорат қилолмай қолганди. Шона эса ўрнидан жилмади.

Унинг совуқ ва ўткир нигоҳлари ўғай отасининг кутурган ола кўзлари билан тўқнашди. Локвудни охириги сонияларда нимадир тўхтатиб қолди. У кўлини туширди, аммо юзлари ғазабдан буришиб кетганди.

– Бу ҳақида кечқурун гаплашамиз, – ўшқирди у.

Шона ҳозиржавоблик билан деди:

– Сиз билан бугун кечки тановулда учрашолмайман, дея кўрқаман. Герцогиня Грешемдан бугунги кечага таклифнома олганман.

Полковник бир қалқиб тушди ва Шона бу довдирашнинг сабабини биларди. Грешемларнинг юксак мартабаси ва таклифининг ўзиёқ уни титроққа солиш учун етарди. Грешемлар Локвудни назар-писанд қилишмас, уни ҳеч қачон қароргоҳларига таклиф этишмаганди.

Шона мазкур қабулга усиз бораётгани сабабли ҳам Локвуд ўғай қизини баттар ёмон кўриб кетди. Аммо унинг олифталиги Шонанинг бу қарорига қаршилиқ қилишга тўсқинлик қилди.

– Шундай дегин, – деди ниҳоят у қувонганини самимий кўрсатишга уриниб. – Оиламиз дўстларини хафа қилиш ярамайди. Афсуски, менинг бошқа режаларим бор. Бўлмаса сени жон деб кузатиб борган бўлардим.

– Бу ўта аҳмоқона иш бўларди, – секин жавоб берди Шона.

Локвуд қизга ўқрайиб қараб қўйди. Шона унга киё ҳам боқмади ва хонадан чиқиб кетди. У ўз сўзида туриб олган бўлса-да, юраги қинидан чиқар даражада гуп-гуп урарди.

“Мен дарҳол жуфтакни ростлашим керак, – саросимага тушди у. – У ўзини базўр тутди. Мени дўстига никоҳлаш учун у ҳар нарсага тайёр”.

Хонасига қайтиб киргач, Шона герцогиня уни қабул қилиши учун кеч бўлмаслигига умид билдирилган бир неча жумлани шошилиб ёзди-да, қаролидан бериб юборди.

Герцогиня уни ўз уйида қабул қилишидан мамнун эканлиги ҳақидаги жавоб тахминан бир соатларда келди. Шона енгил нафас олди-да, кейинги муҳим масала билан шуғулланди: нима кийиш керак?

У Эффининг ёрдамида ниҳоят пушти тошлар билан безатилган магнолия<sup>1</sup> рангидаги атласдан тантаналар учун тикилган кўйлагини танлади. Бўйнига эса бобоси совға қилган марварид шодасини тақди.

Шона ўз эркинлигини намоён этишига асос бор эди, чунки онаси томонидан бобоси граф Ларнесский ўз мулкининг ярмини қизига, ярмини эса неварасига мерос қилиб қолдирганди. Шонанинг фикрича, ўғай отаси Хелен хонимни жуда бадавлат деб ўйлаган. Бу ерга келгач, мулкнинг фақат бир қисмигина унга тегиши мумкинлигини билиб, ғазаби қайнаганди.

Ҳар иккала аёлнинг пуллари билан боғлиқ расмиятчиликни васийлар амалга оширар, полковник Локвудга хотинининг улушидан оз миқдорда пул беришар, Шонанинг улушига эса унинг аралашиши ҳам тақиқланган эди.

Қиз полковникнинг бир неча бор ўғай қизига тегишли давлатни қўлга киритишга урингани ва ҳар гал қатъий рад жавобини олганда қанчалар ғазабга мингани тўғрисида васийларнинг ўзидан эшитганди.

“Ўғай отам чамаси мени ўша майпараст ҳамтовоғига узатиб, пулларимни ўмармоқчи”, – ўйлади у пардоз қилаётиб.

Унинг бу шубҳаси Эффининг сўзларидан кейин ўз тасдиғини топди:

– Мен бошқа хизматкорлар билан суҳбатлашдим. Уларнинг фикрича, полковник бу эркакдан қарз олган экан.

<sup>1</sup> Магнолия – хушбўй пушти гулли бутасимон ўсимлик. (Таржимон изоҳлари.)

“Бу эркак” аслида ким эканлигини аниқлаштиришга ҳожат йўқ. Эффи ҳам уни ёмон кўрарди. Унинг фикрича, “у кўлига жуда кўп эрк беради”.

– Сен бу ерда хавфдан холилигинга ишонасанми? – хавотирланиб сўради Шона.

– Ташвишланманг, мисс. Мен бугун йигитим билан учрашув белгилаганман. У полициячи, гоҳида кураш тушиб ҳам пул топиб туради.

– Айтмоқчисанки, у бир-бирини хушдан кетгунга қадар дўппослаб, сўнг шунинг эвазига пул оладиган йигитлардан бирими? – сўради Шона.

– Ҳа, мисс. Аммо Жимми ҳали бирор марта ҳам ютқизмаган.

– Яхши. Унда сендан кўнглим тўқ. Агар хоҳласанг, менинг пушти кўйлагимни кийиб ол.

Извошга ўтириб бу ердан тезлик билан жўнаб қолиш Шонага шундай энгиллик бағишладики! Уйдан узоқлашаркан, у ортига ўгирилиб, уйига қарашдан ўзини тия олмади. Қиз кутганидек, иккинчи қават деразасидан полковникнинг шарпаси кўзга ташланди. У қизни яширинча кузатиб турарди.

Грешемларникида кечки овқат жуда дабдабали ўтди. Шона меҳмонларнинг кўпчилиги билан таниш эди. Улар ҳар тарафдан қизни Эссексдаги сафари тўғрисида саволга тутдилар. Полковник ҳақида эса ҳеч ким эсламади ҳам.

Шонани ёш ва хушчақчақ бўйдоқ йигит – виконт<sup>1</sup> Мелтон қаршисига ўтқаздилар. Аммо бу кеча Мелтон ўзгачароқ кайфиятда эди, гўё хаёли ўзида эмасди. Илгари улар тортинмасдан ҳазил-хузул қилишарди. Ҳозир эса у Шонага бир неча савол берди, холос. Шона сездик, бугун уни бошқа томонда ўтирган катталар билан суҳбат қуриш кўпроқ хушнуд этди.

Кечки тановул ниҳоялагач ва хонимлар жанобларни вино ичиш учун қолдиришган вақтда Шона нигоҳлари каби сўзлари ҳам ўткир бева герцогиня Грешем билан суҳбат қурди.

Бу басавлат хоним уйдан ташқарига кам чиқса-да, барча миш-миш ва гап-сўзлар қулоғига чалинар ва улар тўғрисида оқилона мушоҳада юритарди. Одамлар маслаҳат сўраб унга тез-тез мурожаат қилиб туришарди. Бу хоним, қанчалик мураккаб муаммо бўлмасин, уни ечишга қодир аёл сифатида хурмат қозонганди.

Эркаклар ҳам даврага қўшилиб, умумий суҳбат мавзуси янгилангач, Шона бу меҳмондўст хонадон соҳиблари билан бир неча оғиз суҳбатлашди-да, сўнг диванга ўтиб ўтирди. У бир финжон чой ичиш асносида ортидан кимнингдир овозини эшитди ва ўгирилиб қаради.

Суҳбат диван суянчиғи ортига илинган парданинг нариги томонида кечаётганди. Шона овоз соҳибини таниди – бу виконт Мелтон эди.

– Сиз менга ёрдам беришингиздан умидим катта, герцогиня. Ҳаётимда катта кўнгилхираликлар кечмоқда.

Унга бева герцогиня Грешем жавоб қайтарди:

– Мен биламан. Сизни Ларксвортлар қизига мажбуран уйлантиришяпти, шундайми? Сиз эҳтиёткорроқ бўлишингиз лозим эди.

– Мен бор-йўғи уни рақсга таклиф этувдим... – деди норози оҳангда виконт.

– Бир окшомда уч марта! Бир окшомда бир қиз билан икки мартадан ортиқ рақсга тушиш мумкин эмас. Сизнинг бундан хабарингиз йўқми? Уч марта рақсга таклиф этиш... у ёғини ўзингиз тушуниб олаверинг.

<sup>1</sup> Виконт – Европа зодагонларида барон ва граф ўртасидаги унвон.

– Ўша сафар шундай бўлиб қолди, – минғирлади виконт. – Жаноб Роджер Ларксворт жуда кўпол луқмалар ташлади.

– Бу муаммодан кутулишнинг энг яхши йўли бир неча ҳафтага чет элга чиқиб кетиш, – деди герцогиня. – Сиз қайтгунигизча ҳамма бу можарони унутди ва бошқа нарсаларнинг муҳокамасига ўтган бўлади. Бунга ўхшаган вазиятлардан қочишга ҳаракат қилинг.

– Айтишга осон! Анави Локвуд ҳам унинг айнан нусхаси...

– Нахотки у ҳам ўғай қизини мажбуран турмушга беришга уринаётган бўлса?!

– У менга бир неча бор маънодор нигоҳ ташлади. Шона менга ёқади, аммо унинг отаси тирик бўлганда эди... Ҳаммаси бошқача бўларди. Лекин ўғай отаси билан қариндошлик ришталарини боғлаш... О, маъзур тутгайсиз.

– Бечора Шона! – афсус ила хитоб қилди герцогиня.

Парда ортида ўтирган Шонанинг қимирлашга ҳам ҳоли қолмаган, у юзига суртган бўёқлари оқиб тушаётганини ҳис қилиб турарди. Демак, ўғай отаси сабаб бирорта тарбия кўрган эркак у билан боғланишни истамасди.

– Эртагаёқ жўнаб кетаман, – қарор қилди виконт. – Ёрдамингиз ва гамхўрлигингиз учун сизга ташаккур, герцогиня.

– Мен сизни туғилганингиздан бери биламан, виконт, – жавоб берди герцогиня. – Агар сизга ёрдамим тегса, бундан мен ҳам мамнунман.

– Сиз маслаҳат борасида ҳеч кимдан ёрдамингизни аямайсиз, – деди виконт. – Ишқий муаммоларимизни ечишда бахтимизга яхшиям сиз борсиз.

Герцогиня кулиб юборди.

– Одамларга ёрдам бериш – савобли иш, – жавоб берди у. – Лекин ҳамма муаммолар ҳам ишқий муносабатлар билан боғлиқ бўлавермайди. Масалан, маркиз Чилворт яқиндагина мендан француз, испан, итальян, агар имкони бўлса, грек тилида ҳам эркин мулоқотда бўла оладиган котиб топиб беришни илтимос қилди.

– Шубҳасиз, ўзи бу ишни эплай олмайди, – тушунгандек бош силкиб кўйди виконт.

– Бу масалани тезда ҳал бўлишига кўзим етмайди. Ахир бундай кўп тил билгувчини қаердан топиш мумкин? Инглизлар она тилларидан ўзга тилларда гапиришга нўноқ бўладилар. Улар кўпинча ўз тилида ҳам хато қиладилар.

– Агар бу масалани кимдир ечиши мумкин бўлса, у фақат сизсиз, – деди виконт. – Сизнинг мавқеингиз осмон қадар юксакликка кўтарилган. Хайрли тун, кадрли герцогиня. Яна бир бор барча яхшиликларингиз учун раҳмат.

Шунда герцогиня бир сўз айтдики, Шонанинг юраги туб-тубигача зирллаб кетди.

– Сиз чин севгингизни топмагунингизга қадар, менга миннатдорчилик билдиришга шошилманг. Севгингизни топсангиз, сизни кутқарганимга ана шунда амин бўласиз.

Шона извошга ўтирганда ҳам герцогинянинг охирги гапи кулоқлари остида жаранглаб турди. Агар у полковникка ўз режасини амалга оширишга кўйиб берса, севган инсони билан никоҳ қуриш бахтидан бир умр мосуво бўларди. Демак, у бунга ҳеч қачон йўл қўймайди!

Уйга қайтгач, Шона Эффини хонасида учратмади, у беш дақиқадан сўнг ҳозир бўлди.

– Маъзур тутинг, мисс, – деди у ҳаяжон ила. – Мен олдинроқ келиб, сизни бу ерда кутиб олишим керак эди.



- Ҳаммаси жойида, Эффи. Хўш, ошиғинг билан вақтни яхши ўтказдингми?
- Эффининг кўзлари чараклаб кетди.
- О, ҳа, мисс! Биз Жимми билан биринчи имконият туғилганданок турмуш қурамыз.
- Сизлар биргаликда жуда бахтли бўласиз, деб ўйлайман, – майин шивирлади Шона.
- “Эффи ўзининг чин муҳаббатини топа олди”, – ўйлади у бироз ҳасад билан.
- Оқшом қандай ўтди, мисс?
- Шона унга ҳаммасини, ҳатто парда ортидан бехос эшитган суҳбат ҳақида ҳам сўзлаб берди.
- Бу герцогиня эртақлардаги фаришта-онанинг ўзи экан, – эътироф этди Эффи Шонанинг сочларини тараётиб.
- Ҳа, у амалга ошираётган мўъжизалар одатий ҳолга айланган. Масалан, маркиз Чилворт унга кўп тилда сўзлаша оладиган котиб топиб беришни илтимос қилибди.
- Сизга ўхшаганми?
- Менга?
- Ахир отангиз сизга кўп тилларда сўзлашишни ўргатган-ку.
- Ҳа, тўғри, аммо... Менимча, унга котиблик қилиш учун эркак киши керак.
- Агар у эркак кишини тополмаса-чи, мисс?
- Шона кўзгудаги аксига ўйланганча тикилиб қолди. Нега бу фикр унинг миясига олдинроқ келмадийкин? Бу унга қутулиш учун имконият бўлиши мумкин.
- Қўлимдан келармикин, – унинг ўйлари сўзига чиқди.
- Ҳа-я! – ҳаяжон ила бирдан қичкириб юборди Эффи. – Ахир мен ўша маркиз ҳақида эшитганман-ку! Унинг лақаби Махлук.
- Махлук? – беихтиёр такрорлади Шона.
- Айтишларича, бошига мусибат тушгандан сўнг, кўп йиллар мобайнида уни ҳеч ким кўрмаган.
- Қандай мусибат?
- Айтишларича, у телбаларча севган қиз бошқа йигитга унаштирилган, – жавоб берди Эффи.
- Кейинчи, кейин нима бўлган?
- Улар бирга қочиб кетишган. Аммо қизнинг қаллиғи уларни топиб, қизнинг қоқ юрагига ўқ узган, – деди Эффи ҳаяжондан бироз титраб. – Ўшандан бери маркизни ҳеч ким кўрмаган. У ё уйдан эшикка чиқмай, зимистонда яшайди, ё махсус тайёрланган кемада етти денгиз бўйлаб кезади.
- Ёқимсиз сахна кўринишини эслатади, – ишонқирамади Шона.
- Айтишларича, у бир кечада чўкиб қолган.
- Хўш, бу воқеалар қачон рўй берган экан?
- “Экан” дейсизми, мисс? Бу воқеа ҳақиқатан ҳам рўй берган, бу чин ҳақиқат! Ўлай агар! Менга бу воқеани ўша маркиз қўлида хизмат қилган одамга турмушга чиққан холаваччам сўзлаб берди.
- Ҳеч ақлга тўғри келмайди. Агар бу ҳақиқат бўлганда, у ҳақда ҳамма биларди.
- Ахир у ташқи дунёдан яшириниб яшаётган бўлса, у ҳақда қаердан ҳам билишсин? – эътироз билдирди Эффи ўзининг мантиққа зид фалсафасида

туриб олганча. – Ох, мисс, балки у билан учрашмаганингиз маъкулдир? У сизни ўғирлаб кетса-чи?

– Нега энди мени ўғирлар экан? – хайрон бўлиб сўради Шона.

– Қандайдир ғараз мақсадлар учун, – баланд овозда деди Эффи.

– Қандай мақсад?

– Ким билади дейсиз? Бундай мақсадлар каммас-ку!

Шонанинг лабига табассум ёйилди.

– Бу бемаъни гап, – деди у. – Агар маркиз Чилворт шунчалик одамови бўлса, ишонч билан айтаманки, бу мен учун айти муддао.

– Агар у сизни ўзи билан етти денгиз бўйлаб саёҳатга олиб кетишни истаса-чи?

– Ох, Эффи, тутуриқсиз романлар қахрамонига ўхшаб гапиришни бас қилсанг-чи! – кулди Шона. – Боз устига, агар мен етти денгиз бўйлаб кетсам, ўгай отамдан қутуламан. Мен зудлик билан маркиз Чилворт билан кўришишим лозим.

– Мисс, менимча бу хавфли! – кўрқа-писа шивирлади Эффи.

– Агар бу иш хавфли бўлса, уйга қайтиб келаман.

– Унинг хаёлига сизни ўғирлаш келиб қолса-чи?..

– Ҳа-ҳа, ғаразли мақсадларда. Эсимда. Мен бир таваккал қилиб кўрмоқчиман.

Шонанинг кўзлари қатъият билан чакнаб турарди.

– Ким билади, дейсан, – деди у қувноқ оҳангда муғомбирона. – Балки менда ҳам “ғараз мақсадлар” туғилиб қолар.

## Иккинчи боб

Эртаси куни Шона барвақт уйғонди. Эффи унинг полковник билан учрашиб қолиш хавфидан асраш учун нонуштани хонага келтирди.

– У бунчалик барвақт уйғонмаса керак, – деди Шона. – Менимча, у кеча жуда кеч қайтди.

– Агар хизматкорининг гапи тўғри бўлса, ярим тунда, соат учда, – аниклик киритди Эффи. – Ундан спирт хиди бурқсиб турган экан.

– Демак, чошгоҳдан олдин уйғонмайди. Жуда яхши. Менда ҳар бир нарсани аниқ режалаштириб олишга вақт бўлади.

– Сизга қайси кийимингизни ҳозирлай, мисс?

– Билмайман. Мен жиддий ва ҳозиргидан каттароқ ёшда кўринишим керак. Қиёфамга жиддий тус берадиган турмак қила оласанми?

Эффи сочга суртиш учун ошхонадан ун олиб келгани кетди, бу Шонани ўрта ёш кўрсатолмаса ҳам, сочларининг жилосини яшириб, кулранг тус берарди.

Кўп уринишдан сўнг ниҳоят улар керакли натижага эришишди. Унинг сочи ёши улуғларга ўхшаб турмакланганди.

– Энди менга кўзойнак керак, – деди Шона. – Уни қаердан олсак бўларкин?

– Хиггинс! – қувониб кетди Эффи.

Кичик хизматкор бўлиб ишлаган Хиггинс ўтган ойда кетган, у қўшимча кўзойнагини унутиб қолдирганди. Яхшиямки, Эффи бу кўзойнакнинг қаерда турганини биларди. Бурнига кўзойнак кўндирар экан, Шона ўзининг асл кўринишидан кескин фарқ қилувчи бутунлай ўзгача қиёфага кирди.



– Нима кийсам экан? Ҳамма кийимларим ҳашамдор. Мен тасаввур қилган аёл бундай ҳашамдор кўйлақлар киймаслиги керак.

– Сиз айнан қандай аёл бўлиб кўринмоқчисиз, мисс?

– Ўз қадрини биладиган улуғвор хоним каби. У мени тажрибасиз қизалок деб ҳисобламаслиги керак. Мен унда енгилтак ва калтабин эмас, тартибли ва жиддий аёл сифатида таассурот қолдиришим даркор.

– Лекин қўлингизда никоҳ узуги йўқ-ку?

– Онамникини тақаман.

Иккинчи марта турмушга чиқаётиб, Хелен хоним биринчи никоҳ узугини кизига берганди. Шона бу узукни ўз қутичасидан оларкан, унга хомуш тикилди. Каттагина бу узукнинг ички томонига “Муҳаббатимиз абадий бўлсин” деган сўзлар ўйиб ёзилганди.

“Бу узукни отам онамга тўй куни совға қилган, – ўйлади у. – Беҳад бахтга кўмилган бўлсалар керак ўшанда!”

Кейин эса отаси ўлди. Онаси эса унинг тирноғига ҳам арзимайдиган одамга турмушга чиқди.

“Йўқ, ўгай отам менга ҳукмронлик қилишига йўл қўймайман”, – ўйлади Шона узукни бармоғига тақаётиб.

– Энди шунга мос кийим танлаш лозим, – деди у. – Кийим жавонимда сипороқ нима бор?

– Балки сизга менинг кўйлақларимдан бири мос келар, мисс? – таклиф қилди Эффи.

– Ажойиб фикр!

Эффи одатда черковга кийиб борадиган кўйлагини келтирди. Кўйлақ жуда оддий бўлиб, бошқа шароитда Шона бу кўйлақни сира киймаган бўларди.

Ўзини кўзгуга соларкан, Шона одатдаги қиёфасининг бутунлай ўзгарганига амин бўлди.

– Худди қаримсиқ хотинга ўхшайман, – деди у. – Жуда соз.

– Сиз учун извош тайёрлашларини буюрайми, мисс?

– Йўқ. Мен борадиган жой унча узоқдамас. Ўзим етиб оларман. Менинг қаёққа ғойиб бўлганимни ҳеч ким сезмагани маъқул.

– Унда мен сиз билан бирга бораман, – деди Эффи. – Ташқарида кутиб тураман. Сиз у ёққа ёлғиз пиёда бормасиз.

– Нима, мени “ярамас мақсадлар” учун ўғирлаб кетишадими? – қикирлаб кулди Шона.

– Бўлиши мумкин. Бундан ташқари, хўжайин уйғониб қолса, унга рўбарў бўлишни истамайман.

– Тўғри айтасан. Бўпти, йўлга чикдик бўлмаса!

Иккиси бир оз пиёда юришгач, икки ғилдиракли арава ёллашди. Извошда ўн беш дақиқа юришди-ёв. Ниҳоят извошчи Белгравия худудида жойлашган Чилвортга қарашли мулк ёнида тўхтади. Архитектураси ва маҳобати билан Чилворт уйи ҳар кимда катта таассурот уйғотадиган иморат эди, аммо Шонага бу ер қаровсиз ва ташландиқ ҳолатда кўринди. Дераза тўсиқлари ёпилган. Демак, бу ерда яшовчи одам ташқи олам билан буткул алоқани узган кўринади.

Маркиз Чилвортнинг қандай одам эканлиги Шонани ўйлантириб қўйди.

Албатта, Эффининг бу кишини ғирт ёввойисифат, махлуқ тарзида таърифлагани ақлга тўғри келмасди. Аммо Шона ҳар ҳолда бу одамнинг бошқалардан буткул фарқ қилишига амин бўлди.

Шона Чилвортни тантанавор маросимларда сира учратмаган, ҳатто унинг исмини ҳам жуда кам эшитганди.

– Менга бу уй негацир ёқмаяпти, мисс, – деди Эффи Шона извошга рухсат бериб, эшик ёнида тўхтаганларида. – Биласизми, менимча сиз билан ичкарига кирганим маъкул.

Унинг овози арслоннинг инига киришга тайёрланаётган одамники каби хавотирли эди. Шона ўзини кулгидан аранг тийиб қолди, аммо оксочининг бекаси учун қаттиқ қайғураётгани уни таъсирлантирмай қўймади.

– Яхши, – деди у. – Агар у мени ўғирламоқчи бўлса, у ҳолда сен билан ҳисоблашишга тўғри келади!

– Худди шундай, мисс. Нияти ёмон бўлса, мен унга кўрсатиб қўяман!

– Эффи, мен ҳазиллашдим.

– Мен эса йўқ, – хомуш жавоб берди Эффи.

Эшик кўнғироғини чаларкан, Шона ичида ҳали ҳеч кимни ишга олишмаган бўлсин-да, деб ўйлади.

Эшикни хизматкор очди.

– Илтимос, лорд Чилвортга етказсангиз, мен бу ерга герцогиня Грешемнинг тавсиясига биноан келдим.

Эшик оғаси тиржайди:

– Марҳамат қилинг, хоним. Зоти олийлари ҳозиргина нонуштани тугатдилар.

– Вой, Худойим, жуда эрта келиб, безовта қилмадимми?

– Зоти олийлари ҳар доим жуда эрта уйғонадилар. Сизга маълум бўлса керак, улар яқинда мамлакатдан чиқиб кетадилар.

– Йўқ. Мен билмагандим, – таажжуб билан жавоб берди Шона.

– Сизни ким деб айтай?

Шона аввалига доводи раб қолди.

– Уинтерс, – ниҳоят жавоб берди қиз. – Миссис Уинтерс.

– Яхши, миссис Уинтерс, ишонаманки, маркиз зоти олиялари томонидан тавсия қилинган хонимни мамнуният билан кутиб оладилар.

Шона уйга кирди, Эффи унинг ортидан кираркан, худди ҳозир уларнинг устидан қизиб турган мойни куйиб юборишаётгандай, атрофга эҳтиёткорлик билан назар солди.

Қизлар хизматкор ортидан узун йўлак бўйлаб бориб, камтарона жиҳозланган меҳмонхонага кирдилар.

– Маъзур тутинглар, шу ерда кутиб турсангиз, – деди хизматкор.

У эшикни ортидан ёпгач, Шона камин тепасига илинган кўзгу ёнига борди, у “ролга киришганига” яна бир бор амин бўлмоқчи эди. Унинг кўриниши ўзи истаган даражада эди.

Тақиб олган кўзойнаги унинг чиройли кўзларини буткул яширганди. Жиддий қиёфага мос турмакланган сочлари бошига ёпишиб турарди.

– Балки, ўз фамилиянгизга ўхшамайдиганини танлаш керакмиди? – шивирлади Эффи. – Уинтерс Уинтертонга жуда ҳам ўхшаш.

– Айнан шунинг учун ҳам шу фамилияни танладим. – деди Шона паст овозда. – Агар мени ўзи билан чет элга олиб кетадиган бўлса, мен Уинтертон фамилияси қайд этилган паспортни кўрсатишимга тўғри келади. Агар Чилворт фамилиям бошқачалигини билиб қолса, мен унга шундай эшитилганини, аслида фамилиямни Уинтертон деб таништирганимни айтаман.

– О, мисс, сиз жуда оқиласиз.

Шона хавотир ила чукур нафас олди.

– Бу жуда ҳам ақлли қарор эмас, лекин ўша тобда калламга бошқа ҳеч нарса келмади.

Хизматкор келгунича анча вақт ўтди.

– Зоти олийлари сизни қабул қилишга тайёрлар, – эълон қилди у кириб келгач. Шона дивандан турди.

– Марҳаматлари учун миннатдорман, – жавоб берди у.

– Марҳамат, ортимдан юрсангиз.

Хонадан чиқаверишда Шона Эффи билан кўз уриштириб олди ва бармоқларини аста сиқиб кўйди.

– Хузурингизга миссис Уинтерс ташриф буюрдилар, милорд, – деди хизматкор қизга олдинга юришга ишора қиларкан.

Шона зулмат босган кутубхонага кирди. Маркиз дераза ёнида уни бутун гавдаси билан тўсганча, пастдаги боққа қараб турарди. У ўгирилганда, куёш унинг ордидан кўринди. Шу лаҳзаларда Шонага худди кўкдан тушиб келгандай, унинг елкаси аралаш боши нур таратиб турган ҳалқа ичида кўриниб кетди.

Шона хаёлидан турли васвасаларни чиқариб ташлаб, эс-хушини йиғиб олди ва англадики, маркиз дарҳақиқат бошқаларга ўхшамасди: олти футдан кам бўлмаган баланд бўйли, хушқомат, келишган эркак эди. Унинг тим қора, жилвакор кўзлари Шонанинг вужудини тешиб ўтгандай бўлди.

Маркизнинг ёшини аниқ айтиш мушкул. Ўттиз ёшдан кам эмасди, ҳарқалай, қирққа бормаганди. Унинг сочлари Эффи таърифлаганидек оқ-кумуш эмас, тўқ каштан рангли экан. Унинг ҳорғин ва маҳзун қиёфаси кўзга ташланарди.

Ҳорғин ва маҳзун. Ҳа, айнан шундай эди.

Шона Эффи сўзлаб берган воқеани эслади. У севган ва юрагига қадалган ўқ туфайли ҳалок бўлган аёл ҳақидаги воқеа. Чилвортни шу аёл билан боғлиқ хотиралар қийнаётган бўлса ажаб эмас.

– Тушунишимча, сизни бу ерга герцог Грешемнинг беваси жўнатган, шундайми? – аниқлик киритди у.

– Ҳа, – тасдиқлади Шона. – Унинг маълум қилишича, сиз бир неча тилни биладиган одамни излаётган экансиз. Мен француз, испан, итальян ва грек тилларини яхши биламан.

Маркиз кулимсираб кўйди.

– Бу таҳсинга сазовор. Фақат герцогиня каби ўта оқила аёл бундай иқтидор эгасини топа билади.

– Эҳтимол, бу сизни таажжублантирар. Мен француз ва грек тилларида эркин гаплаша оламан, аммо қолган икки тилда ҳам ўқиб, ёза биламан.

Маркиз унга диққат билан назар солди. Сўнг ишора билан уни ўтиришга таклиф қилди. Шона диванга ўтирди ва англадики, бу ерда куёш тўғри унинг юзига тушаркан.

Маркиз эса ёруғлик тушмайдиган ва ғира-шира кўринадиган бир четга бориб ўтирди. Бу ердан у қизни бемалол кузатар, ўзи эса қизнинг назарига ноаниқ шарпа бўлиб кўринарди, холос.

– Сиз бу тилларни қаердан ўргангансиз? – сўради Чилворт. Унинг йўғон овози ғор тубидан чиққандай жаранглади.

– Мен жуда кўп саёҳатларда бўлганман. – жавоб берди Шона.

– Турмуш ўртоғингиз биланми?



- Ҳа, – деди у тутилиб қолмаслик учун имкон қадар ишонарли сўзлашга уриниб. – Саёҳат эримнинг жон-дили эди, биз жуда кўп ерларда бўлганмиз.
- Агар сизни синаб кўрсам, ранжимайсизми? – қизиксинди маркиз.
- Йўқ, албатта. Синаб кўрмай туриб ишга қабул қилмайсиз-ку.
- Балки мен билан испан тилида гаплашарсиз?
- Бу тилни унча ёқтирмайман, – испанча жавоб берди Шона. – Испан тилида ёзиш ва ўқишни билсам-да, бу сўзлар менга жуда беўхшов туюлади. Кўриб турганингиздек, бу тилда сўзлаша оламан.
- Боз устига, жуда яхши гаплашаркансиз, – деди маркиз. У ҳам аста ва ишончсизлик билан бўлса-да, испанча гапирди.
- Кейин эса маркиз тўлиқ ифода эта олмаса-да, итальян тилига ўтишди.
- Энди эса, айтинг-чи, ҳозир Римда қандай об-ҳаво бўлиши мумкин? Шона отаси билан саёҳатда бўлган Рим ҳақида ҳикоя қила кетди.
- Сўзларидан унинг нафақат Рим ҳақида жуда яхши билиши, балки итальян тилида бенуксон сўзлашишини англаш мумкин эди.
- Ҳайратдаман! – хитоб қилди маркиз, Шона ҳикоясини тугатгач.
- Қиз таваккал қилишга қарор қилди.
- Яхши гапирганимни қаердан билдингиз? – сўради Шона. – Ахир мени базўр тушундингиз-ку?
- Маркиз надомат билан чуқур нафас олди.
- Сиздингизми? Агар сал секинроқ сўзлаганингизда, эҳтимол, сизни яхшироқ тушунган бўлардим. Нима учун менга ёрдам кераклигини энди англагандирсиз? Бошқа тилларда сўзлаш қобилиятингизни синаб кўришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.
- Агар лозим бўлса, қолган тилларда ҳам сиз билан бажонидил сўзлашган бўлардим, – деди ишонч билан Шона.
- Сиз грек тилини ҳам биламан, дедингиз. Айтинг-чи, қадимийсиними ёки замонавийсини?
- Ҳар иккаласини ҳам. Синаб кўрасизми?
- Нега? Сизни барибир тушунмайман.
- Кутилмаганда маркиз Шонанинг ёнидаги курсига келиб ўтирди ва қизга диққат билан тикилди.
- Менга ўзингиз ҳақингизда гапирсангиз, – деди у. – Мистер Уинтерс ҳозир қаерда?
- У энди бу оламда йўқ, – деди Шона вазминлик билан.
- Болаларингиз борми?
- Йўқ.
- Ёшингиз нечада?
- Кўйлаги этаклари орасига титроқ бармоқларини яшириб, Шона жавоб берди:
- Ўттиз бир ёшдаман.
- Турмушга қачон чиққандингиз ва қачондан бери бевасиз?
- Шонани иккиланиш титроққа сола бошлади. Албатта, у ўзига саволлар берилишини кутгани, аммо савол бундай аниқ қўйилишини ўйламагани. Шона маркизни бу қадар сурбетлик билан алдашни хоҳламасди, аммо ўгай отасидан кочиш учун бундан бошқа иложи йўқ.
- Бизнинг турмушимиз ўн йил давом этди. Турмуш ўртоғим уч йил олдин қазо қилди.
- Демак, сиз жуда барвақт эрга теккан экансиз-да?

– Мен ўн саккиз ёшда эдим.

– Эрингиз қанақа одам эди?

– У ҳақиқий жентльмен, жуда маърифатли инсон эди, – жавоб берди у аслида ўз отасини назарда тутиб ва таърифлаб. – У ўз билимларини улашишни ёқтирарди, шунинг учун ўзи билган нарсаларни менга ҳам ўргатишга уринарди.

– Сиз бунга қадрлармидингиз?

– Албатта, – жавоб берди у отасини хотирлар экан. – У ажойиб устоз эди, ҳамма нарса ҳақида фавқулодда қизиқ қилиб сўзлаб берарди. У мен учун янги қирраларни очди, атроф-оламнинг барча гўзалликларини кўрсатди. Тарихий ёдгорликларни кўргани борганимизда у менга ҳозир харобага айланган жойларда қачонлардир яшаб ўтган одамлар тўғрисида сўзлаб берарди. Қадимги римликлар ва грек маъбудлари ҳамда испан мусикашунослари ва француз ошхонаси ҳақида ана шундан биламан.

Шона юзига нурли табассум кўнганини ўзи ҳам сезмай қолди, чунки у ҳозир ўзи ҳаддан ортиқ яхши кўрган отаси ҳақида сўзлаётганди.

– Бу кунлар жуда ҳам ажойиб эди, – деди у назокат билан. – Мен ҳеч қачон ҳаётим ўзгариб кетади, деб ўйламагандим. Аммо, бу ерда...

– У қандай вафот этган? – ҳамдардлик билан сўради маркиз.

– Юрак хуружидан... Мен у билан аранг видолашишга улгурдим. Ҳаётимдаги ёруғлик, осуда дамлар бирдан йўқолди. Мен ҳалигача уни кўмсайман.

Шона ҳикоясини тугатгач, ўртага бир дам сукут чўкди. Ниҳоят у ердан нигоҳларини кўтарди ва кўрдик, маркиз унга ошқора таажжуб билан қараб турарди.

– Сиз уни жуда ҳам севган бўлсангиз керак, – ниҳоят тилга кирди маркиз.

– Ҳа, жуда ҳам.

– Ҳар ҳолда... Одобсизлигим учун маъзур тутгайсиз, аммо сизнинг ҳикоянгиздан хулоса қиладиган бўлсак, у сиздан анча катта бўлган кўринади.

– Бизнинг ёшимизда анчагина фарқ бор эди, – унинг гапини қувватлади Шона. – Аммо бунинг заррача аҳамияти бўлмаган. Нима эди?

– Йўқ-йўқ, ҳеч нарса, – шошиб жавоб берди маркиз.

– Менимча, савол бериш учун энди менинг навбатим келди, – деди Шона. – Вазифам нимадан иборат бўлади? Тил билишнинг сизга нима зарурати бор? Сиз чет элликлар билан тез-тез ёзишиб турасиз чоғи?

– Гоҳида ҳақиқатан ҳам ёзишиб тураман, шунингдек, тез-тез саёҳатга ҳам чиқаман. Ҳозир мен роман ёзиш ҳақида ўйлаб қолдим. У чет эллардаги саёҳатларим таассуротларига асосланади ва мен кўпроқ манба тўплаш учун бу мамлакатларга қайтмоқчиман.

– Хизматкорингизнинг айтишича, сиз имкон қадар тез жўнаб кетмоқчи экансиз, – деди Шона. – Аммо у аниқ вақтини айтмади.

– Чунки аниқ вақтини ўзим ҳам билмайман. Барчаси ўзимга муносиб котибни топишимга боғлиқ. Энди эса, ўйлайманки, мен жуда ҳам муносиб котибни топдим. Миссис Уинтерс, менга бунчалик омад кулиб бокқанига ишонгим келмаяпти.

Сўнг маркиз кутилмаган қатъият билан Шонадан сўради:

– Сиз судлик билан Англиядан жўнаб кета оласизми?

Шона нафасини ичига ютди.

- Ҳозироқми ёки эртагами?
- Ҳар ҳолда ҳозироқ эмас, – кулди маркиз. – Аммо, керакли одамни топганимдан сўнг сафарни кечиктиришдан мантӣқ йўқ. Мен эрта тонгда йўлга чиқсак дегандим. Бу сизга тўғри келадими?
- Албатта, – кўтаринкилик билан жавоб берди қиз, кўнглида ниҳоят унинг илтижолари қабул бўлгани ҳақида ўйлар экан.
- Аммо битта нозик томони бор, – истар-истамас тан олди маркиз. – Менимча, гап нима ҳақда кетаётганини тушунгандирсиз?
- Йўқ, тушунмадим. Мени ўзингизга тўғри келмайди, деб ҳисоблайсизми?
- Сиздан яхшисини топиш қийин. Лекин тан олишга мажбурманки, мен котиб вазифасига аёл кишини оламан, деб ўйламагандим. Биз бирга саёҳат қиламиз, бирга яшаймиз. Ҳар хил гап-сўз чиқиши мумкин...
- Аммо ҳеч қаерда бу гап-сўзлар бизга озор берадиган даражада узоқ ушланиб қолмаймиз, деган умиддаман, – таъкидлади Шона.
- Ҳақсиз. Лекин ўзингиз билан яна бир ҳамроҳ олсангиз яхшироқ бўлармиди?
- Милорд, мен можаролардан кўрқмайман. Сиз ҳам кўркишингизнинг ҳожати йўқ. Мен ёш ҳам эмасман, гўзал ҳам. Демак, биз билан ҳеч кимнинг иши бўлмайди.
- Маркиз энгил кулимсираб, лабини қимтиб қўйди.
- Жуда соз. Агар шу қадар ишончингиз комил бўлса, таваккал қилишимиз мумкин. Сиз зудлик билан жўнаб кетишимиз учун эрталаб барвақт кела оласизми?
- Мен ҳатто бу ерга ҳозироқ қайтишим мумкин. Уйга бориб, юкларимни оламан ва сизга маъқул бўлса, биз эрталаб тонг отмасданоқ йўлга чиқамиз.
- Сиз ҳеч нарсани унутмадингизми, миссис Уинтерс?
- Унутмадимми? Йўқ, нима эди?
- Қанча ҳақ тўлашим ҳақида сўрамадингиз. Мен бу жиддий аҳамиятга эга, деб ўйлагандим.
- Ана холос! Шона бундай вазифалар учун қанча ҳақ тўланиши ҳақида тасаввурга ҳам эга эмасди.
- Келинг, яхшиси буни кейинроқ муҳокама қиламиз, – Шона атайин ўзини бепарво кўрсатди. – Тўғриси айтганда, бу масалада сизга тамоман ишониш мумкин, деб ҳисоблайман.
- Ҳа, албатта. Сиз мен илгари ишга ёллаган ходимларга сира ўхшамайсиз, – жилмайди маркиз. – Ишончингизни оқлашга ва сизга етарлича ҳақ тўлашга ваъда бераман.
- Маркиз кўнғироқ тугмасини босди ва хонага хизматкор кирди: меҳмонни кузатиб қўйиш унинг вазифаси эди.
- Эшик олдида Шона хайрлашиш учун ўгирилди, аммо маркиз орқа ўгирган, қоронғулик унинг шарпасини беркитиб турарди.
- Бекасини кўриб энгил нафас олган Эффининг қўлтиғидан олганча, Шона ўқдек учиб чиқиб кетди ва дарҳол извош тўхтатди.
- Нима бўлди, мисс? У дарҳақиқат махлуқ эканми? – йўлга тушишгач, нафасини ростлаб сўради Эффи.
- Ҳеч ҳам-да, – жилмайди Шона. – У ёввойисифат эмас. Лекин, шубҳасиз, аломат киши. Унга сал бўлсаям ўхшаш одамни ҳали учратмаганман. Энди эса, полковник йўлимизни тўсмаслиги учун зудлик билан уйга бориб нарсаларимизни йиғиштиришимиз ва у ердан кетишимиз лозим.

– Қаёққа отланяпсиз?

– Мен маркизнинг маконига қайтаман.

Эффи ҳайрат ила қараб қолди.

– Сиз у билан бирга яшайсизми?!

– Йўқ, яшамайман. – шошиб жавоб берди Шона. – Мен бугун уникида тунайман, эрта тонгда эса биз мамлакатдан чиқиб кетамиз.

Сўнг Шона қошларини чимирганча кўшиб кўйди.

– Сен ҳақингда ҳам ўйлаш керак. У ерда қолиб полковникнинг ғзабига дучор бўлмаслигинг учун сенга бирор бошпана топиш лозим. Кулоқ сол, агар сенга бироз пул берсам, Жиммиларникига вақтинча кўчиб ўта оласанми?

– Албатта, мисс!

Уйга кела солиб, қизлар ўзларини Шонанинг хонасига уришди. Уларни бирор сезмади ҳам.

– Кийимларингни еч, – Шона шошилганидан ўзини кўярга жой топмасди. – Менинг кийим жавонимдан ўзингга ёққан ҳамма нарсани олишинг мумкин. Биз сен билан кийимларимизни алмашамиз.

Бир неча дақиқада қизлар иккита катта жомадон тахлашди.

– Тезда кўчага чиқкин-да, извош ёлла, – буюрди Шона. – Мен бир неча сонияда тушаман.

Энди энг қийин масала қолганди. Шона ҳаяжонланиш мумкин бўлмаган онасига ҳеч нарса демасдан, шунчаки, бирдан йўқолиб қолишнинг имкони йўқлигини тушунарди.

У ўтириб хат ёзди:

“Азиз онажон! Бир қанча муддатга кетишга қарор қилдим. Мен шунчаки, бу ерда қолиб, қандай қилиб бўлса ҳам мени эрга беришни истаётган полковникнинг жоҳилликларига тоқат қила олмайман.

Мендан хавотир олманг, илтимос. Боришим мумкин бўлган дўстларим жуда кўп. Уларникида навбатма-навбат меҳмон бўлсам керак. Макферсонлар мени бир неча бор таклиф қилишганди ва ўйлайманки, ташрифим уларни қувонтиради.”

Макферсонлар Шотландияда яшашарди. Ўзи жануб тарафга кетаётган бир пайтда, Шона хат ўгай отасининг қўлига тушиши мумкинлигини ўйлаб, шимол тарафга боришига шама қилди. Мактуб қуйидаги сўзлар билан яқунланди:

“Яқин кунларда сизга хат ёза олмайман. Азиз онажон, сизни яхши кўраман, Шона”.

Қиз хатжилдни муҳрлаб хизматкорни чақирди ва унга ушбунни Хелен хоним уйғонгач, беришни буюрди.

– Энди эса, менга жомадонларимни олиб тушишга ёрдам беринг. Айрим буюмларимни хайрия сифатида бериб юбормоқчиман. Бундай буюмлар кўпайиб қолган экан.

Хизматкор юкларни олиб тушиб улгурар-улгурмас, извош ёллаган Эффи қайтиб келди. Хизматкор жомадонларни извошга жойлашга кўмаклашар экан, унга бекасининг ҳам ўтирганини кўриб, ҳайратда қолди.

– Ахир, мисс... Шахсий извошингиз бор-ку?

– Улгурмайман, – деди Шона. – Яхши қолинг.

Каердадир, боши узра деразанинг ғичирлаб очилгани эшитилди ва Шона извошдан ўғринча назар солди. Ўгай отаси май исканжасидан эн-

дигина чиққан хира ва сузилган кўзлари билан унга қараб турарди, нима бўлаётганини англагач, бир лаҳзада сергак тортиди.

– Тўхта! – кичқирди у.

– Тезроқ ҳайдасангиз-чи! – буюрди Шона извошчига. – Мени бу ердан тезроқ олиб кетинг!

Извошчи отларга қамчи босди ва кейинги дақиқада извош бурчақда кўздан йўқолди.

– Янада тезроқ! – хитоб қилди Шона.

– Ҳўп бўлади, мисс, – жавоб берди извошчи ва аямай тезликни оширди.

Улар полковникдан борган сари узоқлашиб боришар, Шонанинг юраги гуп-гуп урарди. Қиз ўгай отасининг кийина солиб, пастга отилиши ва уларни қувишини аниқ-тиниқ биларди.

– Қаёққа ҳайдай? – шошиб қамчи босаркан, бақириб сўради извошчи.

Шона унга маркизнинг манзилини айтди ва Эффига юзланди.

– Мен тушгач, у сени Жимминикига олиб боради. Мана бу пулни ол. Биринчидан, извошчига тўлайсан, иккинчидан бу сенга менинг тўёнам.

– О, мисс! – Эффи бекасининг бўйнидан қучди.

Шона ҳам уни қучаркан, ўзининг шахсий муаммолари бунчалик осон ҳал бўлмаслиги тўғрисида кўнглидан аччиқ ўй ўтди...

Ниҳоят, улар маркизнинг уйи олдида тўхташди. Эшик очилиб, Шонани қарши олиш учун икки хизматкор чиққач, у ўзини енгил хис этди. Улар извошдан юкни олишлари билан Эффи извошчига янги манзилни айтди. Қизлар яна бир бор қучоқлашиб хайрлашдилар-да, извош тезлик билан елиб, кўздан йўқолди.

Оқсоч меҳмонни қарши оларкан, уй соҳиби қисқа муддатга чиқиб кетганини айтди ва қизни унинг учун ҳозирланган хонага бошлади. Бу бежамдор катта каравот қўйилган ва дабдабали санъат асарлари билан безатилган ётоқхона эди. Аммо Шона бу ҳашаматга эътибор бермади. У ҳозир хавотир ичида ўзини қўярга жой топмас, Худодан битта нарсани, тезроқ Лондондан чиқиб кетиш лаҳзалари яқинлашишини сўрарди.

Бир неча соат ўтса-да, маркиздан дарак бўлмади. Оқсоч унга пастда, ошхонада кечки овқат тайёрланганини маълум қилди.

Шона пастга тушди ва хонасига тезроқ қайтиш хаёли билан ёлғиз ўзи шошиб тановул қилди. У қаҳвасини ичиб бўларкан, залда кўнғироқ овози эшитилди. Қиз маркиз қайтган бўлиши керак, деб ўйлади ва янги иш берувчиси билан саломлашиш учун стулдан турди.

Аммо кирган эркак киши маркиз эмасди. Бироқ унинг маркизга ўхшаш жиҳатлари дарров кўзга ташлана бошлади. Кўринишидан йигирмадан ошмаган бу йигитча худди маркиз каби тик қоматли ва кўркам юзли эди.

Фақат бесўнақай оғиз бичими унинг ҳуснига путур етказиб турарди.

– Хайрли кеч, хоним, – деди у Шонага. – Ўзимни таништиришга рухсат этинг: каминангиз Лайонел Хилтон, Чилвортнинг жияниман. Сизнинг исмингиз нима?

– Мен миссис Уинтерсман. Зоти олийлари мени шахсий котибалик вазифасига ишга олдилар, – босиқлик билан жавоб берди Шона.

– Нахотки! Эй Худо, буни қандай тушуниш лозим!

Лайонел нотаниш аёлдан кўз узмай, стулни суриб ўтирди.

– Менимча, сиз котибага ўхшамайсиз, – деди у.

– Зоти олийларининг фикрича, ўхшайман ва менга шунинг ўзи етарли. Яна гап нимада?



– Гап шундаки, бу лавозимга мен даъвогар эдим. Бу сафарда унга мен ҳамроҳ бўламан дегандим.

У қизга умид билан тикилди ва Шона тушундики, Лайонел Хилтон қизнинг бу ишдан воз кечишини кутаяпти. Бу эркатой йигитча, кўринишидан, райини қайтармасликларига ўрганиб қолган.

Шу билан бирга унинг ёқимтойлигини инкор этиш ҳам мумкин эмасди. Ундаги назокатли ва ишонувчан, беғубор болакай қиёфаси атрофидагиларни енгишга қодир эди.

– Сизни ранжитиб қўяётганимдан афсусдаман. Лорд Чилворт мени ишга қабул қилди.

– Лекин сиз бошқа иш билан шуғулланишингиз мумкин, – таклиф этди у.

– Сиз ҳам.

– Аммо... Тан оламанки, мен зўр ишчиман, деб айта олмайман.

– Унда котиб сифатида тоғангизга кўмаклаша олмасангиз керак, – деди Шона йигитчанинг бу сурбетлигидан таажжубланиб.

– Бу иш унчалик қийин эмас, деб ўйлайман. Эплаб кетишимга шубҳам йўқ.

– Сиз лорд Чилвортга ўз хизматингизни таклиф этганмисиз?

– Ҳа.

– У нима деб жавоб берганди?

– У тилла берсам ҳам рози бўлмаслигини айтди, – тан олди Лайонел. – Лекин у билан кетишни жуда ҳам хоҳлагандим!

Шона кулди-да, испан тилида давом этди:

– Заррача шубҳам йўқ! Лекин сизга ўз ўрнимни бера олмайман. Умингизни чиппакка чиқаришга мажбурман.

– Тушунарсиз тилда гапириб, ноҳақлик қилманг-да, – эътироз билдирди йигит.

– Сиз мени тушунмадингизми?

– Бирорта сўзни ҳам.

– У ҳолда лорд Чилвортга сафар хотираларини йиғишда қандай ёрдам бермоқчисиз?

– Сафар хотиралари – бу сафсата! – хитоб қилди Лайонел. – Аслида у... бутунлай бошқа масалалар билан шуғулланмоқчи.

– Зоти олийларининг маълум қилишича, у китоб ёзмоқчи, – қатъият билан деди Шона. – Менда унга ишонмаслик учун ҳеч қандай асос йўқ.

– Сизлар азалдан танишмисизлар?

– Биз бугун кундузи танишдик.

– Демак, у сизга асл мақсадини баён этишга етарлича вақт ажратмаган. Аммо ишончим комилки, унинг ўзида ҳам аниқ режа йўқ.

Йигитнинг овозидаги аллақандай сезилмас, мавҳум оҳанг Шонанинг кўнглига ғулғула солди, аммо бу ваҳима сабабини қиз аниқ билолмади.

– Нимани назарда тутяпсиз? – сўради Шона. – Сизнингча, у қандайдир мудҳиш ишни амалга ошириш ниятида, шундайми?

– Бўлиши мумкин. Билмайман. Гап шундаки, буни ўзи ҳам билмайдиган кўринади. Эҳтимол, сўнгги дақиқагача ҳам билолмас, қачонки... Хуллас, бу узун ҳикоя.

– Албатта, – деди Шона, бу суҳбат энди унинг кулгусини қистатаётган эди. – Бу узун ҳикоя ва бу ҳақда яхшилаб ўйлаб олишингиз лозим.

Афтидан йигитча буткул мағлуб бўлганди.

- Тушунишимча, сиз менга ишонмаяпсиз, – ғазаблана бошлади у.  
– Нахотки? Бу гапни қаердан олдингиз? – кулди қиз бутун кўринишидан ишончсизликни намоён қилганча.  
– Нима ҳам дердим, – нафас ростлади йигит. – Менга ишонмаслигингиз мумкин.  
– Ҳа, ишонмайман. Менимча, бу алмойи-алжойи гапларни фақат бир мақсадда: мени кўрқитиб, ўрнимни эгаллаш учун айтаяпсиз. Аммо бекорга вақт йўқотаяпсиз. Энди эса, рухсатингиз билан, мен кириб ётмоқчиман.

### Учинчи боб

– Ўтинаман, кетманг! – ялинди Лайонел. – Мен билан бирпас ўтиринг. Ёлғиз қолишни ёмон кўраман.

У жавондан қадаҳ олиб, Шона учун қолдирилган винодан куйди. Сўнг мафтункор жилмайиш билан хоним шарафига қадаҳ кўтаришни таклиф этди.

Шона ҳам унга жавобан жилмайди. Албатта, Лайонел мафтункор йигит эди, аммо Шона унга битта қадаҳ билан таслим бўлмоқчи эмасди. Боз устига, унинг назарида, йигитча бу ерга меъёридан ортиқ ичиб келганди.

- Менинг вақтим бўлди, – деди қиз ўрнидан тураркан.  
– Кетманг, илтимос, – зорланди Лайонел унинг йўлини тўсиб. – Қолинг, мен билан бирга бўлинг!  
– Раҳмат, йўқ. Мен чарчадим, дам олмоқчиман. Зоти олийлари кун чиқмасдан йўлга тушмоқчи эди.  
– Эҳтимол, сизни яна бир бор ўйлаб кўришга кўндира оларман?  
– Эҳтимол. Лекин бунга ишонч кам. Илтимос, мени қўйиб юборинг.  
– Биласизми, – давом этди у қизнинг сўзларига кулоқ ҳам солмай. – Агар мана бу кўзойнакни ҳисобга олмаганда, сиз анча чиройли кўринасиз. Мен сизга кўзойнаксиз назар солмоқчи эдим...

У қизга қўл узатди. Шона ўзини четга олмоқчи бўлди, аммо Лайонел жуда чаққон чиқди: бир ҳаракат билан Шонанинг кўзойнагини ечиб олди ва унинг юзларига тикилди.

- Қўйворинг мени! – бақриб юборди қиз титроқ овозда.  
– Сиз ҳазиллашяпсиз, тўғрими! – кўполлик қилди йигит.  
– Агар ҳозирок қўйиб юбормасангиз, ҳазил қанақа бўлишини сизга тушунтириб қўяман! Кўзларингиз бир ҳафтадан зиёд ёшланиб юришига ваъда бераман!

Бу Шона томонидан қилинган катта хато эди. Лайонелнинг юзлари ажойиб меҳмондўстлик таклиф этилган ёш боланики сингари ярақлаб кетди.

– О-ҳо! Мен сизнинг қақирингизни қабул қиламан! Қизик, ким ғолиб чиқаркин?

Лайонел бир силтов билан қизни ўзига тортиб олди, бу кўполликдан кўра, эркаликка яқин эди, фақат у кучини тўғри йўналтира олмади.

– Биттагина бўса! – ўтинди йигит қизнинг лабларига лабини босмоқчи бўлиб.

Ғазабдан ўзини йўқотиб қўйган Шона ундан юзини ўгирганча, жонжаҳди билан қаршилик қилди. Олишув шахди билан у очилган эшик овози ва ғазабланган эркакнинг қойишини аранг илғади. Охирги дақиқаларда



кимдир Лайонелни ундан нари итарди. Шона маркиз тутаққанча жиянини девор томон силтаб улоқтирганини кўриб ўзига келди.

– Нима қияпсан, жин урсин сени!? – ўшқирди маркиз. – Бу уйга қадамингни ҳам босма, деб сени огоҳлантиргандим-ку!

– Мен сиз билан гаплашиб олгани келдим, – деди нафасини ростлаб Лайонел. – Сизга ноҳақ эканингизни кўрсатмоқчи эдим. Сизга мен ҳамроҳ бўлишим керак!

– Мен сенга бир неча бор айтдим, Лайонел: сен мен учун фақат даҳмаза бўлишинг мумкин. Сен тил билмайсан. Агар аҳмоқлардек гуруҳбозлик қилмай, мактабда ўқишга жиддий киришганингда эди...

– Эй Худо! Яна ҳаммасини бошдан бошламанг! Менга ўша “аҳмоқона гуруҳлар” ёқади. Бундай одамлар билан вақтим хуш ўтади.

– Сен мастсан!

– Ҳеч ҳам. Фақат бирозгина...

– Бу ерга бостириб кириб, хонимни ҳақорат қилишга қандай журъат қилдинг!

У Шона томон ўгирилди.

– Унинг учун узримни...

Маркиз ажабланиб қотиб қолди ва яшин тезлигида кўзини олиб қочди.

Даҳшат ичида Шона бирдан тушуниб қолди: олишув пайтида унинг турмаги ечилиб кетган ва сочлари елкасида шалодадек товланиб, ёйилиб турганди. Унинг жиддий қиёфасидан асар ҳам қолмаган, у кўрсатмоқчи бўлган ночор аёл ниқоби энди йўқ эди.

Маркиз юзидаги ҳайратни кўриб, Шона мушкул вазиятдан чиқиш йўлини қидира бошлади.

– Умид қиламанки, бу машмашада зоти олийлари мени айбламайдилар, – деди у шошиб, имкон қадар кибр билан гапиришга уриниб. – Мен тарбиясиз ёшларга тоқат қилолмайман.

– Сиз мени тарбиясиз деб айтолмайсиз, – деди Лайонел ранжиб. – “Ҳурмат-эътиборли” мартабасини олганман.

– Тўлиқ ишонч билан айтаманки, сиз бу мартабадан жуда ҳам узоқсиз. Менга ҳали бундай ҳурмат-эътибордан йироқ одамлар учрамаган эди.

– Мен буни назарда тутмагандим...

– Биламан, нимани назарда тутганингизни, – унинг гапини бўлди Шона. – Қандай бемаънилик: “ҳурмат-эътиборли” одамга мурожаат қилсангу, у ўзини энг тўпори ва маданиятсиз кимсадек тутса.

“Ҳурмат-эътиборли” Лайонелга бу баҳсни тугатиш учун топқирлик етишмади.

– Бу ишда мартабамнинг нима алоқаси бор? – минғирлади у. – Агар одамга “муҳтарам” деб мурожаат қилинса, у ҳар доим ўзини шундай тутиши керак, дегани эмас-ку. Ҳар ҳолда... Англияда шундай қабул қилинган.

– Демак, Англияда хулқ-атворнинг янги қоидаларини ишлаб чиқиш вақти келибди, – совуққина деди Шона.

Лайонел ошқора ҳайрат ила кўзлари чакчайтириб:

– Ахир сиз... инқилоб қилмоқчисиз! – деб ҳайқирди.

– Мен соғлом мантиққа амал қиялман. Биласизми, яна сизга нима дейишим мумкин: агар тизим сиз каби олифта ва манфур кимсаларни етиштираётган бўлса, бу тизимни тугатишнинг ҳозир айна пайти!

– Жамиятни тўнтаришни истайсизми?

– Йўк, яхши йигит, мен буни мутлақо истамайман. Аммо сиз каби ким-салардан воз кечилса, айна муддао бўларди.

– Ҳа, кейин эса қироличани ҳам ўрни билан ағдариб ташлашни истаб коларсиз! – лукма ташлади Лайонел.

– Бемаънилик! Гапингиз бўҳтон! Сизнинг эркалингизга қиролича айбдор эмас.

– Хоним, қиролича унга тутинган она бўлади, – дея сўз қўшди бу жанжални индамай томоша қилиб турган маркиз. Сўнг илова қилди. – Улар учрашишганда қиролича уни ҳаддан зиёд эркалайди. Ва маълум маънода унинг учун ўзини жавобгар, деб билади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам Виндзор саройида кўпоровчилик қилиш шарт эмас. Менимча, уни бу ердан улоқтиришнинг ўзи етарли.

– Ажойиб ғоя, – қувватлади маркизни Шона. Кейинги бир неча дақиқа маркизнинг ғоясини амалга ошириш ва Лайонелнинг қаршилигини енгишга сарфланди. Нотенг олишув кутилгандек хотима топди: кириш эшиги ниҳоятда ғазабланган жияннинг орқасидан ёпилди.

Шона эса бу вақт ичида кўзгу ёнига келиб, турмагини тўғрилашга ҳаракат қилди. Маркиз жиянини чиқариб юбориб қайтганда Шона кўзгуга боқиб турмагини тўғрилайётганди. У ойнадан унга боқиб турган эркак нигоҳини кўраркан, юраги тўхтаб қолай деди. У маркиз томон ўгирилар экан, бор кучини тўплаб, ўзига хотиржам тус беришга уринди.

– Миссис Уинтерс, менинг хонадонимда сизга нисбатан қилинган қўпол муносабат учун узр сўрайман, – деди маркиз.

– Ҳечқиси йўк, эътибор қилманг, милорд...

– Бу қўлимдан келмайди, деб қўрқаман. Шубҳасиз, сиз ўзингизни кўрсатишни истагандан анчагина ёшсиз. Мен, албатта, тушунаман, сиз билан...

– Менга бу иш жуда ҳам керак! – Шона тушқун оҳангда гапирди..

– Албатта. Аммо тушунмоғингиз керак, биз сиз билан бирга сафарга чиқа олмаймиз. Агар ўзингиз билан бирга бирор ҳамроҳ дугона олмасангиз, мен сиздан воз кечишга мажбурман.

– Н-нима?!

– Мен ҳамроҳ иштирокисиз бундай жозибали қиз билан сафарга чиқолмайман.

– Ахир мен гўзал эмасман! – деди у шошиб кўзойнагини бурнига кўндирар экан. – Кўрдингизми, энди мен анча катта кўринаман.

– Бу фикрингизга қўшилолмайман.

Шонани тушқунлик исқанжага олди: унинг кўз олдида бор умиди эриб бораётганди.

Энди у қаёққа боради? Уйга қайтиб, яна ўгай отасининг чангалига тушадими? Бундан ўлим маъқулроқдир унга.

– Лорд Чилворт, илтимос, мени ҳайдаманг, – ўтинди Шона. – Мен уйдан... кетганман. У ерга қайтишим мумкин эмас.

– Жуда афсусданман. Мен илгаригидек сиз билан ҳамкорлик қилишни истайман, аммо мен билан бирга кета олмайсиз.

Шона бутунлай умидсизликка тушди. У энди саросимада эди.

– Балки, унда... оқсочларингиздан бири...

– Бу йўл тўғри келмайди, деб қўрқаман. Сизнинг табақангиздаги одамгина сизга ҳақиқий ҳамроҳ бўлиши лозим. Албатта, сиз бугун бу ерда тунаб қолишингиз мумкин, аммо эрталаб...

- Унинг хайрихоҳ овозида қатъият ҳукмрон эди. Шона ўзининг аянчли ҳолатини даҳшат ичида идрок этди.
- Уларнинг сўзини эшиқ кўнғироғининг овози бузди.
- Агар бу яна Лайонел бўлса!.. – ҳаяжон билан хитоб қилди маркиз эшик томон олиб борадиган йўлак томон юраркан.
- Шона у билан изма-из борди ва хизматкор эшикни очаркан, хўнграганча ўзини ичкарига урган ёш хонимдан ўзини четга олгани устидан чиқди.
- Эффи! – қувониб кетди у.
- Эффи энтикиб йиғлаганча ўзини Шонанинг кучоғига отди.
- Нима бўлди, азизам? – сўради Шона. – Сен Жимминикига кетгандинг-ку. У уйда йўқ эканми?
- О, йўқ, у уйда экан – ярамас жоҳил, ношукур, виждонсиз...
- У яна бир қанча ҳақоратли сўзларни қалаштириб ташлади. Шона англадиди, Жимми уни кечириб бўлмас даражада хафа қилган.
- Сиз билан қолишимга рухсат беринг, мени ҳайдаманг, ўтинаман! – ялина бошлади Эффи.
- Сиз бу хонимни танийсизми? – сўради маркиз уларни четдан кузатиб тураркан.
- Ҳа, у... – Шона Эффи ўзининг хизматкори эканини айтишга оғиз жуфтлаган пайтда бирдан миясига келган фикрдан ёришиб кетди. – У менинг яқин дугонам. Яқингача биз у билан бир хонадонда яшаганмиз ва опа-сингилдай бўлиб кетганмиз.
- У ҳолда, ўйлайманки, масала ҳал бўлди, – деди маркиз.
- “Нахотки бу рост бўлса”, – қувониб кетди Шона. Унинг илтижолари Худога етган ва йўли очилганди.
- Бизга бир неча сония ёлғиз қолишга рухсат берсангиз, – деди Шона Эффини ошхона томон етакларкан.
- Эшикни ичкаридан маҳкам ёпаркан, Шона Эффини диванга ўтказди ва бир қадах вино қуйиб берди.
- Нима бўлди? – сўради у.
- Жимми энг ярамас, энг жирканч...
- Бу ҳақда айтдинг, – деди сабрсизлик билан Шона. – Лекин у айнан нима қилди?
- Ҳамма гап сиз менга берган кийимда, мисс. У кўйлақларни кўриб, бундай бежамдор кийимларни қаердан олганимни сўрай бошлади.
- Ахир у илгари ҳам сени менинг кийимларимда кўрганди-ку?
- Лекин ўша либослар қимматбаҳо эмасди! Бу мовий ранг оқшом кўйлаги... Жиммининг кўзи косасидан чиқиб кетай, деди. Унинг айтишича, бу кўйлақни менга севгилим совға қилганмиш. Яъни, бир қанча қизлар билан юрадиган ва уларга қимматбаҳо кийимлар совға қиладиган эркак...
- Эффи чуқур хўрсинди.
- У мени хиёнатда айблади, – қизнинг кўз ёшлари юзини юва бошлади.
- О, Эффи, жуда афсусдаман! Бу иш шунақа оқибатга олиб келади, деб ҳеч ҳам ўйламовдим.
- Энди нима қиламан, мисс?
- Ёнимда қоласан ва биз бирга чет эл сафарига кетамиз.
- Нима?
- Ҳамроҳ топишим керак, акс ҳолда лорд Чилворт мени ўзи билан олиб кетмайди. Лекин унинг айтишича, ҳамроҳим хизматкор бўлмаслиги лозим. Ҳамроҳ дугонам жамиятда мен билан тенг табақада бўлмоғи даркор.



Эффи кўзларини ҳайрат билан катта-катта очиб турарди.

– Шу боис сен менга мисс, деб мурожаат қилмаслигинг керак, – шошиб давом этди Шона. – Менинг фамилиям миссис Уинтерс, сеники эса... Сенинг фамилиянг Жейкс, тўғрими? Демак, сен мисс Жейкссан. Биз бир-биримизга сен дея мурожаат этамиз.

– Мен бундай қилолмайман, мисс, – хаяжон билан шивирлади Эффи.

– Агар сен менга ёрдам бермасанг, мен адо бўламан, – деди Шона қатъий овозда.

– Яхши, мисс... Хоним...

– Шона, – хизматкорининг сўзини бўлди у.

Эффи истар-истамас бош ирғади.

– Жуда соз. Паспортинг ёнингдами? – сўради Шона, Эффининг ҳамроҳлигида ўтган ҳамма саёхатлари учун шукрона айтиб.

– Ҳа. Мен нарсаларимни йиғиштираётиб, у ёққа қайтмаслигимни билгандим.

– Энди эса юр. Сени маркиз билан таништирай.

Маркиз кутубхонада эди. Шона унга ўзининг кўйлагига аслзода хонимдек кўринаётган “дугона”сини таништирди.

Эффи жуда хаяжонланарди, у маркизга қисқа жавоб қайтариш йўлини тутди. Эффининг улар билан кетишга тайёр эканини билган маркиз, афтидан, воқеанинг бундай тус олганидан мамнун эди.

– Эффи менинг хонамда ухлаши мумкин, – деди Шона. – Менимча, эртароқ ухлашимиз лозим. Чунки эртага барвақт туришга тўғри келади.

Катта каравотда дарҳақиқат Эффининг ётиши учун жой етарли эди, шунингдек, Шона унинг ёнида бўлиб, кўркувини шу йўл билан босишни истарди. Бундан ташқари, унинг дугонасига айтадиган гаплари ҳам кўп эди. Сухбат якунида бугунги оғир кун ҳолдан тойдирган қизларни мудроқ боса бошлади.

Эртаси куни Шона истаганидек барвақт бўлмаса-да, эрталаб йўлга чиқишди. Маркизнинг извоши уларни роппа-роса саккизда уй остонасидан олиб, Ватерлоо вокзали томон елиб кетди. У ерда улар Дуврга кетувчи поездга ўтирдилар. Поезд жойидан жилгач, Шона ниҳоят енгил нафас олди ва ҳозиргача унинг изига тушмаганлари учун Худога шукрона айтди.

– Мен кеча тушдан кейин капитанга телеграмма жўнатдим ва сузиб кетишга ҳамма нарсани тайёрлаб кўйишини буюрдим, – деди маркиз поезд купесида қизлар билан бирга ўтирганда. – Биз тезлик билан саёхатга чиқиб кета оламиз.

Маркиз, афтидан, сўзлашга қийналарди. У жуда кам гапирган бўлса-да, ўзи беҳол, юзи рангпар эди. Тун бўйи ухламаган каби кўз ости салқиб турарди.

Эффи йўлакка чикқанда Шона маркиз билан ёлғиз қолди.

– Сизнинг яхтангиз каттами? – қизиқди Шона. Чунки нимадир дейиш керак эди.

– Очиғини айтсам, у яхта эмас, пароход. Энг сўнгги моделдаги мотор ўрнатилган, барча қулайликларга эга пароход.

– Сиз қаерга боришимизни белгилаб олдингизми?

– Даставвал биз Калега сузамиз, аммо у ерда узоқ қолмаймиз. Мен бир жойга йўл олишни режалаштирганман...

– Буни китобингизга тушириш учунми? – сўради Шона.



Бир муддат сукутдан сўнг маркиз жавоб берди:

– Йўқ, бу жой ҳақида китобимда ёзмайман. Менинг... бошқа мақсадим бор...

Шонанинг шундоқ бурни тагида эшикни тарақлатиб ёпишгандай бўлди. У беихтиёр Лайонелнинг сўзларини эслади ва ўйлаб қолди: унинг гаплари ҳақиқатдан узоқмиди ўзи?

Аммо калтабин йигитга ишонишнинг ўзи бемаънилик эди. Бундан ташқари, унинг бу ҳақда маркиздан сўрашга ҳаққи ҳам йўқ.

Бир неча дақиқа ўтиб, маркиз унинг фикрини ўқигандай, сўради:

– Сиз одоб сақлаб ўтирибсизми ёки менинг қандай мақсадни амалга оширишим қизиқ эмасми?

Шона кулди.

– Ўзимни қандай лозим бўлса, шундай тутдим, – жавоб берди у. – Бошқача айтганда, сиз мендан қандай муносабатни кутгандингиз? Турган гапки, меъеридан ортиқ қизикувчанлигим ўринсиз бўлади, аммо ёнингда нотаниш одам бўлганда қизикувчанликни енгиш жуда қийин.

Маркиз кулиб кўйди.

– Айнан шу сўзларни сиздан кутгандим, – деди у. – Тўғриси, бу тааж-жубланарли ҳол: сиз мен билан ишлаганларнинг ҳеч бирига ўхшамайсиз. Мен қачонлардир учратган барча одамлардан фарқ қиласиз.

– Билмайман, улардан қай даражада фарқ қиламан, – деди Шона. – Аммо мен ҳаётдан бир сабоқ орттирганман: ҳар бир кунни худди бу сўнгги кундай ҳис этиб яшаш лозим. Керак бўлса ҳар дақиқани. Режалар тузиш – бу курук дабдаба. Ахир тақдир бизга қандай кутилмаган совға тайёрлаб қўйганини билмаймиз-ку, тўғрими?

Маркиз ундан кўзини узмади.

– Ҳа, – деди у қисқа қилиб. – Бу сабоқни мен ҳам олганман.

Кутилмаганда унинг ранги оқариб кетди. Унда мудҳиш руҳий азоб акс этаётганди. Шона маркиз билан танишганда ҳаёлига келган сўзларни эслади. Энди у янада ҳорғин кўринарди.

– Сиз, афтидан, ҳаётда кўп нарсани англаб улгургансиз, – деди маркиз.

– Мен фақат бир нарсани биламан, ҳар қандай мураккаб вазиятдан чиқишнинг иккита йўли бор, – деди Шона. – Ё сукут, ё қочиш.

Маркиз кулди.

– Ҳозир қайси йўлни танлашни маъқул кўрганингизни топишга ҳаракат қилсам нима дейсиз? – сўради у.

– Майли, агар шу сизга керак бўлса, – жавоб берди Шона.

– Менимча, сиз қочяпсиз, – деди маркиз. – Билмадим, нега менга бундай туюляпти, аммо сиз менга жудаям керак бўлган пайтда пайдо бўлганингиз ғалати ҳолат эмасми?

Шона индамади. У ўз мулоҳазасини баён этишда жуда эҳтиёткор бўлиши лозимлигини биларди.

– Энг ажабланарлиси, – давом этди маркиз. – Ҳеч ким билан хайрлашмай Лондондан кетишга тайёр бўлганингиз.

Маркиз сўзини давом эттиришдан аввал қисқа сукут сақлади.

– Агар сиз ўзингиз кўринишни истагандан кўра анча ёш эканингизни ҳисобга олсак, сиз билан жон-дилдан хайрлашадиган одамлар кам бўлмаса керак.

Яна ўртага сукут тушди. Сўнг Шона тан олди:

– Ҳа, мен ростдан ҳам қочиб кетаяпман. Сиз билан чет элга кетадиган одам қидираётганингизни эшитгач, менинг муаммом ҳам кутилмаган тарзда ечилишини ҳис этдим.

Маркиз қизга қизиқсиниб қаради.

– Муаммонгиз нимада эканлигини менга айта оласизми?

Шона бош чайқади.

– Қачондир бу воқеани сизга айтиб бераман. Аммо ҳозир эмас.

– Сиз ҳақсиз. Биз эндигина танишдик. Лекин, назаримда, муносабатларимиз давом этади.

Шонанинг юраги титраб кетди. Ажабо, бу одам унинг кўнглидан ўтган туйғуларни сўз билан таърифлаганди. Унга ҳам яқин ўртада ўрталаридаги бегоналик йўқоладигандай туюлаётганди.

– Эҳтимол, ўшанда менга сўзлаб берарсиз, – қўшиб қўйди маркиз.

– Балки айтмасман, – деди Шона ясама бепарволик билан. – Биз бир-биримизга жуда кўп савол беришимиз ўринсиз деб ўйлайман, милорд.

– Сиз яна ҳақсиз. Биз иккимиз ҳам синалмаган ҳудудга қадам қўйяпмиз ва бунга иккимизнинг ҳам ўз сабабларимиз бор. Сиз ўзингизникини, мен эса ўзимникини сир тутишим лозим.

Бироз жим тургач, у сўзини давом эттирди:

– Аммо бир куни барибир ҳар иккимиз ҳам ўз фикр ва туйғуларимизни ошкор этиб қўямиз. Бу саёҳат муваффақият билан тугамаслиги ҳам мумкин.

– У албатта муваффақият билан тугайди! – деди ҳаяжон билан Шона.

– Бу ҳақда шундай ҳиссиёт билан гапиряпсизки... Сиз учун бу ишимиз муваффақияти жуда ҳам муҳимми?

– Ҳа, жуда ҳам муҳим, – деди шавқ билан қиз. – Биз Англия қирғоқларидан сузиб кетарканмиз, барча қийинчиликлар, кўнгилсизликлар ва биз жавоб беришни истамаган саволлар ортда қолади. Сиз ўз яширин мақсадингиз сари интиласиз, мен эса ўзимники сари. Мен сизга қийин саволлар бермайман ва сиздан ҳам шуни кутаман. Фақат бир нарсани айтишим мумкин: мен хатардан қочиб кетаяпман, яна бир нимани излаяпман... Менимча, сиз ҳам.

Маркиз қизга диққат билан разм солди-да:

– Тавба, буларни қаердан биласиз? – деб қатъий сўради.

Шона шошиб қолди ва хижолат бўлгандай минғирлади:

– Ҳалиги... мен сизнинг китобингизни назарда тутгандим. Ахир сиз китобингизга мос мавзу излаяпсиз-ку.

– Сиз бошқа нарсаларни ҳам назарда тутдингиз. Сизга қаердан маълум менинг...

– Менга ҳеч нарса маълум эмас, – шошиб жавоб қайтарди Шона. – Умумий маънода гапирдим.

Маркизнинг кўзларидан ишонмагани кўришиб турарди. Шундай бўлса-да, Шонанинг бахтига у бу мавзунини тўхтатишни маъкул кўрди.

Шона уни бу мавзуда гапиришга нима мажбур қилгани ҳақида ўйлади. Лайонелнинг гапига эътибор қилмаганди, аммо ўша йигитнинг айтганлари энди қизга тинчлик бермаётганди.

“Гап шундаки, буни ўзи ҳам билмайдиган кўринади. Эҳтимол, сўнгги дақиқагача ҳам билолмас, қачонки...”

Ёлланган извош Дувр вокзалидан маркизнинг яхтаси лангар ташлаган жойгача бир зумда етказди. Шона унинг дарчасидан денгизга завқ билан тикилди.

– Куёш нурида денгиз қандай гўзал товланмоқда!

– Сизга денгиз ёқадими? – сўради маркиз. – Денгиз ҳақида кўп нарса биласизми?

– Менга денгиз ҳамиша ёққан! – деди қиз ҳаяжон билан. – Биринчи марта отам билан денгизда саёҳатга чиққанимда беш ёшда эдим.

У ширин хотиралар оғушида енгил хўрсиниб қўйди.

– Эсимда, ўшанда шунақанги завқланган эдимки! Биз тушган кема бошқаларига ўхшамас, назаримда, у ҳақиқий мўъжиза эди! У менга дунёни кўрсатган, ўзи ҳам худди кўқдан тушгандай эди.

– Умид қиламанки, менинг яхтам ҳам сизни ҳайратга солади, – деди маркиз. – Сафарга чиққанимда ҳамма қулайликлар бўлишини назарда тутиб, уни ўзим лойиҳалаштирганман.

– Бу энг муҳими, – унинг гапига қўшилди Шона.

Кўп ўтмай улар кемани кўздан кечиришди. У дарҳақиқат чиройли, сўнгги русумдаги жиҳозлар билан тўлдирилган, ҳамма қулайликларга эга эди.

Капитаннинг кўрсатмасига биноан ҳамма нарса хозирланганди. Юкларни палубага олиб чиқишиб, Шона ва Эффини битта каютага жойлаштиришди.

Каюта катта ва ораста, иккита тор, аммо қулай каравот ўрнатилган эди. Шона жомадонини жойлаштирар экан, ҳали ҳам уни ички хавотир тарк этмаганди. У бу ердан тезроқ жўнаб, ўзини бутунлай хавфсиз ҳис этишни кутарди.

Нихоят, у кутган вақт етиб келди. Палубадан денгизчиларнинг бақир-чақири, занжирларнинг шақир-шуқури ва хуштак овози эшитилди ва кема лангарни кўтарди.

Шона тўлқинлар шовуллашини эшитгандан сўнггина энди унинг ҳамма муаммолари Англияда қолганини-ю, буёғига Ла-Манш бўйлаб беҳавотир саёҳат бошланганини англаб етди. “Энди мен эркинман”, – деган фикр ўтди миясидан.

Ҳаддан ортиқ ҳаяжон қизни каютада ўтиришга қўймади, у палубага кўтарилди. У ерда тутқични тутиб, кема қуйруғи ортида оппоқ кўпиклар ичра қолаётган Дуврга қаради.

– Нима ҳақда ўйлаяпсиз? – деган савол эшитилди ортидан. Шона ўгирилиб қаради – ортида маркиз турарди. Қиз ён-атрофидаги манзарага шу қадар мафтун эдики, маркиз ёнига қачон келганини ҳам сезмай қолганди.

– Мен энди эркин эканлигим ҳақида ўйлаяпман. Бу мен учун мўъжизага бой саёҳат бўлади.

– Ажойиб. Мен кемани лойиҳалаштираётиб, унинг бортида одамлар айнан ана шундай ҳиссиётни туйишларини мақсад қилгандим. Кемасозлик корхонасидагилар мени ақлдан озган деб ўйлашди ва устимдан қулишди.

– Сиз ўз фикрингизда туриб олган бўлсангиз керак, – деди Шона.

– Ҳар доим ҳам эмас, – деди маркиз тўсатдан маънос тортиб. – Одам ҳар қанча бадавлат ва ҳар нарсага кодир бўлмасин, дуч келган пайтда бешафқат тақдирнинг қўлида ёрдамга муҳтож бўлиб қоларкан.

Шона ундан кўз олмай:

– Сизни тушунмадим, – деди.

– Аҳамият берманг, – деди маркиз аввалги ҳолатига қайтаркан. – Буни тушунишингиз шарт эмас.

Аммо Шона бўш келмади, уни қандайдир куч маҳв этганди.

– Агар сизни тушунишни ўрганмасам, сизга қандай ёрдам беришим мумкин?

– Вақти келганда сизга ўзим ҳақимда сўзлаб бераман, аммо айрим тафсилотлар сир бўлиб қолиши керак, – деди маркиз паст овозда. – Фақат сиз учун эмас, ҳамма учун.

У қизнинг пешонаси ўртасидаги кичкинагина чизикқа қараб кескин гапирди:

– Менга бундай қараманг!

– Мен... мен сизни тушунмаяпман, – деди Шона. – Бундай қараманг деганингиз нимаси?

– Қалбимни кўриб тургандайсиз, – маркиз аста, лекин қатъий жавоб берди.

– Маъзур тутасиз, – деди қиз гапни буриб. – Мен одобсизлик қилмоқчи эмасдим.

– Шундай дамлар бўладики, ўша пайтда менга савол бермаганингиз маъқул, – деди маркиз гап оҳангини ўзгартирмай. – Баъзи нарсаларни сўрашни сизга тақиқлайман. Яқин кунларда айнан нимани сўрамаслик лозимлигини билиб оласиз. Ва ҳеч қачон, ҳеч қачон мени ғазаблантирадиган иш қилманг! Мен буни кўтаролмайман.

Шона унга ҳайрат билан қараб қолди. У нимани кўтаролмайди – ўзининг қаҳр-ғазабиними?

Аслида бу саволнинг жавоби Шонага қисман маълум эди. Бу эркакка яқин тураркан, қалбида қандай кучли руҳий кечинмалар кечаётганини ҳис этди. Бу кечинмалар қудратли, эҳтимол, бироз тажовузкор бўлиб, эгасини адо қилиши мумкин.

– Узр сўрайман, – деди Шона ярашув оҳангида унинг елкасига қўлини кўяркан.

Кейинги айтган сўзлари қизнинг ўзини ҳам ҳайрон қолдирди, аммо бу сўзлар чин юракдан эди:

– Ишонинг, ҳеч қачон дилингизни оғритмайман.

Маркиз қизнинг қўлини кафтига олганда унинг кўзларида хотиржамлик акс этди.

– Мен сизга ишонаман, – деди у. – Билмайман, нега? Сиз билан яқинда танишган бўлсак-да, кўнглимда нимадир сизга ишониш мумкинлигини айтяпти.

Уларнинг бармоқлари қовушди ва Шонанинг бутун вужудида енгил титроқ тургандай бўлди. Маркизнинг қўлларида асабий бир кучни ҳис этиш мумкин эди. Бу қўллар ҳақиқий аслзодаларникига, ундан ҳам кўра кўпроқ рассомларникига ўхшарди – бармоқлари ингичка ва узун, айни дамда нафис эди. Аммо маркизда аслзодаликка ҳам, тарбия-ю маданиятга ҳам тааллуқли бўлмаган яна нимадир бор эди. Майин овоз ва ташқи кўркамлик ортида ёввойи йиртқиқлардек қаҳри қаттиқ ва хавфли одам яширин эди.

Маркиз Шонанинг қўлини қўйиб юборди ва ҳозирги ғалати ҳиссиётлар ҳам бирдан йўқолди. Эҳтимол, унга шундай туюлгандир... Лекин энди у биларди: ана шу қисқа онларда унга аён бўлган нарсалар хаёлот эмас. Ҳозир қизнинг қаршисида ҳеч кимга кўнглини ёролмайдиган ғамгин киши турарди.

Аввалига Шона шунчаки Европа бўйлаб саёҳатга кетяпман, деб ўйлаганди. Энди у номаълум ерга оёқ қўйганини тушунди.



## Тўртинчи боб

– Яхтанинг қолган қисмини ҳам кўрсатишга рухсат этинг, – таклиф қилди маркиз Шонага дилкашлик билан.

Улар биргаликда пастга тушдилар. Шона у ерда маркизнинг гапига кўра, келгусида ишлашга мўлжалланган қулай салонни кўриб хайрон бўлмади. Бу бир неча китоб жавонлари бор кенг хона эди. Иллюминатор ёнига қўйилган столни Шона ўзининг иш ўрни бўлиши мумкин деб ўйлади.

Маркиз қизнинг хаёлидан ўтган саволга жавоб берди:

– Бу ер сиз учун. Айнан шу ерда менинг оғзимдан чиққан сўзларни бирма-бир қайд этиб борасиз. Бизнинг биргаликдаги изланишларимиз вақтида қайд этилган ёзувларни мана шу ерда таҳлил қиласиз.

– Ёзув машинкаси ҳам бор экан! – деди Шона завқ билан ҳаяжонини яширмай. – Бу ажойиб аппарат ҳақида эшитгандим, аммо илгари уни кўрмаганман.

Ёзув машинкаси Америкада ишлаб чиқарилган бўлиб, бутун дунёда катта шов-шувга сабаб бўлганди. Бироз вақт ўтгач, бундай машинкалар Англияда ҳам пайдо бўлди.

– Менга буни америкалик дўстим совға қилган, – деди маркиз қизга. – Унинг айтишича, бу охириги модель бўлиб, тўғри фабриканинг ўзидан олинган экан.

– Машинка ёрдамида ёзиш мен учун анча осон, – деди Шона. – Мен қачонлардир ўрганган пианинода чалиш техникаси каби, бунда ҳам ёзишни осонлик билан ўрганиб олишга ишончим комил.

Машинка шовқин солиб ишлар, шундай бўлса-да, техниканинг бу мўъжизасига дуч келган Шона ҳайратда эди. У ўзини гўё келажак билан юзма-юз келгандай ҳис этди.

– Сиз сафар йўналишини белгилаб олдингизми? – сўради қиз стол ёнига ўтириб, сурилма кутиларни очиб кўраркан. – Янги шаҳарларга боришни мўлжаллаясизми ёки аввал бўлганларингизга қайтишними?

– Каледан бошлаймиз, – жавоб берди маркиз. – Мен у ерда илгари бўлганман. Бугун кечқурун қирғоққа етиб борамиз, бортда тунаймиз. Эр-тага эса... Яхшиси, эртанги кун ҳақида эртага ўйлайлик.

– Албатта, бу Каледда бизни нима кутаётганига боғлиқ, – қувватлади Шона. – Ўйлаб кўрилса, темир йўлнинг пайдо бўлиши қанчадан-қанча одамларга саёҳат қилиш имконини берди. Илгари одамлар қандай яшаган эканлар-а? Ахир улар дунё билан бемалол юзлаша олмаганлар. Ишончим комилки, бўлажак саёҳатчилар сизнинг китобингизни фавқулудда қизиқиш билан ўқиб чиқадилар. Менимча, амалий жиҳатларни кўпроқ ўйлаб, айниқса, порт ва вокзаллар билан боғлиқ тафсилотларга алоҳида эътибор беришингиз лозим. Чунки айрим саёҳатчилар учун бу янгилик бўлади.

Маркиз кулди.

– Сиз ажойиб ғоялар бермоқдасиз. Сизни топганим мен учун катта муваффақият бўлди!

– Аниқроғи, мен сизни топдим, – жилмайиб жавоб берди Шона. – Гўё менга Худонинг инояти бўлди.

– Шундай қарорга келган экансиз, демак, анча жиддий муаммоларингиз бор, – тахмин қилди маркиз.

– Ҳа, тўғри. Анча жиддий.

Қиз маркиз яна сўровларини давом эттирса керак, деб ўйлади, аммо у бир-икки оғиз сўз билан суҳбатга яқун ясади:

– Каютага қайтишни истаётгандирсиз. Ҳадемай тушлик беришади. Мен сизни мисс Жейкс билан бирга кутаман.

Эффи маркиз билан тушлик қилишга чўчиётганди, албатта, аммо Шона уни эҳтиёткорлик билан кузатишга ваъда берди. Собик оқсочга унинг ташқи кўриниши ишонч бағишлади: у Шонанинг ҳаворанг шоҳона кўйлагида жуда башанг кўринарди.

Шона эса ўз образидан чиқмасликка интилди ва фақатгина ёқаси қимматбаҳо тошлар билан безатилган соддагина кулранг кўйлак кийди. Сочларини таранг қилиб турмаклаб, бурни устига кўзойнагини қўндиргач, у ўйинни давом эттиришга тайёр эди.

Маркизнинг кийган башанг костюмини кўриб, Шона ўзига ҳар доимгидек оро беришга ҳам, яسانيшга ҳам имкон йўқлигидан ачинди. Ёшига мос ясан-тусан қилса, маркизнинг ёнида жуда малоҳатли кўринган бўларди. Қизик, Шона ўзининг асл кўринишида маркизни мафтун эта олармиди? Қизнинг хаёлига шу фикр ўрнашиб қолди, чунки бу саволнинг жавоби унинг учун ҳақиқатан ҳам муҳим эди.

Маркиз ва иккала қиз палубага кўтарилган пайтларида яхта Кале портига кириб келди. Улар яхта дастаги ёнида туриб денгизчиларнинг одатий югур-югурини кузатишди.

– Менга йўлда юриш жуда ёқади, – деди Шона. – Бизни ажойиб саргузаштлар кутмоқда, олдимизда ўрганилмаган маконлар очилади ва ҳеч ким бунинг охир-оқибат нима билан тугагини билмайди.

– Сиз турмуш ўртоғингиз билан жуда кўп портларда бўлгансиз, – деди маркиз. – У сизнинг ҳайратингизга шерик бўлармиди?

– Ҳа, албатта, – жавоб берди Шона севимли отасини эсларкан. – Биз палубада бирга жуда кўп турганмиз ва у эътиборимдан четда қолмаслиги учун менинг диққатимни турли қизик нарсаларга жалб этарди. Ҳамиша мени лол қолдирадиган бирор янгилик топарди.

Хотираларини сўзларкан, Шона гўё яна ўша бахтли дамларга қайтгандай эди ва кўзлари жилоланиб кетди. Аммо бу бахт чексиз соғинчга айланди: ўша кунларни қайтаришнинг энди иложи йўқ.

Маркиз Шонага ажабланиб қараганча, унинг эри қандай ғаройиб инсонки, қиз хануз унга садоқатли, қалбида соғинч билан яшайди, деб ўйларди.

Шона яна одатдагидай жиддий киёфага кирди, аммо маркиз қизнинг сочлари елкаси узра мавжланиб турган ўша онларни ҳамон унутолмаётганди. Ўшанда унинг кўзида кўзойнак ҳам йўқ, қизнинг ёшлиги ҳамда гўзаллигини ҳеч нарсаяширолмади. Аммо Шона барибир имкон туғилиши биланоқ ўзининг жозибасини яширишга уринганди. У гўё бутун оламга: “Эркакларнинг эътибори мени қизиқтирмайди, чунки менинг севгим ўлган”, деяётгандай эди.

Маркиз буни қалбан ҳис этган, чунки унинг муҳаббати ҳам завол топганди. Аммо шунга қарамай, маркизнинг ички овози бу аёл бутун умр ғамгин бева бўлиб қолиш учун жуда ҳам ёш эканлигини таъкидлаб турарди.

Сўнг маркиз ҳаётдан муҳаббат, ҳарорат ва умид йўқолган ўша мудҳиш кунни эслади. Ўша кундан бери роппа-роса ўн икки йил, тўрт ой, икки ҳафта, уч кун ўтди. Ўшандан бошлаб унинг учун ҳаёт тугаган ва шу боис Шонанинг изтиробини қалбан ҳис этарди.

Ошпаз келиб тушлик тайёр эканлигини билдирди ва маркиз иккала хонимни ошхона томон бошлади. Кема ошхонаси нафис безатилган эди. Официантлар вино келтиришди.

Эффи ўзининг одатий хаётида кўрмаган дастурхонга қараб, хайратдан кўзлари чакнаб кетди. Шу тобда у бирор хатога йўл қўйиб, қовун тушириб қўйишдан чўчиб, игнанинг устида ўтиргандай ўтирарди.

Дугонасини ноқулай ҳолатдан олиб чиқиш учун Шона даврадагиларни суҳбатга чорлади: у муаллифнинг ўзини ҳам суҳбатга тортиш учун ёзила-жак китоб ҳақида бетўхтов гапирарди.

Эффи ниҳоят яхта соҳибига савол бериш учун ўзини қўлга олди:

– Сиз илгари ҳам китоб ёзганмисиз? – сўради у майин овозда.

– Мен ов ва отиш машқлари тўғрисида мақола ёзганман, – жавоб берди маркиз. – Бу мақолаларни чоп эттирмаганман, лекин кўпчилик уларни мактаган, натижада ўзимга нисбатан ишонч пайдо бўлди. Шундан сўнг саёҳатларим, борганимда ўзимни бахтиёр ҳис этган маконлар ҳақида китоб ёзишга қарор қилдим. Сизга ҳам саёҳатлар ёқадими, мисс Жейкс?

– Ҳа, албатта, жуда ёқади, – жавоб берди Эффи киприк қоқмай. У Шонанинг оқсочи сифатида бекаси отаси билан саёҳатга чиққан пайтлари кўп марта уларга ҳамроҳлик қилганди.

– Қаерларда бўлгансиз?

Оқсочининг панд бериб қўйишидан чўчиб, Шона дарров суҳбатга қўшилди.

– Биз Эффи билан кўп йиллардан бери дугонамиз. У мен билан бирга тез-тез саёҳатга чиқиб турарди.

– Шунингдек, сизнинг турмуш ўртоғингиз билан ҳам, тушунишимча, шундайми?

Эффи ўзини жар ёқасида тургандай ҳис этди ва асабийлаша бошлади.

Аммо шу дам ҳар қандай хаёлни тарқатиб юборувчи воқеа содир бўлди. Қаердандир, кеманинг бир бурчагидан бақирик овози эшитилди, сўнг яна такрорланди.

Оёқларнинг дўпир-дўпири, кейин эса кимнингдир хайвонга ўхшаб ўкиргани қулоққа чалинди.

– Қўйворинг мени!

Маркиз ўрнидан тураркан, юзлари ғазабдан бўғриқиб кетди.

– Қулоқларимга ишонмайман, – деди у аста. – Бундай бўлиши мумкин эмас.

Шу тоб эшик тарақлаб очилди ва ҳамма ўша томонга қаради: капитан қандайдир ёш йигит билан олишарди.

– Бу милорднинг чиптаси йўқ экан, – деди у хансираб. – Уни ҳозиргина тутиб олдим...

– Ёқамдан қўлингни торт! – жеркиди чиптасиз йўловчи капитанни силтаб.

– Қўйворинг уни, – жаҳл билан буюрди маркиз.

– У хавфли одам бўлиши мумкин! – деди ҳовлиқиб капитан.

– У ҳақиқатан ҳам хавфли, – деди маркиз нафрат билан. – Аммо афсуски, менинг қариндошим. Лаънати Лайонел! Бу ерда нима қияпсан?

Маркиз танимас даражада ўзгариб қолди: овози дағаллашиб, юзлари ғазабдан буришиб кетганди. Назокатли жентльмендан бир зумда ғазаб ва нафрат қамраб олган кимсага айланди. Шонанинг ишончи комил эди-

ки, бошқа ҳеч бир сабаб уни хонимлар олдида қўпол гапиришга мажбур қилмаган бўларди.

“Хурмат-эътиборли” Лайонел Хилтон ниҳоят капитаннинг кучли чангалидан юлкиниб чиқиб, қаддини ростлади. Олишув уни бир мунча ҳолдан тойдирган, аммо ҳали ҳовури босилмаганди.

– Мен шунчаки, бортга сакраб чиқиб олдим, – тан олди Лайонел имкон қадар хотиржам гапиришга уриниб. – Бу ерда керак бўлиб қоларман, деб ўйладим.

– Қандай бемаънилик! – қичқирди маркиз. – Мен сени кўришни ҳам истамаслигимни тушунтиргандим ва ҳамон ўша фикрдаман! Менга бўйсунмасликка ҳақкинг йўқ. Агар шу йўл билан мени кўндирмоқчи бўлсанг, унда ҳали мен ҳақимда ҳеч нарса билмас экансан!

– Лекин кўп ишда ёрдамим тегиши мумкин.

– Масалан? – захархандалик билан сўради маркиз. – Юнга ролидами? Биринчи кемадаёқ Англияга қайтасан, мен билан йўлда давом этмайсан.

– Менинг пулим йўқ.

– Қайтиб кетишинг учун пул тўлайман! – аччиқланиб ўшқирди маркиз. – Муҳими, кўзимдан узокрокка йўқол! Акс ҳолда, сени бортдан улоқтираман.

– Сиз бундай қилолмайсиз, – тиржайиб деди Лайонел. – Бир ўйлаб кўринг, қандай жанжал кўтарилиши мумкин. Нима бўлганда ҳам, мен сизнинг қонуний меросхўрингизман.

– Ҳа, гапинг тўғри, Худонинг ўзи сендек дардисар меросхўрга тоқат қилишимга ёрдам берсин. Мен сўзимдан қайтмайман. Эртагаёқ Англияга қайтиб кетасан.

– Тўғрисини айтсам, бу борада бир қанча муаммолар юзага келиши мумкин. Мен маълум бир вақт кўздан панада бўлишим лозим. Нима ҳақда гапирётганимни тушунгандирсиз.

– Билишимча, кимдандир қарз бўлиб қолгансан, шундайми? – ижирганиб сўради маркиз.

У бармоқларини сочлари орасидан юргизаркан, тинчланишга ҳаракат қилди. Шона унинг ғазаби ҳали сўнмаганини, аммо ўзини тутишга интилаётганини ҳис этди.

“Қизиқ? – ажабланди қиз. – Болаларча хархаша қилиб юрадиган манави аҳмоқ йигитга нега бунчалик зуғум қилади?”

– Бу ҳақда эртага яна гаплашамиз, – деди маркиз ҳорғин оҳангда.

– Албатта, албатта. Мен унғача юкларимни “Нептун” каютасига олиб бораман.

– У ерга менинг котибам ҳамроҳи билан жойлашган. Дарвоқе, мисс Жейкс, мамнуният билан бўлмаса-да, сизга жияним муҳтарам Лайонел Хилтонни таништиришга ижозат этинг.

Лайонел Эффидан беҳаёларча кўз узмай турарди.

– Хизматларига тайёрман, хоним, – деди у кизнинг қўлидан тутганча энгил таъзим қилиб.

Бу муомала қизни хушнуд этмади, Лайонелнинг гапи Эффига ўзининг аслида ким эканини эслатди ва унинг уятдан ёноқлари қизариб кетди.

– Ўзингни тутиб юр, – кескин огоҳлантирди маркиз. – Бу хонимлар менинг ҳимоямда. Сенинг шу ерда эканингни билишганда уларнинг ҳеч бири бортга чикмасди. Албатта, бу ерга қайси йўл билан суқилиб кириб



олганинг тўғрисида савол туғилади, – кўшимча қилди у капитанга норозилик билан нигоҳ ташлаб. – Кимдир ишида совуққонликка йўл қўйган.

Капитан ўзини оқлаш учун нимадир деб минғирлай бошлади, аммо маркиз унинг сўзлашига йўл қўймади.

– Умид қиламанки, бу ерда сизнинг айбингиз йўқ. Бу йигит судралиб юрувчи хашаротнинг ўзгинаси, ҳамма ерга сукилиб кириб кетаверади. Унинг юklarини “Уч найза” каютасига олиб боришни таъминланг.

– Ахир у ер тор ва қоронғи! – бўйин товлади Лайонел. – Нега энди мен “Нептун” каютасига жойлашмас эканман?

– У ерни хонимлар эгаллаганини сенга айтдим-ку.

– Улар бошқа каютага ўтишлари мумкин-ку.

– Улар ҳеч қаерга кўчиб ўтмайдилар! Лайонел, катый келишиб олайлик: ё сен менга сўзсиз бўйсунасан, ёки сени бортдан улоқтириб ташлайман. Энди эса, овозингни ўчир-да, ўтириб овқатлан, сендан сўз сўрамасалар, оғзингни очма.

Лайонелнинг хонимларнинг кўнглини олиш учун қилган ҳаракатларига қарамай, бўлиб ўтган низоли воқеадан сўнг стол атрофидаги муҳит анча тундлашганди. Бу дунёда ҳеч нарса Шонанинг бу йигитчага бўлган муносабатини илтишга мажбур эта олмасди, аммо Лайонел куйиб-пишиб кўзлари яшнаб турган Эффида яхши таассурот қолдиришга уринарди.

– Маъзур тутасизлар, вақт алламаҳал бўлди, биз ухлашга ётишимиз керак, – эълон қилди Шона ўрнидан тураётиб.

– Шунчалик барвақтми? – эътирозли қиёфада зорланди Лайонел. – Ўтинаман, кетманглар!

– Жим бўл! – дўқ урди маркиз.

– Хайрли тун, жаноблар, – деди Шона Эффини ортидан эргаштириб.

Шона жуда барвақт уйғонди. Эффи қотиб ухлар, у дугонасининг секин ўрнидан туриб чиқиб кетганини сезмади ҳам. Шона иллюминатор ойнаси орқали ёйилиб келаётган шафақни кузатди. Соат мили тўртни кўрсатарди. Ҳадемай кирғоққа тушишлари уни шу даражада ҳаяжонга солгандики, қиз қайтиб ухлай олмади. Тунги кўйлаги устидан енгил халат кийди-да, секин йўлакка чиқди.

Маркиз каютаси ёнидан ўтаётиб, уни безовта қилмаслик учун Шона қадамини янада секинлатди. Аммо эшик ортидан келаётган қадам товуши уни тўхташга мажбур этди. Бир неча қадам олдинга, сўнг жимлик, яна қадамлар, сўнг яна жимлик... Бундай юришлар давом этди.

Шона тушундики, маркиз негадир безовта, хонада тўхтовсиз у ёқдан-бу ёққа бориб келмоқда эди.

Кутилмаганда у эшик ёнида тўхтади ва Шона тезгина бу ердан узоқлашди. Маркиз шахсий каютаси ёнида ўралашиб юргани Шонани кўриб қолиши яхшимас.

Унинг йўлак бўйлаб оёқ учида аста юриб, палубага чиққанини бирорта тирик жон кўрмади. Шона яқин атрофда кеманинг тунги соқчилари бўлиши мумкинлигини биларди, аммо шу тобда унинг кўзига ҳеч ким кўринмади. Шу боис у хузурланиб, куёшнинг қизариб кўтарилишини томоша қила бошлади.

Унинг қаршисида сокин Кале ястаниб ётарди. Шона бу шаҳарнинг бир неча соатдан сўнг қанчалик сершовқин ва беҳаловат гўшага айланишини тасаввур қилди. Ҳатто ҳозир ҳам ғира-ширада бир-иккита шарпалар кўзга ташланмоқда эди.



Шона қанчалик ақл бовар қилмас ўйинга аралашиб қолгани тўғрисида бош қотирганча, тўсин ёнида узоқ вақт туриб қолди. Атрофидаги воқеаларнинг мураккаб тус олгани ва унга маркиздедек одамнинг учрагани жудаям ғалати туюлаётганди.

Турган гапки, маркиз Эффининг ҳаяжонли тасавурида тасвирланган махлуққа сира ўхшамасди, аммо Шона умри давомида учратган барча эр-каклардан фарқ қиларди. Маркизнинг чор-атрофи сир-асрорга тўла. Шона унинг нигоҳида мантиққа зид бир хусусиятни илғади: бу кўзлар гоҳида кизни ишонч билан ўзига чорласа, зум ўтмай уни ўзидан нарига ҳайдар ва маркиз дағал сўзлай бошлар, бу билан қизнинг ўзига яқинлашишини ман этгандай бўларди.

Унинг ботиний ҳис-туйғулари аслида қандай ва нима учун бу туйғулар Шонани қизиқтириб қўйди?

У ўз саволларига жавоб беришга ожиз эди.

Тонг анча ёришиб қолди. Шона палубада бир соатдан ортиқ қолиб кетганини англади. Қайтиш керак.

У зинадан оҳиста туша бошлади. Маркиз каютаси ёнидан ўтаётиб, кадамини секинлатди ва яна ўша таниш овозларни эшитди.

Маркиз бир соат олдингидай, ҳамон хона бўйлаб юрарди.

“Унинг анчадан бери ҳаловати йўқ, – ўйлади Шона. – Қафасдаги жонзот каби азоблар қуршовидан чиқиб кетиш учун ўзини ён-атрофга ураётгандай, аммо уринишлари беҳуда, чунки ташқарига йўл йўқ!”

Эҳ, ҳозир ичкарига кириб бу бахтсизлик боисини сўрашнинг иложи бўлганда эди...

Аммо бундай қилиш мумкин эмаслигини у биларди ва секингина ўз каютаси томон кетди.

Енгил нонушта беришди. Лайонелнинг ҳар бир ҳаракати капитаннинг хушёр назорати остига олинган, қатъий кўрсатмага кўра, унинг кемадан ташқарига чиқиши буткул тақиқланган эди.

– Бугун эрталаб сизни ёлғиз қолдиришдан хижолатдаман, – деди маркиз Эффига. – Котибам билан қиладиган ишларимиз бор.

– Албатта, менинг ҳам бир-иккита тикадиган нарсаларим бор эди, – дарҳол жавоб қайтарди Эффи.

“Энди эса паспортлар билан боғлиқ муаммони ечиш қолди, холос”, – хавотирлана бошлади Шона.

Маркизни палубада учратиб, самимий оҳангда сўради:

– Сиз ўз котибангизга божхонадаги ишларни битириш учун паспортингизни бермайсизми? Ҳар ҳолда у французчада бошқалардан яхшироқ гапира олади.

– Ҳа, у французчада мендан кўра яхшироқ гапиради, – кулди маркиз унга хужжатларини тутқазаётиб.

Аммо кема зинасидан тушаётиб, киз бирдан мувозанатини йўқотди ва полга кулади. Ҳар иккала паспорт ҳам тоштахта қопламаси устига тушди, маркиз чакқон ҳаракат билан уларни сувда оқиб кетишдан асраб қолди.

– Мени маъзур тутинг, – деди маркиз Шонанинг туришига кўмаклашаётиб, – аввал сизни ушлаб қолишим керак эди...

– Тўғрику-я, аммо хужжатлар оқиб кетганда оқибати биз ўйлагандан анча жиддий бўларди, – деди Шона аччиқ истехзо аралаш. – Паспортсиз қолишимизга йўл қўёлмаймиз, ахир.

Лат еган тиззасини силаркан, у кўшиб кўйди.

– Ўзим ҳам беўхшовман-да...

– Оёқ босаётган жойингизни кўрмай қолган бўлсангиз керак, – деди маркиз унинг кўзойнагини оҳиста ечиб оларкан. – Мана энди яхшироқ бўлади.

– Ахир мен...

– Тан олинг, сиз кўзойнакда ёмонроқ кўрасиз. Бу ёшингизни каттарок кўрсатиш учун ўйлаб топган театр томошангиз, холос.

Шона чорасиз бош ирғиди.

– Энди бу кўзойнакни даф қилинг ва мен уни кўрмай! Акс ҳолда, билмадим, мени қай кўйга соласиз! Ташвишланманг. Сизни қочирим гаплар билан бошқа хижолат қилмайман.

Шона қизариб кетди.

– Мен ҳеч ўйламовдим... Хавотирлангандимки... Лекин сиз ўйламанг...

– Нимани ўйлашим лозим? Чамаси, сиз менинг жентльменлик хислатимга шубҳа билан қараяпсиз.

Шона юзи тобора бўзариб бораётганини сезди.

– Янглишяпсиз, милорд, – деди у шоша-пиша. – Сизга ишонаман. Энди эса, ишга киришайлик, ахир вақт кутиб турмайди-ку!

Маркиз Шонани божхонагача кузатиб борди ва қиз божхона ходимига фамилиясини секин айтаётган пайтда у нарироқда эди. Шонанинг бахтига “мадемуазель Уинтертон” деб айтгани маркизга эшитилмади. Кичик бино ёнида турган жандарм ҳужжатларни тезгина кўриб чикди-да, уларни Шонага қайтиб тутқазди.

– Энди қаерга йўл оламиз? – сўради қиз маркиздан.

– Мен бир кичик черковга бормоқчи эдим, – деди маркиз кутилмаганда.

У Шонага манзил кўрсатилган бир парча қоғоз тутқазди. Шона Каленинг бир четидаги бу ҳудудни биларди.

Уларнинг ёнидан бўш фойтун ўтиб қолди. Шона уни тўхтатиб, извошчига манзилни айтди. Аммо извошчи бош чайқаб:

– Мен сизларни у ерга олиб бора олмайман, – деди французчалаб. – Бундай жой йўқ.

– Янглишяпсиз, – эътироз билдирди Шона. – Бу жой бўлиши керак!

Извошчи яна бош чайқади.

– Бундай жой йўқ.

– У нима деяпти? – сўради маркиз.

– Бундай жой йўқ, деяпти, – деди Шона.

– У ё ёлгончи, ё галварс! – тўсатдан ғазаб билан ҳайқирди маркиз. – Мен биламан, бундай жой бор!

Шонанинг қалби туб-тубигача зириллаб кетди. Извошчининг гапидан бу қадар жазавага тушишга уни нима мажбур қилди?

У яна извошчига юзланди:

– Соҳибим сиздан яна бир бор ўйлаб кўришни илтимос қиялпти, – деди қиз мулойим оҳангда. – Бундай жой бор эканлигига унинг ишончи комил.

– Балки авввал бўлгандир, энди эса йўқ, – аниқлик киритди извошчи. – У ерда ёнғин бўлган, қуруқ харобазор қолган, холос.

Шона унинг сўзларини маркизга таржима қилганда маркизнинг юзига ғам соя солиб, афт-ангори бужмайиб кетди.

– Унга айтинг, бизни барибир ўша ерга олиб борсин, – деди Чилворт.

Шона извошчига илтимос билан юзланиб, у ерга олиб боришни қайта сўради.

– Ахир у ер курук тошлардан иборат, – таажжубланиб деди извошчи. Овозидан извошчининг рад этаётганини тушуниб, маркизнинг боягидан баттар жаҳли чиқди ва дарғазаб бўлиб:

– Айтинг, маҳмадоналик қилмай, буйрукни бажарсин! – деди.

Шона унинг айтганини таржима қилди. Извошчи: “Бу дунёда ақлдан озганлар ҳам кўп!” дегандай елка қисди. Маркиз котибаси билан извошга чиқди.

Унинг ёнида ўтирган Шона савол беришга жазм этди:

– Милорд, у ерга боришимиздан мақсад нима? Ўқувчиларингизга энди йўқ бўлган черковга боришни тавсия этишнинг нима кераги бор? Яхшироқ бўлмасмиди, агар...

– Агар фикрингизга мухтож бўлиб қолсам, буни сизга айтаман, – кескин жавоб берди маркиз.

Шона бир нафас ўзини йўқотиб қўйди ва жим бўлди. Сўнг маркизнинг қўллари унинг бармоқларини қисганини ҳис этди.

– Мени кечиринг, – деди Чилворт пушаймон бўлиб. – Сиз билан бундай оҳангда гаплашишга ҳаққим йўқ. Ҳар бир ишда сизга ишонмоғим керак, лекин ҳозир менга маслаҳатингиз керакмасди.

– Ҳечкиси йўқ, – деб қўйди қиз.

Маркиз қизнинг бармоқларини енгил қисиб қўйди-да, сўнг қўйиб юборди. Улар бир муддат жим кетишди.

Ниҳоят, атрофдаги манзара ўзгариб, бинолар сийраклашиб қолди. Улар баланд дарахтлар оралаб тушган сўқмоқ бўйлаб қишлоққа кириб боришди.

– Ҳадемай етиб қолсак керак, – деди Шона.

Жавоб бўлмагач, Шона маркизга ўгирилди: унинг боши оғир юк остида эзилган каби ҳам эди. Дақиқа сайин қизнинг бир нарсага ишончи орта борди: маркиз бу ерга унинг диққатга сазовор бўлгани учун келмаётганди. Маркизни бу маконга етаклаб келган сабаб унинг ўтмишида содир бўлган ва инон-ихтиёрини олиб қўйган қандайдир тушунтириб бўлмас ҳодиса эди.

Бу қандай ҳодиса бўлишидан қатъий назар, бир нарса маълум эдики, уни ёдга олиш маркизнинг кўнглини беаёв оғриққа соларди. Енгиб бўлмайдиган оғриққа...

Ҳозир у ўтмишдаги азоб-уқубатларига юзма-юз борарди. Шона унга таскин беришни жуда истар, аммо ички бир ҳиссиёт бу одамга тасалли беролмаслигини айтарди.

## Бешинчи боб

Ниҳоят извош тўхтади.

– Етиб келдик, – хабар берди извошчи.

Маркиз жим ўтирарди, Шона унинг қўлидан тутди. Маркиз уйқудан уйғонгандай бўлди.

Улар извошдан тушиб, черков харобалари оралаб аста юра бошладилар.

Шона амин бўлдики, бу бино илгари унча катта бўлмаса-да, жуда чиройли бўлган. Ҳозир ундан қорайиб кетган қолдиқлар қолганди, холос. Фақат битта деворгина бутун сақланган.

Диндорлар учун ўриндиқлар қаерда жойлашганини фарқласа бўлар, ҳатто уларнинг айрим қолдиқлари меҳробга яқин яримвайрона девор ёнида ётарди.



Шона маркизнинг шунча узоқ йўл босиб, бу ерга етаклаб келган сабаб нимада эканлигини тушунолмади. Маркиз эса меҳроб вайронаси бўйлаб секин юриб бораркан, гўё яна уйқуда эди. Унинг нигоҳи девордаги витраждан<sup>1</sup> қолган готик шакллarga қадалганди.

Кутилмаганда, орқадан кимдир француз тилида сўзлаб қолди:

– Қандай хизматлари бор?

Ўгирилиб қараган Шона уст-боши кир-чир, аммо юзида самимий та-бассум акс этиб турган баланд бўйли, бакувват кишини кўрди.

– Менинг дўстим черковни кўргани келди, – тушунтирди Шона. – Биз унинг ёниб кетганлигини билмагандик.

Бу сўзлар ўша кимсага шундай таъсир қилдики, у даҳшат ичра қўл силтаб тез сўзлай кетди. Шона унинг шитоб билан айтаётган гапларини илғаб олишга уринарди.

Маркиз Шонанинг ёнига келиб:

– У нима деяпти? – деди.

– Унинг исми Пьер, у ёнгин ҳақида сўзлаяпти, – жавоб берди Шона бир вақтнинг ўзида ҳам эшитиб, ҳам сўзлашга ҳаракат қиларкан.

– Бу қандай содир бўлган?

– Бу воқеа ўн икки йил аввал рўй берган. Ёш ошиқ-маъшук келган пайтда у қабристонда ишлаган экан. Улар кимдандир қочиб келишган ва зудлик билан никоҳдан ўтишни исташган.

Пьерни гувоҳ сифатида таклиф этишибди. Унинг таъкидлашича, умрида бир-бирини бунчалик қаттиқ севган жуфтликни кўрмаган экан. Гўё бутун олам уларга тегишлидай бўлган.

– Ҳа, – шивирлади маркиз. – Ҳа, ҳа.

– Улар жўнаб кетишгач, бир неча соат ўтиб, бу ерга бошқа бир эркак келибди, – давом этди Шона. – У ёш келин-куёвни таъкиб қилиб келган эди. Севишганларнинг шу ерда никоҳдан ўтганларини билгач, ҳалиги кимса алаmidан энди бу ерда ҳеч ким никоҳдан ўтмайди, деб черковни ёкиб юборибди.

– Ё Тангрим! – шивирлади маркиз.

– Қурбонлар бўлмаган, – тез-тез таржима қила бошлади Шона. – Аммо черков ёниб кул бўлибди ва ўшандан кейин бу ерда ҳеч ким никоҳдан ўтмабди.

– Ўша кимсанинг кўриниши қанақа эди? – тўсатдан сўради маркиз.

– Ҳақиқий шайтоннинг ўзи, – таржима қилди Шона. – Унинг юзи озгин ва узунчоқ, оқ сочлари сийрак эди.

Пьер сўзида давом этди.

– Унинг айтишича, ёнгиндан сўнг қабристонни супуриб-сидираётганмиш. Кейинги йилларда кўзи хиралашиб қолибди.

– Яхши кўрмас эканми?

– Ҳа, – деди киз саволни таржима қилгач. – У нарсаларнинг ранги ва тузилишинигина кўраркан, холос. Аммо одамларнинг юзларини кўра олмас экан.

Шонанинг назарида маркиз бироз хотиржам тортгандай бўлди.

У чўнтагидан тилла танга олиб, Пьернинг қўлига тутқазди.

– Унинг хотирасида яна нималар сақланиб қолган экан? – сўради маркиз сабрсизлик билан. – Мен ҳаммасини билишни истайман.

<sup>1</sup> Витраж – сурат солинган рангли ойна.

Пьер тангани бармоқларида айлантира бошлади.

– Маъшуканинг сочлари тилларанг эди, – хотирлади у. – Сочлари қуёшда қандай товланишини қиз севгилисининг қўлидан ушлаб, черков томон югуриб келаётганда кўрганман. Унинг исми Анжела эди. У ўн саккиз ёшдан ошмаганди. Йигит эса, тахминан йигирма икки ёшларда эди. Улар ўзларини ёш боладай тутишарди...

– Тўғри, – эшитилар-эшитилмас тасдиқлади маркиз.

– Улар хохолаб кулишар ва шошилишарди, чунки уларнинг ортидан қувиб келишаётганди, аммо кулишни қанда қилишмасди. Бирга эканликларининг ўзи севишганлар учун катта бахт эди.

Шона маркизга Пьернинг гапларини таржима қилиб берди. Маркизнинг рангида ранг йўқ, изтиробу ҳаяжондан қимирлашга ҳам ҳоли йўқ, жимгина эшитди.

– Ишончим комилки, сизлар ўша жуфтлик каби бир-бирини қаттиқ севган одамларни учратмагансиз, – хўрсинди Пьер. – Гўёки улар ғам ва бахтсизликдан йироқ боқий умр сирини топишган эди. Баъзан ўйлаб қоламан: кейин уларга нима бўлди экан? Черковни ёққан одам уларни қувиб етмадимикан? Аммо бир нарсага аминман: йигит ва қизнинг муҳаббати абадий сақланиб қолган. Бундай муҳаббатнинг ўлиши мумкин эмас.

Пьер жуда секин сўзларди ва Шона тушундики, ҳатто маркиз ҳам у айтаётган сўзларининг маъносини англаётганди. Маркизнинг юзига ранг югуриб, жонлангандай бўлди:

– Сиз ҳақсиз, – деди у. – Муҳаббат ўлиши мумкин эмас.

Кейин ўгирилиб, секин юриб кетди.

– Улар бу кишининг дўстимиди? – сўради Пьер.

– Ҳа, – жавоб берди ғамгин овозда Шона. – Менимча шундай.

Пьер ўз ишига қайтди. Шона маркизнинг ортидан қараганча қолди. Маркиз меҳроб қолдиқлари томон кетиб борарди.

У ўша ерда тўхтади. Шонанинг кўз олдида сочлари қуёшда олтиндай товланиб турган қиз ва йигит гавдаланди. Уларни боғлаб турган севги туморга айланганди. Иккала ёш кўркмас ва ҳамма нарсага тайёр, уларнинг севгиси боқий эди...

Маркизнинг хотиралар қуршовидан чиқа олмаётган, маънос қиёфасига боқиб: “Ўша қиз ҳақиқатан ҳам ўлмаган”, – деб ўйлади Шона.

Унинг кўнглидан яна шундай ўй ўтди: агар бу одам қолган умрини ёлғизликка маҳкум этса ҳам танҳоликдан ўзга нарсани билолмайди.

Улар кемага қайтишганда ҳамма сузиб кетишга шай турарди. Маркиз капитан билан кенгашиб олди. Орадан бир соат ўтгач, улар Бискай кўрфази бўйлаб, у ердан эса Гибралтар сари сузиб кетдилар.

Эффи Лайонелнинг кемадан тушишга урингани ва капитан унга қаршилиқ қилгани тўғрисида Шонага оқизмай-томизмай сўзлаб берди.

– Мен Лайонелга ўзини тутиб олишини уқтирдим, – деди Эффи мақтаниб. – У менга қулоқ солмайди, деб ўйлагандим. Аммо ундай бўлмади. Хуллас, уни дарров тавбасига таянтириб қўйдим. Очиғини айтганда, у ёмон йигит эмас экан, фақат ҳаддан ортиқ эркалатмаслик керак.

– Ишончим комилки, маркиз бу гапларингни эшитиб, хурсанд бўлади, – деди Шона кулиб.

– Қаерга бордингиз? Қизиқ жой бўлса керак-а?

– Кале яқинидаги унча катта бўлмаган черковга бордик. Маркизнинг у



ерга боришнинг сабаблари бор экан. Эффи, сен айтиб берган нарсаларнинг айримлари ҳақиқатга яқин, деб ўйлаяпман.

– Сиз унинг ҳақиқатан махлуқ эканини назарда тутаясизми?

– Йўқ, махлуқ эмас, аллақандай савдойи, ҳаловат топа билмайдиган одам.

– Ўша қиз туфайлими?

– Ҳа, ўша қиз туфайли, – аллақандай ғижиниш билан такрорлади Шона.

– Ўша, айбсиз ўлдирилган севгилиси туфайли, – таъкидлади Эффи.

Шонага Эффининг гапи ёқмади. Бу алпозда маркиз арзон мелодрама-нинг персонажига ўхшаб қоларди ва оний бахт ҳис этган жойига қайтишга муҳтож одамга нисбатан адолатсиз хулоса эди бу.

Ўша куни у маркизни қайтиб кўрмади. Кечки пайт ҳам, ошпаз зоти олийларининг ўз каютасида ёлғиз овқатланаётганини маълум қилгач, Эффи ҳамда Лайонел билан бирга овқатланди. Кечки овқат жуда мазали тайёрланганди. Лайонел ва Эффе ўзаро яхши чиқишиб қолишди, йигитча ўзини ҳақиқий жентльмендек тутарди. Фақат Шонанинг кўнгли ҳаловат топмади. Унинг фикру зикри ёлғизликда аччиқ қайғуга ботиб ўтирган кишида эди.

Оқшомнинг қолган қисмини у палубада ўтказди, шамол ва тўлқинларнинг шовқинига қулоқ тутди. Яхта нотинч денгизнинг тўлқинларини ёриб, янада тезроқ сузиб борарди.

Шона каютасига қайтганда, Эффи уйқуга ётаётганди. Қизлар бир-бирларига хайрли тун тилаб, ўринга ётишди. Шона уйқуга кетиши учун бир неча соат даркор бўлди. Аммо бирозгина кўзи илингач, яна уйғониб кетди.

У ўрнидан турди ва елкасига шолрўмолини ташлаб, секингина йўлакка чиқди. У маркизнинг каютаси томон юрди. Бу ўта одобсизлик бўлиб кўринса ҳам, у маркиздан хавотирда эди.

Қиз эшик олдида тўхтади ва ичкарига қулоқ тутди. У қадам товушини кутганди, аммо эшик ортидан ҳеч қандай овоз келмади.

Шона хотиржам бўлиб ортга қайтишга тараддудланганда, тўсатдан аянчли ингроқ овози эшитилди. Гўё қизнинг томирларидаги қон тўхтаб қолгандек бўлди – ингроқ давом этарди.

Шона ўйлаб ўтирмай, ичкарига кирди ва каютага яна кимдир кириши мумкинлигини ҳисобга олиб, эшикни қия ёпди.

Маркиз ўрнида титраб-қақшаб ётар, тўлғанар, аянчли инграб, нола чекарди.

Шона маркиз кўрса ғазабланишидан хавотирланиб, аста унга яқинлашди. Ва англадики, маркиз ухляпти, унинг изтироблари оғир босинқираш сабабли эди.

Шона оёқ учида каравот ёнига келди ва унинг бир четига ўтириб, маркизга қўл узатди. Маркиз шу он қизнинг кафтидан тутиб шундай сиқдики, Шона бақириб юборишига оз қолди. Аммо уни уйғотиб юбормаслик учун ўзини тутиб олди.

– Қаердасан? – хирилдоқ овозда шивирлади маркиз. – Қаердасан? Сени кўрмаяпман.

– Мен шу ердаман, – беихтиёр оҳиста шивирлади қиз ҳам.

– Сен ҳамиша шу ердасан, – деди энтикиб, хириллаш аралаш маркиз.

– Менинг юрагимда, ўйларимдасан. Йиллар давомида рухнинг мени тарк этмади.

Шона бу сўзлар кимга аталганини англаб, сесканиб кетди. Шу тобда уни қандай куч бошқараётганини англай олмади, ҳиссиётларига бўйсуниб, мулойимлик билан жавоб берди:

– Менинг шу ерда эканимни билсанг бўлди, кўришинг шарт эмас.

Унинг овози ўз таъсирини кўрсатди: маркиз шу заҳоти тинчланиб, жимиб қолди. У кўзларини очмади, Шона таажжубланди, назарида, маркиз уни кўришни истамаётганди.

– Бу сенми? – яна сўради маркиз. – Сен ростданам шу ердამисан?

– Ҳа, шу ердаман.

– Бугун бир вақтлар иккимиз бирга турган меҳроб ёнида туриб, ёнимда эканингни ҳис этдим.

Тўсатдан Шонанинг бутун вужудини ваҳима чулғаб олди. У тез кетиши керак, агар маркиз уйғониб қолса ва Шона уни алдаётганини кўрса, ғазабланиши, қизни жазолаши мумкин эди.

Шона қўлини секин тортиб олмоқчи бўлди, аммо маркизнинг чангали уни маҳкамроқ қисиб олди.

– Кетма, – шивирлади у. – Кетма... Анжела...

– Кетадиган вақтим бўлди, – майин жавоб берди қиз. – Мен бир зумгагина келгандим, чунки... – у сўзини қандай яқунлашни билмай, тутилиб қолди.

– Чунки юрагим сени қўмсаётганини сезгансан.

– Шунча йил ўтиб ҳам-а? – ғамгин овозда сўради қиз.

– Ҳа. Юрагим умримнинг охириг кунига қадар сени қўмсайди.

– Бу жудаям узоқ муддат, – деди қиз. – Сен яна севиб қоласан.

– Йўқ, – деди маркиз қатъий. – Мен сендан бошқа ҳеч кимга қўнгил қўя олмайман. Севгилим менинг... Анжела, менинг суюклигим.

У бирдан қизнинг қўлларини қўйиб юборди ва шу он унинг елкасидан тутиб ўзига тортди.

Шона бу кутилмаган вазиятдан кутулмоқчи бўлиб уринди, аммо иложи бўлмади. Маркиз ҳали ҳам хаёлот дунёсига занжирбанд, қотиб ухларди.

У уйқу аралаш қизни ўпа бошлади. Унинг лаблари ютоқиб, кучли эҳтирос билан қизни эркаларди. Шона бундай пайтда ўзини қандай тутишни билмай, бир муддат гангиб қолди. Уни қўрқув ва ваҳима чулғаб олди. Бунга чек қўйиши лозим!

Айни дамда қиз уни тўхтатишни истамаётганини тушуниб қолди. Илгари ҳеч бир эркак уни ўпмаган, бу ҳиссиёт қизга таъриф билмас даражада лаззат бағишлаётганди.

Пўлатдек маҳкам кучоқ, қайноқ лаблардан бўса олиш лаззати, соғлом эркак баданининг ўзига хос бўйи – буларнинг барчаси қизни ҳаяжонга чулғаб ташлаган ва ўзи истамаган ҳолда жисми билан унга талпинаётган эди.

Айни дамда унга муносиб бўлмаган шармандали бу ҳиссиёт ҳушни олиб қўяр даражада ажойиб эди.

Шона бир муддат ўзини йўқотди, бу кучли вужуднинг пинжиг кирақан, нафис тунги кўйлаги ортидан унинг ҳароратини ҳис этди. Шу тобда у ўзини қўлга олиши ва бу шармандаликка чек қўйиши лозимлигини англаса-да, бўсаларнинг ҳеч қачон тўхтамаслигини истарди.

– Анжела, – шивирлади маркиз лабларини аранг узиб. – Анжела, севгилим... Қайт... Ёнимга қайтиб кел...



Унинг овозидаги аламли соғинч оҳанги қизни чулғаб олган ёқимли ҳисларни тўзғитиб юборди. Гарчи унинг ёлғони бегараз бўлса-да, у бошқа аёлга тегишли бўлган бўсаларни олганди.

Виждон азобида у маркизнинг қучоғидан силтаниб чиқди, аммо у қизни янада маҳкамроқ қучиб олди.

– Кетма, – зорланди у. – Мени яна ёлғиз қолдирма...

Яхшиямки, унинг кўзлари ҳали ҳам юмук эди. Аммо Шона унинг ҳар дақиқада уйғониб қолиб, ўзини алдов қучоғида кўриши мумкинлигидан ваҳимага тушаётганди. У ўзини қўлга олди ва маркиз қучоғидан чиқиб, каравотдан сакраб турди.

– Анжела...

Қиз маркиздан кўз узмай, эшик томон тисарилди. У эса талваса билан қиз томон қўл узатиб, кетмаслигини ўтина бошлади.

Шона деярли қочиб чиқди.

Кема тун бўйи сузиб, ниҳоят, Бискай кўрфазига кириб келди, ҳавонинг авзойи ўзгарди.

Шона шамол шиддати кемани чайқатиб юборгунга қадар каютасидан чиқмади.

– Уни денгиз касали безовта қияпти, – деди Эффи нонушта вақтида маркизга. – Нонуштага чиқолмагани учун узр сўради.

– Ҳечқиси йўқ, – деди маркиз. – Бундай об-ҳавода менинг ҳам ишлагим йўқ.

Маркиз қалбининг тубида қувонч туйди: бугун тундаги рўё туфайли у Шонанинг кўзларига қарай олишига ишончи комил эмасди.

У кечқурун ўрнига ётаётиб, никоҳдан ўтишган черков вайронасига боргани ва барча хотираларининг қайтадан жонланганлиги боис тушига Анжела киришига ишонганди.

Меҳробнинг кулга айланган қолдиқлари ёнида тураркан, гўё севгилиси ёнида тургандек оний бахтдан масрур бўлганди.

Тушида севгилиси ёнига қайтди, у муҳаббатга тўла кўзлари билан тикилиб тураркан, бу нигоҳларда араз ҳам бор эди, зеро уни ўлдирган эркак жазодан қочиб қутулди.

Маркиз қиздан кечирим сўради. У қотилни кўп йиллар давомида излади, жиноятчини топиб, жазоламагунча ҳаловат билмаслик учун қасам ичди. Аммо таъқиблари ҳар гал муваффақиятсиз тугар, бу маркиз юрагида тош бўлиб ётарди. Бу, унинг назарида, муҳаббати шаънига доғ туширарди.

Тушида сегилиси у яна севиб қолиши тўғрисида айтди, аммо маркиз шуни яхши билардики, Анжела учун қасос олмас экан, муҳаббат бахтини ҳеч қачон туя олмайди. Сўнг эса...

Маркиз столдан шарт туриб, чиқиб кетди. У ўша тушнинг давом этиши ҳақидаги хаёлларига эрк бериш учун ёлғиз қолиши керак эди. Ўша туш ваҳимали, айни дамда жуда ёқимли ва хавотирли ҳам эди.

У бўсаларини эслади, илгари қизни бундай ўпмаганди. Тушнинг охири ҳар галгидек ўзгармасди: севгилиси уни яна қайғулари билан ёлғиз қолдириб, ғойиб бўларди.

Аммо бу галги тушида у ғойиб бўлмади. У бошқа аёлга айланиб қолди. У тушида аёл билан кечган мафтункор лаҳзаларини эслади, унинг оғушидаги Анжела эмас, балки юзини ўзгартирган, ҳиссиз қотиба эди. Шунда у ҳам ўз қиёфасига кирди, маркиз қучганидек, унинг бағрига сингиб кетди.

Маркиз бир марта тасодифан кўриб қолган ва ҳамон унутолмаган гўзал ва мафтункор сочлари унинг кафтларига ёйилган, бу нафис сочларни бармоқлари ила силаб-сипалашни истарди.

У қизнинг вужуди ҳароратини ҳис этиб, қиз ҳам унга интилаётганини биларди. Қизнинг лаблари унинг бўсаларига жавоб берди.

Кейинги лахзада эса у қўлларида қуруқ ҳавони ушлаб турарди. Қиз кетганди.

Сароб ғойиб бўлгач, маркиз уйғонди ва тушундики, у яна ёлғиз ва бебахт. У нима содир бўлганини англаш учун узоқ вақт қоронғиликда бедор ётди...

Нихоят ўрнидан туриб, халатини кийди, йўлакка қаради.

Турган гапки, у ерда ҳеч ким йўқ эди. Маркиз ўзидан уялиб кетди. У маркизнинг каютасига тунда келиши мумкин, деб фараз қилишнинг ўзи ҳам ҳурмат-эътиборли хоним учун кечириб бўлмас ҳақорат эди. Аммо барибир у йўлак бўйлаб юраркан, Шонанинг каютаси олдига боришдан ўзини тия олмади. У эшик ёнида тахтадай қотиб, диққат билан қулоқ солди. Ва ўзининг номуносиб бу ҳаракатидан хижолат бўлди, аммо негадир кета олмади.

Маркиз Шонани бўлмағур хаёллардан беҳабар, иффат қобиғида ётганини тасаввур қилди. Бироз ўтиб, у ноилож бу ердан кетди – овозсиз ортига ўгирилиб, каютасига борди ва туннинг қолган қисмини иллюминатордан денгизга боқиб ўтказди...

Мана, ҳозир Шона билан эрталабдан учраштирагани учун тақдирдан хурсанд бўлиб ўтирибди. Хаёлларини жамлаб олиши учун унга вақт керак эди.

Улар кечгача кўришишмади. Маркизнинг асаби таранглашиб, кучли чарчоқ ҳис этарди. Афтидан, Шона ҳам шундай аҳволда эди. Лайонелнинг денгиз касали туфайли иштаҳаси йўқолган, фақат Эффигина соғлом ва кайфияти чоғ бўлгани сабабли ҳаётдан миннатдор эди.

– Хушомад қилишга рухсат беринг, хоним, – деди унга маркиз. – Сизга киёслаганда ҳаммамизнинг аҳволимиз ачинарли кўринади.

– Раҳмат, жаноб. Шонага нима бўлгани ақлимга сиғмаяпти! Мен ҳеч қачон унинг денгиз касалидан азиат чекканини кўрмаганман. Ҳатто бутун Бискай кўрфазини сузиб ўтганимизда ҳам.

– Менимча, ўзгариб қолган бўлсам керак, – аниқлик киритишга ҳаракат қилди Шона. – Бу саёҳат... Аввалгиларидан жудаям катта фарқ қилади.

Кечки овқатда кўп ўтиришмади, ҳаммалари ўз каюталари томон тарқалишди. Аммо Шона тунда даб-дурустдан яна уйғониб кетди. Бу гал у маркиз каютасининг яқинига ҳам йўламади, шунчаки, палубага кўтарилди ва куйруқ томонга ўтиб, кўпириб оқаётган денгизни махлиё бўлиб томоша қила бошлади.

Эффи айтганидек, Шона денгизда ўзини жуда тетик ҳис этар, чайқалишдан сира кўркмасди. У ҳатто барча кўзлардан йироқда, шамолга рўбарў туриб, хузурланарди. Кутилмаганда у ўзининг ёлғиз эмаслигини ҳис этди. Лайонел қадамларини судраб палубага чиқди ва Шонага яқин жойга келиб, чуқур нафас олди.

– Аҳволингиз анча яхшими? – сўради қиз.

– Йўқ, – деди йигит аянчли қиёфада. – Аҳволим сира ўзгармади. Бу ерда ҳеч бўлмаса тоза ҳаводан нафас олиш мумкин.

У бир неча бор чуқур нафас олди, кўринишдан бу унга енгиллик бағишлаётганди.



– Энди кемага чиптасиз чиқиб олганингизга афсус чекаётган бўлсангиз керак-а? – сўради қиз майинлик билан.

– Йўқ. Мен шу ерда бўлишим керак. Мен унга керакман.

– Наҳотки? У эса, менимча, бундай фикда эмас. Бу ерда сизни кўрганда ғазаб отига минганди.

– Бунинг ҳаммаси – мен унинг оила аъзоси бўлганлигим туфайли. Тоғам саёҳатда ўзини яхши биладиган одам ҳамроҳ бўлишини истамайди, – жумбоқли жавоб берди Лайонел. Шонанинг юзидаги таажжубни кўриб, кўшиб қўйди. – Мен сизга айтгандим-ку, китоб ёзиш – шунчаки ниқоб, асл мақсад – тўй саёҳати йўналиши бўйлаб қайта кезиб чиқиш. Сиз унинг уйланганини билармидингиз?

– Қулоғимга чалинганди, – деди Шона эҳтиёткорлик билан.

– У жуда ёшлигида уйдан қочиб кетганди. Менимча, никоҳ Францияда бўлиб ўтган. Шундан кейин кўп ўтмай, хотинини ўлдиришган. Тўлиқ тафсилотини билмайман: у бу ҳақда бошқаларга билдиришни истамайди. Аммо уларнинг қалтис саргузаштлари ҳақида шундай гап-сўзлар юради. Бу сафар – унинг севгилиси хотираси шарафига амалга оширилмоқда. Орадан шунча йил ўтса ҳам, у рафикасини аввалгидек севади.

Лайонелнинг сўзлари қандай таъсир этаётганини сездирмаслик учун Шона орқага ўгирилди. У маркизнинг муҳаббати нақадар кучли экани ҳақида ўйлаган сари юраги гупиллаб урарди. Бу худди васвасага ўхшарди. Улар бирга кечирган бахтли дамлар шарафига бутун Европа бўйлаб саёҳатни амалга ошириш учун ўтган йиллар давомида қандай эҳтирос билан севиш мумкин?

– Уни ўлдирган одамнинг тақдири нима бўлди? – сўради Шона. – Уни тутиб, жазоладиларми?

– Йўқ. Катта тўполон вақтида у қочишга улгурди ва ўшандан бери дараги йўқ. Менимча, тоғамни айнан мана шу нарса – ёвуз қотилни қўлдан чиқариб юборгани қийнайди.

Шона ниманидир эслагандай бўлди.

– Сиз билан танишган ўша кеча бу ҳикоянинг биринчи қисмини сўзлаб бергандингиз, – деди у.

– Ростданми? – бепарволик билан деди Лайонел. – Негадир, эслолмаяпман.

– Ҳа. Сиз у китоб ёзмоқчи эмас, китоб – шунчаки бир ниқоб, деб айтгандингиз.

– Худди шундай. Суюклисининг хотираси шарафига саёҳат учун ниқоб.

– Аммо, яна бир гап. Сиз унинг саёҳатдан асл мақсадини ўзи ҳам билмаслигини айтгандингиз.

Шонанинг олдида йигитча довдираб қолди.

– Йўғ-э! Менимча, бундай демаганман.

– Айтгансиз. Аниқ эсимда...

– Ҳаммасига май айбдор, – шошиб унинг сўзини бўлди Лайонел. – Менимча, ўшанда маст эдим шекилли. Сўзларимга заррача эътибор қилманг.

– Аммо, Лайонел...

– Хайрли тун, – деди йигит ва зипиллаганча кетиб қолди.

*(Давоми келгуси сонда)*



## Франческо ПЕТРАРКА

Рус тилидан  
Сафар ОЛЛОЁР  
таржимаси

### УЛУҒЛИК МЕЗОНИ

Адабиётда Петрарка ҳодисаси кўп қиррали: шахс, шоир, донишманд, олим, жамоат арбоби – унда буларни ажратиб бўлмайди. Унинг ижоди Ўрта асрлар тафаккури ва санъати, Инсонпарварлик ва Уйғониш, Европа ва итальян петраркизми ҳақида кўплаб маълумотлар беради. Бир сўз билан айтганда, Петрарка – Европа шеъриятини янги босқичга олиб чиққан чинакам шоир.

Шу боисдан ҳам Петрарканинг 317 сонет, 29 канцон, шунингдек баллада, секстин ва мадригаллардан иборат машҳур “Канцоньере” (“Қўшиқлар китоби”) асари узоқ муддат европа лирикасининг ривожланиш йўлини белгилаб келди. Франческо Петрарка ижодининг каминани ҳаяжонга солган муҳим жиҳатларидан бири – бу шоирнинг ўзини зинҳор такрорламаслик қобилиятининг нақадар теран шакллангани, инсон қалби туғёнларининг лирикадаги қойилмақом ифодалари бўлди. Дарҳақиқат, шунча узвий сонетларда бир-бирига уйқаш тасвир ёки ифодалар туғул, лоақал сал ўхшаш ҳолатлар ҳам учрамаслиги диққатимни тортди. Бу нимадан? Албатта, бағоят улкан ижодий қуввайит ҳофизадан.

Петрарка сонетларининг бош қаҳрамони – гўзал Лаура хоним. Бир шахсга: у шоирга маъшуқа – ҳурилиқоми, ё устоз – валий зотми, ёинки ҳақиқий жон дўстми, шунча сонетларни бахшида қилиш – бу шунчаки ижодий маҳсулот яратиш эмас, балки аҳли шуаро орасида ҳам камдан-кам учрайдиган Инсоний Жасоратдир.

Таржимондан

#### I

Қўшиққа жо этдим ёшлик завқ-шавқин,  
Оғриқли оҳ-воҳлар шовқини гирён,  
Илк хато хун олган шум дамдан буён  
Ҳис этмай яшарман ўз умрим ҳаққин.

Беҳуда орзу ва бенаф жафо-кин  
Музтар овозимни узар ногаҳон,  
Қалбим узр-маъзур бобида ҳайрон,  
Севишганлар, фақат хайрихоҳлик чин.

Устимдан кулади ҳар кимса, наҳот,  
Муҳимми, ҳакамлар жуда ҳам сипо:  
Ўзимни кулгили сезяпман ҳозир.

\* Манба: Ф.Петрарка. Лирика. –М., «Художественная литература», 1980, 21-222-бетлар.

*Зимни пуч манфаат чанқатар, ҳайҳот,  
Сўнг англаб, ўзимни айбладим ҳатто,  
Дунёвий шодликлар – мухтасар тушидир.*

V

*Қай дам эҳтиросим жонимни ўртар,  
Исмингиз бобида кўп истиҳола –  
Беназир ҳамд-сано сизга ҳавоЛА,  
Биринчи ҳижодан фалакка ўрлар.*

*Аллақандай овоз Унсиз ингранар,  
Жодудай сеҳрлар РЕал бир нола:  
АлбатГА, вассалдек овора бўлма –  
Сен учун эмасдир бундай тор йўллар.*

*Шундай юксак сийЛАН, беқиёс ораз,  
Тингла, Умрим бўйи мадҳинг ёзарман,  
Барча РЕжам учун сен мавзу ҳар он.*

*Ахир, Аполлоннинг шони безараз,  
Мангу баҳорига ҳамиша зорман  
Дағал тилим ила мақтаб ҳар замон.*

VI

*Айрилиқ азоби қийнайди чандон,  
Жинни айрилиги, матонат қадар  
Англамай мен каби олдинга учар,  
Севгига асирлик айлаган чаққон.*

*Тагин саботлироқ бақирдим нолон:  
“Унга халал берма!” – сўқир туйғулар  
Одамнинг қалбига экар қайғулар,  
Айниқса, қайсарлик ортиқча армон.*

*Ки нетай, жиловлаб олди бу ҳислар,  
Қийнаб, барбод айлаб сўнгги эркимни,  
Йўқлик устунлиги тантанага шай.*

*Хом мева таъмини тотишим истар,  
Рўё-ла чалгитиб тасаввуримни,  
Ярани куйдириб даволагандай.*

VII

*Очкўзлик, камўйлик, қуруқ дабдаба  
Хароб айлар савоб ишни бошидан:  
Не бўлар тош чиқса ҳомий ошидан,  
Табиат амрида жонфидо тавба.*

Эзгулик кўкида сўнди мартаба –  
 Ва ҳаёт чекинди жонон қошидан,  
 Ўзаро куйлашган мунглиг қўшиқдан,  
 Ҳайҳот, камёб ҳислар едилар зарба.

“Ғалаба орзуси? Баргакка ихлос?  
 Оёгингни тортгин Донишмандликдан!” –  
 Жўр овоз тинчитмас тамагир аҳлин.

Сен билан, жон дўстим, ҳамсафарлик тан:  
 Айниқса, шуҳратни унутма нохос,  
 Муносиблик шудир, айна шарафинг.

## IX

Она сайёрани бўлгувчи соат  
 Қай дам топганида Бузоқ буржини,  
 Табиат шавқ ила ўтаб бурчини,  
 Оташ шохларига айлар итоат.

Дўнглик ҳам, сойлик ҳам – гулга зиёрат,  
 Дарахтлар силкитар барглар учини,  
 Лек тунлар заминнинг улкан хуржунни,  
 Ҳайҳот, шираворга мисли ибодат.

Ҳарорат бамисли меваларга жон.  
 Шундай, агар менинг ердаги шамсим  
 Муомала айлар кўзим нуридай,

Севги шиддатини англамайди ким –  
 Улар эгизакдай, бироқ ҳеч бир он  
 Бунда мен баҳорни ҳис этмам, нетай.

## XIX

Шундай жонзотлар бор, илгар илоҳин,  
 Қуёшга тик боқар кўзин юммасдан;  
 Қай бирлари тунда жонланар, аслан,  
 Кундуз ёругидан асрар нигоҳин.

Яна шундайлар бор, англамас чоҳин –  
 Оловга тик учар бамисли қасддан;  
 Ҳеч ён қочиб бўлмас асло қисматдан,  
 Улар қаторида мен ҳам борман, чин.

Кўзим қамаштира серишва жамол,  
 Сояга қочмасман, фақат сезаман,  
 Тезроқ тун келсин деб қилмасман орзу.



Пешивоз чиқсам кўзим ёшланар, чиндан  
Интиламан афсун лол қилган мисол,  
Унинг нурларида ёнсайдим мангу.

XXXI

Юксак қалб, қай бир дам ўз туйғуларин  
Бегона ҳаётга бесар бахш айлар,  
Мартаба эгаллар, ўзини қийнар –  
Ўзга зотга раво кўради барин;

Мирриҳ ила Зухра менинг дилбарим,  
Малак юлдузман деб, – шамсдан ажралар.  
Хасис, ўз жилвасин баттар қизганар  
Дарвишлар зикрига бахш айлаб барин;

Бошида кўрарми тўртинчи шарни, –  
Учовлон сайёра ичра йўқ рақиб,  
Малак гўзаллиги ўртар уларни;

Бешинчи самога чиқса ўлақиб<sup>1</sup>,  
Манзил йўқ, жилваси тўсар нурларни –  
Олам юлдузларин рашки тутақиб.

LXVIII

Мудроқ шахрингизми, мақбул Раббимга,  
Мени азоблайди гуноҳим учун,  
“Ўйлаб кўр!” – қичқириқ, талаб қилмай хун  
Порлоқ сарой сари йўл очар кимга.

Ўзга ўй шу жойда кўзгар ваҳима  
Ва бақирар: “Тўхта, қаёққа? Нечун?  
Бизнинг хонимлар-ла суҳбат қур узун,  
Йўлингни жўрттага бурдинг – сен нима?”

Тили ила дилни музлатар малак,  
Баайни инсонга – мақсад ёт атай,  
Баногоҳ қай хабар айлар жонҳалак.

Ва яна биринчи ўз жойида шай,  
Иккинчи. Бу жангда кимни асрасак?  
Номус майдонида ким голиб марддай?

LXXXV

Ҳамиша севганман, энди қалб ила  
Ҳар куни кучлироқ севишга шайман:  
Қайда ишқ гам ила қийнар атайдан,  
Шу жойда кўз ёшим ажиб силсила.

<sup>1</sup> Ўлақмақ – боғланмоқ (“Навоий асарлари учун қисқача луғат”, Т., “Фан”, 1993)

*Ховлиққан ошиқман ишқ оламида,  
Асло унутмасман, мудом севаман.  
Лек кўпроғи – ўша, ҳусни дилга тан,  
Кучлироқ бўлгайман севгим гамида.*

*Илло ким ҳам кутар, мушфиқ ганимлар  
Юракни қуришган, дўстларим қадар,  
Айни пайтда қандай бағримга боссам?*

*Мен голибман, Севги, сенинг қудратинг!  
Далда бермаганда ишонч журъати, –  
Туфроққа қўшилиб кетарди жуссам!*

## LXXXIX

*Кўп йилдан сўнг қочдим ишқ чангалидан –  
Бас, санамлар, тинмай сўйлашим мумкин  
Қай саросимага тушганин қочқин  
Бундай ўзгаришдан дил истамаган.*

*Юрак уқтирарди, яъниким чиндан  
Ёлғиз яшамайди ҳеч қайси мўмин,  
Дуч келган хирадни учратиб лекин  
Тиз чўктириб ўч олар хоиндан.*

*Мана, арасотдан хўрсиниб оғир,  
Мен дердим: “Сезардим тотли оғриқни,  
Эрдан авло.” – билсин аҳли вафодор.*

*Ғоят кеч англадим янглиш қилиқни,  
Бас, тагин ишқ ичра эканман асир,  
Хатони тузатгум токи жоним бор.*

## CLXIX

*Эрка фикрат, таъқиб айлаб этди зор,  
Олам узра кезиб уни излардим,  
Шунча азобимга сабаб бўлган ким,  
Топсам, кечиршин сўрайман бедор.*

*Ва яна у мени ўртар фусункор,  
Хўрсинишдан қандай асрай бу қалбим?  
Ўшал, кимга кўнгиш ёзсам ёзгирдим, –  
Амурга дўст эмас ва менга азёр.*

*Бари шундай кечар, янглишимасам гар,  
Жонли ҳамдардликнинг ёруғ шуъласи  
Иситар қоронғу, совуқ нигоҳин.*

*Тортинчоқлигим ҳам азоб бир қадар,  
Ва қарийб ҳал бўлган иқрор нағмаси,  
Бироқ хоинона жим турар оғзим.*





ССХV

*Аслзотлик белгиси – софдиллик, ишон,  
Ажойиб заковат – юрак ҳам тоза,  
Ташқи одамови ҳолат – андоза,  
Фарқ пишган мевалар – гунчадан нишон, –*

*Унинг сайёраси сахий – бир жаҳон,  
Аён – хон зиёси, юксаклик роса –  
Малак обрў-шаъни, ҳар бир хулоса  
Қийнаб қўяр улуғ шоирни ҳамон.*

*Тангри ишқ ва орни унга баҳиш этган,  
Жозиба чекига тушган қомаддай  
Табиат барноваши – шодиёна бу.*

*Унинг нигоҳига нени нақш этган,  
Тун ярмида кундуз нур сочар атай,  
Тахир ёвшанларга – тотли таъмдир у.*

CCLVIII

*Мени нозик нурлар тафти-ла сийлаб,  
Жонли шамдай порлар шахло кўзларинг,  
Қалб қаърингдан менга эрка сўзларинг  
Жилгадай оқарди нафис жилдираб.*

*Энди улар йироқ кезинар қийнаб,  
Бироқ ёдимдадир ўтлиг ҳисларинг:  
Гарчанд ўзгарувчан нигоҳи заррин  
Ҳар гал учрашганда ўзгача тийнат.*

*Ўрганган аъмолдан қутулиши маҳол:  
Кўнгилга бегона олдинги ҳузур  
Ва гуноҳни енгиши кечмагай осон.*

*Малак ёт толени биларди малол,  
Гоҳ ҳадик, гоҳ умид чорларди бир қур,  
Ошигин тарк этган қоларми омон.*

**“МАДОННА ЛАУРА ЎЛИМИГА СОНЕТЛАР” ДАН**

CCLXV

*Шафқат билмас юрак, ваҳший феъл-атвор  
Менга нозик, ювош, малакқийёфа  
Вафотидан таҳдид қилар ҳар дафъа,  
Вақти билан ҳиммат кўрсатмас зинҳор.*

*Кўкарса ва нобуд бўлса майсазор,  
Кундузи, тунда ўт қўйдим дунёга –  
Хилватда йиғладим. Тақдир бу сафда,  
Мадонна ва Амур. Ё мен гуноҳкор?*

*Илло мен узлатга маҳкум эмасман,  
Мен биламан оддий томчи шахт ила  
Мармар ва гранитни чархлар билиб ҳад.*

*Кўзёшлар, илтижсо, муҳаббат билан,  
Аён, юрак кучли инсон бахтига,  
Шафқатсизлик барҳам топар то абад.*

### ССХСҲІ

*Мен аввал ўзимни айблардим доим,  
Ҳозир шодман шиққа асирлигимдан,  
Бу ширин ва аччиқ оғриқ менга тан,  
Бир неча бор буни сир сақлай олдим.*

*О газабнок парклар! Билибон қоим  
Севги риштасини уздингиз чиндан,  
Менга бунча азиз бу байтулҳазан,  
Олтин милингизга очиқ кўкрагим.*

*Малак ҳаёт пайти, эркдан безардим,  
Шодлик ҳам, ҳаёт ҳам, тотли ҳузур ҳам,  
Бари касб этарди янги мақсад-шаън.*

*Ҳушомадбон оҳанг хўрланган дардим,  
Оҳим ёлғиз унга, исми мукаррам,  
Ҳам ҳалокатли зарб, ҳам мангу кишан.*

### ССС

*Сени жиним суймас, мозор тўзони, –  
Зиқнадай яширдинг согинганимни, –  
Мендан тортиб олдинг менинг бахтимни,  
Ҳаёттий жангларда таянч жононни.*

*Раҳмсиз руҳлар, ишғол айлаб самони  
Очиқ даврангизга қўшдингиз кимни –  
Қайтариб олгум ёш нозанинимни,  
Бироқ рад этишиди йўқ деб имкони.*

*Бадгумон, уларнинг хушбахт тақдири,  
Сараланган, энди маҳлиё боқар  
Ёрқин ва тинч умрин ўйга толдириб.*



Қўролмайман, Ўлим, агёрлик сиринг, –  
Сен ёрим умрини қирқдинг шу қадар,  
Мени қум саҳрода кетдинг қолдириб.

СССХII

На порлоқ юлдузлар жилвадорлиги,  
На кенг соҳилдаги гуж-гуж елканлар,  
На жонзоти бисёр қуюқ ўрмонлар,  
На чавандозларнинг омилкорлиги,

На хориждан келган меҳмон борлиги,  
На ишққа қофия ширин сиймтанлар,  
На фаввора бўйлаб куйлаган дилбар,  
На маъни аҳлининг интизорлиги, –

Ҳеч нарса қалбимга татимас сира,  
Бари юлдузимга жуда ўхшарди,  
Қалб барига кўзгу бўлганди сара.

Ҳаёт бир зайл кечар. Ажал кезарди –  
Мен кутмаган ҳолат, тушкун манзара,  
Гар уни кўрмасам яшии бўларди.

СССXXXVII


Севимли тантанам, тенгсиздир боринг,  
Ёқимли зийнатга тўла шарқ мағрур  
Ва хоҳишига кўра ким гарбдан масрур,  
Нодир жавоҳирот ажиб асроринг.

Муҳаббат – бу сенинг буюк қарздоринг:  
Гўзаллик ва ҳиммат нур устига нур,  
Сен қатъият ила юрагимда тур,  
Паноҳингдан ҳиммат топсин иқрорим.

Улуғ фикр учун сен мангу ватан, –  
Жўшқинлик, ҳаяжон, мен бахтли эдим,  
Ҳаётда кўп кўрдим роҳат-фароғат.

Сен боис дунёим бут эди чиндан,  
Юз ҳисса безайди самони севгим,  
Олло олди сени, о комил хилқат!





## Ясунари КАБАБАТА

(1899–1972)

## ЯПОН ҲИКОЯЛАРИ

Рус тилидан  
Олим ОТАХОН  
таржимаси

Ясунари Кавабата – япон ёзувчиси ва эссеисти, Япон санъат академияси аъзоси (1953). “Идзунлик ўйинчи” (1926), “Қорли ўлка” (1937), “Мингқанот турна” (1951), “Тоғлар ноласи” (1953), “Эски пойтахт” (1961) романлари билан танилган. Асарлари кўплаб тилларга таржима қилинган. Ёзувчи 1968 йил асарларида миллий ва замонавий ифода усулларидан юксак даражада фойдалангани ва шу тарзда инсоннинг ички дунёсини юксак маҳорат билан тасвирлагани учун Нобель мукофоти билан тақдирланган.

## ИТАЛИЯ ҲАКИДА ҚЎШИҚ

Уни бошдан-оёқ аланга камраб олган эди. У жон аччиғида дод солар, ирғишлар ва жазава ичида қўлларини силтарди. Худди аланга канотларини куйдирган парвонадек...

Дастлаб жуда қаттиқ портлаш овози эшитилди, зум ўтмай тажрибахонадан йўлакка бамисли гуриллаб ёнаётган улкан машъала отилиб чиқди...

Хоналаридан югуриб чиққан одамларни ёнаётган кимсадан кўра, унинг ақл бовар қилмас даражада баланд-баланд ирғишлашлари ҳайратга соларди. Худди чигирткани ўтда куйдиришаётгандек атрофга чирс-чирс учкунлар сачрарди. Ўт-олов ичида қолган жон қандай қилиб бўлса ҳам бу азобдан халос бўлишга талпинмоқда эди.

Бир пайтлар баландликка сакраш бўйича профессор Ториига тараф топилмас, у ҳатто олимпия ўйинларида ҳам қатнашиш шарафига муяссар бўлган эди. Ёру биродарлари билан ҳамкасблари шунга ишора қилишиб, профессорнинг шашти жуда баланд-да, дея аския қилишарди. Лекин ҳозир ҳазилнинг ўрни эмасди. Профессорнинг жон азобидан типирчилаши юракларни ларзага солар, унинг дод-фарёди тилка-пора қилинаётган дарранданинг ваҳшиёна фарёдини эслатарди.

Профессорнинг эгнидаги оппоқ халат куйиб, қоп-қора увадаси қолган, ёниб тугаёзган кўйлаги қора қурум сингари учиб тушарди. Куйган афтига қараб бўлмасди, оғриқ зўридан қорачиқлари кенгайиб кетган кўзлари саросима ичида ёнар ва косасидан отилиб чиқай-отилиб чиқай дерди.

\* Манбалар: Я.Кавабата. Мастера современной прозы. – Москва. Прогресс. 1971 г. Я.Кавабата. Избранные произведения. – Москва. Радуга. 1986 г.



Профессорнинг устидан спирт тўкилиб кетиб, у росмана машъала каби гуруллаб ёнмоқда эди.

Тажрибахонадан буралиб-бурқсиб қуюқ тутун чиқарди. Аланганинг аёвсиз тили йўлакка ҳам етиб қолган эди. Ичкарида кимёвий моддалар солинган шиша идишлар қасира-кусур ёриларди. Ёрдамга ошиққан ҳамкасблардан бири шошиб камзулини ечди-да, чойшабдек ёйиб, профессорнинг устига ташлади. Унга эргашиб яна бир неча киши шундай қилди. Профессорни авайлаб полга ётқиздилар.

Ҳамма ёқдан бақирган-чақирган овозлар эшитиларди.

– Ўт ўчирув баллони қани? Ўт ўчирувчиларнинг қувурини топинглар!

– Тезроқ қоғозларни олиб чикинг!

– Огоҳлантириш тугмасини босинг!

– Врач! Врач қани! Тезроқ! Чақиринг!

– Ўт ўчирувчилар бошқармасига хабар беринглар!

– Вой, Сакико қани?! Сакикога нима бўлди?!

– Вой-й, Сакико эсимиздан чиқибди-ку! – йигитлардан бири шундай деганча, ўзини гуриллаб ёнаётган тажрибахонага урди. Ичкаридан кетма-кет палахмондан отилган тошдек бир каламуш отилиб чиқди. Чамаси бу каламуш тажриба учун сақланган қафасдан кутулиб чиққан эди.

Сакико тақдирга тан бергандек, қотиб турарди. У тириклайин ёниб кетишга шай бўлиб турганга ўхшарди. Деразадан тушаётган тонг қуёшининг жилвагар нурлари унинг елкаларини ёритарди. Дераза ортида шивалаб ёққан ёмғирда чайилган покиза, ям-яшил япроқлар оҳиста чайқаларди.

Сакиконинг этаги ёниб, аланга биланглаб юқорига кўтарилмоқда эди. Қиз ҳайкалдек қотиб турар, аланга қизнинг кофтасини аёвсиз қамраб олганди.

– Эсинг жойидами, – дея қичқирди бояги йигит ва бир тортиб унинг юбкасини, сўнг жон-жаҳди билан тутай бошлаган ичкўйлагининг этагини юлқиб олди.

Сакико бирдан уйғониб кетгандек илкис чўққайиб олди-да, қўллари билан яланғоч оёқларини яширмоқчи бўлди, бироқ улгуролмай ёнбоши билан йиқилди-да, хушдан кетди.

Йигит Сакикони кўтариб тажрибахонадан йўлакка олиб чиқди.

Пайсалга солмай жароҳатланганларнинг икковини ҳам касалхонага олиб кетишди.

Профессор Тории баданининг қарийб учдан икки қисми куйиб кетган эди: бундай одамнинг соғайишидан умид қилиб бўлмасди, лекин шунга қарамай, профессор ҳеч кимнинг кўмагисиз касалхона йўлаги бўйлаб палата томон йўрғалаб кетди. Унинг эски кадрдони бўлмиш телефонда огоҳлантирилган врач унга пешвоз чиққанида профессор Тории аудиторияда гапиравериш одатланиб қолган тарзда тушунарли ва лўнда қилиб дўриллади:

– Келганинг учун ташаккур. Тажрибахонага ўт тушди. Ҳаммаси ёниб кетди. Мен ҳам чакки ковурилганим йўқ, шекилли.

Профессор ўзини бардам ва тетик тутаётгани билан барибир унинг кўриниши одамнинг ўтакасини ёрарди: қошлари билан киприги батамом куйиб тушган, қавариб, гўштлири чиқиб қолган қип-қизил юзининг бадбуруш ниқобдан фарқи қолмаган эди.

Профессорни қаравотга ётқизганларида у қақшатқич оғриқдан инграй



бошлади. Лекин бу узоқ чўзилмади, кўп ўтмай у алаҳлашга тушди. У энди инграмас, балки ўзини у ёқдан-бу ёққа отиб, дод соларди. Дастлаб ҳамма ёғига қалин қилиб малҳам суртишди, кейин бошдан-оёқ бинт билан ўраб-чирмаб ташлашди. Ҳолбуки, бу малҳамнинг шифобахшлигига врачларнинг ўзи ҳам ишонмасди. Яширишдан фойда йўқ – қон қуйишдан ҳам нажот кутмасдилар. Кейинчалик виждонлари қийналиб юрмаслиги учунгина бу чораларни қўллашган эди. Қўшни полкдан ўн чоғлик ёш-ёш аскарларни чақиртириб, хаш-паш дегунча уларни текширишди, сўнг уларнинг қонидан олиб профессорга қуйишди, аммо бу ҳам ёрдам бермаслигини жуда яхши билишарди.

Орадан бир мунча вақт ўтиб, тери касалликлари бўлимининг бошлиғи келиб кетгач, жароҳатланганларни текшириб кўриш учун терапия бўлимининг бошлиғи ташриф буюрди. Аммо бошдан-оёқ дока билан ўраб боғланган бемор алаҳсираб ўзини тинмай у ёқдан-бу ёққа отаётгани сабабли терапевт яхшилаб текшириш у ёқда турсин, лоақал томир уришига ҳам қулоқ сололмади.

Борди-ю бунинг иложини қилди ҳам дейлик, аммо қўлидан нима келади? Бемор бошида атиги икки дақиқа ўтирган терапевт унга умидсиз назар солди-да, индамай палатадан чиқиб кетди. Тиббиёт нуқтаи назаридан қараганда профессор Ториининг ажали етган эди.

Сакиконинг палатаси билан профессор ётган палата ораси унчалик узоқ эмасди, шу сабабли унинг инграшлари бемалол эшитилиб турарди.

Сакикодан хабар олгани келган дугоналари бир овоздан:

– Фалокат ёмон нарса, лекин юзинг қилчалик ҳам қуймадим, шунга шукур қилавер, – деб кўнглини кўтарган бўлишди.

Сакико юзини ёстикқа буркаб, хўнг-хўнг йиғлади.

Унинг ўнг оёғи човига қадар дока билан ўралган эди. Шу оёғи жонсиз, ёғоч оёқдек туюларди-ю, бироқ шу билан бирга оёғи ҳам қақшар, ҳам ачишар ва кизгина оғриққа чидаёлмай тишини-тишига босиб ётарди. Наҳотки у оёғидан ажраб ногирон бўлиб қолса?!

Сакико илк маротаба эрга тегиш ҳақида ўйлади. Бу фикр бамисли бир игна сингари миясига санчилди-ю, сиқилиб кетганидан юрагида оғриқ кўзгалди.

Устидаги қўйлаги ёна бошлагач, у бирдан ҳам жисман, ҳам руҳан улғайиб қолгандек бўлди ва айна чоқда алланечук ёш болага ўхшаб қолганди. Бу ҳиссиётлар ўз ҳолича алоҳида-алоҳида жунбишга келар, бир-бирига бўйсунмас эди.

Чамаси, мана шу туғён туфайли у қаттиқ жазавага тушмоқда эди.

Руҳий талваса ва изтиробдан кейин Сакико бирдан ҳаётни тўла ҳис қилмоқ лаззати ва қувончини бутун вужуди-ла туйди.

Алҳол унинг ғам-ғуссага ботган ва аянчли дунёси ёришиб кетгандек бўлди-ю, барибир дили равшан тортмади. Унинг учун ҳаётнинг маънисини қуйган баданидаги оғриқдан иборат бўлиб қолган.

Профессор Ториининг саломатлиги ҳақида у кўп ҳам қуюнавермасди. Унга ачинарди, лекин унинг учун сиқилмас эди. Уни энди ўзининг шахсий ҳаёти қизиқтирарди.

Сакико шу йил баҳорда мусиқа билим юртининг вокал бўлимини тугатган, бироқ ҳеч қутилмаганда илмий ходим, ҳарбий врачнинг ёрдамчиси бўлиб қолганди. Бу ақл бовар қилмайдиган воқеа эди, лекин бизнинг замонамизда, айниқса, аёллар орасида учраб туради.

Шунга ўхшаш воқеа профессор Ториининг ҳаётида ҳам юз берганди. Спортга ниҳоятда берилиб кетганига қарамай, у айримларга ўхшаб ўқишни ташлаб юбормади. Эҳтимол, хусусий эмас, давлат билим юртида ўқиганлиги сабаб бўлгандир. Лекин нима бўлган тақдирда ҳам илмга бўлган интилиш юксак ақл-идрокдан дарак беради, дегани эмасди. Спорт соҳасида ҳам у бирон-бир яхши натижага эришмаганди.

Ажойиб кунларнинг бирида ҳамманинг жон-дили бўлиб қолиши учун айнан нима ёрдам берди – оғир-вазмин феъл-атворими ёки табиатими – айтиш қийин эди. У кишибилмас равишда спорт соҳасида кўтарилиб кетди. Мусобақаларда шахсан қатнашмагани билан ташкилотчи ва раҳбар сифатида шуҳрат қозонди. Спорт машғулотларининг илмий тизими ҳаммадан бурун спорт тиббиётига таяниши керак, деган фикр унинг кашфиёти эмасди, бироқ кўпинча бундай антиқа, фавқулудда фикрни мен ўйлаб топганман деб ўйларди. Аслини олганда унинг бирдан-бир хизмати, бу соҳага дарҳол жону дили билан аҳамият бергани эди. Йирик олимлар менсимаган ва аҳамият беришга арзимаиди, деб ҳисоблаган статистика фикру ҳаёлини эгаллаб олди. Ушбу соҳа статистик спортни ривожлантиришга озми-кўпми наф берди.

Шундай қилиб у машҳур бўлиб кетди. Етакчи газеталар спорт бўлимида унинг суҳбатларини эълон қилдилар.

Спорт билан уруш жуда катта куч ва ирода талаб этади. Шу жиҳатдан, буларнинг орасида аллақандай умумийлик мавжуд. Бунинг устига мамлакатда бағоят оғир шароит юзага келиб, уруш кайфияти кучая бошлаганидан бери қурол-яроғ ва заҳарли газлар соҳасидаги илмий текширишлар билан бир қаторда илм-фаннинг ҳарбий тиббиёт деб аташ мумкин бўлган соҳаси ҳам ривожлана бошлади. Аста-секин бу соҳанинг ўз мутахассислари пайдо бўлди. Илмий тадқиқот олиб бориш учун тиббиёт факультети кафедраларига жўнатилган ҳарбий врачларнинг сони ҳам кескин кўпайди. Ўз навбатида олий тиббиёт билим юртлари ҳамкорлик учун ўз олимларини армияга юборадиган бўлдилар.

Профессор Ториининг бу йўлдан бориш нияти йўқ эди, аммо кунларнинг бирида у ўз-ўзидан ҳарбий тиббиёт бўйича ёш мутахассислардан бирига айланди-қолди. Ўтган умрига назар сола туриб, Тории ҳайратдан ёқа ушламоғи даркор эди, бироқ ҳар бир нарсанинг моҳияти билан қизиқавермайдиган шахс бўлгани учун ортиқ бош қотириб ўтирмай, бутун вужуди билан замонанинг муҳим муаммоларини ҳал этишга киришди.

У шов-шув кўтарилса бас, бир сантиметр баландроққа сакраб жонидан кечишга ҳам тайёр бўлган спортчилар сирасига кирарди.

Спорт тиббиёти бўйича фан доктори илмий унвони ва профессор деган фахрий номга эга бўлиш амримаҳол эди. Лекин ҳарбий тиббиётда илмий унвон ва даража ҳаддан зиёд осон бериларди.

Ториининг қўлэзмаси билан бор-йўғи биргина профессор – илмий кенгаш раиси танишиб чиқди, холос. Профессор диссертациянинг мавзуси ҳарбий сир ҳисобланади, шунга кўра, уни эълон қилиш мумкин эмас, бироқ ушбу диссертация жанг олиб бориш муаммоларини ишлаб чиқишга жуда катта ҳисса қўшувчи тадқиқот эканлиги учун ниҳоятда қимматли, деб ахборот берди. Профессорлар кенгаши Ториига докторлик илмий унвони берилишини бир овоздан маъқул деб топди.

Ториининг илмий иши ҳаво жангида инсон хатти-ҳаракатининг физио-биологик ва неврологик хусусиятларига тааллуқли эди.

Тории махсус ясалган самолёт макетларига тажриба учун сақланаётган сичкон ва қуёнларни жойлаштириб, бу макетларни тўхтовсиз равишда сиртмоксимон доира ясаб учишга мажбур қиларди. Шубҳасиз, унинг ўзи ҳам аэродромга қатнар ва қирувчи самолётларда парвоз қиларди. Ёши ўзидан анча катта бўлган ҳарбий ҳаво кучлари офицерининг елкасига генералларга хос равишда уриб-уриб қўяркан, дерди:

– Сен билан менинг ўша сичконлардан фарқимиз йўқ, оғайни...

Ҳар йили мунтазам ўтказиладиган ҳаво ҳужумига қарши муҳофаза машғулоти яқинлашиб келар, табиийки, ғарбий қўмондонлик Ториига тадқиқотини тезроқ тугатишини қисталанг қиларди. Шу сабабли у махфий ҳудудлардан бирида жойлашган тажрибаҳонада кечасиё кундузи тинмай иш олиб бормоқда эди.

Машғулоти тугагач, унга чет элга йўлланма ваъда қилишган эди. У Оврупода биринчи жаҳон уруши даврида ҳандақлардаги физиологик шарт-шароитлар, аскарларнинг ҳулқ-атвори, руҳияти таъсирига алоқадор муаммоларни ўрганмоқчи эди. Уйқусизлик, тунги диққатчилик профессорни толиқтириб қўйганди. У хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш зарурлигини унутганди.

Ўша куни Сакико тажрибаҳонага одатдагидан эртароқ келди. Чой дамлаш мақсадида сув қайнатгани газ плитасини ёқди. Профессор эса шу пайт плита ёнида туриб тунука идишдаги спиртни шиша идишга қуя бошлаганди. Бирдан спирт лоп этиб аланга олди-ю, тунука идиш портлаб кетди...

Авжи ёз маҳали касалхоналар болалар билан тўлиб-тошади. Ота-оналар таътил ойдан фойдаланиб, сурункали дардга мубтало бўлган болаларини муолажа қилиш пайига тушадилар. Томоқ безларини олдирувчи ҳамда “ширинча” билан оғриган болалар кўп бўлади. Таажжубланарлиси, буларнинг кўпчилигини қизлар ташкил этади.

Ҳозирги замон япон миллатига хос маъсум, жиддий, нозик-нихол кизчалар йўлакларида жуфт-жуфт бўлиб сайр қилиб юрадилар.

Бу нимжон кизчалар касалхона муҳитига ўзгача тус-тароват бағишлаб, ўзидан алланечук нур таратаётгандек туюларди. Бу ўсмирлардан атрофга қандайдир оғир хушбўй хид таралар эди. Улар бирпасда ўзаро тил топишиб, шаҳарлик оймтилалардан бўлак ҳеч кимни давраларига қўймасди.

Бодомча безини олиб ташлаш осон эди, бироқ операциядан кейин жароҳат ўрни битиши учун томоққа муз солинган резина халта боғлаб қўйиларди. Худди аслзода хонимлар марваридларини ўйнагани каби улар ҳам халтачаларининг бўшашиб осилиб қолган боғичини ўйнаганча катталарнинг кулгусини қистатиб, бир-бирларига: “Қара, қандай бежирим-а?” – деб қўйишарди.

Бу шаҳар болалари орасида йўл-йўл қўйлак-иштон кийиш расм бўлган чоғи. Оддий бўз халат кийишдан улар ор қилишарди; кимники пижамаси бўлмаса, у ўзини бечораҳол ва ғариб сезарди. Шунинг учун касалхонага келган кунининг эртасига ёки индинига ҳаммаси пижама кийиб пўрим бўлиб оларди.

Улар маълум соатларда жуфт-жуфт бўлиб музқаймоқ егани емакхонага боришарди.

Касалхонада яқин уч ойдан бери кўтара савдо қилувчи ўрмонфуруш ётарди, йиринг боғлаган шиш унинг ёноғини шунчалик ўйиб юборган эдики, азбаройи юз суякларини очилиб қолганди. Япончасига жиҳозланган

қўшни палатада томоқ безлари олиб ташланган тўрт нафар нимжон қизча ётарди. Кулоқ, томоқ ва бурун касалликлари бўлимида жой йўқлиги сабабли уларни вақтинчалик шу ерга ётқизишга тўғри келганди.

Ҳар куни ўрмонфурушнинг сон-саноксиз қариндош-уруғлари ёғилиб келарди. Улар ўртасида мерос учун кураш борарди. Бемор бепарзанд эди, қариндошлари хотинига эмас, балки ўз ака-укаларига тегишли улушни ажратиб, бутун меросни жиянига қолдириши учун уни ҳол-жонига қўймасдилар. Шу сабабдан Худонинг берган куни касалхонага келишар ва иложи борича беморнинг хотинини ғийбат қилишар, ҳатто қуруқ тухматдан ҳам тойишмасди. Васиятномани ўз фойдаларига мувофиқ ёзиб қолдириши учун беморни кўндириш йўлида барча ҳийла-найрангни ишга солардилар.

Лекин беморнинг ҳали ҳаётдан умиди бор эди.

Очиғини айтганда, рафиқасининг ҳам васиятномани ўз номига ёздириб олишга эришиш учун астойдил куюнишдан бўлак иложи қолмаганди. Табиийки, бу ҳақди у эрига очиқ айтолмасди.

Қариндошларининг тухмат-бўхтонларига учган ўрмонфуруш хотинини куракда турмайдиган сўзлар билан сўқар, бироқ ўша заҳоти ҳаммага даҳмаза бўлиб қолганидан нолир ва унинг қўлларини меҳрибонлик билан силаб-сийпашга тушар, бироқ у яна қовоғини уюб оларди.

Қўшни хонада касал боқувчи аёллар жойлашган бўлиб, ҳар кеча уларга ўрмонфуруш хотинининг ўқсиб-ўқсиб йиғлагани эшитиларди.

Кундузлари палатада ўтириб сиқилиб кетганда ўрмонфурушнинг хотини йўлакка чиқиб, у ёқ-бу ёққа юрар, ювиниш хонасига, кирхонага бош суқар ва ўша ерда беморни боқиш учун қариндошлари ёллаган ҳамширалар билан ҳасратлашарди.

Эллик яшар фариштали хоним бошини хиёл ёнга эгиб, беозоргина кулиб гапирарди:

– Озгина тежайман, деган хаёлда дастлаб касалхонага трамвайда қатнаб юрдим. Бекор қилган эканман, менга барибир ҳеч нарса тегмас экан, бировнинг пулини тежашимдан нима фойда? Энди ўлсам ҳам трамвайда юрмайман. Йигирма йил бир тийин ортиқча сарф қилишдан андиша қилиб келдим, тежайвердим, тежайвердим, мана оқибати. Ҳеч вақосиз чапак чалиб қолавераман, шекилли. Алам қилмайдимиз?!

Ёшлигида у бениҳоя чиройли бўлган бўлса керак. Бироқ, ҳозир ўзининг ҳусн-таровати билан мақтанолмасди, шу вайдан юраги ўртанар, лекин минг қилганда ҳам бир замонлардаги ҳуснини ифтихор билан эслар, буларнинг бари ўзини сипо ва эркин тутишида ҳам сезилар ва ҳамшираларни ийдириб юборарди.

– Лекин, хоним, – дейишарди улар, – бировнинг қўлига қарам бўлиб яшамаслигингиз учун эрингиз бирон нарса қолдирар, ўлдими?

– Кўзим етмаяпти, – дея хира пашшани ҳайдаб туриб жавоб қиларди ўрмонфурушнинг хотини. Дераза ортидаги кечки осмон фонида қорайиб кўринаётган теракларнинг уч-учларига разм солиб қараркан, у яшириқча жамғариб қўйган пуллари туғадиган даромадга яшай олиш-олмаслигини хаёлида ҳисоблаб чиқди.

– Уч ойдан бери шу ердан, – деди у нафасини ростлаб. – Кир юваман, деб шундай тураверсанг, оёқда оёқ қоладими?

– Гапингиз тўғри, хоним, – деб гап қўшарди касал боқувчи аёллар. – Кўпчилик бир ойдан ортиқ чидолмайди, келмасидан кетиш пайига тушади... Сиз сабрли экансиз, чидаяпсиз, лекин озиб-тўзиб кетаяпсиз...

– Мен эримдан аввал ўламан, шекилли.  
– Қўйсангиз-чи, хоним. Нима кераги бор бунақа гапларни, бекорга бундай деяпсиз... Ёшсиз ҳали...  
– Сиз шундай деб ўйлайсизми? – Ўрмонфурушнинг хотини кулимсиради.  
– Ким билсин, сиз ҳақдирсиз балки... – Аёлнинг кўзлари остида яшил-қора доғлар бор эди. Унинг ўзи ҳам бедаво дардга мубтало бўлганга ўхшарди.  
– Биласизми, – дея сўзида давом этди у, – ҳозир касалхонада болалар кўп. Иккита боланинг ота-онаси бадавлат одамлар экан, фарзандларига тарбиячи бўлмайсизми, дейишяпти. Астойдил таклиф этишяпти. Бу гап, илтимос, орамизда қолсин...

– Нахот шу рост бўлса?

Касал боқувчилар чайилган кирни сиқа туриб ҳақиқатдан шундай фойдали иш борми ёки бизни лақиллатяптими, дегандек ажабланиб аёлга тикилиб қолишди.

Профессор Ториининг пайдо бўлиши касалхонадаги зерикарли ҳаётга шаҳарлик рамакижон қизчаларнинг ёғилиб келишидан ҳам кўпроқ жонланиш ато этганди.

Беморларнинг у билан қизиқиши учун кеча-ю кундуз тўхтамаётган дод-фарёди кифоя эди. Бундан ташқари унинг палатаси ёнидан келиб-кетувчилар – дам ҳарбийлар, дам спортчиларнинг кети узилмасди. Баъзида улар шундай кўпаярдик, азбаройи йўлакдан ўтиб бўлмай қоларди.

Кунлар бениҳоя исиб кетганди, хоналарнинг эшик-деразалари ланг очиб юборилганидан ҳамширалар келиб-кешиб турган машҳур спортчиларнинг исми шарифини ортидан эшитиб ҳайратдан ёқасини ушласа, қизчалар олифта офицерлар ортидан гала-гала бўлиб эргашиб юришарди.

Профессор қайтиб ўзига келмади, у ҳамиша алаҳлаб ётар, фақат ахён-ахён инграр ёки бир балолар деб ғўнғиллар эди. У тинмай қайт қилар, қон аралаш ичи суриб азоб чекарди. У кўпинча беҳуш ётар, нафас олиши тобора оғирлашиб, ҳаёти қил устида турарди.

Беморлар бора-бора профессорнинг аҳволига қизиқмай қўйишди. Уларнинг эътиборини ўз-ўзидан яшаб кетиши муқаррар бўлган Сакико жалб этди.

Профессор ўттиз беш ёшга чиққанига қарамай, ҳануз бўйдоқ эди. Касалхона аҳли бу соҳибжамол ассистент қиз унинг қаллиғи эдими, хушторими, ҳаммадан бурун шуни билгиси келарди.

Профессорнинг тақдирига Сакико нечоғлик қайғураётганидан бохабар бўлиш учун ҳаммалари унинг палатасига ўғринча мўралашарди. Бу сулув қизга ҳамма, албатта, ачинарди, чунки унинг ёнғинда ўлиб кетишига оз қолди, касалхонага оёқ-қўллари қўйган аҳволда ётқизилди. Бироқ, шу билан бирга унинг ёш профессор билан ўзаро муносабати уларни беҳад қизиқтирарди. Улар буни қизнинг кайфияти орқали билишга уринардилар. Эртасигаёқ Сакикони кўргани тўрт-беш нафар дугонаси келди, улар йўлакка қараган дераза билан эшикка гулдор парда тутиб қўйдилар.

Кимдир Сакикoning мафтункор овози бор, ажойиб қўшиқ айтаркан, деган миш-миш гап тарқатди.

Қарама-қарши палатада қирқ кундан бери қовуғига тош келган бир мўйсафид азоб чекиб ётарди. Бу аллазамонлар ясаган буюмлари билан донг таратган машҳур темирчилик устахонасининг хўжайини эди. Олти йил муқаддам жинсий безлари катталашиб, унга азоб бера бошлаган эди. Мана шу даврда сийдик пуфагида тош йиғилган экан. Энди биттамас,





иккитамас, бутун сийдик пуфаги тўла тош эди. Операция ёрдам боролмас, афтидан эскича даволаш усулларидан ҳам наф йўқ эди.

Темирчининг касал эрини боқавериб кўникиб кетган қари хотини навбатчи ёш врач унинг сийдик йўлига найча суқиб, кейин дам-бадам турли-туман темир ва резина найчалар ёрдамида қайта суғуриб олаётганини норозилик билан кузатиб ўтирарди. Ҳозир қайси бирини қўллаш лозимлигини врач у билан маслаҳат қилиши шарт эди.

Чол кун бўйи мудраб ётар, кечаси эса оғриқдан шикоят қила бошларди.

– Менга қара, чол, – дерди кампир, – бунақа азобдан кўра тинчгина оёқ узатган маъкул эмасми?

– Нимасини айтасан, – деб жавоб берарди чол.

– Йўқ, шошмаслик керак, – дерди кампир. – Яшашга нима етсин.

– Тўғри айтасан, – дерди бунга жавобан чол.

Нари-бери елпиғич билан елпиниб ўтирган чол-кампирнинг гапларини эшитиб ҳамшира кулиб юборишдан ўзини аранг тиярди.

Чол етмиш икки яшар, кампир эса олтмиш саккизга чиққан эди.

– Менга қара, чол, – давом этарди кампир. – Бу ерга бугун олиб келишган ёшларнинг аҳволидан хабаринг борми?

– Нима бўпти?

– Йигит жуда қийналяпти, аҳволи оғир, ана кетди-мана кетди бўлиб ётибди. Қиз эса ҳеч гап бўлмагандек қўшиқ айтяпти. Бирам хушовоз эканки! – Пинакка кетган чол жавоб қилмади.

Офтобнинг тикка тушаётган нурлари ёритган дераза тоқчасида қанотларини порт-порт қилиб каптарлар гувиллашарди.

– Қизчалар нега ҳе йўқ-бе йўқ бирдан ўзларига оро бериб қолишибди?! Худди товусдек товланиб коридорда юришларини-чи.

– Ҳм... қўявер...

– Ҳадеб ухлайверма, чол! Кундузи обдон уйкуга тўйиб оласан-да, кечаси уйкум келмаяпти, деб яна зорланасан.

– Ухлаётганим йўқ, кўзимга чирок тушиб очирмаяпти.

– Сен ўз уйингда жон беришни истардинг, тўғрими?

– Тўғри.

– Ўғлимиз бўлса, аввал шу ердаги дўхтирларга иложи борича қаратиб даволатаман, то касалхонадагилар нимаики қўлимиздан келса, қилиб кўрдик, бундан ортиқ ҳеч нарса қилолмаймиз, демагунича уй тугул остонага йўлатмайман, деяпти. Бемехр чиқди ўғлимиз. Сен нима дейсан, билмадим-у, пешона тери билан топган-тутганингни унга қолдирмоқчи бўлаяпсан тагин, менимча, у бунга арзимади...

– Қўявер, ўйлаб кўрамыз ҳали, – деди чол кўзларини юма туриб.

– Бугун тушда бу ердаги амбулаторияга бориб эсим оғиб қолди. Кўрмаям, куймаям дедим. Аёллар маслаҳатхонасидан бирма-бир қизчалар чиқиб келяпти, дегин, ҳали она сути оғзидан кетмаган-ку, ҳаммаси қорнини дўппайтириб олибди. Лоақал биттаси уялса-чи?! Қаерда! Замон ўзгариб кетганини қара!

Унинг гапига жавобан оҳиста хуррак товуши эшитилди.

Кампир ўрнидан туриб, дераза олдида борди-да, ҳовлида юрган каптарларга нон увоқларини ташлай бошлади.

Эртасига эрталаб ўрмонфуруш ўз одатига хилоф равишда каравотда чордана қуриб ўтирар ва рўпарасида ранги қув ўчган кўйи қўл қовуштириб

турган ишбошиси билан хизматчиларга хўмраяр, телбалардек болдиридаги жунларини юлар эди.

Маълум бўлишича, тунов куни ярим кечаси унинг тахта омборига ўт кетган экан.

– Минг лаънат, – деди у лаблари пир-пир учиб, унинг бинт билан ўраб ташланган юзи кўринмасди. – Анави куйиб кетган кимсаларни олиб келишганда кўнглим бу ёмон аломатлигини сезганди. Мана, омборга ўт кетибди. Аммо улардан бири бугун кечасиёқ нариги дунёга равона бўлади!

Мерос талашини оқибатида омборга ўт қўйишганмикин, деган шубҳада полиция ўрмонфурушнинг умр йўлдоши билан қариндош-уруғларини маҳкамага сўроқ қилгани чақирди.

Хизматчилар хавотир ичида кўз уриштириб олишди, худди шу лахзада дафъатан Сакиконинг қўшиғи эшитилди. У оҳиста куйларди, аммо ўктам ва ширали овозида ҳаётнинг чинакам шодиёнаси ошқора янграрди.

Ҳамшира чирокларни ўраб қўйиш учун палатама-палата юриб, қора лахтак тарқатди. Касалхонанинг ишчиси нарвон кўтариб олганча, йўлакдаги чирокларни ўраб чиқди.

Ҳали туш пайтидаёқ портлашлар ва отишмалар бошланган, сиреналар чинқирарди. Ҳаво ҳужумига қарши мудофаа машқлари ўтказиладиган кун эди бугун.

Чирокларни ўраш шартлигидан ташқари, уларни полга қадар тушириб қўйиш даркор эди, шу сабабдан палаталар қоп-қоронғи бўлиб қолди.

Ичкари ҳовлидан ёруғлик билан чалғитиш учун берилаётган буйруқ товушлари эшитиларди.

Кўп ўтмай ойсиз самода самолётлар ғўнғиллай бошлади. Самолётларни жисмоний тайёргарлиги профессор Тории тадқиқотининг мавзуси бўлган учувчилар бошқарардилар.

Касалхонанинг зим-зиё йўлагиди бамисли ажал элчиларидек қора шарпалар кимири этмай саф тортиб туришарди. Профессорнинг палатасида унинг дока билан ўраб ташланган кўкси оқариб кўринарди, холос. У оғир-оғир нафас олар, кўксидан қандайдир ваҳший парранданинг ваҳимали какиллашига ўхшаган хириллаш отилиб чиқарди.

Врач қаламнусха чўнтак фонарчасини олди-да, беморнинг юзини ёритиб, унинг кўз қорачиқларига разм солди. Профессор у ёнбошидан-бу ёнбошига ўгирилиш учун чиранар ва атрофини қуршаб олган зулмат пардасини тилка-пора қилмоқчидек бир талваса ичида қўллари билан човут соларди.

– Чирокни ёқинлар, – дея шивирлади беморнинг бош томонида ўтирган одам. – Ҳеч бўлмаса ёруғликда жон берсин.

– Хўп бўлади, жаноб олийлари! Лекин қандай бўларкин?

– Ҳар қандай жавобгарликни ўз зиммамга оламан.

– Хўп бўлади!

Кичик офицер чирокқа ўраб қўйилган қора латгани ечди. Илкис палата яна кундузгидек ёришган маҳал профессор Тории ўзини орқага ташлади-ю, жони узилди.

Одмигина миллий кийим кийган генерал ўрнидан туриб, яна чирокни қора латта билан ўраб қўйди.

Куп ўтмай профессорнинг жасадини зим-зиё йўлак бўйлаб олиб кетишди.

Токиони бошдан-оёқ зулмат қоплаган эди.

“Ширинча” билан оғриган ёш “хонимча”лар осуда уйкуга кетганди. Фақат темирчининг хотини эри билан эзмаланиб ўтирарди.

– Уйни жудаям соғиндинг шекилли, чол? Шуям ишми, касалхонага ўз оёғинг билан келиб, қазо қилсанг-да, уйга мурданг борса?!

– Нимасини айтасан.

– Анови профессор ҳаммани безор қилиб юборганди. Энди дод-вой қиладиган сен қолдинг.

– Ёшмиди?!

– Ҳа. Қандай гўзал қизни ташлаб кетганини кўрсанг эди!

– Болалари бор эканми?

– Қаёқда. У профессорнинг хотини эмас, маъшуқаси экан.

– Шунақами?..

Ўрмонфуруш дами ичига тушиб мурдани кузатиб қолди.

– Лекин дафн этиш маросимини асъасаю дабдаба билан ўтказсалар керак, – деди хотини, бироқ ўрмонфуруш жавоб бермади.

Сакико ҳамширанинг елкасига таяниб остонагача ҳақкалаб борди.

Профессорнинг жасади солинган замбил ёнига етиб келганида чинқириб юборди:

– Сэнсэй!

Ҳамшира ишора қилиб, замбилни тўхтатди.

Сакико, баайни мархум билан видолашаётгандек қўлларини салгина олдинга узатди ва ўша заҳоти замбилкашларга:

– Миннатдорман, кетаверинглар, – деди.

Сўнгра у ҳамширанинг елкасига юзини босиб илтимос қилди:

– Энди ўрнимга бориб олай, ёрдам бериб юборинг.

Бироздан кейин эса қўшиб қўйди:

– Ёш боладек талатайиб кетибман. Ҳолбуки, энди ўзим юра оламан...

Сакико профессор билан ораларида бўлиб ўтган бир суҳбатни эслади. Профессор яқин орада мени чет элга юборадилар, сени ўзим билан олиб кетаман, агар бирга кетсак, ўша ерда қўшиқ айтишни ўрганасан, ўша ерда – бегона юртда албатта турмуш қурамиз, деган эди.

Сакико шуни эслади-ю, дафъатан, нима учундир: “Италия ҳақида қўшиқ”ни айта бошлади.

У куйлар эди-ю, шашқатор кўз ёшлари юзини ювиб оқарди, унинг кўз ёшлари тирқираб оққан сари овози шунчалар мусаффо, шунчалар пурғам ва кўнғирокдек янграб борарди.

## ХОЛ ҲАҚИДА МАКТУБ

Ўтган куни хол тушимга кирибди.

Қайси холни айтяпман, топинг-чи?! Ҳа, худди ўша, менга роса дашномлар эшиттирган холим бор эди-ю! Ўнг елкамдаги, янаям тўғрироғи, гарданимдаги хол! Эсладингизми?

– Вой-бў, катталигини, ёнғокдек келади-я! Ҳадеб ушлайверма, болалаб кетади, – деб жиғимга тегардингиз. Ростини айтайми, катталиги майли-ю, аммо бир иргамчик, бунинг устига шишинқираганми-ей, ликқо узумга ўхшарди. Мен ҳам бефаросатгина эканманми, ўрнимга ётдим, дегунча холимни юлқилаб ўйнашга тушардим, тавба. Ҳали болалигимдан шунақа эдим, шекилли. Биринчи марта шу одатимни сезиб қолганингиз

эсингиздами, ўшанда шунақаям уялиб кетган эдимки, асти қўяверинг! Йиғлайвериб, сизни хит қилиб юборганим-чи!

– Саёко, яна холингни ўйнаяпсанми? Менга қара, ўрганиб қоласан, кизим, кейин қийналасан ўзинг! Ушлайверсанг, катталашиб кетади, тегаверма, – деб уришарди ойим. Бу ўн тўрт-ўн беш йилги – болалигимдаги гаплар. Танбех эшитавериб, охири ёлғиз қолгандагина холимни ўйнайдиган бўлдим.

Сиз сезиб қолиб урушган пайтингиз, ёшлигимга борибми, бошимни кўтаролмай қолардим. Шунақанги уялардимки, ер ёрилса-ю, ерга кириб кетсам. Эркаклар буни тушунишга кодир эмас, мен шунчаки номусдан эмас, балки гуноҳ қилиб қўйдим, деган хаёлда қийналар, хатто эрга текканимдан пушаймон бўлиб кетардим.

Сизни олдингизда ножўя иш қилиб қўйгандек сезардим ўзимни. Тавба, ўшанда, эрим энди бир умр юзимга солади, дея кўркқандим, Худога илтижо қилгандим мадад сўраб.

Кечалари, сиз ухлаб қолганингиздан кейин жимжит хонада шифтга термилиб ётганимда ўзимни бахтиқаро ва ҳеч кимга кераги йўқ одамдек сезардим, во ажабо, шу билан сабабини билмаган ҳолда андак енгил тортардим ҳам ва шу тариқа яна беихтиёр холимни ўйнай бошлардим.

Бир кўнглим, онам хавотир қилиб юрмасин учун: “Ойи, хотиржам бўлинг, холимни ўйнамаяпман сира”, деб ёзиб юборай, дердим-у, лекин очиги ёлғон гап ёзгани номус қилардим.

Бир куни сиз: “Бу хол эмас, бошга битган бало бўлди!” – дедингиз очикдан-очик кўрслик билан. Мен ич-ичимда ўшанда гапларингиз тўғрилигига иқроор бўлган ва хатто бош ирғаб маъқуллаган ҳам эдим, энди эса шунча вақт ўтгач: “Қошки, шу дардисар одатим лоақал ғашингизга тегмаса олам гулистон эди”, дея ўкиниб қўяман. Яшириб нима қилдим, бу холнинг оғир-енгили йўқ эди менга – қўйлагим ёқаси оша қараш кимнинг хаёлига кепти дейсиз! Тўғри, пинҳоний қусури бор қиз қулф солинган сандиқдек гап, одамларнинг қарагиси келаверади, бир кўрмагунча кўнгли жойига тушмайди, бироқ нахотки қиз боланинг холи қусур ҳисобланса? Дарвоқе, ордона қолгур холни қачондан буён ўйнай бошлаганман-а?! Айтинг-чи, бу қилиғимни нимаси ёқмасди сизга?

Қачон қараса аччиғингиз чиққани етмай, яна: – Айтганча, нега уни чап кўлинг билан ўйнайсан? – деб сўраганингизга ўлайми?!

– Чап кўлим биланми?.. – мен бу хусусда илгари сира ўйлаб кўрмагандан довдираб қолгандим.

– Чап кўлим биланми?.. Ўзим ҳам ҳайронман, – деб беихтиёр гарангсиб чап кўлимга қаровдим ўшанда.

– Холинг ўнг елкангда бўлгандан кейин ўнг кўлинг билан ўйнаганинг қулайроқ эмасми?

– Шунақа шекилли, – маъқулладим мен ва ўша заҳоти ўнг кўлимни узатиб кўрдим.

– Йўқ, ноқулай экан!

– Нимаси ноқулай?

– Қим билади, чап кўл билан осонга ўхшайди.

– Ўнг кўлинг яқинроқ-ку?!

– Яқинликка яқин, бироқ... бу кўл бошқачароқ...

– Бошқачароқ?! Бу нима деганинг?! Тушунтириброқ гапир.

– Бошқачароқ деганимми?.. Қўлни олд томондан узатиб бориш бошқа,

орқадан узатиш бошқа... – ўша пайтда энди-энди тилим чиқиб сизга бемалол гап қайтарадиган бўлиб қолгандим. Лекин сизга кўрсатиб бераман деб, худди ёқтирмаган нарчасини зўрлаб тикиштираётганида қайтаришга уринган одамдек чап билагим билан юзимни бутунлай тўсиб олганимда бегонасираётганга ўхшаб қолар эдим. Шунини сезиб хижолат чекканларим, мулзам бўлганларим... Нима дейишни билмай, соддалигим қурсин, иложи борича хушфезллик билан савол берардим: – Чап қўл билан ушласа бирон нима бўладими?

– Ўнг қўлми, чап қўлми – барибир, бу жуда хунук одат.

– Ахир...

– Ахир-пахирини йўқ, врачга бориб куйдиртириб кел, деб сенга неча марта айтдим.

– Вой, уят бўлмайдимми?!

– Сенга айтяпман, бу жуда осон, оғримайдиям...

– Холини олдириш учун докторга борадиганлар ҳам борми?

– Тикилиб ётибди!

– Балки уларнинг холи бетидадир. Меникига ўхшаб ҳеч ким кўрмайдиган ерда бўлса боришмасди. Врачни бошимга ураманми? Хўп, бордим ҳам дейлик, нима гаплигини эшитгач, эрингиз розими шунга, деб сўраб қолса, нима деб жавоб қиламан?!

– Сўраса сўрайверсин! Холимни ўйнашдан қутулолмаёпман, дейсан-кўясан.

– Намунча, – деб юборардим охири аламимга чидаёлмай, – битта арзимаган холни деб одамни шунчалик ҳам сиқасизми?! Сизга нима оғирлиги тушаяпти?

– Оғирлиги тушаётгани йўқ. Ҳадеб ўйнайвермагин-да, демоқчиман холос.

– Жўртгага ўйнаётганим йўқ...

– Ўлгудек ўжарсан-да! Хўп деб шу ярамас одатингни ташласанг – олам гулистон!

– Хўп дейишга хўп дейман. Тор ёқали кўйлак ҳам кийяпман.

– Кияр эдинг, ҳозир киймаяпсан, бўйнингга ол.

– Борингки, ўйнаяпман ҳам дейлик, нима қипти? Нимаси ёмон, тушунолмаёпман.

– Нима қипти эмиш?! Ўйнаётганингни кўрсам таъбим тирриқ бўлиб кетади, шунинг учун сендан илтимос, ўйнамай кўяқол.

– Нега таъбингиз тирриқ бўлади?

– Ия, сабабини тушунтириб ҳам берайми? Холни ўйнашдан фойда йўқ, тушундинг? Бу жуда ёмон одат – қусур, яхшиси, шартга унинг бахридан ўтиш керак, тамом-вассалом!

– Йўқ деётганим йўғу.

– Холингни ўйнаётганда ўзинг сезмайсан-да, четдан кўрганингга эди бир марта! Одам ачиниб кетади: бир бефаросат, қўсқи ва меров хотинга ўхшаб қолсан.

– Бефаросат дейсизми? – дилимдан балки чинданам шунақа кўринарман, деган фикр кечдим, тасдиқ ишорасида бош ирғадим. – Агар бундан буён холимни ўйнасам, аямасдан кўлимга уринг, хўпми?

– Бўпти. Лекин уч йил бўлдики арзимаган қилиғингдан қутулолмайсан, ўзинг уялишинг керак.



Мен нима учун “фаросатсиз хотин”га ўхшаб кўринганим ҳақида хаёлга чўмиб, жавоб бермадим, индамадим. Тўғри, кўлини ҳаёсизларча кўтариб холини қашлаётган аёл атрофдагиларда нохуш таассурот қолдирар, уларнинг энсасини қотирар, бироқ, шунинг учун уни бефаросат ёки беҳаёга чиқариб қўйиш инсофдан эмас... Мен ҳам шу маънода, ўшандай лаҳзаларда ўзини қайсарлик билан оклашга уринаётган расво хотиндек кўрингандирман. Лекин аслида унақа аёл эмаслигимни сиз билардингиз-ку! Қўшиламан, тўғри, ўша лаҳзаларда менга қараган одам бефаҳмроқ хотин, дейиши мумкин. Лекин бу фақат таассуротнинг ҳукми эмасми?

Қисқаси, шу тушунмовчиликлар туфайли ўртамизда тубсиз чоҳ пайдо бўлганди-ю, мен дилимдагини тушунтириб беришга ожизлик қилиб қолардим. Бу иллат болалигимдан қолган, дедим. Шу сабаблими, беихтиёр холимни ушладим, дегунча ўзимни идора қилолмай қолардим. Ҳолбуки, ўша пайтда мени билган одам борки, кўнглимдагини дарҳол фаҳмлаб оларди.

Сиз аслида мени ёқтирмасдингиз, акс ҳолда шу арзимаган ва беозор қилиғимни ҳадеса юзимга солиб, камситмаган бўлардингиз. Мени яхши кўрганингизда, бунга ортиқча аҳамият ҳам бериб ўтирмай, ҳазилга йўярддингиз.

Тоҳида эзилиб, юрагимга ҳеч нарса сиғмай кетган пайтларда, шу қилиғимни ёқтирадиган эркак бордир дунёда, деб ўқиниб кўярдиму, дафъатан бундай ножўя хаёлдан ўзим кўрқиб кетардим.

Эҳтимол, шу одатимни биринчи марта сезиб қолганингизда, чамаси, менга ачинганингиз учун шу ҳақда гапирган бўлсангиз керак-а! Мен ҳозир ҳам, агар айтсангиз бўлди, бунга шубҳа қилмайман. Бироқ эр-хотин ўртасидан парда кўтарилдими, бас, ҳатто гапиришга арзимайдиган икир-чикирлар ҳам уларнинг турмушини заҳарлар, ораларига совуқчилик солар экан. Ваҳоланки, бир-бирига кўнгил кўйган эр-хотин бир-бирининг яхши-ёмон одат-қилиғига кўникиб кетади. Тўғри, гоҳо улар ҳам бошида, маълум пайтгача чиқишолмай юради. Илтимос, тўғри тушунинг, мен зинҳор-базинҳор бир-бирининг одатларидан энсаси қотмайдиган эр-хотинларгина аҳил, тинч-тотув яшайди, бошқалари бир-бирини ёмон кўради, демокчимасман, асло. Бироқ энди ҳар ҳолда жуфти ҳалолингизман – икки оғиз ширин сўз билан кўнглимни кўтариб қўйсангиз асақангиз кетармиди, дея музтар бўламан.

Оқибат, сиз мени сира аямай дўппослайдиган бўлдингиз. Бунчаликка бормаслик лозим эди, чунки гуноҳим бор-йўғи холимни ўйнаш эди, холос. Шунга одамни бунчалар қийнаш инсофданми? Мен кўпинча бекордан-бекорга азоб чекканимга чидаёлмай йиғлардим, бироқ ўшандаям сиздан астойдил хафа бўлмасдим ва “ҳеч бўлмаса ўзинг айт, сени бу одатдан халос этиш учун нима қилай?” деб куйиб-пишганларингизда бекорга хуноб бўлмаётганингизни ич-ичимдан ҳис қилардим.

Мени қон қақшатганларингизни битта-яримтага айтсам борми, аминманки: “Эрингиз бунча золим!” деб қаҳри келган бўларди. Лекин начора, осмон узоқ, ер каттиқ, одам ҳаммасига кўникаркан. Бир куни: “Мен бу одатимни ташлолмайман, шекилли, яхшиси кўлимни боғлаб қўйинг”, – дедим-да худди ибодат қилаётгандек қафтларимни қовуштириб, қўлларимни узатдим. Ўзимча шу билан бутун инон-ихтиёримни сизга топширган эдим гўё, сиз мулзам бўлдингиз, бўзариб-гезариб белбоғимни ечдингиз-да, кўлимни боғлаб қўйдингиз.



Хурпайган сочларимни боғланган қўлларим билан тузатишга уринаётганимни кузатиб турганингизда, кўзларингизга қанчалик илинж билан термилганимни тасаввур ҳам қила олмайсиз. Ўшанда, шоядки одатимдан қутулсам, дея ўйладим ва шу заҳоти оҳ, қанийди, битта-яримта холимни силаб қўйса, деган истакдан капалагим учди.

Насихат билан одам қилолмаслигингизга кўзингиз етди, шекилли, мендан кўнглингиз совиб кетди. Сиз билганини қилаверсин, дегандек ўз холимга ташлаб, бошқа койимай қўйдингиз. Холимни ўйнаётганимда эса кўриб-кўрмасликка олдингиз.

Ажабо, шунча таъна-ю дашномлар, калтаклашлар фойда бермаган одат бирдан қолиб кетса! Мажбур қилишгани учун эмас, балки қандайдир осонгина, ўз-ўзидан...

Кунлардан бир кун, гўё бирдан эслаб қолгандек, сизга:

– Кейинги пайтларда холимни ўйнолмаяпман, – дедим.

– Ҳа-я, шунақами? – дедингиз бепарвогина.

Мен ўшанда ҳамонки холимни ўйнаш шунчалик аҳамиятсиз нарса экан, нега илгари бунчалар кўзимни очирмас эдингиз, деб сизга таъна қилмоқчи бўлгандим. Агар шундай деганимда, аминманки сиз, бу ярамас одатни ташлаш шунчалар осон экан, нега илгарироқ ҳаракат қилмагансан, деб жавоб қайтарар эдингиз. Минг афсус, бу гаплар айтилмай ичимизда қолиб кетди.

Кейинчалик сизнинг юзингизда холингни эртаю кеч ўйнайвермайсанми, менга нима, деган ифода аниқ-ошкор акс этадиган бўлиб қолгач, тўсатдан ҳафсалам пир бўлди. Рост, шундан сўнг сизнинг олдингизда жўрттага ўйнашга уриниб кўргандим, бироқ ажабо, сираям қўлим бормади.

Кўнглим ўшанда бирам ғаш бўлган, бирам алам қилганди...

Шунда холимни сизга сездирмасдан ўйнамоқчи бўлдим, ажабо: қўлим ҳамон ўзимга бўйсунмасди.

Мен бошимни қуйи солиб, аламимдан лабларимни тишладим. “Хўш, қани айт-чи, холингни нима қилмоқчи бўлаяпсан?” – дейишингизга шунчалар илҳақ эдимки ўшанда, асти кўяверинг! Бироқ, ўша-ўша икковимиз бирон марта уни эслаб тилга олмадик.

Шу баҳона билан кўпдан-кўп хотираларимиз унутилиб кетди, шекилли...

Эсизгина, шу одатимни сиз илк бор дашном берган пайтларда ташлаб юбора қолсам бўлмасмиди?! Мен чинданам расво хотин эканман!

Мана оқибат, ота-онамнинг уйда ўтирибман. Иттифоқо, бирга чўмилаётган пайтимизда, онам тўсатдан:

– Ўзингга қарамай қўйибсан, Саёко! – деб қолдилар. – Ёш ўтган сари шу экан-да!

Мен ажабланиб онамга қарадим. Онам аввалгидек дуркун, бадани текис ва оппоқ эди.

– Холинг эсингдан ҳам чиқиб кетгандир-ов?!

Онамга шу дардисар хол туфайли бошимга не кунлар тушмади, дея ҳасрат қилгим келди-ю, бироқ унинг ўрнига:

– Врач оғритмасдан холни кесиб ташлай оладими? – дедим.

– Менимча, врачларга қийин эмас... Фақат чандиқ қолмасмикин, бир сўраб кўриш керак, – дея кўнгил учун азмойиш қилди онам. – Биз бўлсак доим Саёко эрга тегишга тегди-ю, ҳалиям холини ўйнаётган бўлса-я, деб ўтирардик.

– Ўйнардим.

– Биз ҳам шундай деб ўйлагандик!  
– Бу ярамас одат эди. Айтинг-чи, одамнинг холи қачон чиқади?  
– Дарвоқе, қачон чиқаркин? Чақалоқларнинг холини ҳеч ҳам кўрмаганман.

– Боламнинг ҳам холи йўқ ҳалигача.  
– Ана кўрдинг?! Лекин нима бўлганда ҳам катта бўлган сайин кўпайиб боради. Сенинг холинг жуда антиқа. Катталигини қўявер, у жимиттак, болалигингда чикқан эди. – Онам бўйнимга қараб кулиб юборди.

Мен эса ўша дақиқаларда ўзимча, болалигимда холим нуқтадек бўлгандиру онам, опам, укаларим вақтларини чоғ қилиш учун уни доим ўйнаган бўлсалар керак. Шу сабабдан холимни ўйнаш одат бўлиб қолгандир, дея ўйлардим.

Ота-онамнинг уйида яшаётганимда ҳар куни ўринга ётишим биланоқ яна холимни ўйнай бошлардим. Ким билади болалигим, қизлик давримни кўмсаганимдандир бу?!

Унга неча-неча йиллар қўл теккизмадим-а!

Ҳозир ёнимда йўқсиз. Мен тортинмасдан уни чимчилаб, истаганча ўйнашим мумкин. Аммо сира қўнглимга сиғмаяпти. Холимга тегишим биланоқ кўзларимга муздек ёш қўйилади.

Қизлик хотираларим ҳақида бир хаёл сураман, дегандим. Ёдимга сиз тушдингиз.

Вақти келиб сиз балки жавобини берадиган ярамас хотин, бефаросат аёл кўрпага бурканиб, холини ўйнаганча сиз ҳақингизда ўйлаб ётса, ғалати туюларкан, шундай эмасми?! Буни ўзим ҳам кутмагандим.

Кўз ёшларимдан ҳўл бўлган ёстиқнинг орқасини ўгириб ухлаб қолардим, ҳатто хол ҳақида туш кўргандим. Гўё сиз, мен ва яна нотаниш бир аёл аллақандай хонада – уйғонгач, қаердалигимни эслолмадим – ўтирган эмишимиз. Мен сакэ ичиб, сархуш бўлиб қолибман, шекилли, сиздан бир нима ҳақида ёлбориб сўрармишман.

Дафъатан, дардисар одатим хуруж қилиб, тирсагим билан юз-кўзим аралаш кўкрагимни тўсиб, чап қўлимни ўнг елкамга узатибман. Холимни ушлаганимни биламан, кутилмаганда у оғриқсиз, бошқасиз узилиб чиқибди. Бармоқларим билан эзғилай туриб, холни синчиклаб кўздан кечирдим. У қайнатилган қора ловиянинг пўстлоғига ўхшарди. Холи-жонингизга қўймай уни бурнингиз ёнидаги хол устига ёпиштирасиз, деб туриб олибман.

Кейин ўзим ёпиштираман, деб сизнинг енгингиздан ушлаб тортибман ва қон-қон йиғлаб, кўксингизга бош қўйибман...

Кўзимни очганимда ёстиқ дув-дув оқаётган кўз ёшларимдан жикқа ҳўл бўлган эди. Бутун вужудим қақшарди-ю, бироқ елкамдан тоғ қулагандек ўзимни хотиржам сезардим. Балки, ҳақиқатдан холдан кутилгандирман, дея ўйладим оғзим қулоғимга етиб. Лекин барибир юрак ютиб, ушлаб кўришга ботинолмадим.

Сизга айтиб бермоқчи бўлганларим мана шулар. Ҳозир ҳам ўша қора ловиянинг пўстлоғига ўхшаган хол бармоқларим орасида тургандек.

Бурнингиз ёнидаги хол менинг заррача ғашимни келтирмасди. Доимо кўриб турган бўлсам-да, бирор марта уни юзингизга солмаган эдим.

Агар майиздек холимни мошдек холингиз устига қўйсангиз ва у ўса бошласа, хўб ажойиб иш бўларди-да!

Мен кўрган тушни кўриш сизга ҳам nasib этганда борми, ўзимни шунчалар бахтиёр сезардимки, асти қўяверинг.

Тушимни айтиб бераман, деб баъзи нарсалар хаёлимдан кўтарилибди. Эсингиздами, ўринда холимни ўйнай бошласам, сиз:

– Одамни хит қилиб юборасан-да... – дея нолирдингиз.

Ўшанда мен ўзимча азбаройи ачинганларидан деяптилар, деб қувониб кетардим. Гапимга ишонаверинг, ростдан ҳам шундай деб ўйлардим. Афсуслар бўлсинким, мен бу одатимдан ўшанда воз кечолмагандим. Ўзимни оклаш учун онам билан опаларимни айблашдан ўзга чора ҳам, баҳона ҳам тополмасдим. Тўғрисиям, болалигимда мени кулдираман, деб холимни ўйнашаркан, балки шу сабабдан холимни ўйнамасдан тутолмайдиган бўлиб қолгандирман?!

Бир куни:

– Эсингиздами, илгари холимни ўйнасам, роса жеркиб берардингиз, нима сабабдан шунақа қилардингиз? – дея онамдан гина қилгандим

– Эсимда... бир пасда шунча вақт ўтиб кетибди-я...

– Айтақолинг, нега урушардингиз?

– Нега дейсанми? Бу ярамас одат бўлгани учун.

– Ғашингизга тегармиди?

– Нима десам экан?.. – Онам хаёл сурганча бошини куйи солди. – Биров кўрса уят қилади, деб ўйлаган бўлсам керак-да!

– Балки шундайдир... Аммо нимаси уят? Мен бефаҳм қизга ўхшаб кўринармидим... ёки қайсар аёлгами?

– Ким билади, бунақа хаёл ҳечам келмаган кўнглимга. Ўрганиб қоласан, деб кўрқардим, холос.

– Сиқилиб кетармидингиз?

– Ҳа, назаримда сен худди бефаҳм, шалтоқ қизларга ўхшаб қолардинг.

– Ойи, болалигимда опаларим билан холимни қитиқлаб ўйнармидингизлар?

– Ўйнардик, шекилли.

Балки онам билан опаларим суюб эркалаганларининг хумори тутиб холимни беихтиёр ўйнагандирман, бошида?! Мабодо шундай экан, яхши кўрган меҳрибонлари эсига тушганда ўйнайди, деб фараз қилиш мумкин эмасмиди?

Сизга мана шуларни ҳам айтмоқчи эдим. Минг қилганимда ҳам одатимни ёқтирмай чакки қилгансиз.

Айтинг-чи, холимни ўйнаётган дақиқаларда нималарни ўйлаган бўлишим мумкин?

Ҳозир бўлса мен соддадил бу қилиғим – у шундай жаҳлингизни чиқарардики! – сизга баралла айтишга ботинолмаган севгимнинг ифодаси бўлса-я, деб ўйлаб қўяман.

Хол ўйнаш айб эмас – ўлиб-кутилиб ўзимни оклашга арзимаёйди.

Лекин сизнинг “ярамас хотинингиз” хамиша кўнглингизга қарамоқчи бўларди. Бироқ шунда ҳам сиз менга дашном беришдан чарчамас эдингиз. Эҳтимол, мана шунинг учун ҳам сизга ўчакишадиган бўлиб қолгандирман.

Инкор этмайман, мен ҳам ўзимга етгунча қайсар, гиначи хотинман. Лекин нима қилай, ноҳақ тортган азоблар эсимга тушса, ўзимни тутолмай қоламан. Аммо шунга қарамай, барибир, мени тушунишингизни истардим.



*Хидзо ТАКУБО*

(1928–2001)

## ЁҒОЧ ТҶҲ

Ҳикоя

*Рус тилидан  
Дилдорхон АЛИЕВА  
таржимаси*

Ёғоч деворлардаги тирқишлардан кираётган куёш нурлари омборхона биноси ичини ғира-шира ёритиб турарди. Қўлига юққан оқиш ёғоч чангини ишқалаб ювиб ташлаш учун пайраҳага эгилар экан, у ўзини жиноятчи деб ҳис қилди.

Сирасини айтганда, ишқалаб ювадиган ҳеч нарса йўқ эди. Шунчаки, эҳтимол зич ёпилган эшик ортидаги нимқоронғиликда унинг жисмоний меҳнатга ўрганмаган қўллари оппоқ бўлиб кўриниб кетгандир.

У оёқ остида думалаб ётган тарашаларни териб олди-да, уларни қоғоз қутига жойлади. Қути қопқоғига рандани қўйиб, ҳаммасини эшик тагига олиб борди. Сарв ёғочининг хиди анқирди: эшикни ҳозиргина келтирилган янги ғўлалар тўсиб қўйганди.

Эшикни очиш учун у қутини ерга қўйди ва шу паллада олис Болалик давридаги хид – Накагава дарёси тўғони ёнидаги гулхан хиди ёдига тушди. Ўшанда ҳам нимқоронғилик эди, фақат бу эркинликдаги, тонг чоғи дарё бўйидаги ҳаво бўлганди. Ўша кезлар у етти ёш бўлиб, отаси билан дарёга фарель овлаш учун борганди. Осмон кўм-кўк, энди тонг отиб келаётганди, ҳали юлдузлар кўриниб турарди. Тоғдан шамол эсиб, дарё мавжланарди.

“Ағрайма, – деди отаси, узун таёкни қўлига олар экан. – Қайиқ баликдай сакрайди”. Ҳақиқатан ҳам, олдинда, оқим йўлининг пастроғида сув узра ё балиқлар, ёки кўпикли тўлқин оқаришиб кўринар ва қайиқ ана-мана бўшлиқ сари сузиб кетадигандек туюлиб кетарди...

Эшикни очиб куёшли ҳовлига чиқаркан, у беихтиёр ачимсиқ ҳаводан қутулиш учун чуқур нафас олди ва ўшанда дарёда тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олганини ҳис этди.

У кенг ҳовлида қатор тизилиб турган омборхоналар ёнидан юриб ўтди ва фирманинг автобекатида пайдо бўлди. Ҳар икки тарафидан тоштахталар ётқизилган, дарвозадан идорага олиб борадиган йўлакка етти-саккиз автобус бемалол сиғарди, аммо ҳозир фирманинг барча машинаси, ҳатто юкчи машиналар ҳам йўлда эди ва у ерда фақат унинг хусусий сарик “седан”ию мижозларнинг икки машинаси турарди.

\* Манба: Современная японская новелла. –Москва “Радуга” 1985.



У картон қутини машинасининг орқа ўриндиғига қўйди. Кейин идорага йўл олди. Ўрмон маҳсулотлари савдоси билан шуғулланадиган фирма номи битилган зарҳал ҳарфлар ялтираб турган автоматик эшик ланг очик эди. У касса тўсини ортидаги икки нафар ёш-ёш югурдак қиздан бошқа ҳеч ким йўқлигига амин бўлди. Ходимлар йўқ эди: на Сомия, на Сэкигава. Йигирматача столи бўлган ҳайхотдай хона ҳувиллаб ётарди – ҳам бошқарув, ҳам ишлаб чиқариш ходимлари ҳар қаёққа тарқаб кетганди. Ўтиш йўлининг нариги томонида, унча тиниқ бўлмаган акрил девори ортида яна иккита қабулхона бор эди. Улардан бирида Сэкигаванинг мижоз билан гаплашаётгани кулокка чалинарди.

– Сомия-сан қани? – сўради у бериги томонда ўтирган қиздан.

– Аёлини кутиб олгани машинасида кетувди, – жавоб берди қиз.

– Ҳа-а, – бош ирғади мижоз ва ўтиш йўлидан хона тўрига қараб юрди. Сомиянинг лавозими пастроқ бўлса-да, ёши каттароқ эди, шунинг учун ҳам уни ҳурматлаб “Сомия-сан” дерди. Бугун уникага таклиф этилган фирманинг барча ходимлари кетиб бўлган бўлиши керак: тараддудланиш, хотинларини олиб келишлари керак. Мижозлар билан ишни битириб олгач, Сэкигава ҳам, албатта, бу ерда қолмайди.

Ўтиш йўлининг охиридаги эшик иккинчи қаватдаги ишчи хоналарга олиб чиқувчи зинага очиларди, аммо, бундан ташқари, бу ерда махфий йўл ҳам бор эди. Усти ёпиқ бетон ўтиш йўли уни тураржойнинг дахлизи билан уларди. Ҳар гал махфий йўлдан фойдаланганда, у бир нарсани ўйларди: унинг фирмага келишидан олдин бу йўлдан кўп йиллар идорага ва идорадан бу ёққа унинг қайнотаси Нобутакэ юрган. Бу чинданам ғалати эмасми-а?

Умуман фирма бошлиғи ишхонасига яқин жойдан истиқоматгоҳ олишининг ҳеч таажжубланарли ери йўқ, – бунақа ихчам компанияларда бу одатий ҳол бўлиб қолган. Лекин у бурун нуфузли савдо фирмасида хизмат қилган. Шу боисдан ҳам дастлабки вақтларда ишдан кейин уйга қайтар экан, бир неча бор бошқа эшикка қараб юриб кетарди.

Дахлизнинг парти кетиб, шарти қолган оғир эшиги орти ташландик жойдек файзсиз эди. Тўғри, қорашағалли бетондан қилинган полда хотини Кэйконинг эшик олдида ечиб қолдирган жигарранг туфлиси ётарди, бироқ эшикчаси очик пойафзал шкафчаси токчалари бўм-бўш бўларди. Йўлакдан кетаверишда, эшиклари ланг очик меҳмонхона бўлмасида битта шкаф қолган, дивандан ном-нишон йўқ, фақат гиламда жиҳоз оёқчаларининг ботик излари маъносиз акс этиб турарди, холос. Диванни улар бошқа мебелларга қўшиб янги хонадонга олиб кетишганди, чиқиндилардан қилинган жавон эса бу ерда қайнота-қайнонаси яшаган пайтларга тааллуқли эди. Улар Кэйко билан турмуш қурганди. Хотинининг ота-онаси денгиз бўйидан ажратиб олинган ерлардан биридаги кўпқаватли уйлардан бирига кўчиб ўтганди, бу ер унча узоқ бўлмай, машинада ўн дақиқа ҳам юрилмасди. Бироқ ярим йил аввал ота-онага қўшни бир хонадон тасодифан бўшаб қолди; хотинининг онаси Ясуэ уни сотиб олди, тартибга солди ва тўйларининг беш йиллигига атаб қизи ва куёвига совға қилди. Мана шу бошпанадан Ясуэ ўз билгича фойдаланишни ният қилиб юрарди.

У ётоқ бўлмага кирди. Кэйко янги хонадонга олиб ўтолмай қолган чокқина стулчада ўтирар ва телефонда гаплашарди. Афтидан у эндигина кийимларини алмаштириб олганди: ечган пуштиранг кечлик қўйлаги, камар ва уй кийимлари оёғи остида ётарди, Кэйконинг ўзи эса оёғини оёғи устига қўйганча ёлғиз сарғиш ичкўйлагида ўтирарди.

– Бу ойим, – босиқ оҳангда деди Кэйко, гўшакни кафти билан беркитиб. Мени эртароқ келгин деганди, бўлмаса ҳаммасини тайёрлашга улгурмас эканмиз. – Кейин яна гўшакка гапира кетди: – Ҳа, оркестрли Болалар билан гаплашдик, уларга эртароқ келинлар деб айтдик, лекин яна бир марта текшираман. Ҳа, тушунарли...

Кэйко гўшакни қўйди-да, норозиларча, масхараомуз деди:

– Ҳар доим шунақа: олдинроқ тайёр бўлиб туринлар деб минг марта айтасан, охирида эса албатта улгурмаймиз. – У яна рақам терди ва оркестрли Болалар билан гаплаша бошлади.

Бугун кечкурун ота-оналар уларнинг Кэйко билан тўйларига атаб кечки зиёфат уюштиришганди. Бундай қараганда, “ота-она” дейиш жудаям тўғри эмасди: фикр ҳам, ижро ҳам мутлақо қайнона зиммасида эди. Бунини шундай тушуниш керак эдики, дадажон Нобутакэ у, яъни куёв бўлмиш, унинг уйига меросхўр сифатида кирганининг бешйиллигини тантанали суръатда нишонланмоқда эди. Анъана бўйича, тўйнинг беш йиллик юбилейини “ёғоч тўй” деб аташ таомилда бўлган; бу гал тўй номида яна оилавий корхонага ишора ҳам бор эди. Оиладагилар айтганидек, иш давом этаяпти. Тўғри, куёв бу санани Кэйко иккалови нишонлашмоқчи эди, аммо бунга янги уйга кўчиб кириш тантанаси кўшилди-ю, бари чиппақка чиқди. У фақат ҳаммасини камтарона, ортиқча дабдабаю шов-шувларсиз ўтказишни илтимос қила олди.

Бироқ бу ёқда Ясуэ энг шимари ишга киришди-ю, у ёқдан ҳам кенг режалар, ҳам меҳмонларни кўп-кўп таклиф қилиш зарурати пайдо бўлди. У қайнонасини қайтармоқчи ҳам бўлди, лекин қаёқда дейсиз! Ўрмон савдоси маҳаллий уюшмаси раҳбарияти ҳам, эски улгуржичи дўстлар ҳам, турли-туман инсофли танишлар ҳам, бунинг устига хотинлари ҳам кўшилиб – ўндан ортиқ оила бўлиб кетди. Бир вақт яна Кэйко ҳам орага сукулди ва оркестрли ошноларимни чақираман деб туриб олди – ҳолбуки ўзи ҳали фортепяно чалишни ўрганарди. Бундан онаси суюниб кетди: магнитофонга қараганда бу яхши-да, кувнокроқ бўлади.

– Сен ҳам дарров кийимларингни алмаштира қол, – деди унга Кэйко телефон суҳбатини тугатиб, камарни олгани энгашаркан.

У ёқда кийим алмаштиришга улгурмаслигидан хавотирланиб, улар барча зарурий нарсаларни шу ернинг ўзида тайёрлаб олишди. Тантана норасмий, ортиқча ҳашамларсиз бўлиб, урфдаги пиджак билан чегараланса бўлаверарди. Жавондан либосни оларкан, у эгилиб, пардоз-андоз билан овора хотинига қараб қўйди. Елкасига тушган тўлқин-тўлқин сочи ва узун оёқлари туфайли ўзининг йигирма саккиз ёшидан анча ёш кўринарди. Кўзлари отасининг кўзлари, бодом қовоқли, бурни ҳам унчалик бежирим эмасди, аммо юзи ва аъзойи бадани офтобда пишгандек ёқутдай товланиб турарди.

Университетни тугатганидан кейинги учинчи йилда у Кэйкони инглиз тили кечки ўқишларида биринчи марта кўрганида бу ойдек жамол ва сарвдай қадди-қомат уни ўзига асир қилганди. Улар бир-бирларини ёқтириб қолишди, учраша бошладилар ва кўп ўтмай турмуш қуриш ҳақида гап ҳам очила қолди; аммо Кэйко яккаю ягона қиз бўлиб, ота-онаси уни бир шарт билан турмушга чиқармоқчи бўлаётганди, шарт эса шу эдики, бўлажак ишга меросхўр бўлсин. Йигит оилада учинчи ўғил бўлиб, қариндошчилик мажбуриятлари унга ўз оилавий рўйхатидан ўчиб, хотинининг хонадонига кириш (ичкуёв бўлиш)ни тақиқламаганди, аммо савдо компаниясидаги жой унга ажойиб истикболни ваъда қилган эдики, бунини йўқотиш ачинарли

бўларди, албатта. У кекса отаси билан маслаҳатлашгани ватанига кетди. “Нима ҳам дердим, – деди чол минғирлаб, – олиснинг буғдойидан яқиннинг сомони афзал”. Шундан сўнг йигит тўйга шартта розилик берди.

Бироқ тўйдан кейин Кэйконинг ўзига етгунча манманлиги ва бунинг устига ота-онаси уни роса эрка қилиб ўсдиргани маълум бўлди. Шу боис эрига ҳам, яқин дўстларига ҳам келин алайно ошкора эҳтиёткорлик билан муомала қиларди. Айнан Кэйко туфайли улар ҳалигача бола кўришгани йўқ: келин тўлишиб кетишни ёқтирмасди. Аммо қайнота ва қайнона куёвни ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ деб камситар эди. Гоҳо туриб-туриб йигитнинг хотинидан жиғибийрони чиқиб кетарди. Келиндаги чатоқ феъл эса истаган одамни қонини қайнатиб юборарди. Аммо айна вақтда у хотинига тобора кўпроқ мойил бўлиб борарди – нега, бунинг ўзи ҳам билмасди. Балки турмушга чиқиб, келинда ғайриоддий ҳис уйғонгандир. Балки келин рўзгор юмушларида чинакам аёлларга хос тарзда инжиққинадир: узоқ дангасалик қилади-қилади-да, бирдан ғайратга кириб, уйдаги ҳамма ишни қойилмақом қилиб тиндиради...

Кэйко кечлик кўйлагини кия бошлаганида ичкўйлаги ўмизидан жажжигина оппоқ сийналари кўриниб кетди; йигит кўлини чўзиб, кўкрагидан секин чимчилаб олди.

Кэйко унга ҳайрат билан қаради-да, бурунчасини жийирди ва кулиб юборди.

Йигит кийинди ва хотини тилла сирғаси ва маржонини таққунча у ётоқ бўлмасидан биринчи бўлиб чиқиб келди. Дахлиздан кейин у усти ёпиқ ўтиш йўлидан бормади, балки ҳовлига чиқди-да, ундан бекатга йўл олди. Машинага ўтирди-да, у қулайроқ чиқиб олиш учун рулни шошмайгина айлантди. Шу аснода Кэйко ҳам етиб келди ва олдинги ўриндиққа жойлашди.

Машина анҳор ёқалаб ғизиллаб кетди. Қирғоқ бўйлаб худди ўшандай ўрмон савдоси корхоналари чўзилиб кетганди. Анҳор анчадан кейин катта ўрмон омборхонасидан чиқар, кейин эса Токио қўлтиғига бориб қуйиларди.

Бетон шоҳроҳи тўғрибурчак остида тор анҳорни кесиб ўтарди, улар чапга бурилишди ва фирмадан уч километрча наридаги ўт-ўлан босиб кетган бандаргоҳга қараб кетишди.

Баҳор куёшининг майин нури сезилмасдан камая бошлади ва ўрнини қуюқ шом қоронғилигига бўшатиб берди. Бандаргоҳда контейнерлар омборининг сим қўралари хира йилтилар ва кечки шафақдан музлаткич хоналарнинг пўлат эшиклари ялтираб кўринарди.

Шу кенг шоҳроҳ чеккасида улар янги хонадон олган ўн беш қаватли уй қад кўтариб турарди.

Уйга ғишт рангидаги кошин билан оро берилган, балкон тўсинлари, деразалар – хашамдор ғарб услубида. Бино эшиги, вестибюль ҳам, лифт ҳам шу руҳда. У тўққизинчи қаватдаги хонадонига икки марта чиқиб келди – биринчи марта улар юкларни ташиётганда чиққанди. Ҳа, албатта, деди у, ўзига-ўзи, булар ҳаммаси Ясуэ айтган даражада арзийдиган нарсалар.

Бироқ кўнглининг тубида у хонадон ёқмаётганини ҳис этиб турарди. У қишлоқда Накагава дарёси бўйида яшаган, бутун талабалик даври ва хизматининг дастлабки йилларида муҳтожликда кун кечирган ва фақат ўзига ишонган, мана бу яп-янги, артиб кўйилгандай уйда эса энди оёғини қаёққа босишни ҳам билмасди. Биринчи галда у шубҳалангандек ҳам бўлган эди: хонадон аёло даражада экан, балки идорадаги каталакдан кўра ростданам бу яхшидир? Бироқ қайнота ва қайнона шундоқ девор ортида яшайди, ва таъмир вақтида Ясуэ уларникига, кулф-калитли бўлса ҳам, кириб-чиқиб

туриш учун эшик куриб беришларини буюрганини кўрганда унинг бутунлай ҳафсаласи пир бўлди.

– Хайрият-е! Намунча ҳаялламасаларинг? – Янги бошпанада уларни чоғроқ кийимхонадан югуриб чиққан она қарши олди.

Камбар меҳмонхона бўлмаси бўсағасида ҳали қирққа ҳам кирмаган ёш бошқарувчи Нисина кўринди, у иккала нотаниш эркакка кўрсатмалар берарди – афтидан ишчилар бўлса керак. Улар ёнида дароз Нобутакэ эрга келган меҳмонлар билан гап сотиб ўтирарди.

– Ҳечам кеч эмас. Нега ваҳима қиласиз, ойи? – жавобан деди Кэйко. – Созлар қаерда бўлишини келишиб олдиларингми? – Шундай дея иккала кўли билан кечлик кўйлагининг узун этагини сал кўтарганча йўлакдан меҳмонхона бўлмаси томон шитоб билан юриб кетди.

– Ўтин олиб келдингми? – сўради Ясуэ куёвидан унга яқинроқ келиб.

– Олиб келдим. – У машина орқа ўриндигидан олиб келган картон кутини яна кўтарди-да, кошинланган ерга қўйди.

– Анави кийимхонада Нисина олиб келган шойи бор, ўшани ўра, – деди Ясуэ, киприк қоқиш ўрнига кўзларини хиёл юмиб. Унинг узун қора кўйлагидан хушбўй гиёҳларнинг аччиқ-ширин аралаш ҳиди анқирди.

Ясуэ ўртадан сал баланд бўйли аёл бўлиб, эрининг ёнида ҳам, унинг ёнида ҳам дурустгина кўринарди. Нима бўлганда ҳам у ўзининг синсийратига кўпроқ эътибор берар ва семириб кетмаслик учун кўлидан келганини қилар эди; оз бўлса-да, у муддаосига эришаётганди. Узоқдан унинг қадди-қомати, катта-катта кўзлари, дўрдоқнамо лабларини кўрган одам бу аёлни қирқ етти ёшни уриб қўйган деб ҳеч ўйламасди; аёлга нари борса ўттиз беш ёш бериш мумкин эди. Қалин қилиб сурилган упа-эликдан юзларидаги доғлар кўзга ташланиб турарди. Аммо ҳозир, яқиндан туриб қараганда, семизликдан қовоқ ва бақбақалари қанчалик осилиб тушгани, кўзлари атрофидаги ажинлар чуқурлашгани яққол кўринарди.

Бироқ Ясуэ билан танишиб, у шу нарсани англаб етдики, ҳатто доғ ва ажинлар ҳам жозибатор кўриниши мумкин экан. Нима учунлигини айтиш қийин. Эҳтимол бу аёлда қандайдир сирли руҳий қудрат бордир. Балки ўзига бўлган ишончидан шундайдир, яъни шу ишонч туфайли у, вилоят банк бошқарувчиси муовинининг қизи дадажон Нобутэкининг эътиборини қозонган ва ҳалигача эри ва фирманинг суянган тоғи бўлиб қолган.

Ясуэ буюрганидек, у кутини кийимхонага олиб борди ва Нисина олиб келган шойини қидира бошлади, аммо қоп-қоронғи мўъжаз хонага меҳмонларнинг уст кийимлари илиб ташланган, буюмлар ва совғалар қалашиб ётар эди-ю, аммо шойидан ном-нишон йўқ эди.

У меҳмонхона бўлимага қараб кетди – уни қаерга қўйган бўлса, Нисинанинг ўзи топсин. Деворларига оқ мато қопланган ва ерига кулранг-кўкиштоб гилам тўшалган кенгбар хона ланг очилган икки тавақали эшик туфайли ота-онасининг ётоғи билан уйғунлашиб кетганди – жой дегани бемалол эди. Ҳамма жойга дид билан стол-стуллар териб қўйилган, столларда газаклар ва шаробу шарбатлар солинган графинлар дастурхонга кўрк бағишлаб турарди. Таомлар тайёрлашни француз ресторани ўз зиммасига олганди, унинг доимий мижозлардан бири эса Ясуэнинг ўзи эди. Ошпаз ва ёрдамчилар ўша ёқдан таклиф қилинганди. Эшиклардан оппоқ либосдаги официант дам-бадам кўзга ташланарди.

Белгиланган вақтга яқин қолган бўлиб, меҳмонлар кўпайиб борарди. Ясуэ уларни даҳлизда қарши олаётганди. Ўзларининг баҳайбат чолғулари билан

оркестрли Болалар ҳам келди. Кэйко уларни иложи борича роялга яқин қилиб жойлаштириш учун куйиб-пишарди. Кэйко унча яхши машшоқ эмасди, аммо уни кўпроқ чолғу ва унинг соз-носозлиги ташвишга солаётганди, шу боисдан битта бурчакни тамомила америка роялининг ўзи эгаллаб олганди. Рояль олдига чорси стол қўйилган ва унга оқ дастурхон тўшалганди, унда мандарин кўринишидаги гербли катта шаклдор торт турарди.

Бироқ ҳамон Нисина қорасини кўрсатай демасди. Бирдан кимдир орқадан унинг қўлидан қокиб қўйди.

– Қалай? Оқшом чакки эмас-а?

Бу қайнотаси Нобутакэ эди. У тепса-тебранмас бўлиб, оромкурсилардан энг йиригида талтайиб ўтириб олганча чекар эди.

Унинг одатдаги гап сотиш тарзи шунақа. Ўзи-ку қўлини совуқ сувга урмасди, аммо ўзини шундай тутардики, гўё ҳаммаси унинг орқасидан бўлаётгандай. Бунга аввало ўзи қаттиқ ишонар ва буни ҳақиқат деб биларди. Фирмада қандай бўлса, оилада ҳам шундай. Фирмада Нобутакэ энди фақат ишнинг ҳуқуқий жиҳатларига масъул эди, бироқ ҳамма ишни муовин вазифасидаги Ясуэ бажарарди, охириги пайтларда у муовинликни қисман адо этарди, холос. Аммо Ясуэ буни ҳеч қачон юзига солмас ва эрини ҳар доим ҳурматини жойига кўяр эди. Нобутакэ ҳам ўз ўрнида буни билмаганга олиб, ишнинг шундай боришига йўл қўйиб берар, ташқаридагилар у нима деса, шунга ишонар эди. Ҳатто туриб-туриб унинг ўзи ҳам бирдан хаёлга чўмиб қоларди; борди-ю, Нобутакэ ўзини ҳеч нимага қодир эмасдай қилиб кўрсатаётган, у ва Ясуэ унинг чизган чизигидан чиқмай келаётган бўлса-чи? Бошқалар гоҳ-гоҳ ғайриоддий ҳолларни кўрганда ҳам бунга кунда эътибор бермай, тезда унутиб юборарди.

– Жуда ичким келаяпти, тўғриси. Олсак бўлар энди? – тоқатсизланганидан кучанган оҳангда деди Нобутакэ.

– Ҳозир олиб келаман. – У столдан официант узатган қадахлардан бирини олди-да, уни қайнотасига узатди.

Нобутакэнинг шаробни қандай қилиб касалманд рангли лаблари билан симириб ичаётганига қараб туриб у, бу чеҳра унинг батамом кучдан қолганлигини шундоқ айтиб турибди, деб ўйлади, ҳолбуки қайнотаси ҳали олтмишга ҳам кирмаганди. Кулранг қуруқ терисини ажин босиб, қовоқлари шишиб кетганди ва фақат қора кўзларида оз-моз учкун йилтиллари холос. Юзида ҳеч бир маъно кўринмасди; ундан кўра текис қилиб таралган сийрак сочлару қимматбаҳо кўйлак ва қулинг ўргилсин костюм эътиборни тортарди.

Бир куни Ясуэ унинг қулоғига эрининг ўтмиши ҳақида унга баъзи нарсаларни шипшитганини эслаб қолди. Бир гал ишлаб ўтириб улар ёлғиз қолишганда Ясуэ: “Барибир эртами, кечми фирма сенга мерос бўлиб қолади, мана мени айтди дерсан”, деганди. Маълум бўлишича, ўттиздан сал ошганда отаси ўлимидан кейин ишларнинг эгаси бўлгач, Нобутакэ мана мен деган мустабидга айланди. У кўп ишларди, аммо тинмай бузук йўлга юрарди. Ясуэ яхши обрўйга эга сармоядор оиласида туғилиб ўсганди ва ҳеч қачон бундай нарсаларга дуч келмаганди. У кўрқарди, қийналарди, фирма хизматкорлари олдида уяларди, баъзида шундай туюлардики, уни ўлдириб қўя қолсаммикан, дерди ҳатто. Корхона ишларида эса унга манманлик ва тадбиркорликка хос зийракликнинг йўқлиги халақит берарди. Урушдан кейин иккинчи қурилишлар авж олганда, у кўплаб америка ва тайвань сарвини сотиб олди, аммо ўз вақтида сотилмай катта зарар кўрди. Зарарни қоплаш учун у филиппин оқ дарахти олди-сотдиси билан шуғуллана бошла-



ди ва бу унга ундан ҳам кўпроқ зарба бўлиб тушди: сал бўлмаса фирманинг ҳам, кўчмас мулкнинг ҳам қарзларни қоплаш учун қия бўлиб кетишига сал қолганди. Уни Ясуэнинг иши қутқариб қолди: у отасининг банки билан музокараларга киришди, унинг пулларидан ва маслаҳатларидан фойдаланди, шу тариқа у фирманинг амалдаги хўжайинига айланди.

Бу гапларни эшитиб, у қайнонасининг қатъияти ва ғайратига қойил қолди, аммо айна вақтда қайнонасининг пасткашлигидан хайратга тушди. Тўғри, Ясуэ унинг пасткашлигини ҳар йўл билан бегона кўзлардан яширарди, Нобутакэнинг ўзи эса, ўзини билиб туриб билмаганга соларди. Ахир шунақаси ҳам бўладими – қанчалик тубанлигини бошқалар алайно ошқор кўриб турса-да, сен ўзинг бунга иқрор бўлмасанг. Бу одамни баттар жаҳолат ботқоғига ботириши турган гап. Балки, бундай ҳоллар тез-тез учраб турар, аммо айнан у ҳеч қанақасига бундай ҳолга тушишни хоҳламасди.

Бу Ясуэ деганлари қанақа аёл экан ўзи-а – эрининг аҳволи мана бунақа бўлса, яна у билан узоқ йиллар қандай умргузаронлик қилар экан, хайронман... Агар Нобутакэ буни билганда ҳам, эҳтимол, ўзи кўрган-билган нарсаларда кишини таҳқирловчи ҳеч балони пайқамасдир ҳам. Шунча йиллардан бери чидаб келиши севгига кирадимиз ёки нафратгами, аммо нима бўлганда ҳам иш жуда чуқурлашиб кетганди.

Нобутакэга қарар экан, у бемисл нафратдан чуқур ташвишга тушди – эҳтимол шунинг учундирки, булар бари унинг учун у қадар бегона муаммолар эмасди.

Нисинанинг қидириб тополмаслигига кўзи етгач, у яна кийимхонага кетди. У ерда олдингидан ҳам кўпроқ кийим-кечаклар, нарсалар ва совғалар хирмон бўлиб ётарди. Битта шойи парчасини топиш амри маҳол эди Аммо у нимқоронғи хонанинг ичкарироғига кириб борди ва илгари эътиборига тушмаган бу тоқчани кўрди. Унда шойи мато солинган юпка кути ётарди.

Қаранг-а. У қутини олди ва ўзининг картон қутиси ёнгинасига чўкди. Уни очди-да, тарашаларни олди. Булар катталиги мўйқаламда ёзадиган тош доводдек ёки унча катта бўлмаган, фақат уч баравар қалин ён-дафтарча келадиган, бўялмаган янги тўртбурчак ёғочлар эди, ҳар бирининг орқасига тушъ билан номлар ёзиб чиқилганди; “криптомерия”, “америка сарви” ва ҳоказолар.

У қутидан бир неча бўлак шойини олди ва тарашаларни ўрай бошлади, аммо аввал уларни ҳидлаб кўрди. Янги, ҳали қуриб бўлмаган ёғоч ҳиди анқирди.

“Нобутакэнинг отаси кўзини боғлаб ёғочни ҳидидан фарқлай оларди. У буни “ёғоч ҳидлаш” деб атаганди. Улар шериклари билан ким яхши ҳидлаш ўйнашганида у деярли ҳар гал ғолиб чиқар эди, – деди унга Ясуэ кеча эрталаб, бу тарашаларни устага буюртма қилишаётганда. – Нобутакэ ҳам ёшлигида, фақат уйланганидан кейин отасидан ўрганиб олди ва у ҳам беҳато топа олар эди. Эртага сизларникидаги байрамда эрмак учун шундай ўйин уюштирмақчиман. Кўп ўрмон савдогарлари бўлади, қани, эрим ўзининг ҳаммадан олдин эканини бир кўрсатиб қўйсин”.

Ясуэ жилмайиб гапирарди, аммо хотинининг сўзларидан у жиддий тортиб қолди. Қандай қилиб Нобутакэ ҳаммадан олдин бўлар экан? Шундай катта ёшдаги қайнонаси мана бунақа тарашаларни ҳидидан ёғоч навини билиб ололса? Эрмак ўз йўлига-ю, аммо наҳотки Ясуэ бу ўйин унинг эрини шармандалиқдан етти қат ер тагига киргазиб юборишини тушунмаса? Булар барчаси унга ғалати бўлиб туюлди ва то шомгача унга тинчлик бермади.

Бирдан у ўйлаб қолди: борди-ю... – ва албатта Ясуэни топиб, ундан сўрашга азму қарор қилди. Бироқ Ясуэ аллақаяёққа ғойиб бўлганди – хойнаҳой ёғоч тўйи тадориклари билан банд бўлса керак. Иш куни тугагач, у ўз жойига борди ва Ясуэни ўша ердан топди: у бўшаб қолган меҳмонхона бўлмадаги жавон олдида тик турганча шоша-пиша қутидан ниманидир оларди.

“Эҳ, бу ерданидингиз, – деб юборди у. У яқинроқ борди. Борди-ю, хато қилган бўлса-чи? Майли, нима бўлса бўлар. – Сиз эртага мусобақада отанг ютиб чиқади дедингиз. Мен ҳаммасини тушундим. Сиз бир айёрлик қилай дейсиз-да”.

Ясуэ ҳайрон бўлиб унга қараб кўйди ва бирмунча муддат жим турди. Кейин бирданига гилам устига чиқиб ўтиришга таклиф этиб, унинг кўлидан тортди.

“Тўппа-тўғри. Биз тарашаларда майда-майда ўйиқчалар ҳосил қилдик, тирноқдан катта эмас, шу боис уларни пайпаслаб санаб чиқса бўлади. Сен эса жим тур: бу ҳақда фақат мен, у ва Нисина биламиз – ўйиқларни у ясаб чиққан”.

Ҳайрон бўлиб, у қайнонасига қараб қолди.

“Нега бундай қилаяпсиз? Майли, ютди эмас, ютқазди ҳам дейлик – бундан нима чиқади?”

“Йўқ. Бу жуда муҳим – ҳидига қараб дарахтни аниқлаш – тўлқинланиб деди Ясуэ, унга ёпишиброқ чўккалаб ўтираркан. – Борди-ю, киши дарахтни яхши билса, демак у фирмани бошқара олади ва ишда илғор бўлади. Албатта, тезда Нобутакэ ҳамма нарсани сенга беради, аммо мен ҳозирча у юқори мавқеда туришини хоҳлайман. Эртага турли одамлар ташриф буюради, уларнинг фикрлари билан ҳисоблашишга тўғри келади. Бу жуда қулай пайт. Биз ҳаммани тонг қолдирамыз”.

Шунда у уни ўтиришга таклиф қилиш маъносида енгидан тортган суҳбатдош аёлнинг бармоқлари ҳамон унинг кўлида эканини пайқаб қолди. Дўмбоққина, хўл кўл. Хира, нимқоронғиликда қайнонасининг упа-элик суртилгандай оқиш кўллари ва юзи унга мафтункор туюлиб кетди. Иягидаги енгил ажинлар ва тахламлар бу туйғуни фақат кучайтирарди, холос. Бу туйғу ҳеч бир қаршиликсиз, уйқу каби табиий бир ҳолда юзага келди. Яна бир-икки нафасдан кейин уни маҳкам кучиб олишга ҳам тайёр эди.

Бирдан у юзи оппок, барок қошли эркак чеҳрасини эсга олди. Нисина. Икки ой аввал кеч оқшомда омбордан идорага қайтиб келганди. Қоронғи эди, чироқ фақат идора хонасида ёнарди. У ерда биров борлигини англади ва эшик томон йўналди, бироқ шу лаҳзада эшик ўзи очилди ва ундан Ясуэ чиқиб келди. Нима, қайтар вақт бўладими? – жилмайди аёл. Унинг юзи қип-қизариб кетди, кўллари билан сочларини тартибга солишга ҳаракат қиларди. Эшикни ёпишга шошилди, аммо куёв хонадаги диванда Нисина ўтирганини кўриб қолди. Шунда куёв қайнонасининг шу одам билан дон олишиб юрганига амин бўлди.

Дарвоқе, Нобутакэ эркак сифатида энди ҳеч нимага ярамай қолганди, жўшқин Ясуэнинг ким биландир аҳди паймон қилишидан таажжубга тушишга ҳам ҳожат йўқ эди. Шу боис у ўшанда кўрган нарсасига ортик эътибор бермаганди.

Аммо энди, ўзи унинг карашмаларига мафтун бўлиб қолгач, ҳайрон бўлиб ўзидан сўрарди: Наҳотки Ясуэ дуч келган одам билан ишрат суриб кетаверса? У Нобутакэнинг отаси ҳақидаги хангомани эслади, у ёшликлариди Ясуэга кўп яхшилиқлар қилганди, балки у билан ҳам ораларида бир гап бўлганмиди?

Ясуэ қандайдир кўринмас, ҳам сеҳрли, ҳам жирканч ришта билан чирмаб олаётганини сезиб, шарт ўрнидан турди-да, хонадан чиқиб кетди...

Кийимхонадаги ғира-ширада у тарашаларни яна бир қараб чикди, ўйиклар туширилиши керак бўлган биқин томонларини пайпаслаб кўйди. Ўйиклардан ном-нишон йўқ эди: ахир ўзи сал олдин омборхонада шу жойларини рандалаб чикмаганмиди? Тарашалар сип-силлиқ эди.

Бунга иймони комил бўлгач, у тарашаларни алоҳида-алоҳида оқ шойи матога ўраб чикди. Яна бироздан кейин мусобақа бошланади ва ўшанда Нобутаке уларни кўлига олади, хайрон бўлади ва саросимага тушади. Баттар бўлсин. Ўзининг ярамаслигига ўзи иқрор бўлсин. Ясуэ ўзининг нозик кўллари билан уни ҳамма бало-қазолардан асраб-авайлаб келаётганини билиб, виждони қийналсин.

У ўрнидан турди, тарашаларни олди. Шу пайтда меҳмонхона бўлмада фортепьяно янгради. Буни Кэйко чалаётгани аниқ эди. Кейин тенор-Монкнинг оммабоп куйлари ижро этилаётганди. Умуман олганда, у замонавий куйларга унчалик ишқибоз эмасди, аммо Кэйко уларнинг инглиз тилини ўрганиб юрган пайтлардаёқ унинг мусиқа билан шуғулланишига эътибор берар ва аста-секин бу нарсалар унга ёқиб қола бошлаганди.

Мусиқа хаммининг руҳини кўтариб юборган бўлиши керак: у меҳмонхона бўлмага кириб келганида меҳмонлар аллақачон еб-ичишга тушиб кетган, ғала-ғовур қилар, тантаналар авжга минганди. У тортли идишни столга кўйиб улгурмасидан меҳмонлардан кимдир уни табриклагани келди.

Меҳмонлар билан гап сотар экан, кўзининг қири билан роялда ўтирган хотинига қараб кўйди. Қип-қизариб кетган Кэйко ноталарга қарамасдан узун сочли йигит шериги билан Монкнинг орзулар мавзуидаги вариацияларни чала кетди. Эсида: бир вақтлар унга қора кўйлақдаги бу саксофончини исми Яцуги деб айтганди. Аввалига Кэйко ийманиб юрди, аммо саксофон билан жўрликда куйлар ижро этишлари баробарида бармоқлари ҳам дадил ҳаракат қила бошлаганди. Яцуги жон-жаҳди билан саксофонга пуфлар, сочларини силкитар, озгин гавдаси эшилиб-эшилиб кетар эди. Қолган эркаклар: ўрта ёшлардаги трубочи, соқолдор контрабасчи ва зарбчи Болакай унга монанд жўр бўлар эди.

Кэйконинг бундай жонланиб кетганини кўриб, унинг рашки аланга олди. Албатта, мусиқага берилиш рашкка йўл берувчи ишқибозликлардан эмас. Аммо у Ясуэда кутилмаган кучли аёллик жозиба борлигини энди биларди, Кэйко эса бор-йўғи унинг қизи эди.

Тўсатдан стол билан ёнма-ён микрофон олдида оқсоч Сэкигава пайдо бўлди. Мусиқа тинди, у сўзлай кетди. Сэкигава ўрмон савдоси уюшмаси раиси Симамото, шунингдек улар фирмасининг доимий тадбиркор шериги Оосэ табрик сўзи айтишларини ўтинди.

Ана, бошланди, ўйлади у. Ҳам зерикарли, ҳам беҳузур. Беҳузурлиги шундаки, ҳозир табрикдан кейин Кэйкони столга чақиришади, тортни кесишга ундашади ва ҳамма бу воқеани суратга олади.

Бу маросим тугагач, Сэкигава яна микрофон олдида борди ва гапира кетди:

– Олдин айтганимдек, ҳозир эътиборингизга бу хонадонда кўп авлодлар давомида ўтказиб келинган, овоза қилинмаган мусобақани ҳавола этамиз, у “ёғоч хидлаш” деб аталади.

Э-ҳа, демак бу ҳақда мен кийимхонада ўтирганимда эълон қилишган экан-да.

– Ўз-ўзидан равшанки, бу мусобақа аслида бир ўйин. Унда ичимиздан ҳар бир киши иштирок этиши мумкин. Шуниси ҳам борки, кўплаб мукофотлар тайёрлаб қўйилган.

Сэкигава сўзлар экан, стол олдига қидириб ҳеч жойдан топишолмаган Нисина келди. У олтига яхшилаб ўралган, олдиндан чийланган тарашани оқ дастурхонга битта-битта териб қўйди.

– Мен уриниб кўрсам майлими? – сочини калта қилиб олдирган Сомия стол томон юрди. Ҳойнаҳой уни Ясуэ пишитиб қўйган.

Ясуэнинг жияни ёш қизалоқ чолнинг олдига борди-да, рўмолча билан унинг кўзини боғлади. Сомия мийиғида кулиб қўлини тарашаларга чўзди, кейин бирдан кўрқиб қўлини тортиб олди. Томошабинлар қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Шу заҳоти унга мусиқа жўр бўлди: Кэйко роялда қайсидир энгил, тинчлантирувчи куйни чала кетди. Бу Ясуэдан чиққан фикр, ўйлади у. Жуда яхши чалаяпти.

Меҳмонлар кулгуси ва фортепьяно овози остида, ҳамма жонланган бир пайтда Сомия ўнг чеккадаги тарашани олиб ҳидлади-да, эълон қилди:

– Ёсинодан келтирилган криптомерия.

Меҳмонлар яна гуриллаб кулди. Тарашага “қизил қарағай” деб аниқ-тиниқ қилиб ёзиб қўйилганди.

Олти тарашадан Сомия биттасини ҳам тўғри тополмади. Аммо Ясуэнинг жияни барибир унга катта, яхшилаб ўралган чиройли қутичани топширди.

Биринчи уриниш меҳмонларда айрича қизиқиш уйғотди. Стол олдига бирин-кетин хоҳловчилар кела бошлади. Бир улгуржичининг ёш хотини ҳид ажратишда уддабурон чиқди ва роса учта тарашани тўғри топди. Кейин кекса ёшли ўрмон савдоси раиси чиқди, аммо у фақат биттасини топди. Нобутакэнинг ичиб олган шериги тантанавор ва баланд овозда тарашаларни топишга киришиб кетди, аммо битта ҳам ёғочни тополмай тор-мор бўлди.

– Хўш, уйнинг эгаси нима дейди, ахир у катта тажрибага эга! – атайлабми ёки шунчаликми, қариндош-уруғлар ичидан бири – ёш йигит нидо солди. Нобутакэ дераза яқинида ўтирарди ва мусаллас симирарди, аммо ёнидагилар уни стол томонга итариб юборишди.

Унинг кўзини боғлашди. Оёқлари узун, мусалласдан қип-қизариб кетган Нобутакэ чайқалиб кетди. Кэйко паст овозда фортепьяно чалар эди.

Нобутакэнинг юраги дук-дук уриб кетди. Қайнота столга яқинроқ борди. Жиянлари куршовида сал нарида турган Ясуэга қаради. Ясуэ хотиржам табассум ила эрига қараб турарди. Ҳозир нима бўлишини тасаввур қилиб у нафасини ичига ютди.

Нобутакэ столни пайпаслади, ўнг томондаги четки тарашани тутди-да, уни апил-тапил юзига олиб борди.

– Кисюдан келтирилган сарв... – деди у аста ўзига-ўзи гапиргандай. Меҳмонлар шовқин солиб юборишди. Тарашада айнан шу ёзилганди.

– Америка сарви, – деди қайнота бир қадар шошиб, столдан навбатдаги тарашани оларкан. Меҳмонлар яна тўлқинланиб кетди, қарсақлар янгради. Нобутакэ тағин тўғри топди.

У ҳайрат билан қайнотасининг қўлларига қаради: унга Нобутакэ биқин томондаги тарашаларни пайпаслаб кўришни бамисоли эсидан чиқаргандай туюлиб кетди. Аммо у жуда узокда ўтирарди ва у ёқдан унча яхши кўринмасди. Дарвоқе ўйиқ барибир йўқ эди ва у ҳеч нарсани тушунмаётганди.

Унинг ҳайратдан ўзига келишига имкон бермай, Нобутакэ бирин-кетин барча тарашаларни тўғри топди.

Меҳмонхона бўлмаси “қойил,қойил” деган ҳайкириқлардан ва қарсақлардан ларзага келди. Нобутакэ енгил жилмайиб қўйди, гўё бу шовкинга унинг дахли йўқдай.

Кўзбоғични ечдириб, қайнота дераза олдидаги ўз жойига қайтди.

У ҳамон тик турарди, булар бари тўғри эканига ишонмас, нима деб ўйлашни билмас ва нима дейишни ҳам фаҳмлаёлмас эди. Бу унинг ўзими ё бошқа одамми? Ёки Нобутакэ қандайдир жоду кучига эгами? Демак, у баъзилар ўйлаганидек тубан одам эмас экан-да?

У Ясуэга қаради. Ясуэ ҳамон ўша жойда жиянлари билан пинагини ҳам бузмай гап сотарди. Унинг кўнгли тўқлиги шундоқ кўриниб турарди. Балки эри тарашаларнинг сирини қандай топганини хотинидан сўраб кўргани маъкулдир.

Шу топ у Кэйконинг ўрнидан туриб, онаси томон йўл олганини кўрди. Ярим йўлга келганда қиз бамисоли унинг нигоҳини сезгандек унга қараб жилмайиб қўйди. У қўли билан уни ўзи томон чақирди, қиз келди – у терлаб кетганди, аммо ҳар доимгидай ёқут чехраси ялт-юлт қиларди.

– Хўш, қалай бўлди? – сўради Кэйко.

Савол хотинининг ўйини устидан берилгани аниқ эди, бироқ йигит беихтиёр бутунлай бошқа нарса ҳақида гапирди:

– Отам ҳаммасини топди. Таажжуб.

– Ҳа, – бош ирғаб деди Кэйко, гарчи ҳаммаси тўғри бўлганига гумонсирагандай оҳангда. Бу гап оҳанги унга шубҳали туюлди. Кейин аёл кўшиб қўйди: – Ҳамма шундай деб ўйлапти. Буни эса мен унга хуфёна айтдим.

Йигит қулоқларига ишонмади.

– Сен-а? Бўлиши мумкин эмас. Қандай қилиб айтдинг?

– Мен унга чолғум овози билан айтиб турдим. Мен баъзи ноталарга урғу бердим, зарблар миқдори эса тараша рақамини билдирарди.

Бир лахзача у нима деб жавоб беришини билмади ва индамай хотинига қаради. У бошидан зарба еган-у, сира ўзига келолмаётган одам ҳолига тушганди. На Кэйкони, на Ясуэни кўришга кўзи йўқ эди. Мана бу одамларга тўла, димиқиб кетган танобий ҳам йигитнинг кўзига балодек кўриниб кетди.

У индамай даҳлизга борди, оёғига кийиб ташқарига чиқди. Лифтда биринчи қаватга тушди ва шоҳроҳ томон одимлаб кетди. Оқшом чўкиб бўлган эди.

Денгиз томондан ёқимли, салқин шабада эсарди. Шошиладиган жойи йўқ эди, аммо у тез юриб борарди ва фақат унча катта бўлмаган тош кўприкка етгандагина тўхтади. Кўприк тагидан худди фирма олдидагига ўхшаш энсиз анҳор оқарди. Сувга энгашиб, у бу ерга келиш учун нега шошгани ёдига тушди. На фақат Ясуэ, балки қизи Кэйко ҳам уни ўзига билдирмай кўринмас ришта билан қандай ўраб-чирмаб олишни биларкан. Улар орасидан чиқиб олиш учун келди бу ерга. Аммо бу фойдасиз эди. Тун зулмати қуршаган каби нимадир уни қуршаб олганди.

У ташналикдан қийналиб кетган одамдай қоп-қора сувга қараб қўйди. Тонг чоғи отаси билан Накагава дарёсидан пастга қараб сузганлари эсига тушди. Осмон тўқ-кўк тусда бўлиб, ҳали юлдузлар кўриниб, шамол эсиб турарди. Мавжлар узра чайқалганча қайиқ худди кумушранг форель каби юлдузли бўшлиқ томон ўқдай учиб борарди.

Энди қоп-қора осмон остида парвознинг бу туйғуси яна қайтиб келди ва ўзига ҳам ҳозир юлдуз шуъласига пешвоз сузиб бораётгандек туюлиб кетди.



# DRAMA

*Александр ВАМПИЛОВ*

## ЎРДАК ОВИ<sup>1</sup>

*Уч пардали драма*

*Рус тилидан  
Муҳаммад ХАЙРУЛЛАЕВ  
таржимаси*

ИККИНЧИ ПАРДА

Бешинчи кўриниш

*(Зиловнинг хонаси. Дераза ортида ёмғир ёғмоқда.  
Зилов телефонда гаплашмоқда).*

**Зилов** (*бетоқат бўлиб*). Мен сизга, бу телефонда гаплашиш бефойда, деяпман! Ҳа, бефойда. Сизларда ҳамиша шунақа: вақти-вақти билан ҳаво булутланиб, енгил шамол эсиб туради. Нима? Деразага бир қаранг... Бу, сизнингча, вақти-вақти билан ҳаво булутланиб тургани, менимча, жала куймоқда. Мен жала қачон тўхташини билмоқчиман... (*Осойишта*) Буним ким билади? Худо, дейсизми? Шу ҳам жавоб бўлди-ю. Табиатни бўйсундирувчилар эмиш! Ҳатто ёмғирнинг қачон тўхташини билмайсизлар-у... Қизиқ, сизлар ўзи нима билан машғул бўласизлар.. Нима? Шошманг, шошманг! Келинг, озгина лақиллашайлик. Барибир сизларнинг ишларингиздан ҳеч қандай наф йўқ... Сингилгинам, жаҳлингиз чикмасин... Қирқ ёшда? Нима бўпти? Ёшлигингизни эсласангиз ёмонми? Менинг ёшимми? Нима десам экан. “Мен ёш кизчаман, аммо қалбим минг йиллик...” Шунақа кўшиқни эшитганмисиз? Нима? Сизни чақириб қолишдими? Афсус. Ўта афсусланиб қоламан. (*Гўшакни жойига қўйиб, каравотга чалқанчасига ётади.*)

*Хона қоронгилашиб, сахнада чироқ ёнади.*

*Учинчи хотирлаш бошланади*

*Зиловлар хонадони. Каравот-тахта, бир неча стул, дераза раҳида эса мовут мушук турибди. Эрта тонг. Галина чироқ ёнганича қолган, бир даста дафтарлар турган столга бошини қўйган ҳолда ухлаб ўтирибди. Эшикнинг қулфи шиқирлайди. Галина уйғониб бошини кўтаради. Кўзойнагини ечиб столга қўяди ва дераза томонга ўгирилади.*

<sup>1</sup> Охири. Боши олдинги сонда.

*Зилов пайдо бўлади.*

**Зилов:** Салом.

**Галина:** Хайрли тонг. (*Столда турган чироқни ўчиради.*)

**Зилов:** Нега ухламаяпсан?

*Сукут.*

Нима, ишинг шунақа кўпми? (*Костюмини ечиб, каравот устига ташлайди.*) Нима, умуман ётганинг йўқми?

*Қисқа сукут.*

Йўқ-йўқ, бас. Бунақа кўп ишлаш ярамайди. Ахир от эмасмиз-ку. (*Тахтага ўтиради.*) Турган жойимда йиқилиб тушгудекман. (*Эснайди.*) Йўқ, бу идорадан кетиш керак. Кетиш, кетиш... Ўзинг ўйлаб кўр, шу ҳам иш эканми? Биласанми, қаёққа бориб келдим?

*Қисқа сукут.*

Тасаввур қилиб кўргин, Свирскда бўлдим. Кеча тушдан кейин мутлақо кутилмаган бир пайтда... Қаёққа? Чинни заводига. Зудлик билан жўнаб кетишга тўғри келди! Катта кўламдаги воқеа: цехни реконструкция қилиш. Тубдан ўрганиш, умумлаштириб хулоса чиқариш ва илм оламини хабардор қилиш. Нима тўғрисида? Номига завод, аслида – саноат артели. Бир пулга қиммат. Йўқ, бу менга тўғри келмайди. Ахир мен, нима деганда ҳам, инженерман...

*Қисқа сукут.*

Мақтабинга телефон қилган эдим. Дарсда, дейишди... Уйга телефон ўрнатишимиз керак. Бу ўта зарур, хўп де... Галка!

*Жимлик.*

Нима, мен билан гаплашгинг йўқми... Ажаб...

*Сукут. Каравотга ётади.*

Нима бўлди? Нимадан норозисан? Балки, бирон айбим бордир, айт, нима экан... Балки, кўпдан бери хат олмаганингга? Болалик дўстингдан. Лекин менинг гуноҳим нима? Чарчадим, уйкум келяпти. Кўрпа-ёстик бер менга... Эшитяпсанми? Икки соатгина ухлаганман. Вокзалда...

*Қисқа сукут.*

Йўқ, нима гап ўзи? Балки менга ишонмаётгандирсан?

**Галина:** Кечки пайт сени шаҳарда кўришибди.

**Зилов:** Нима-а.. Қизиқ... Ким кўрган экан? Мени кечки пайт шаҳарда кўрганмиш... Фаройиб!

*Қисқа сукут.*

Кечки пайт, деб нимани айтасан? Агар соат еттини назарда тутаётган бўлсанг, марҳамат, тушунтириб беришим мумкин.

**Галина:** Битта сўзингга ҳам ишонмайман.

**Зилов:** (*ҳақоратлангандек бўлиб*). Жиддий гапиряпсанми?

**Галина:** .Сенинг битта сўзингга ҳам ишонмайман!

**Зилов:** (*осойишта*). Чакки қиласан. Хотин эрига ишониши керак. Бўлмасам-чи. Оилавий ҳаётда муҳими – бу ишонч. Акс ҳолда, оилавий ҳаёт бемаънилиқ. Хўш, кеча ким мени шаҳарда кўрган экан. Тўғрироғи, гўё кўрган эмиш?

**Галина:** Бунинг аҳамияти йўқ.

**Зилов:** Йўқ, сенда ҳеч қандай шубҳа қолмаслиги учун барини аниқлашимиз керак. Мени ким қаерда кўрган экан?

**Галина:** Соат ўнда гастрономда кўришибди.

**Зилов:** Ким?

**Галина:** Барибир эмасми! Кўшни аёл кўрибди.

**Зилов:** Марья Васильевнами? Ўшами? Ундай бўлса бари тушунарли. Ахир у узокдан яхши кўрмайди-ку. Ўзинг ўйлаб кўр, у мени кўрибди-ю, мен уни кўрмабман. Бундай бўлиши мутлақо мумкин эмас. Кампири тушмагир, адаштирган. (*Унинг олдига бориб*) Галка, жудаям шубҳачи бўлиб қолдинг. Менга нисбатан кўпроқ қўшнилари мизга ишонасан. Уялмайсанми. (*Уни қучади.*)

**Галина:** (*унинг қучогидан чиқиб*). Чарчагансан...

**Зилов:** Нима бўпти?

**Галина:** Мени қучоқламай қўя қол, яхшиси, ётиб ухла.

**Зилов:** Унчалик чарчаганим йўқ. (*Яна уни қучоқламоқчи бўлади.*)

**Галина** (*ундан нари кетиб*). Йўқ. Бу менга ёқимсиз... Умуман энди иккимиз ўртамизда бунақа иш бўлмайди.

*Қисқа сукут.*

**Зилов:** (*шошиб*). Бу нима деганинг? Сенга нима бўлди ўзи? Нега менга бунақа қараяпсан? Бунинг нимаси? Бегоналарга, масалан, зўрлик қилмоқчи бўлган одамга шунақа қарашинг мумкин. Нима бўлганда ҳам эрингман... Ҳатто менга бола туғиб бермоқчисан.

**Галина:** Ташвишланмай қўя қол. Бола бўлмайди.

**Зилов:** Нима-а? Бу билан нима демоқчисан? Касалхонага бориб келдингми?

*Қисқа сукут.*

(*Дўқ билан*) Гапир! Касалхонада бўлдингми?

**Галина:** Гўё сен буни истамагансан, деб ўйлаш мумкин.

**Зилов:** (*у ёқдан бу ёққа юриб*). Нима қилиб қўйдинг! Бундай қилишга қандай журъат этдинг! Нега яширинча қилдинг бу ишни? Гапир! Бунақа ишни якка ўзинг ҳал қилишга ҳақкинг йўқ, эшитяпсанми? Нима қилиб қўйдинг! Тушунаяпсанми? Йўқ, мен буни кечира олмайман!

**Галина:** Айёрлик қилма.

*Сукут.*

**Зилов:** Дахшат бу... Мен билан маслаҳатлашмаганингни кечириб бўлмайди. (*Қисқа сукут.*) Хўш, энди бу ёғи нима бўлади? Бўлар иш бўлибди.. (*Унинг ёнига келади.*) Ўзинг қалайсан? Тузукмисан? (*Қисқа сукут.*) Куйинма. Бўлар иш бўлибди. Бу хатойимизни тўғрилаймиз. Ҳаммаси жойида бўлади, эшитяпсанми? Янаги сафар менинг маслаҳатимсиз қадам босмайсан. Худди шундай. Доим менинг назоратимда бўласан. Ишонмайсанми?

**Галина:** Битта сўзингга ҳам ишонмайман.

**Зилов:** Нега? Мен сенга ишонаман-ку.

**Галина:** Мен эса сенга мутлақо ишонмайман.

**Зилов:** Ажабо. (*бир нафас жим туриб*) Қачонлардир бир-биримизга ишонамиз, деб сўз берган эдик, эслаб кўргин... Қўшниларга эмас, бир-биримизга... Балки бунақа бўлмагандир? Ё ёдингдан кўтарилиб кетганми?

**Галина:** “Қачонлардир”... Эсингга келибди-да. Қачонлардир нималар бўлмаган...

**Зилов:** Ёки бирон нарса ўзгардимми?

**Галина:** Ўзгардимми, дейсанми? Йўғ-е. Фақат бари ўтди-кетди.

**Зилов:** Гапимга қулоқ сол. Кел, яхшиси, ваҳима қилмайлик. (*Унинг*

олдига бормоқчи бўлади, Галина орқага чекинади. Хона ўртасидаги стулга ўтиради.) Тўғри, баъзи нарсалар ўзгарди. Ахир ҳаёт давом этапти. Лекин сен билан биз бояғидаймиз-ку. Масалан, мен ҳамон ўшандагидайман, ҳеч нарсам ўзгаргани йўқ. Олти йил олдин қандай бўлсам, шундайман. Ўша кечадагидай. Эсингдан чиқмаган бўлса керак?

**Галина:** Ҳозир кеча эмас, тонг отди. Бас қил. Йўқ, ҳеч нарса қолмади.

**Зилов:** Йўғ-е, ҳаммаси жой-жойида. Бирон нарса кўнгилдагидек бўлмаса, такрорлашимиз мумкин. Айни чоғда... Бари ўз кўлимизда.

**Галина:** Ҳеч нарсани қайтара олмаймиз.

**Зилов:** Ишонмаяпсанми? Мана, ҳозир кўраимиз. Кўзларингни юм. (Қисқа сукут.) Майли, қараб турақол. (Хонани кўздан кечириб чиқиб) Мана бунақа... Айтгандек, у кичикроқ эди... Стол мана бу ерда эди. (Столни жойидан жилдиради.) Каравот – мана бу ерда. (Каравотни жилдиради.) Мана бунинг кераги йўқ. (Дераза раҳида турган мушукни олиб, каравот тагига ташлайди.) Яна нима? Вино бор эди. Уйда вино йўқми? Афсус. Ҳа, гул! Гуллар бор эди... Қанақа гуллиги эсингда йўқми? Менимча, бойчечак эди. Ҳа, апрель эди-да. Апрельмиди?

**Галина:** Бас қил. Бунга тегма. Яхшиси тегма.

**Зилов:** (кўнгли қолиб). “Тегма?” Бу билан нима демоқчисан? Ўша кеча мен учун илоҳий бир нарса. Байрам. Ҳозир биз уни қайтарамиз, кўрасан... Гуллар! (Столда турган мис кулдонни кўлига олиб, уни Галинага кўрсатади.) Бу бойчечаклар. Мен сенга бойчечак олиб келганман.

**Галина:** Нима, мени майна қияпсанми?

**Зилов:** Йўғ-е! Наҳот тушунмасанг? Мана бу ерга ўтир... Ўтира қол, илтимос... Мен кирганимда сен дераза олдида ўтирган эдинг. Мана бу ерда ўтир... (Куч билан ўтқазади.)

**Галина** (стулдан туриб). Тинч қўй мени, илтимос.

**Зилов** (яна ўтқазиб қўяди). Деразадан ташқарига қараб ўтирардинг. Деразага қарагин... Дераза очик эди. (Деразани очиб қўйиб, орқага қайтади.) Яна нима эди?

**Галина:** Худо ҳаққи, бас қил.

**Зилов:** Йўқ, худо йўқ эди. Лекин рўпарамизда черков бор эди, эсингдами? Йўқ, планетарий. Ҳа, ичида планетарий, таши эса черков эди. Эсингдами, черковда никоҳ ўқитишни истайман, деган эдинг? Мен сенга нима жавоб қилган эдим?

*Қисқа сукут.*

Ўшанда, адашмасам, сени ўпиб қўйган эдим... Ҳозир барини такрорлаймиз. Ҳозир шунақа дейсан, мен эса сени ўпиб қўяман.

**Галина:** Мени ўз ҳолимга қўй, деяпман. Илтимос.

**Зилов:** Тўғри, олдинга ўтиб кетмайлик. Сен деразадан қараб ўтирардинг. Киришим ҳамон менга қайрилиб қарадинг... Хуллас, кириб келдим. Сен ўтирган жойингда ўгирилиб, менга қарайсан. Қайрилиб қара... Йўқ, қайрилиб қарашинг керак. Сен қайрилиб қараганинга бир-биримизнинг кўзимизга тикилдик. Ана шу дамларда ҳамма нарса шу кеча ҳал бўлишини англадим. Буни сен ҳам ҳис қилган бўлсанг керак... Хўп. Ҳаммаси навбат билан. Мен кираман, сен менга қайрилиб қарайсан. (Қичқириб) Кирыпман!

*Галина беихтиёр қайрилиб қарайди.*

Ҳа, майли... Бунақаси ҳам бўлаверади... (Ўзича ижро этади.) Кеч қолмадимми?

**Галина:** Кеч қолдинг. Бугун эрталаб эмас, кеча оқшом келишинг керак эди.

**Зилов:** Вой, худойим-эй! Тушунсанг-чи, ҳозир сен бу ерда эмас, у ёқдасан, эски уйингдасан. Англаяпсанми? Ўша кеча. Қани... (*Ижро этади.*) Кеч қолмадимми?

*Галина жим. Зилов унинг олдига келиб,  
Қулдон - гулларни беради.*

**Галина:** *истеҳзо билан*). Раҳмат.

**Зилов:** Бу ерда кимни пойлаб ўтирибсан, ростингни айт?

**Галина** (*бир нафасдан сўнг илжайиб*). Салом, Витя. Айт-чи, бирон марта черковда бўлганмисан?

**Зилов:** Ҳа. Йигитлар билан бир марта маст пайтимизда кирганман. Сен-чи?

**Галина** (*заҳарханда кулиб*). Мен эса бувим билан бирга кирганман.

*Зилов уни ўпмоқчи бўлади.*

Илтимос, суйканма.

**Зилов:** Йўқ-йўқ. “Суйканма”. Бунақа бўлмаган. Қани, ўшанда нима деганингни эслаб кўр.

*Қисқа сукут.*

(*Аччиқ гина билан*). Мана, кўрдингми, ҳеч нарсани эслай олмаяпсан.

**Галина:** Менинг-ку эсимда-я. (*Масхараомуз илжайиб*) Тасаввур қилгин: икковимиз зиналар оша тепага кўтариламиз, уйга кирамиз, у ерда эса сокинлик. Шамлар ёниб турибди. Ҳарқалай, тантанали ҳолат эди...

**Зилов:** Худди шундай! Кейин мен мана бу ерга ўтирдим (*ўтиради*) ва сендан: “Уй соҳибаси шу ердами?”, деб сўрадим.

**Галина:** Батамом бошқача бўлган. Сен хаяжонланаётган эдинг...

**Зилов** (*ижро этади*). Ҳонадон соҳибаси уйдами? (*Жавоб кутади, сўнг ўрнидан санчиб туради,*) Йўқ, навбатчиликка кетган... Хўш! (*Ижро этади.*) Соҳиба уйдами?

**Галина** (*ўйчан ҳолатда*). Ҳа. У ўша кеча навбатчиликда эди...

**Зилов** (*ижро этади*). Демак, бугун уйда бўлмас экан-да?

*Зилов Галинани кучоқлайди. Галина секингина ўзидан узоқлаштиради. У ўтмиши хотираларига берилиб кетади.*

**Зилов:** Демак, бугун уйда бўлмайди?

**Галина:** Бунақа эмас. Мен сенга... (*Секин овоз билан ўша сўзларни такрорлайди.*) Бирон ёққа борайлик.

**Зилов** (“ўйин”ни давом эттириб). Йўқ.

**Галина:** Планетарийга борамиз. Ахир бирон марта ҳам бўлмаганмиз у ерда.

**Зилов:** Йўқ.

**Галина:** Хоҳласанг, ётоқхонангача кузатиб кўяман.

**Зилов:** Мени кетсин деяпсанми?

**Галина:** Йўқ...Юр, кўчада сайр қиламиз, илтимос...

**Зилов:** Ҳеч қаёққа бормайман.

**Галина:** Нега?

**Зилов:** Негаки... (*Ямланиб*) Негаки...

**Галина** (*тоқатсизланиб*). Нима учун?

**Зилов** (*эслаб*). Чунки сени севаман.

**Галина:** Озгина айланиб юрсак, севмай кўясанми?



**Зилов** (*иккиланиб*). Йўқ, лекин ортиқ чидай олмайман...

**Галина** (*дадил*). Юр, илтимос. Мени яхши кўришингни исботла...  
(*Кутади, сўнг*) Хўш, нима дейсан? (*Ҳаяжонланиб*) Гапир, гапирсанг-чи.

**Зилов** (*нотабиий оҳангда*). Сенсиз яшай олмайман.

**Галина**: Бунақа эмас. Ҳеч ҳам бунақа эмас. Наҳот ҳис қилмаётган бўлсанг? Қани?

**Зилов** (*иккиланиб*). Азизим...

**Галина**: Бунақа эмас!

**Зилов** (*сўроқ маъносида*). Севгилим?

**Галина**: Йўқ!

**Зилов** (*шумлик билан*). Бебаҳо жонгинам!

**Галина** (*изтироб билан*). Йўқ! Йўқ! Йўқ! Наҳот шунчалик...

**Зилов**: Ташвишланма... Бир дақиқа, бир дақиқа... Ҳозир ҳаммаси жойида бўлади... Эсладим! (*Кўлидан тугтиб*) Кел!

**Галина** (*қўлини тортиб олиб*). Йўқ! Сен менга энг муҳимини айтмадинг.

**Зилов**: Бунинг аҳамияти йўқ. (*Кучоқламоқчи бўлади.*)

**Галина**: Йўқ! Сен бунинг эслашинг керак... Қани, эслаб кўр, илтимос.

*Қисқа сукут.*

(*Рухи тушиб*). Эслайсанми ё йўқми?

*Сукут. Галина кутади.*

**Зилов**: Жин урсин! Эркаклар бундай дамларда нималар демайди!

**Галина** (*изтироб билан*). Ҳаммасини эсингдан чиқарибсан. Ҳаммасини!

**Зилов**: Хўп, етар. (*Бир мунча дағаллик билан*) Кела қол. (*Уни куч билан ўзига тартади.*)

*Галина унинг кучоғидан чиқиб, секин орқага чекинади. Ҳар иккаласи жим бўлиб қолади. Галина стулга ўтириб йиғлай бошлайди.*

(*Астойдил афсусланиб*) Ана холос... Ёшликни эсладик.

*Чироқ ўчади.*

## Олтинчи кўриниш

*Каравотда ётган Зилов ўрнидан туриб, хонада у ёқдан бу ёққа юради. Деразининг олдига бориб тўхтайдди, сўнг телефонда рақам тиради.*

**Зилов**: Дима? Бу мен, Зиловман... Бу ёмғир ҳеч қачон тўхтамайди, шекилли... Сурункасига қирк кечаю қирк кун қуяди. Нима? Бир замонларда шунақа бўлган экан... Дима! Ҳозир кетаверсак нима бўлади? Нима? Ключида тунаймиз-а? Кажавасиз кетсак-чи? Мотоцикл кажавасиз бўлса, осонгина олиб ўтамиз, ишончим комил... Бўлмайди, дейсанми? Яхшимас... Очиғини айтсам, кайфият ёмон... Бу ҳам етмагандек, дўстларим мени ғоят хурсанд қилишди... Эшитмадингми? Биласанми, улар менга нима юборишибди? Гулчамбар... Гулчамбар! Гўрга тобут устига қўйиладиган рostaкам гулчамбар... Шунақа ҳазил қилишибди лаънатилар! Сенга кулгилими? Менга эса унчалик кулгили эмас... Биласан, менинг кўнглим нозик, энди бу ҳазил тушларимга кириб чиқади... Дўстларимш! Ҳақиқий дўстлар шунақа қилишадими? Менга қара, сен билмаганмидинг буни? Худога шукур, битта бўлса-да, бамаъни одам бор экан... (*Безовта бўлиб*) Дима! Кеча мабодо сенга мушт туширмадимми? Худога шукур... (*Ҳаяжонланиб*) Қария, бамаъни саволим учун кечирасан, айт-чи, менга муносабатинг қанақа? (*Тинглайди.*) Мен эса... Мен сенга шуни айтишим

мумкинки, кечаги кундан бошлаб якка ўзим қолдим.... Йўқ. Шундай ҳис қиляпман ўзимни. Хуллас, менга энг яқин одам сен экансан... (*Сохта қулги.*) Йўқ, гап бунда эмас... Умуман, худога шукурки, бирга овга борамиз... Ҳа, қўнғироғингни кутаман. (*Гўшакни жойига қўйиб, хонада юриди, сўнг деразинг рўпарасига бориб туради.*)

### Навбатдаги хотирлаш

*Техникавий ахборот Бюроси. Зилов билан Саяпин ўтиришибди.*

**Зилов:** Соат бешдан ошди. Бас. (*Қозғозларни стол галадонига солиб қўяди.*) Тўхтат. Кейинги пайтларда худди машинадек ишляпсан.

**Саяпин:** На чора? Мунозара қилиш, баҳслашиш – сенга осон, алоҳида уй-жойи бор одамсан. Бу катта ютук. Масалан, бировнинг уйида ҳамма нарса кафтдек очик-ойдин кўриниб туради. Хотининг жанжал қила бошласа, ювош одам бўлсанг, чидайсан... Мен эса, балки калтаклашни хоҳларман? Йўқ, дарҳақиқат... Квартира бергандан кейин кўрамиз, ким кимни...

**Зилов** (*кулади*). Янги уйга кўчганингизда сизларга бокс қўлқопларини совға қиламан.

**Саяпин:** Ҳа, квартира масаласида сен эркин одамсан. Бу идора ёкмай қолса, хоҳлаган пайтингда жўнаб қолишинг мумкин.

**Зилов:** Масалан, қаёққа?

**Саяпин:** Биронта завод ёки илм-фан идорасига.

**Зилов:** Бу гапларингни қўй, қария, сен билан менинг замонимиз ўтиб кетди.

**Саяпин:** Нега энди?

**Зилов:** Чунки, масалан, сен, менинг дадам айтганларидек, ялқов ва мафкуравий бузуқ одамсан.

**Саяпин:** Сен ўзинг-чи?

**Зилов:** Менми? (*Илжайиб*) Мен-ку яна бирон нарса билан шуғулланишим мумкин. Лекин истамайман. Хоҳишим йўқ.

**Саяпин:** Шахсан менга бу ерда ҳам ёмон эмас, фақат хотиним...

**Зилов:** Йўқ, қария, бу идора сен билан мен учун энг мақбул жой. Жонажон ватанимиз шу ер.

**Саяпин:** Кўрамиз. (*Стол устидаги қозғозларни йиғиштиради.*) Сенинг режаларинг қанақа? Биз футболга бормоқчимиз.

**Зилов:** Боринглар.

**Саяпин:** Унғача (*столдан шахмат тахтасини олади*) бир қур ўйнашга улгурамиз.

**Зилов:** Бемалол.

**Саяпин:** Бугун қизиқ ўйин бўлиши керак. Бизникилар Красноярск билан ўйнашади. (*Телефон рақамларини тиради.*)

**Зилов:** Телефонни банд қилма. Қўнғироқ қилишини кутяпман.

**Саяпин** (*телефонга*). Кузаков? Кайфиятинг қалай? Бир карра мот қилишни истайсанми? Ундай бўлса, вақтим борлигида қирақол.

**Зилов:** Қўнғироқ қилишини кутяпман, эшитяпсанми?

**Саяпин** (*телефонга*). Эсингдан чикмадими, мен оқ доналар билан ўйнашим керак... Бўлақол. (*Гўшакни жойига қўяди.*) Сенга ким қўнғироқ қилиши керак? (*Шахмат доналарини тира бошлайди.*) Ўша қизча эмасми?

**Зилов:** Ўша бўлса нима қилибди?

**Саяпин:** Унга қаттиқ ёпишган кўринадан.

**Зилов:** Менга ёқиб қолди.

*Телефон жириглайди.*

(*Гўшакни қўлига олиб*) Ира? Салом, жонгинам... Қаердасан?

**Саяпин:** “Севгилим, қувончим менинг, нега мен билан бирга эмассан...”

**Зилов:** Сени соғиндим... Ишонмаяпсанми? Қандай қилиб исботлашим мумкин? Қанчалик озиб кетганлигимни ўзинг кўрасан... Ҳа, кечадан бери... Бунга кўп вақт керак эмас. Бунақа ишлар тез бўлади... Қаердасан?. Нима? Автоматдан? Халақит беришяптими? Ким? Тегажожлик қилишяпти? (*Саяпинга*) Йигитчалар тегажожлик қилишаётган экан.. Ана, кўрдингми, нақадар покиза киз... (*Телефонга*) Даф бўлинглар, деб ҳайдаб юбор. Милиция чақираман, де... Фақат жилмая кўрма, эшитяпсанми! Соат олтида “Незабудка”да кутаман... “Незабудка”да соат олтида. Кеч қолма... Нима? Улар билан гаплаша кўрма. Мутлақо! (*Гўшакни жойига қўяди.*) Безори болалар сурбет бўлиб кетишди.

**Саяпин:** Мен бир нарсани тушунмаяпман, сен уни чиндан севиб қолдингми ёки шунчаки...

*Кушак пайдо бўлади. Унинг қўлида юпқагина китобча.*

**Кушак:** Нима, мени қаматиб юбормоқчимисизлар?!

*Қисқа сукут.*

Бу сохта дардисарни қаердан олдиларинг?

*Қисқа сукут.*

Мана бу ғирт қалбаки маълумотни қайси бирингиз кўлимга тутқаздингиз?

**Зилов:** Хўжайин, нима бўлди?

**Кушак:** Ҳа, албатта, ҳеч нарсадан хабарларингиз йўқ...

**Зилов:** Нима, бу ерда бирон мавҳумликлар бор эканми?

**Кушак:** Мавҳумликлар? Сизларни бу қадар камтарсизлар деб ўйламаган эдим. Мавҳумлик! Бари ҳаводан олинган тўқима гаплар! Турган-битгани ғирт ёлғон!

**Зилов:** Аниқроғи нима экан?

**Кушак:** (*китобни очиб кўрсатади*). Мана! Мана! Гўё ҳеч нарса билмайсизлар!

**Зилов:** Чинни заводими? Наҳотки?

**Кушак:** У ерда ҳеч қандай қайта қуриш бўлмаган.

**Зилов:** Йўғ-е, наҳотки?

**Кушак:** Бу ерда рост бўлган биронта сўз йўқ!

**Зилов:** Шунақа бўлса, бу ростдан ҳам даҳшат. Жанжал! Нега бунақа бўлди экан? Аниқлаймиз, бошқа нима ҳам қила олардик? Ҳозир... Асл нусхаси қаёқда экан? (*Стул галадонларини очиб кўради.*)

**Кушак:** Бу билан қайси бирингиз шуғуллангансиз?

*Қисқа сукут.*

**Зилов:** Мен.

**Кушак:** Зилов, сиз менга тобора кўпроқ ёқмаяпсиз.

**Зилов:** Иложим қанча. Ё сочимни бошқача тарашлатсаммикин?

**Кушак:** Киноя қилишнинг ўрни эмас, Зилов. Бунинг бари, сиз ўйлагандек, кулгили эмас. Ўтиринг, тушунтириш хати ёзинг. (*Саяпинга.*) Сиз ҳам.

**Саяпин:** Мен ҳамми?

**Кушак:** Ҳа, сиз. Айнан сиз. Мақолага ҳар иккалангиз имзо чеккансизлар. Иккалангиз жавоб берасизлар.

**Зилов:** Бунга Саяпиннинг алоқаси йўқ.

**Кушак:** Демак, биргина сиз айбдорсиз бунга?

**Зилов:** Демак, шунақа.

**Кушак:** Ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим. Бу сиз томондан олийжаноблик, ҳатто ўта олийжаноблик. Сизни яхши тушуниб турибман. Ҳақиқий дўстларгина шунақа қилишлари мумкин.

**Зилов:** Унга мен панд берганимни тушуниб турибман.

**Кушак:** (*истеҳзо билан*). Аҳ-ҳа, демак, унга сиз панд бергансиз. Демак, сизни жазолаш, уни эса тақдирлаш лозим. Сизни тўғри тушундимми?

**Зилов:** Мантиқан мутлақо тўғри.

**Кушак:** Шунақа, шунақа. Умуман олганда, ёмонмас. Ғоят ажойиб... Фақат бир нарса ёмон... Бошқаларни ўзларингизга нисбатан аҳмоқроқ деб ўйлаганларингиз ёмон, дўстларим. Ёки бу ҳам яхшими?

**Зилов:** Бу ёмон, албатта.

**Кушак:** Ёмон! Жуда ёмон. Нима учун уни ҳимоя қилаётганингиз ҳаммамизга, жумладан, менга яхши тушунарли... Хўш, мен нимага асосан ҳаммангиздан аҳмоқроқ бўлишим кераклигини айта оласизми? (*Зиловнинг кўзларига тик боқиб*). Хўп, денг. Бу масалани сизларнинг олдиларингизга кўндаланг қўйишим керак эди. Эртами ё кечми.

*Эшик олдида Валерия пайдо бўлади. Хонадагилар уни кўришмайди.*

**Зилов:** Ҳа, қизиқ масала...

**Кушак:** Давоми янада қизиқроқ бўлади. Айтинглари-чи, бизнинг идорамизда ишлаш сизларга маъқулми?

**Зилов** (*бир мунча тараддуддан сўнг*). Ҳа, маъқул. Нима, масала шу даража кескинми?

**Кушак:** Мана бу ўтакетган масъулиятсизлик биргина сизнинг айбингиз бўлса, мен сизни ишдан бўшатаман. (*Қисқа сукут.*) Дўст-биродарлар, кўриб турибсизки, ҳақиқатни айтишингизга тўғри келади. Хўш, бу билан ким шуғулланди? Бир ўзингизми ёки ҳар иккалангизми?

*Қисқа сукут.*

**Саяпин:** Бу мақоладан менинг хабарим йўқ. Уни Зилов тайёрлаган. Мен унга ишонган эдим.

**Кушак:** Яхши-и... (*Зиловга*) Хўш, энди нима дейсиз?

**Зилов:** Айтдим-ку. Мақолани мен тайёрлаганман.

**Кушак:** Ундай бўлса, масала ҳал. (*Саяпинга*) Лекин барибир хайфсан оласиз. Келажакда то диққат билан ўқиб чиқмаганингизча ҳеч нарсага имзо чека кўрманг. Бу ўз вақтида ҳатто ёш болага ҳам маълум бўлган ҳақиқат. Бемаънилиқ!

**Валерия:** Салом.

**Кушак:** Хайрли кун.

**Валерия:** (*Кушакка*). Улар бу ерда нима гуноҳ қилиб қўйишибди? Енгилтаклар! Вадим Андреевич, уларни уришиш эмас, калтаклаш керак. Афсуски, мен ночор аёлман...

**Кушак:** Ҳа, мен сизга арз қилишга мажбурман. Улар ишда қўпол хатога йўл қўйишибди. Кечириб бўлмайдиган даражада хато, десам тўғрироқ бўлади.

**Валерия:** Шунақами? Яхшилаб жазоланг буларни. Биринчи навбатда эримнинг жазосини беришингизни сўрайман.

**Кушак:** Эрингизга, биласизми, нима етишмайди... м-м...

**Зилов:** Барқарорлик.

**Кушак:** Ҳа, айнан барқарорлик!

**Валерия:** (*Саятинга*). Ярамас. (*Кушакка*) Вадим Андреевич, сиз уларни қанчалик жазоламанг, бажону дил маъқуллайман.

**Кушак:** Қанчалик аянчли бўлмасин, бу сафар жазоламай тура олмайман.

**Валерия:** Вадим Андреевич! Калламга зўр бир фикр келди. Унга бундан яхшироқ жазо ўйлаб топиш қийин. Сиз уларга ҳайфсан эълон қилишингиз мумкин. Лекин бу улар учун бир пул. Ҳатто ишдан ҳайдасангиз ҳам... Фақат бир нарса...

**Саяпин:** Қизик, нима экан?

**Валерия** (*Кушакка*). Айтайми?

**Кушак:** Айтинг, Валерия. Худога шукур, сизнинг эс-хушингиз жойида.

**Валерия** (*Саяпинга ишора қилиб*). Уни футболдан маҳрум қиламиз. Бугун. А, нима дейсиз?

**Саяпин** (*жаҳли чиққандек бўлиб*). Нима деяпсан!

**Валерия:** Ҳа, шунақа.. Футболга бориш ўрнига бу ерда ўтириб иш қиласан. Тушундингми? Футболга эса бизлар борамиз. Мен ва Вадим Андреевич!

**Зилов:** Ёмонмас.

**Валерия** (*Кушакка*). Нима дейсиз?

**Саяпин:** (*яна норози оҳангда*). Сен бу ерда хўжайинлик қилма...

**Валерия:** (*Кушакка*). Маъқулми?

**Кушак** (*ясама қулги билан*). Қизик, албатта... Лекин шу билан бирга ... бу жазо...

**Валерия:** Демак, масала ҳал... Ахир сиз ҳам футбол ишқибозларидансиз-ку.

**Кушак:** Менми? Унчалик эмас...

**Валерия:** Унда Коля учун футбол нималигини тасаввур қила олмайсиз. Юринг! Юринг! Гапимга ишонаверинг, унинг учун бу ҳақиқий жазо.

**Кушак:** Лекин мен... қандоқ бўларкин?

**Валерия:** Вадим Андреевич! Улар билан масала ҳал: ҳар иккаласи бу ерда қолиб, иш билан банд бўлишади. Мен-чи? Футболга бир ўзим сўппайиб бормайман-ку...

**Кушак:** Йўқ, мен-ку... лекин одамлар буни қанақа тушунишлари мумкин? Ҳар хил гап-сўз...

**Валерия:** Вадим Андреевич! Қанақа гап-сўз бўлиши мумкин? (*Саяпинга*) Сен қандай фикрдасан, айт-чи?

**Саяпин:** Вадим Андреевич, афсуски, бизда буйруқ берадиган у. Ҳа, уни гапидан қайтариб бўлмайди.

**Валерия:** (*Кушакни қўлтигидан тутиб*). Вадим Андреевич, кеч қоляпмиз. Зиловни эса таътилга чиқармай туринг. Бир ҳафтага. Овга вақтида етиб бормаса...

**Зилов:** Бу тўғрида сен ташвишланмай кўяқол.

**Валерия:** Бу унинг учун энг олий жазо бўлади. (*Гарангсиз қолган Кушакни эшик томон етаклайди.*) Бўпти, шошиб турибмиз.

**Кушак.** (*остонага етганларида*). Валерия, улар шундайлигича қолади, деб ўйласангиз, хато қиласиз.

**Валерия:** Албатта, ҳар ким айбига яраша жазоланиши керак. Дўстлик ўз йўлига, иш – ўз йўлига... (*Чиқиб кетишади.*)



**Саяпин** (*сурур билан*). Кўрдингми?

**Зилов:** Ҳа, у билан хор бўлмайсан.

**Саяпин:** Турмуш ўртоғим.

**Зилов:** Ҳа, бир-бирингдан қолишмайдиган оиласанлар. Сен ҳам анойи эмассан...

**Саяпин:** Қария, сени ишдан ҳайдамайди... Лекин мени ҳам тушун. Квартира масаласи пучакка чиқай деб турган эди. Сенинг кўз олдингда. Наҳот тушунмасанг?

*Эшик орқасидан овоз эшитилади.*

Овоз. Телеграмма!

*Зилов чиқиб, тезда қайтиб киради ва қўлидаги телеграммани очиб ўқийди-ю, бир ерда туриб қолади.*

**Саяпин:** Нима экан?

**Зилов:** Отам қазо қилибди.

*Сукут.*

**Саяпин:** Қачон?

**Зилов:** Кеча, соат олтида... (*Қисқа сукут.*) Ота, ота... Билганимда эди... (*Сукут. Телефон рақамларини теради.*) Галка... Отам қазо қилибди... Ҳа... Ҳа... Сенда пул борми? Қанча бўлса барини олиб кел. Мен кетяпман... Бугун... Ҳозир... Ҳа... Идорада кутаман. Кутаман... (*Гўшакни жойига қўяди.*)

**Саяпин:** Улгурасанми?

**Зилов:** Улгуришим керак... Самолётда беш соат, кемада ярим сутка, у ёғига автобусда... Улгурсам керак, деган умиддаман.

**Саяпин:** . Ҳа-а... Энди у сени ишдан ҳайдамаса керак.

**Зилов:** Нима?

**Саяпин:** Шунақа бахтсизлик бўла туриб, ишдан ҳайдамаса керак, деб ўйлайман. Бундай қилишга ҳаққи йўқ.

**Зилов:** Овозингни ўчир, тентак!

*Зилов бошини қуйи эгган ҳолда ўтирибди. Кузаков билан Вера киришади.*

**Кузаков:** Аликларга салом.

*Қисқа сукут.*

Нега ғамгинсизлар, қарчиғайлар? Ёки бирон нарса ичкиларинг келиб қолдимми? (*Шахмат тахтасининг олдида бориб ўтиради.*) Қани, бошла, гроссмейстер...

**Саяпин:** Шошмай тур. Бошқа гап бор.

**Кузаков:** Бирон нарса бўлдими?

**Вера:** Ҳаётдан кўнгиллари қолган шекилли.

**Кузаков:** На чора. Балки улар ҳақдир. Ҳаёт, умуман олганда, бой берилди.

*Саяпин телеграммани Кузаковга кўрсатади.*

**Вера** (*Зиловга*). Алик, сенга нима бўлди? Кечаги ичкиликдан кейин бошинг оғрияптими?

**Зилов:** Оғзингни юм, тентак!

**Вера:** Ростдан ҳам феъли айнибди.

**Зилов:** Овозингни ўчир, деяпман!

**Кузаков** (*Верага*). Тегма унга.

**Зилов:** (*Верага*). Сен нега келдинг бу ерга? Бу ерда нима бор сенга?

**Кузаков:** У мен билан бирга келди.

**Зилов:** Идора-ма идора юришга бошқа одам топмадингми?

**Вера:** (Кузаковга). Бунга нима дейсан?  
 Кузаков Верага телеграммани узатади.  
 Мотам куйи эшитилади. Саҳна қоронгилашади. Муסיқа тинади. Чироқ  
 ёнади.

### Хотирлаш давом этади

“Незабудка” кафеси. Зилов билан Галина эшик олдида тўхташади.

**Зилов:** Энди сен кетавер.

**Галина:** Уйга кириб чиқишга улгурмайсанми?

**Зилов:** Нимага?

**Галина:** Керакли нарсаларингни олмайсанми?

**Зилов:** Қанақа нарса? Тўйга кетаётганим йўқ-ку... Бора қол. Уйга бор.

**Галина:** Ҳар қалай, балки бирон нарса...

**Зилов:** Нима?

**Галина:** Балки бирга борармиз?

**Зилов:** Йўқ-йўқ, бир ўзим кетаман.

**Галина:** Бирга борсак яхши бўлармиди? Сен билан бирга борсам...

**Зилов:** Нимаси яхши? Бўлар иш бўлибди, ҳеч қандай кўмак ёрдам бера олмайди... Соат неччи бўлди?

**Галина:** Йигирма дақиқаси кам олти.

**Зилов:** Хайр. Самолётнинг вақти бўлиб қолибди. Бу ёққа кириб чиқай.  
 Озгина ичиб олишим керак... Хайр... (Кафега кириб, столлардан бирига ўтиради.)

*Галина эшик олдида қолади.*

Дима!

*Официант келади.*

**Официант** (Галинага). Салом, Галина. Кир, меҳмон бўласан. (Зиловнинг олдида келади.) Салом, Витя.

**Зилов:** Салом, Дима. Ароқ келтир.

**Официант.** (секин). Нега хотининг мен билан саломлашмади? Менга-ку барибир-а, лекин бу одобдан эмас... Неча грамм?

**Зилов:** Икки юз.

*Официант кетади. Галина стол олдида келади.*

Ҳали ҳам шу ердამисан?

**Галина** (Ўтиради). Шу ердалигингда сен билан ўтириб турай.

**Зилов:** Мен ёлғиз қолмоқчиман, тушуняпсанми?

**Галина:** Тушунмайман. Айни ҳозир ёнингда бўлишим керак, деб ўйлаган эдим.

**Зилов:** Айни ҳозир бир ўзим қолмоқчиман.

*Қисқа сукут.*

**Галина:** Ҳа, тушунаман. Отанг учун мен бегона эдим... Сен учун ҳам кўпдан бери бегонаман... Сенга айтмоқчи эдим, кўпдан бери айтмоқчи бўлиб юрардим... Устма-уст хат оляпман...

**Зилов:** Қанақа хат?

**Галина:** Ҳар қуни хат оламан.

**Зилов:** Шунақами? Қизик, кимдан экан? Ўша болаликдаги дўстингдан албатта.

**Галина:** У мени севади.

*Қисқа сукут.*

**Зилов:** Сен-чи? Сенинг муносабатинг қанақа?

**Галина:** Билмайман... Лекин икковимиз ўртамызда... Ортиқ чидаб бўлмайди.

**Зилов:** Шунинг учун ҳам айна шу пайтда айтишга қарор қилибсан-да?

**Галина:** Мен сенга керак эмасман. Тўғриси айтиб қўя қол.

**Зилов:** Бу гапларни ҳозир айтгани уялмадингми?. Айна отам ўлган кунда дастурхон қилиб ёзаясан! Раҳмат, анча тинчлантинг мени.

*Қисқа сукут.*

**Галина:** Мен айбдор бўлсам керак. Лекин ортиқ чидай олмайман... Гуноҳим бўлса, кечир.

**Зилов:** Йўқ, тортинмай айтавер. Қани, гапириб бер-чи, ўрталарингда...

**Галина:** Айтадиган ҳеч нарса бўлмаган.

**Зилов:** Ҳеч нарса? Билмадим, билмадим. Лом-мим демай юрдинг, демак, алдадинг мени. Ўрталарингда нималар бўлганлигини мен қаёқдан билай?

**Галина:** Бас қил. Ўйлаб топган гапингни қара-ю.

**Зилов:** Мен ўйлаб топибманми? Энди кимни севишимни билмайман, деб ўзинг айтдинг.

**Галина:** Ёлғон!

**Зилов:** Қай даражага етганингни тушуяпсанми? Шунақа хотинни отамнинг қабрига бошлаб бораманми? Ҳеч қачон! Жўна бу ердан, сени кўргани кўзим йўқ!

**Галина:** Ақлдан озибсан! Нима деяётганингни ўзинг билмаяпсан.

**Зилов:** Кет, деяпман сенга! Умуман кўзимга кўринмаслигинг мумкин. Ўша дўстингнинг олдига жўна. Марҳамат. Бахтли бўлишингга тилакдошман!

**Галина:** Унинг хатларига кўпдан бери жавоб ёзмай қўйганман... Мен унга иккита хат ёзганман, холос. Бор-йўғи иккита хат. Сен нималар деяпсан?

**Зилов:** (*бирдан осойишталик билан*). Хўп, майли. Кечирасан, асабийлашдим. Асабларим таранглашиб кетган...

**Галина:** Ўзим айбдорман. Мени кечир...

**Зилов:** Майли, сен хафа бўлма... Ёлғиз қолишим керак, дедим-ку сенга... (*Қисқа сукут.*) Энди уйга борақол. Хўпми?

**Галина:** (*ўрнидан туриб*). Яхши.

**Зилов:** Хафа бўлма.

**Галина:** Хафа бўлаётгани йўқ. Қачон қайтасан?

**Зилов:** Қачон? Бир ё бир ярим ҳафтадан кейин.

**Галина:** Керакли нарсаларингни тайёрлаб бермаганим яхши бўлмади. Ҳатто ёмғирпўшингни ҳам олмадинг.

**Зилов:** Ҳеч вақоси йўқ, бир амалларман... (*Унинг олдига келиб, чаккасидан ўнади.*) Кўришгунча.

*Галина чиқиб кетади. Сукут.*

*Официант келади.*

**Зилов:** Соат неча бўлди?

**Официант:** Беш дақиқаси кам олти... Ейдиган бирон нарса керакмасми?

**Зилов:** Йўқ... Дима, мен билан бирга ичгин.

**Официант** (*ўтиради*). Раҳмат, Витя. Лекин иш пайтида бир грамм ҳам... Биласан, бу – мен учун қонун. (*Бир нафасли сукутдан сўнг*) Қалайсан, кун санаяпсанми? Қанча қолди? Мотоцикл тахт бўлиб турибди. Витя,

қайиқни қатрон билан мойлаб қўйиш керак. Хромовга хат ёзиб юборсанг бўларди.

**Зилов:** Нима эди?

**Официант:** Қайиқни айтяпман. Хат жўнатгин.

**Зилов:** Барини қилиб қўйганман. Қайиқ сувда турибди.

**Официант:** Яша, азамат.

**Зилов:** Ўн саккиз кунгина қолибди. *(Жим бўлади.)*

**Официант:** Нима тўғрисида қайғуряпсан?

**Зилов:** Бахтсиз ходиса, Дима.

**Официант:** Нима бўлди?

**Зилов:** Отамни дафн қилгани кетяпман...

**Официант** *(қисқа сукутдан сўнг хайрихоҳлик билан)*. Тушунарли.

*Қисқа сукут. Зилов ичади.*

Оғир мусибат бу.

**Зилов:** Айтма... Ярамас ўғил бўлдим мен унга. Тўрт йил мобайнида бирон марта хабар олмадим...

**Официант:** Ҳа, яхши бўлмабди.

**Зилов:** Мана, энди кўришадиган бўлдик.

**Официант:** Узокдами?

**Зилов** *(тасдиқлаш маъносида бошини силтаб)*. Улгурмайман, деган хавфдаман. *(Бир нафасдан сўнг)* Қанча беришим керак?

**Официант:** Бир сўм олтмиш тийин.

**Зилов** *(ёнидан пул олиб)*. Айтгандек, мен сендан уч сўм қарзман.

**Официант:** Уч сўм йигирма тийин, Витя.

**Зилов:** Кечирасан... *(Пулни бериб)* Раҳмат.

**Официант** *(пулни санаб)*. Энди мен сенга ўттиз беш тийин қарз бўлдим.

**Зилов** *(қўлини силтаб)*. Қўявер.

**Официант:** Миннатдорман.

*Эшик олдида И р и н а пайдо бўлади.*

**Зилов** *(официантга)*. Кўришгунча, Дима.

**Официант:** Ҳозирча хайр. Бардам бўл, қария, руҳан тушкунликка берилма. *(Кетади.)*

**Ирина** *(яқинлашиб)*. Хайрли кеч.

**Зилов:** Ўтир.

*Ирина партада ўтиргандек қўлларини столга қўйиб, қадрини тикиб ўтиради, сўнг тўсатдан кулиб юборади.*

*(Унинг қўлларига кафтини қўяди.)*

Хўш? Нима қилдинг?

**Ирина:** Мен итоаткор қизчаман. Сен айтганингдек қилдим.

**Зилов:** Баракалла, ақли қиз. Ана у безорилар нима бўлди? Телефон будкаси олдидаги йигитчаларни сўраяпман.

**Ирина:** Айтма. Улардан аранг қочиб қутулдим. Аллақандай жиннисифат болалар экан. Аввал телефон будкасидан чиққани қўйишмади.

**Зилов:** Вой, ярамастар-эй.

**Ирина:** Йўк, улар ростдан ҳам ақлдан озишган. Эшикни очинглар, бўлмаса сўкиниб бераман, дедим. Биттаси нима дейди, де? Йўк, сўкинма. Яхшиси, биз билан бирга юр. Менинг туғилган куним, дейди. Мен йигитим билан учрашгани кетяпман, дедим. Улар, биз сени кузатиб қўямиз,

дейишди. Сен мени алдабсан. Озиб қолмабсан. Жиндек ҳам озмабсан. Лекин ғамгин кўринасан.

**Зилов:** Мен кетяпман.

**Ирина:** Қачон?

**Зилов:** Ҳозир. Хайрлашамиз-у, аэропортга жўнайман.

*Қисқа сукут.*

**Ирина:** Албатта кетишинг зарурми?

**Зилов:** Зарур.

**Ирина:** Ундай бўлса, бор. Мен сени кутаман. Узок кутишим керакми?

**Зилов:** Узок. Бутун бир ҳафта.

*Галина пайдо бўлади. Қўлида ёмғирпўш билан портфел. Зилов билан Ирина ўтиришиган столга яқинлашар экан, уларни кўриб, тўхтади.*

*Қисқа сукут. Галина уларга, улар Галинага қараб қолишади. Зиловнинг кафти ҳамон Иринанинг қўлларига қўйилган.*

*Галина столга яқин турган стуллардан бирига ёмғирпўш билан портфелни қўйиб, тезда чиқиб кетади.*

*Қисқа сукут.*

**Ирина:** У ким?

**Зилов:** Менинг хотиним.

**Ирина** (*ҳайратланиб*). Хотининг?

**Зилов:** Ҳа, мен уйланганман...

*Сукут.*

Шунақа... Ҳайратланиб қолдинг... Ер билан яксон бўлдинг. Сен учун ҳамма нарса тамом ...

*Қисқа сукут.*

Ҳамма нарса тугади, тўғрими? А? Нега жимсан? Бунақа пайтларда, биласанми, нима дейишади? Мен сенга ўргатишим мумкин...

**Ирина** (*секин*). Йўқ...

**Зилов:** Нима “йўқ”? Хотиним бор, деяпман-ку... Нима, бунинг аҳамияти йўқми?

**Ирина:** Аҳамияти йўқ... Барибир эмасми...

**Зилов:** *ёнига ўтириб, уни кучоқлайди*). Жонгинам, қувончим! Девордек оқариб кетдинг. Тинчлан. Буларнинг бари ҳеч гапмас. Мен ростдан уйланганман, никоҳ қилинганман, аммо биз кўпдан бери эр-хотин эмасмиз, шунчаки дўст бўлиб қолганмиз, холос.

**Ирина:** Ростданми?

**Зилов:** Биринчи кунидек сенга барини айтиб беришим мумкин эди. Лекин нимага керак бу? Қўйсанг-чи! Агар сени алдамоқчи бўлганимда бугун ҳозир алдардим. Синглим, деб айтган бўлардим.

**Ирина:** Дастлаб нақ ўлиб қолай дедим... Кейин ўзимча, уйланганми-йўқми – барибир эмасми дедим-у, даҳшатга тушдим.

**Зилов:** Бечора қизалоқ! Ўзимнинг гўзалим! Нақадар жозибали эканлигингни ўзинг хатто тасаввур ҳам қилолмайсан...

*Қисқа сукут. Зилов Иринанинг қўлини ўпади. У атрофга қараб қўяди.*

**ИРИНА.** Бирон нарса егим келяпти...

**Зилов:** Ажойиб фикр. Ҳозир овқатланамиз.. Бирон нарса ичамиз, тўғрими? (*Баланд овоз билан*) Дима!

**Ирина:** Самолётинг нима бўлади? Улгурасанми?

**Зилов** (*шапшидан тушиб*). Сен ҳақсан. Шошилишим керак.



*Официант келади.*

**Официант** (Зиловга). Мени чакирдингми?

**Зилов:** Ҳа... (Қисқа сукутдан сўнг бир мунча иккиланиб). Ейдиган бирон нарса ва вино... Кўп эмас.

**Официант:** Аниқроқ айт, ейдиган нима?

**Зилов** (Иринага). Нима истайсан?

**Ирина:** Сен нима есанг, мен ҳам шу.

**Зилов:** (қатъий). Бифштекс. Салат, бир шиша вино ва икки юз грамм коньяк.

**Ирина:** Самолётга кеч қолмайсанми?

**Зилов:** Эртага жўнайман. (Официантга) Сен барини англадинг-ми?

**Официант:** Тушунарли.

*Мотам куйи бошланади-ю, шу заҳоти бошқа, бачкана куй билан алмашади. Чироқ ўчиб, қайта ёнади.*

### Еттинчи кўриниш

*Зилов ўз уйида хона ўртасида дераза томонга қараб турибди.*

**Зилов:** (телефон рақамларини териб). Ётоқхонами? Илтимос, қирқинчи хонадан Иринани чакириб беринг... Нима? Кўп бўлдими? Буюмларини кўтариб кетди, дейсизми? Институтга кира олдим, билмайсизми? Бугунми? Бир дақиқа! Қабул комиссиясининг телефони борми сизда? Икки йигирма уч ўттиз етти... Раҳмат. (Қайтадан рақам теради.) Қабул комиссиясими? Сизни таҳририятдан безовта қияпти... Кузаков... Ҳа, Кузаков... Сизга илтимос. Институтларингизга Рожкова Ирина Николаевна деган қиз хужжат топширган... Рожкова. Инглиз тили куллиятига... Танловдан ўта олдим, йўқми, шуни билиб берсангиз... Ҳа, зудлик билан... Телефон – беш йигирма қирқ саккиз... Қирқ минут? Раҳмат. Кутамиз. (Гўшакни жойига қўйиб, телефон олдида ўтиради.)

*Чироқ ўчади.*

### Навбатдаги хотирлаш

*Зиловларнинг бири иккинчисидан ўртадаги девор билан ажратилган икки хонали квартираси. Меҳмонлар кутиб олинган биринчи хонада турли қутилар, ов милтигининг ўқлари турган столда ўтирган Зилов овга тайёргарлик кўрмоқда. Деворга осиб қўйилган ов милтиги, ёғоч ўрдаклар ва Зиловнинг фотосурати кўзга ташланади. Иккинчи хонада эса Галина сафарга ҳозирлик кўрмоқда. Столда янги телефон аппарати пайдо бўлган. Галина сафарга ҳозирлик кўришини тугаллаб, чамадон қопқогини ёпади ва стулга ўтириб хаёл суради.*

*Кўшни хонадан Зилов киради.*

**Зилов:** Тайёр бўлдингми? Йўлга чикишдан олдин бир зум ўтирайлик. (Ўтиради.) Телеграмма жўнатдингми?

**Галина:** Ҳа.

**Зилов:** Кутиб олишадими?

**Галина:** Ҳа, кутиб олишади...

**Зилов:** Уларнинг уйдалигига аминмисан?

**Галина:** Ҳа, ҳамиша кимдир уйда бўлади.

**Зилов:** Яхшилаб дам ол. Қўзиқорин тергани олиб боришсин... Амакинг овчи эмасми?

**Галина:** Менимча, йўқ...

**Зилов:** Умуман ов масаласи қалай у ерда? Билмайсанми?

**Галина:** Менимча, яхши. Зўр ўрмон, кўл... (*Тўсатдан*) Бирга борайлик.

**Зилов:** Ўша ергами? Овга-я?

**Галина:** Йўқ, ҳазиллашдим. Сени олиб бормайман у ерга... Сенсиз ўзим мириқиб дам оламан.

**Зилов:** Тўғри, алоҳида-алоҳида кетганимиз маъқул.

**Галина:** Рост айтасан.

**Зилов:** Тезда ов мавсуми бошланади, янги жой кидириб юриш ноўрин. Бир йилдан бери кутаман, таваккал қилиб бўлмайди.

**Галина:** Ҳа... Таваккал қилишнинг зарурияти йўқ. (*Сукут. Ўрнидан туради.*) Мени кузатаман, деб ўтирма. Чамадоним энгил... Таксида кетаман.

**Зилов:** Ихтиёринг... Қачонга кутай сени?

**Галина:** Кутиш? Сен мени кутармидинг?

**Зилов:** Бўлмасам-чи. Қачон келасан?

**Галина:** Қачонлардир келаман...

**Зилов:** Қачонлардир? Бу нима деганинг?

**Галина:** Ҳазиллашдим. Бир ойдан кейин келаман... Хўп, кел, хайрлашайлик.

### *Ўтишади.*

Сенга омад ёр бўлсин. Мени эслаб тур. Баъзи-баъзида. Хайр.

**Зилов:** Хайр... Қайтишингдан олдин албатта телеграмма жўнат. Эшитяпсанми?

**Галина:** (*остонага борганида*). Албатта... (*Чиқиб кетади.*)

**Зилов:** (*бир нафасга ўйланиб ўтириб қолади, сўнг хонани айланиб чиқиб, дераза олдида боради, таиқарига қараб олиб, яна хонани айланиб чиқади. Кейин каравотга ўтириб, телефон рақамларини теради*). Ётоқхонами? Илтимос, қирқинчи хонадан Иринани чақириб қўйинг... Рожкова Ирина Николаевна... Чақирадиган одам йўқ? Бўлмаган гап. Мен институтдан иш юзасидан чақиряпман... Проректор... Ҳа, проректорман... Марҳамат қилинг... Кутаман. (*Диванга ётади. Сукут.*)

### *Телефон эжиринглайди.*

(*Гўшакни кўтариб, бегона овоз билан*) Ўртоқ Рожкова?. Янглишмасам, Ирина Николаевна... Сизни проректор безовта қияпти... Гап шундаки, бизда бир масала чиқиб қолди... Комсомолмисиз? Йўқ? Нега? Бу изоҳмас... Балки, Худога ишонарсиз? Бўлмаса нимага ишонасиз? Буни, сизнингча, ким билиши керак? Мен билишим керакми? Жиддийроқ бўлиш керак, ўртоқ Рожкова, жиддийроқ... Хўп, яхши, сизни институтга қабул қиялпмиз, стипендия берамиз... имтиёзли стипендия. Биласизми, нима учун? Чиройли кўзларингиз учун... Янглишмасам, кўзларингиз кўк... (*Ўз овози билан*) Салом, менинг қувончим... (*Қулади.*) Ўзимман... Чиндан ишондингми? Бўлди, сўкинма... Кўрасан, ҳаммаси худди шунақа бўлади... Уйдаман... (*Дадил*) Гап бундоқ. Тезда меникига етиб кел... Ҳозирнинг ўзида... Ҳа... Бир ўзимман... Ёлғиз бечораман... Жўнаб кетди... Ҳозирча бир ойга... Ҳеч қандай эътироз бўлиши мумкин эмас. Кутаман... Осонгина топасан... Кўрсатган эдим-ку... Ҳа, бекатдан иккинчи уй... Яшил болахона... жуда тўғри. Бешинчи

кават, йигирманчи хонадон... Йигирманчи... Кутаман... *(Гўшакни жойига қўйиб, у ёқдан бу ёққа юради, сўнг дераза раҳига ўтиради.)*

*Галина кириб келади.*

Нима бўлди? Бирон нарсанг эсингдан чиқиб қолибдими?

**Галина:** Йўқ, мен сенга ростини айтмоқчи бўлиб орқамга қайтдим. Мен батамом кетяпман.

**Зилов:** Батамом?

**Галина:** Ҳа.

*Қисқа сукут.*

**Зилов:** “Батамом” – буни қандай тушуниш керак? Бир умргами?

**Галина:** Шундай. Бир умрга.

**Зилов:** Сен буни жиддий айтяпсанми?

*Қисқа сукут.*

Буни ўйлаб топганингга кўп бўлдимми?

**Галина:** Ҳа.

**Зилов:** Демак, бир оғиз айтмасдан кетиб юборишинг ҳам мумкин экан-да?

**Галина:** Бундай қила олмадим, кўриб турибсан.

**Зилов:** Тўғри қилаётганингга ишончинг комилми?

**Галина:** Мени такси кутяпти. Алвидо.

**Зилов:** Тўхтаб тур. Бунақа ишлар шу йўсинда қилинмайди. Бир умрга кетмоқчисан-у, менинг қандай фикрдалигим билан ҳатто қизиқмайсан.

**Галина:** Илтимос, бошқа гаплар ортиқча. Нима кераги бор? Ҳамма гапларни айтиб бўлганмиз... Олти йил давомида... Ортиқ бардош бера олмаман... Алвидо.

**Зилов:** Йўқ, бунақаси кетмайди. “Батамом”, “Бир умрга”, “Алвидо” – буларнинг барини каллангдан чиқариб ташла. Бир ойга кетасан, бундан кўпмас.

**Галина:** Поездга кеч қоламан.

**Зилов:** Тупурдим ўша поездингга. Қайтиб келаман, деб сўз бер. Бўлмаса уйдан чиқармайман... Сўз бер ва манзилингни ёзиб қолдир. Эшитяпсанми?

**Галина:** Қанақа манзил.

**Зилов:** Амакингнинг манзили.

*Қисқа сукут.*

**Галина:** Мен амакимникига кетаётганим йўқ.

**Зилов:** Нима-а? Бўлмаса қаёққа кетяпсан? Кимникига? Болаликдаги дўстингникигами?

*Қисқа сукут.*

Ўшаникигами?

**Галина:** Ҳа.

*Қисқа сукут.*

*Бошини қуйи эгиб ўтиради.*

**Зилов** *(жиғибийрон бўлиб).* Гап бу ёқда экан-да...

**Галина:** Ўзингни гўлликка солма. Қаёққа кетяпман, кимникига кетяпман – сенинг учун бари бир. Бу сени мутлақо ташвишлантираётгани йўқ. Сени аллақачон ҳеч нарса ташвишлантирмай қўйган. Сен учун ҳамма нарса бефарқ. Дунёда ҳеч нарса сени қизиқтирмайди. Сенда юрак деган нарсанинг ўзи йўқ. Гап шунда. Мутлақо юрак йўқ...

**Зилов** *(уни силкитиб).* Сенда-чи, ярамас, сенда борми юрак? А? Қаерда у? Қаерда, деб сўраяпман? Агар бор бўлса кўрсат менга!

**Галина:** Кўйиб юбор... Кўйиб юбор, деяпман.

**Зилов:** Ҳа, шошяпсан... Билиб турибман, менга хиёнат қилишга ошиқяпсан... Йўқ, жин урсин! (*Иккинчи хонага судраб киради.*) Бу унчалик осон гапмас. (*Стулга ўтқазади.*) Ўтир, жойингдан жилма! Бузуқи аёл! (*Болохонага чиқиб қичқиради*) Ҳой, биродар! Ҳайдовчини чақириб юборинг, илтимос.

*Галина бошини қуйи эгган ҳолда ўтираверади.*

Келиши билан айтиб қўйинг. Чамадонни олиб, юқорига кўтарилсин. Раҳмат! (*Орқага ўгирилиб қўшни хона сари чопади. Аммо Галина эшикни ичидан қулфлаб олишга улгуради.*)

Оч! (*Эшикни тақиллатади.*) Оч, деяпман! (*Орқага қайтиб, елиб бориб елкаси билан эшикка урилади. Эшик очилмайди.*) Оч!. Оч, деяпман! Оч! Бўлмаса, ўзингга ёмон бўлади!

*Галина эшик олдига ўтириб йиғлайди.*

(*Бир нафас жим туриб*) Оч эшикни, яхшиликча сўрайман... Қонимни қайнатма, кейин афсус қиласан.

*Галина хўнграб йиғлай бошлайди.*

(*Жим туриб қолади.*) Ҳа, майли. Оч, тегмайман. Ана у дўстингни эса, эшитяпсанми, ўлдираман... Очақол... Ҳеч қаёққа бормайсан... Бу бемаънилик.

*Галина ўрнидан туриб, кўзёшларини артади.*

Менинг хотиним эканлигингни унутма... Шу гапингни эшитишим билан сени бўғиб қўймаганимга ҳайронман. (*Бир нафас жим бўлиб туради.*) Қулоқ сол! Мен сен билан очикчасига гаплашмоқчиман. Очикчасига гаплашмаганимизга кўп бўлди. Масала шунда.

*Галина секин юриб эшик олдидан кетади.*

(*Астойдил эҳтирос билан*) Мен ўзим айбдорман. Буни биламан. Сени шу даражага олиб келган ўзимман... Сени қийнаб юбордим. Лекин, қасам ичиб айтаманки, бунақа ҳаёт ўзимнинг ҳам мана бу еримга келган... Тўғри айтдинг, бу дунёда нима бўлмасин, ҳаммасига бефарқ қарайман. Мен билан нималар бўлаётганини ўзим ҳам билмайман... Билмайман... Наҳот менда юрак деган нарса бўлмаса? Ҳа, ҳа, менда ҳеч нарса йўқ, биргина сен борсан. Буни мен бугун тушундим, эшитяпсан-ми? Сендан бошқа нима бор менинг? Дўстларимми? Ҳеч қандай дўстим йўқ менинг... Аёлларми? Ҳа, улар бўлган. Лекин уларнинг нима кераги бор?! Гапимга ишон, улар менга бир пулга керак эмас... Яна нима? Идорадаги ишимми? Вой, Худойим! Тушунсанг-чи, буларнинг барини юракка яқин олиб бўладими! Мен яккаман, ёлғизман, бу дунёда сендан бошқа ҳеч нарсам, ҳеч кимим йўқ. Ёрдам бер. Сенсиз хароб бўламан... Бирон ёққа кўчиб кетамиз! Турмушни янгидан бошлаймиз, ҳали унчалик қари эмасмиз-ку...

*Ирина пайдо бўлади.*

Эшитяпсанми?

*Ирина тўхтаб қолади.*

Эшитяпсанми?

**Ирина:** Ҳа.

**Зилов:** Истасанг, овга олиб бораман. Хоҳлайсанми?

**Ирина:** Хоҳлайман.

**Зилов:** Жуда соз... У ерда биласанми, нималарни кўрасан? Қасам ичиб айтаманки, бунақа нарсаларни тушингда ҳам кўрмагансан. Фақат ўша

ерларда ўзингни одам деб хис қиласан. Мен сени қайиқда олиб кетаман, эшитяпсанми? Сен қайиғимизни ҳатто кўрмагансан. Нарги қирғоққа ўтказиб қўяман, хоҳлайсанми?

**Ирина:** Ҳа. *(Бу гапларнинг сеҳрига берилгандек, анграйиб туриб қолади.)*

**Зилов:** Аммо, билиб қўй, жуда эрта, тонг ёришмасдан туришимиз керак. У ерда қанақа туман бўлишини кўрасан. Биз, худди тушдагидек, номаълум томонга сузиб кетамиз. Офтоб чикқанда эса... Айтма! Бу манзарани ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайди. Биласанми, қанақа сокинлик. Гўё сен ўзинг ҳам йўқсан у ерда. Ҳа, ҳеч нарса йўқ, ҳеч нарса бўлмайди ҳам... Ўрдакларни ҳам кўрасан. Албатта. Тўғри, мен унчалик мерган эмасман. Лекин гап бунда эмас-ку... Овга биронта аёлни олиб бормаган бўлардим. Фақат сени... Биласанми, нима учун? Чунки, сени севаман... Эшитяпсанми? Оч эшикни!

**Ирина:** Нима, ёпилиб қолганмисан?

*Зилов эшикни итаради.*

Ростдан ҳам. *(Калитни бурайди.)*

*Зилов эшикни ланг очади. Сукут. Зилов ҳайрон, ўзини бир мунча йўқотиб қўйган.*

Нега менга бунақа қараяпсан?

**Зилов:** Жин урсин! Қироличанинг ўзисан! Кўйлагинг бунча чиройли! Ғаройиб! Қаердан олдинг уни?

**Ирина:** Эски кўйлак... Кеча ҳам, ўтган куни ҳам шу кўйлакда эдим-ку...

**Зилов:** Йўғ-е... Барибир бугун бошқачасан... Мен сени ҳеч қачон бунақа кўрмаганман.

**Ирина** *(шодланиб).* Ростданми? Ким сени бу ерга қамаб қўйди?

**Зилов:** Ким дейсанми? Ҳа, қўшнимиз. Ёши катта одам-у, шунақа бемаъни ишларни қилиб юради.

**Ирина:** Сен ростдан ҳам мени шунақа яхши кўрасанми?

**Зилов:** Қанақа?

**Ирина:** Ҳозир айтганингдек.

**Зилов** *(уни қучоқлаб).* Бунга шубҳанг борми?

**Ирина:** Йўқ... Мен эканлигимни қаёқдан била қолдинг? Ё қадамларим товушини биласанми?

**Зилов:** Бўлмасам-чи.

**Ирина** *(ўзини бахтиёр ҳис қилиб).* Ишонсамми-йўқми?

**Зилов:** Нега ишонмаслигинг керак? Сенинг келишингни кутаётган эдим... Лекин, ростини айтсам, келаётганингни болаҳонадан кўрган эдим.

**Ирина:** Овга борадиган жойинг олисми?

**Зилов:** Нима дединг? Ҳа, ҳа, анча олисда. Жудаям узоқда.

**Ирина:** Дадам ҳам мени овга олиб борарди... Нима бўлганда ҳам сен билан бирга бораман. Институтга кираманми-йўқми – барибир бораман. Қачон?

**Зилов:** Нима қачон?

**Ирина:** Овга қачон кетамиз, деяпман?

*Зилов кула бошлайди.*

Нега куляпсан?

*Зилов кулишида давом этиб, жавоб бера олмайди.*

Сенга нима бўлди? Нега куляпсан?

**Зилов** *(кулги аралаши).* Йўқ, йўқ... Менга эътибор берма... Мен шунчаки...



Баъзи нарсаларни эслаб қолдим... Ҳозир... Ҳозир... (Кулишдан тўхтаб)  
Мана, бўлди.

**Ирина** (сергакланиб). Менинг устимдан кулаётганинг йўқми?

**Зилов:** Йўғ-е, нима деяпсан?! Бир латифани эслаб қолдим. Кеча идорада айтиб беришган эди. Бирдан эслаб қолдим. Шунақа ҳам бўлиб туради-ку.

**Ирина:** Менга ҳам айтиб бер.

**Зилов:** Нимани айтай?

**Ирина:** Ўша латифани.

**Зилов:** Арзимамайди.

**Ирина:** Майли. Айтақол.

**Зилов:** Хўп, майли... Эр иш юзасидан сафарга, йўқ, хотин иш юзасидан сафарга кетади... Бор-е, бўлмаган гап.

**Ирина:** Йўқ, гапириб берасан.

*Зилов бошини чайқаб “йўқ” ишорасини ифода этади.*

Нега?

**Зилов:** Сенга мумкинмас. Бамаъни латифалардан эмас.

**Ирина:** Овга қачон кетамиз?

**Зилов:** Озгина қолди.

*Чироқ ўчади.*

*Қоронгиликдан телефоннинг жиринглагани эшитилади. Чироқ ёнади.*

*Телефон олдида ўтирган Зилов гўшакни қулоғига тутаяди.*

**Зилов:** Ҳа...ҳа... Нима? Ҳужжатларини қайтиб олибди? ...Танловдан ўтмабдими? Сиз буни аниқ биласизми? Бир дақиқа! Ҳужжатларини қачон қайтариб олган? Тушунарли... Шошманг, яна бир дақиқа! Сиздан катта илтимос... Айтинг-чи, сиз уни шахсан танийсизми? Ундоқ бўлса, мабодо, тасодифан кўриб қолгудай бўлсангиз, Зилов... Ҳа, Зилов кўнғироқ қилди, деб айтиб қўйинг. Менга албатта кўнғироқ қилсин. Илтимос... (Гўшакни жойига қўяди.) Демак, кетган.

Парда

## УЧИНЧИ ПАРДА

*Зиловлар хонадони. Столда каттакон қопчиқ-рюкзак билан гилоф кийдирилган ов милтиги турибди. Диванда пахталик камзул, полда кирза этиклар ётибди. Дераза ортида ҳамон ёмғир ёгмоқда.*

*Бошига кепка, эгнига свитер билан кенг-мўл шим кийган, яланг оёқ Зилов телефонда гаплашмоқда.*

**Зилов:** Йўқ, ортиқ чидай олмайман... Дима, биласанми, мен нобоп овчиман, лекин, Худо шохид, ёмон ўртоқ эмасман. Мен сенга ўхшаб... Йўқ, кутмайман... Тоқатим тоқ бўлди. Майли... Худо сенга ёр бўлсин... Мотоциклинг ҳам ўзингга... Ҳа, ҳозир, шу дақиқаларда... Ҳа, ёмғирда шибба бўлиб... Бир амалларман... Ключигача автобусда кетаман, у ёғига – пиёда... Пиёда қанақа юриш кераклигини билмайсанми? Тўғри, демак эсингдан чиқмабди... Нима? Қайикми? Ҳар қачонгидек – марҳамат... Ҳа, меники, нима бўпти? Ҳар қачонгидек тенгма-тенг... Йўқ, ҳеч ҳам аяётганим йўқ, бекорга ташвишланыпсан... Бир дақиқа, Дима, сабр қилиб тур! Бир нарсани сўрамоқчи эдим... тўхтаб тур... Ҳа! Кеча менинг башарамга туширган сен эмасмисан? Ҳеч эслай олмаяпман... Йў-ўқ, шубҳа қилаётганим

йўк, шунчаки сўраяпман... Билганимда сўрамаган бўлардим... Майли, кечирасан, бунга эътибор берма... Шунчаки, қизиқ-да. Яна бир қарра узр, хафа бўлма... Хўп, ўша ерда кўришамиз... Кўришамиз... Салом. *(Гўшакни жойига қўйиб, тайёргарлик кўра бошлайди. Этикларни кияди.)*  
Эшик тақиллайди.

Ҳозир!

Эшик ортида овоз. Телеграмма!

**Зилов** *(чиқиб кетади ва телеграммани кўтариб киради, уни овоз чиқариб ўқийди).* “Қадрли Алик! Энг яхши дўстимиз Зилов Виктор Александровичнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдирамиз... Бир гуруҳ ўртоқлар...” *(Сукут)* Бир гуруҳ ўртоқлар... Ана сенга... *(Телеграммани шошмасдан майдалаб йиртади.)*

*Мотам куйи эшитилади ва у тезда шўх куй билан алмашади. Қоронғида саҳна ўзгаради. Чироқ ёниб, куй тўхтайтиди.*

### Охирги хотирлаш бошланади

*“Незабудка” кафеси. Иккита стол бирлаштирилган. Официант дастурхон тузайди. Қора кастюм кийган Зилов аллақандай тантанали, ҳаяжонланган қиёфада ўтирибди.*

**Зилов:** Хуллас. Яна бир жуфт шампан виноси. Бўлмасам-чи. Ахир биз учун байрамми-йўкми?

**Официант:** Қанча одам бўлади?

**Зилов:** Етти киши.

**Официант:** Кимлар?

**Зилов:** Ҳар қачонгидек. Дўстлар! Яна ким бўлиши мумкин? Ростини айтсам, уларни кўргим йўк.

**Официант:** Нима, аразлашиб қолдиларингми?

**Зилов:** Аразлашиб дейсанми? Шунга ўхшаш... Балки бунақамасдир... – Э-э, бизларни тушуниб бўлармиди? Мана, биз иккимиз дўстмиз. Шундай бўлатуриб, сени бир чакага сотиб юбораман. Кейин икковимиз учрашиб қоламиз-у: “Қария, мен сени яхши кўраман. Озгина пулим бор, сен билан бирга ичким келиб қолди”, – дейман. Бирга ўтириб ичамиз. Кейин, бу пул менга қаёқдан келганлигини яхши билганинг ҳолда, мен билан кучоклашасан, ўпишасан. Барибир мен билан ўтириб ичасан, чунки, сен учун бунинг аҳамияти йўк... Эртага сен мени кутиб оласан ва бари қайтадан бошланади... Мана шунақа, оғайни. Сен бўлсанг, аразлашиб қолдиларингми, дейсан... Хуллас, уларни кўргим йўк.

**Официант:** Шунақа экан нега таклиф қилиб ўтирибсан?

**Зилов:** Шунчаки ўз кўнгилхушлигим учун.

**Официант:** Тушунмадим.

**Зилов:** Ҳар жиҳатдан бахтли бўлиш учун. Ўзинг ўйлаб кўр, бугун уларнинг башараларига қараб ўтираман, эртага эса овда бўламан – фарқи нима.

**Официант:** Ғалати одамсан.

**Зилов:** Эртага барвақт кетишга ҳаракат қиламиз, ов тўғрими? Соат олтиларда-а, нима дейсан? Вақтли кетсак, кечга қадар етиб борамиз.

**Официант:** Улгурамиз. Овга расмий равишда индинга рухсат берилади.

**Зилов:** Гап шунда-да. Демак, эртага ўша ерда бўлишимиз шарт. Акс ҳолда, биринчи овни ўтказиб юборамиз.

**Официант:** Ташвишланаверма, улгурамиз.

**Зилов:** Жин урсин, бир сутка ўтар-ўтмас қайиқда ўтирган бўламиз-а? Сокинликда. Туман кўйнида. Озгина ичгин, Дима. Илк ов учун ичиб юбор.

**Официант:** Витя, қистама, мен ишдаман.

**Зилов:** Ахир бугун охирги кеча. Таътилга чиқдим, деб ҳисоблайвер.

**Официант:** Йўқ, дедим-ку. Ҳали ҳисобат беришим, пулларни топширишим керак. Умуман менинг қонунимни ўзинг биласан.

**Зилов:** Ҳозир ўша қонунингни йиғиштириб қўй. (*Стаканни унга тутуди.*) Битта... Илк тонг учун.

**Официант:** Бир култум ҳам ичмайман. Эртага – марҳамат. Қанча десанг...

**Зилов:** Майли... Виждонан айтадиган бўлсам, бу қаҳвахонанг медамга тегди. Худога шукурки, биз уни роса бир ой кўрмаймиз. Шундай қилиб ўрдак ови учун! (*Ичади.*) Бу сафар овим ўнгидан келишини юрагим сезиб турибди.

**Официант:** Хаёлий хиссиётлар – бўлмаган гап. Отишни билмасанг, бу хиссиётлар ёрдам бера олмайди. Нишонга қандай уролмаган бўлсанг, шундай уролмай қолаверасан.

**Зилов:** Дима. Мен қачонгача нишонга уролмай қолавераман? Наҳот бу сафар ҳам...

**Официант:** Витя, мен сенга юз марта тушунтирганман: ўзингни кўлга олиб, тинчланмаганингча нишонга уролмайсан.

**Зилов:** Бу нимаси-а? “Ҳаяжонланма”, “Тинчлан”! Дима, нима, мени майна қилмоқчимисан? Тўғри, кўз керак, сеникига ўхшаган кўл керак, бунга ақлим етади...

**Официант:** Витя, кўзларинг жойида, кўлларинг ҳам бинойидай, барини яхши тушунасан. Аммо отишга келганда нўноқсан. Нега? Ов шунақа нарсаки, уни эгаллай олиш керак. Шошмасдан, ҳаяжонланмасдан, асабийлашмасдан, осойишталик билан... Масалан, сувда деяйлик. Хўш сен нима қиласан?

**Зилов** (*ўрнидан туриб*). Нима қилардим?

**Официант** (*унинг гапини бўлиб*). Мана, кўрдингми, ҳалитдан ўрнингдан туриб кетдинг, бу нимага керак? Шошмасдан, ҳовлиқмасдан, саришталик билан қилиш керак барини.

**Зилов:** Осмонда учиб кетаётган бўлса-чи? Бунда ҳам шошмаслик керакми?

**Официант:** Нега энди? Бунда тезкорлик зарур. Лекин яна осойишталик талаб этилади. Қандай тушунтирсам экан? Гўё улар табиатда эмас, суратда учиб кетаётгандек.

**Зилов:** Лекин улар суратда эмас-ку! Улар тирик паррандалар-ку.

**Официант:** Улар нишонга уролмаганлар учун тирик. Нишонга урадиганлар учун ўлиб бўлган. Фараз қиляпсанми?

**Зилов** (*енгилтаклик билан*). Тушунарли... Яна озгина ичиб олай. Ҳаяжонланмаслик учун ичаман. (*Ичади.*) Бу сафар бари (*бош бармогини кўрсатиб*) мана бундай бўлади. Ўзинг кўрасан...

**Официант** (*қулимсираб*). Ҳа, кўрамиз... Оби-ҳаво айнимаса бўлгани.

**Зилов:** Йўғ-е. Нафасингни совуқ қилма.

## Қисқа сукут.

**Официант:** Витя, хотининг кетганмиш.? Шу ростми? Битта ўзинг қолган эмишсан?

**Зилов:** Нимага сўраяпсан? Калит керак бўлиб қолдимми? Бир ўзим эмасман. Қайлиғим билан бирга турибман.

**Официант:** Қайлиқ дедингми? (*Илжайиб қўяди.*) Чакки эмас.

**Зилов** (*асабийлашиб*). Нега тиржайяпсан? Балки у билан бирга ётгандирсан?

**Официант** (*хайрон бўлиб*). Бемаъни гапни гапирма. Сенга нима бўлди?

**Зилов:** Ҳеч нарса. Сен ўрни келмаган жойда бекорга тиржайма. Қайлиқ, дедимми, қайлиқ. Мен унга уйланмоқчиман, тушундингми?

**Официант:** Нима, мен қарши эканмани?

**Зилов:** Менга қара, яна икки шиша олиб кел. (*Ёнидан пул олиб, унга беради.*) Йилига бир марта яйраб ўтиришга ҳаққим борми?

**Официант:** Албатта, Витя. Ўзингга ўзинг хонсан, ҳар қачонгидек, билганингни қиласан.

*Вера билан Кузаков пайдо бўлишади. Веранинг қўлида бир неча дона қўқонгул.*

**Кузаков:** Аликларга салом.

**Зилов:** Салом, салом.

**Официант:** Салом.

**Зилов:** Ўтиринглар.

**Вера** (*Зиловга*). Қаранглар, бугун у қанақа башанг.

**Кузаков:** Гап йўқ, хушсураг.

**Вера:** Гўё туғилган кунини нишонлаётгандек.

**Кузаков:** Шаҳзода.

**Зилов:** Бўлди. Лақиллашни бас қилингллар. Столга ўтиринглар.

**Вера** (*гулларни официантга бериб*). Алик, илтимос, гулдонга солиб кел.

**Официант** (*илжайиб*). Хўп бўлади. (*Кетади.*)

**Кузаков** (*Верага*). Сен у билан танишмисан?

**Вера:** Афсуски, шундай.

**Зилов:** Яхшиси сен ундан, ким билан таниш эмассан, деб сўра.

**Кузаков:** У менга ёқмайди.

**Вера:** Менга ҳам. Лекин, мен уни танитайман дейишнинг нима кераги бор?

**Зилов:** Қўйинглар, у зўр йигит. (*Кузаковга*) Сен уни рашк қиласан шекилли?

**Кузаков** (*Верани бағрига тортиб*). Ҳақсан. Ростдан ҳам рашк қиламан.

**Вера:** Бунинг нимаси ёмон? (*Кузаковни қучган бўлади.*)

**Зилов:** Нақадар хушмуомала... (*Кузаковга истеҳзо билан*). Унга уйлансанг бўлармиди.

**Кузаков:** Биласанми, худди шундай қиламан.

**Зилов** (*ажабланиб*). Жиддий гапиряпсанми?

**Кузаков:** Нима, сен бунга қаршимисан?

**Зилов** (*яна истеҳзо билан*). Мен қарши эканманми? Нима деяпсан, аксинча. Оқ фотиҳа беришим мумкин.

*Валерия, Саяпин ва Кушак келишади.*

**Саяпин:** Аликларга салом!

*Саломлашишади. Официант вино ва гулларни олиб келиб, столга қўйиб кетади.*



**Зилов:** Дастурхонга марҳамат. Жойлашиб олинглар. Вадим Андреевич, мана бу ерга ўтиринг.

**Кушак:** Ҳа, мен шу ерга ўтирай. Таътилга чикқан одамнинг ёнида ўтирганим маъкул. *(Зиловнинг ёнига ўтиради.)*

**Зилов:** Мана, жамоат жам. Ҳозир қайлигим ҳам келиб қолади.

**Валерия:** Қайлик?

**Зилов:** Нима бўпти? Балки бу сизга маъкул бўлмаётгандир?

**Валерия:** Ҳар қалай мутлақо кутилмаган янгилик...

**Вера:** Қайлигинг борми?

**Зилов:** Худди шундай. Сенинг куёвинг бор экан, нега менинг...

**Валерия** *(унинг гапини бўлиб)*. Яхши, яхши. Қайлиқ бўлса қайлиқда. Лекин бизни таклиф қилган экансан, олдиндан ичмай сабр қилиб турсанг бўлмасмиди.

**Зилов:** Гап бундай. Ҳозир қайлигим келади-ю, ичишни бошлаймиз. Биргаликда ичишмаганимизга анча бўлди, тўғрими, Вадим Андреевич?

**Кушак** *(ўзини ноқулай ҳис қилиб)* Ўзингизга маълум, мен бу соҳада унчалик...

**Зилов:** Ҳеч нарса маълум эмас. Менимча, сиз кечаси уйда ичсангиз керак.

**Валерия:** Бўлмаган гап. Бизнинг орамизда алкоголик бўлмаган ягона эркак бу – Вадим Андреевич.

**Саяпин:** Биродарлар! Нима кўраяпман? Столга қаранглар!

**Зилов:** Нима бўлибди?

**Саяпин:** Қискичбақа!

**Валерия:** Қискичбақа? Ғаройиб! Тангилик бу!

**Кушак:** Ҳозир қискичбақалар ростдан ҳам камёб бўлиб қолди.

*Чиройли, гулдор кўйлак кийган Ирина пайдо бўлади. Кўтаринки кайфиятда.*

**Ирина:** Хайрли кеч.

*Саломлашишади.*

**Зилов:** *(тундлик билан)*. Қаерда эдинг?

*Иринанинг юзидаги қувноқлик аломатлари сўнади. Жавоб бермайди.*

Бўпти. Бу ёққа кел.

*Ирина унинг ёнига боради.*

*(Ҳаммага қарата.)* Мана. Танишинглар. Исми Ирина. *(Иринага)* Танишиб кўй. Бу киши – Вадим Андреевич.

**Кушак:** Ғоят мамнунман.

**Зилов:** Бизнинг хўжайинимиз, яъни раҳбаримиз. Ўта кўнгилчан одамлардан.

*Ирина ҳаммага бир-бир енгилгина бош эгиб, мамнуният билдиради.*

Бу киши – Саяпин. У ҳам йирик арбоб... *(Валерияга ишора қилиб)* Унинг жанжалкаш рафикаси... Улар эса... Кузаков. Ҳозиргина аниқлашимча, куёв йигит... *(Вера тўғрисида.)* У эса... ўзинг кўриб турибсан. У ҳам, келинчак экан... Бари менинг энг яхши дўстларим.

**Ирина** *(майингина)*. Ғоят хурсандман.

**Зилов:** Улар ҳам ғоят хурсанд. *(Барчага)* Ёки сизлар хурсанд эмасмисизлар?

*Қисқа сукут. Зиловнинг якка ўзи ичади.*

**Кузаков** *(истеҳзо билан)*. Қалай, яхши кетдимми?



**Зилов:** Яхши кетганда қандоқ.

**Кузаков:** Сен бизни қандай ичишингни кўрсатиш учун чақирганмисан бу ерга?

**Зилов:** Йўғ-е. Ҳушёр одамларни кўриш учун таклиф қилганман.

**Валерия:** Ҳали яна узоқ қараб ўтирасанми?

**Зилов:** Йўқ. Етарли. Энди ичишингиз мумкин. Бўлғувчи ов учун. Олдиндан огоҳлантириб қўяй, бугун ҳаммангиз фақат ов учун ичасизлар. Фақат ов учун.

*Қисқа сукут.*

**Кушак:** (*эҳтиёткорлик билан*). Виктор, тушунаман, ов – сен учун сеvimли эрмак, хобби. Лекин...

**Зилов:** (*унинг гапини бўлиб*). Қанақа эрмак, жин урсин! Ов – бу ов! (*Тўнгиллаб*) Хоббимиш! Келинглр, бунақа бемаъни гаплардан кўра, ов мавсумининг очилиши учун ичайлик.

**Валерия** (*Зиловга*). Сен шу овинг билан ақлдан озганга ўхшайсан.

**Кушак:** Ростдан ҳам. Бу ерда ўтирганларни ҳар бирининг ўзи кизиқадиган нарсаси бор, деб ўйлайман. Шундай экан... Ахир биз сенинг меҳмонларингиз....

**Зилов:** Бўлмаган гап. Фақат ов учун ичасизлар, гап тамом-вассалом! Бўлмаса бу ерга нега тўпландингиз?

*Зиловнинг эс-ҳуши ҳозирча жойида.*

**Кузаков:** Тушунмаяпман, сен нима истайсан? Ўринларингдан туриб кетинглр, демоқчимисан?

**Саяпин:** Йўғ-е, Витя ҳазиллашяпти. Ҳар қачонгидек. Нима, унинг қанақалигини билмайсизларми?

**Зилов:** (*Иринага*). Мана бу улфатларга қарагин. Қанақа жиддий, салобатли бари! Улар ичишмайди, бирон нарса ейишмайди. Уларнинг миясида батамом бошқа нарсалар. Менга қандай яшаш кераклигини ўргатиш учун келишган бари.

**Вера:** Етар! Меъдамга тегди бари!

**Зилов:** Меъдамга тегди, дейсанми? Албатта! Сен узоқ гаплашишга ўрганмагансан.

**Ирина** (*алаҳсираб қолган ҳолатда, секин*). Бас қил...

**Зилов:** Тўхтаб тур! Сен уларни билмайсан. Улар шунақа олий жаноб одамларки, хатто мен билан бир стол атрофида ўтиришга ҳазар қилишади. (*Верага*) Тўғрими, Верочка? Мана, ҳозир ҳам номус қилганингдан ерга кириб кетгундек бўлиб ўтирибсан, тўғрими? Ахир сен келинчагимизсан. (*Кулади.*)

**Кузаков** (*ўрнидан туради*). Менга қара! Мен сени қачондан бери билган бўлсам, ҳамон бузғунчилик қилиб келасан. Тагин нима бўлди? Бу сафар мақсадинг жиддийроқ кўринади. Худо кўрсатмасин, жанжал бошланиб кетиши ҳам ҳеч гапмас.

**Вера:** Қачон жанжал бошланади, деб кутиб ўтираимизми? Балки, кетганимиз маъқулдир?

**Зилов:** Йўқ, нега энди? Шошмай турингизлар. Дийдорларингизга тўйиб олайлик. Сиз икковингиз шунақа ажойиб жуфтликларсизки. Сизларни телевизорда кўрсатиш керак. Айниқса келинпошшони.

**Ирина.** Виктор!

---

*Кузаков ўрнидан туриб, Зилов сари юради. Саяпин ҳам жойидан туриб, Зиловнинг иккинчи томонига ўтади.*

**Вера** (*ўрнидан сапчиб туриб*). Тегманглар унга!

*Кузаков билан Саяпин тўхташади.*

Маст одамни урмоқчисанларми?! У тўғри айтяпти.

**Валерия** (*Верага*). Нима деяпсиз? Ҳаддидан ошиб кетди-ку! У ўзини қўшоғиз милтиғи билан ўша ботқоқдаман, деб фараз қиялпти шекилли.

**Кушак** (*Зиловга*). Виктор! Сен ростдан ҳам ҳаддингдан ошиб кетдинг! Сен ўрмонда эмассан. Бу ер жамоатчиликнинг жойи, оилали кишилар, қизлар ўтиришибди...

**Зилов:** Ҳа-ҳа. Албатта! Оила, оила дўсти, келинчак, қайлиқ – узр сўрайман... (*Фамгин*) Бас қилингизлар. Кимни алдамоқчи бўляпсизлар? Нима учун? Шунчаки одаб сақлаш учунми? Бўлмаса эшитинглар: Тупурганим бор ўша одобларингга! Эшитяпсизларми? Тартиб ва одобларингиз мана бу еримга келди

**Ирина** (*Зиловни силкитиб*). Виктор!

**Кушак** (*газабнок бўлиб*). Бу энди! Риёкор эмасман-у, лекин бу энди ҳаммасидан ошиб тушди! (*ўрнидан туради*.)

**Зилов** (*Кушакка*). Ҳа, албатта! Сиз бу оқшомни маданиятли, тинч-тоғув, кўнгилли ўтказиш ниятида келгансиз. Қарабсизки, бунақа бемаънилиқ. Шунақами? Яхшиси, тўғриси айтинг-чи, бу ерга нимага келдингиз? Хўш, нимага?. Жимсиз? Сизга нима кераклигини мен ўзим айтаман. Сизга қиз керак. Шунинг учун бу ерга қадам ранжида қилдингиз.

**Кушак:** Бас қилинг, безори!

**Ирина:** Виктор!

*Официант келади.*

**Официант:** Витя, шовқин қилма, қария. Бу ерда шовқин қилиш ман этилган...

**Зилов** (*юлқиниб ҳаммага қарата*). Майнавозчилик қилмаларинг. Етар, бас! Қиз керакми – айтинглар.

**Валерия:** Беадаб, сурбет!

**Зилов** (*Кушакка*) Қиз керакми марҳамат! Хоҳлаганингизни олинг. (*Верага ишора қилиб*) ана уни, ёки (*Валерияга ишора қилиб*) ана уни олсангиз ҳам бўлаверади (*Саяпинга ишора қилиб*) У йўқ демайди, жон-жон деб рози бўлади. Нима бўпти? Ахир оила дўстисиз-ку.

**Ирина** (*Зиловни силкитиб*). Овозингни ўчир! Бўлмаса, кетаман.

**Валерия:** Сурбет! (*Саяпинга*) Нимага безрайиб турибсан? Бизни ҳақорат қиялпти, эшитмаяпсанми!

*Саяпин Зилов сари юради, лекин уни официант тўхтатиб қолади.*

**Официант:** Тўхта-тўхта, тинчлан. Бу ерда мумкинмас.

**Зилов** (*Кушакка*). Нимага қараб турибсиз. Танланг.

**Ирина** (*ноумид илтижо билан*). Кетяпман, эшитяпсанми!

**Валерия:** Сурбет! (*Кушак билан Саяпинга*). Юринглар, кетдик.

*Валерия, Кушак ва Саяпинлар ташқарига қараб юришади. Вера билан Кузаков уларга эргашади.*

**Зилов:** (*қичқириб*). Тўхтанглар!

*Чиқиб кетаётганлар тўхташади.*

(*Иринани қўлидан ушлаб, ўрнидан тургазади*). Мана сизга яна биттаси! Уни ҳам олинг, ушланг!

**Ирина** (*қичқириб*). Виктор!

**Зилов:** Тавсия қиламан! Ун саккиз ёшда. Ажойиб зот. Қайлик. Хўш! Нега ханг-манг бўлиб қолдингиз? Бефойда, деб ўйлайсизми? Бўлмаган гап! Менга ишонаверинг, бу оддий бир нарса!

**Официант:** Тинчлан, тинчлан... (*Уни стол томон жилдиради.*)

*Ирина Зиловга даҳшат билан қараб қолади.*

**Кузаков** (*Иринага*). Биз билан юринг...

**Зилов:** Жуда тўғри. Уни олиб кетинглар, даф бўлинглар!

**Валерия:** (*остонага етганида*). Телба!

**Саяпин:** Қонунбузар!

*Кушаков, Вера, Кузаков, Валерия ва Саяпинлар чиқиб кетишади. Официант Зиловни столга ўтқазади. Ирина довдираган бир ҳолатда, нима қиларини билмай хона ўртасида туриб қолади.*

**Зилов** (*чиқиб кетганларнинг орқасидан*). Жуда соз! Итвачча ажиналар сари йўқолинглар! Энди менга бир пулга керак эмассизлар! Кўргим йўқ сенларни! Аблахлар! Аликлар! Башараларинг курсин! (*Ароқ қуйиб бир кўтаришида ичиб юборади. Ана шундан кейин гирт маст бўлади. Иринага қараб.*) Улар билан бирга сен ҳам даф бўл!

**Официант:** Уни бекорга хафа қиялсан. Мен сенинг ўрнингда бўлганимда бунақа қиз билан бу даражада гаплашмаган бўлардим.

**Зилов:** Сен ўзинг кимсан? Эҳ, малайсан, малай... Сен етишмай тургандинг. У сенга керак бўлса, олақол. Менга барибир. У ҳам ўшаларга ўхшаган ярамас. Ҳозир бўлмаса, кейин бўлади. У учун ҳаммаси ҳали олдинда...

**Официант** (*Иринага ўзи учун, Зилов учун узр сўрагандек бўлиб*). Эс-хушини батамом йўқотди. Нима деяётганини ўзи билмайди.

**Зилов:** (*Иринага*). Нега менга бунча тикилиб қолдинг? Мендан сенга нима керак? (*Официантга*) Ҳой, малай! Мана буни йўқотгин бу ердан. Ўзинг ҳам кет. Ёлғиз ўзим қолмоқчиман... Биронтангизга ишонмайман, эшитялсанми?

*Ирина секин юриб, чиқиб кетади. Зилов бошини столга қўйиб, жим бўлиб қолади.*

**Официант** (*Зиловнинг ёнига келиб, биқинига туртади ва унинг бошини кўтариб*). Мен малайманми?

**Зилов:** (*гангиган бир ҳолатда*). Нима бўлди?

**Официант:** Мен малайманми? Мен-а?

**Зилов:** Сенми? Бўлмасам-чи? Бошқа кимсан?

*Официант атрофга қараб олиб, унинг юзига мушт туширади. Зилов стуллар орасига йиқилади. Официант стол устини йиғиштира бошлайди.*

*Кузаков билан Саяпин киришади.*

**Саяпин:** Қани у?

**Официант** (*ерда ётган Зиловни кўрсатади*). Тайёр бўлди. Қимирлашга холи йўқ.

**Саяпин:** Қахрамон!

**Кузаков** (*Зиловни ердан кўтариб, Саяпинга*). Ёрдамлашиб юбор.

**Официант:** Яхшиям сизлар келдинглар. Мен у билан банд бўла олмайман. Хизматдаман. (*Патнисни кўтариб кетади.*)

*Кузаков билан Саяпин Зиловни ўрнидан тургазиб, стулга ўтқазишади ва уни ҳушига келтиришига ҳаракат қилишади.*

**Кузаков:** Хой, жанжалкаш, кўзингни оч.

**Зилов** (*гарангсиб*). Нима гап?

**Кузаков:** Уйга борамиз.

**Зилов:** Уйга? Нега? У ерда нимама колибди? Йўқ, уйга боргим йўқ. Ҳеч қаёққа боргим йўқ. Шу ерда қоламан. Қарор қатъий!

**Саяпин** (*Зиловнинг қулогига қичқириб*). Хой, тун бўлди. Кафе ёпиляпти. Ярим кеча бўлди, деяпман! Тун!

**Зилов:** Тун? (*Бирдан жонланиб*) Қани тун? Тун бўлганлигини қаерда кўряпсан? Тунда қоронғи бўлади. (*Очиқ эшикдан кўриниб турган, чироқлар билан ёритилган кўчага ишора қилади.*) У нима? Кўриб турибсан, кундуздагидек чароғон. Йўқ, бари жонимга тегди. (*Яна ҳушини йўқотади.*)

**Кузаков:** Ўлгудек маст... (*Зиловга*) Ўзинг юра оласанми?

**Зилов:** Ҳа, ҳозирча юра оламан. Аввал ичамиз. Ичиб, кейин кетамиз... (*Тўсатдан*) Шошманглар! Қайлиғим қани?

**Саяпин:** Қайлиғинг энди эсингга келибди-да!

**Зилов:** Қайлиғим қани? Қани у? Қайтаринглар уни! Қайтаринглар! Биз у билан планетарийда никоҳдан ўтамиз...

*Кўчада шовқин кўтарилиб, ёмғир ёға бошлагани кўринади.*

**Саяпин:** Ёмғир ёға бошлади.

**Кузаков:** Ёмғир остида олиб кетамиз. Кетдик!

*Улар Зиловни стулдан кўтаришади, у қаршилиқ кўрсатади.*

**Зилов:** Қаёққа олиб кетаяпсанлар?

**Саяпин:** Планетарийга. Қонуний никоҳдан ўтасан.

**Зилов** (*қаршилиқ кўрсатиб*). Истамайман.

**Кузаков** (*Саяпинга*). Тўхтаб тур... (*Зиловга қичқириб*) Хой, безори! Эртага овга кетишинг керак. Эсингдан чикдимми?

**Зилов:** Овга? (*Ҳушига келгандек*) Жин урсин! Рост айтасанлар, шошилиш керак. (*Оёққа турар экан, йиқилиб кетай дейди.*)

*Кузаков билан Саяпин уни суяб қолишади.*

**Кузаков:** Мурда. Кўлтиғидан ушлайлик.

**Саяпин:** Мурда?

**Кузаков:** Бўлмасам-чи, мурданинг ўзи. Кўлда кўтариб кетиши-мизга тўғри келади, шекилли.

**Саяпин** (*кафтларини бир-бир ишқалаб*). Мурдача! (*Кулади.*) Менда ажойиб бир ғоя пайдо бўлди. (*Кулади.*) Эртага унга ажойиб томоша кўрсатамиз!

**Кузаков:** Қанақа томоша?

**Саяпин** (*бош бармогини кўрсатиб*). Мана бунақа! Кутилмаган совға бўлади. У бизга бугун томоша кўрсатди. Биз унга эртага кўрсатамиз! Мурдача! (*Хохолаб кулади.*) Кетдик.

*Кузаков билан Саяпин Зиловни кўлтиғидан кўтариб олиб чиқиб кетишади. Ёмғир товуши кучаяди. Мотам мусиқаси эшитилади. Саҳна бир неча сонияга қоронгилашади, сўнг биринчи кўринишдаги икки прожектор бирин-кетин ёнади. Биринчи хирароқ нур эшик олдида биринчи кўринишдаги ҳолатда турган Зиловни ёритади. Иккинчи прожектор эса хона ўртасидаги доирага нур сочади. Ҳозир бу ерда Зиловнинг биринчи кўринишдаги хотираси намоён бўлади.*

*Бу саҳна бошидан охиригача мотам куйи жўрлигида давом этиши лозим.*

*Доирада прожекторнинг ёрқин нури остида Кузаков билан Саяпин пайдо бўлишади.*

**Саяпин:** Йўғ-е, нима деяпсан. Бўлиши мумкин эмас.

**Кузаков:** Шубҳасиз.

**Саяпин:** Йўғ-е, ҳар қачонгидек ҳазил қилган.

**Кузаков:** Афсуски, бу сафар иш жиддий. Бундан жиддийроқ бўлмайди.

**Саяпин:** Кел, баҳслашамиз, у шунақа овоза тарқатиб, ҳозир ўзи “Незабудка”да ўтирибди.

*Вера билан Валерия, уларнинг кетидан Кушак пайдо бўлишади.*

**Валерия:** Буни қаранг-а, кечагина овга кетишга ҳозирлик кўриб қўйган, ҳазиллашиб ўтирган эди... Кечагина-я! Бугун эса?!

**Вера:** Ундан бунақасини кутмаган эдим. Алиқларнинг алики эди...

**Кушак:** Қандай бахтсизлик! Ҳеч қачон ишонмаган бўлардим. Лекин, биласизми, сўнгги пайтларда у ўзини батамом бошқача тута бошлаган эди... Риёкор эмасман-у, аммо шуни айтишим керакки, у ўзини ўта ғалати тута бошлаган эди... Ўта бепарво, бепарқ десаммикин. Бу эса яхшиликка олиб келмайди.

*Барчаси зойиб бўлади. Галина, унинг кетидан Ирина пайдо бўлишади.*

**Галина:** Ишонмайман, ишонмайманан. Нега бунақа қилиб қўйди?

**Ирина:** Нима учун?

**Галина:** Айт-чи, у сени яхши кўрармиди?

**Ирина:** Мен билмасам...

**Галина:** Биз биргаликда олти йил яшадик, лекин уни сира тушуна олмадим. Биз иккимиз дўстлашамиз, хўпми?

**Ирина:** Яхши.

*Йиғлаб кўришишади.*

**Галина:** Мен бу ердан кетаман, батамом кетаман... Хат ёзасанми?

**Ирина** (*йиғи аралаш*). Яхши...

*Галина зойиб бўлади. Кушак билан официант пайдо бўлишади.*

**Официант:** Синглим, Бундай ҳолатда ёлғиз қолганингиз ярамайди.

**Кушак:** Шундай, лекин... Йўқ, албатта. Ҳар қалай...

**Официант:** Биз сизни соат олтида “Незабудка”да кутамиз. Келасизми?

**Ирина** (*йиғи аралаш*). Яхши.

*Барча кетади. Кузаков пайдо бўлади.*

**Кузаков:** (*хаёлчан*). Ким билсин... Бундоқ ўйлаб қарасанг, хаёт бой берилган... (*Ғойиб бўлади.*)

*Бирин-кетин мотамсаро Галина, Кушак, Кузаков, Саяпин, Валерия ва официант, улар сўнгидан гулчамбар кўтарган бола ўтиб кетишади.*

*Тўсатдан ҳар иккала прожектор сўниб, муסיқа тинади. Саҳнада бир-икки сонияли қоронғилик ҳукм суради.*

*Саҳна ёришади. Зилов ўз хонасида чала очилган дераза олдида узоқ вақт қимирламай туради. Дераза ортида ёмғир ёғмоқда. У деразани ёпмоқчи бўлади, лекин тўсатдан уни ланг очиб қўяди.*

**Зилов:** (*деразадан бошини чиқариб қичқиради*). Витька! Қаёққа кетяпсан? Дарсларинг нима бўлади? Бажариб қўйганмисан? Яша! Нима? Ташвишланма, бари жойида... Бўпти, боравер. Яхши қол, Витька. Алвидо. (*Деразани ёпади, сўнг бошидан кепкасини ечиб, полга отади. Телефон ёнига келиб, рақамларни теради.*) Дима? Биласанми, мен бормайдиган бўлдим... Йўқ, сени огоҳлантириб қўймоқчиман. Умуман бормайман. Шунга қарор



қилдим... Бошқа режаларим бор. Ҳа, бошқа жойга... Йўғ-е, Сенга тенглашиб бўлармиди... Менга қара, ҳозир нима билан машғулсан? Сени уйга таклиф қилмоқчиман... Жанозамга... Менинг жанозам... Йўқ, жонимга тегди. Балки мен унинг жонига теккандирман. Икковидан бири... Гапнинг қисқаси, сени жанозамга таклиф қиляпман. Ҳа-да, кўшни сифатида... Кўчани кесиб ўтишга эринасанми? Ичадиган, дейсанми? Нега бўлмасин, бўлади... Келасанми? Демак, келишдик. (Гўшакни қўяди, сўнг яна уни кўтариб, рақамларни теради.) Менга Саяпин керак... Салом, Зиловман... Ҳа, тирикман... Олдим, раҳмат. Ғоят кулгили... Кузаков ҳам ўша ердами? Жуда соз... Яшанглар. Кулгидан ўлай деб қолдим... Албатта... Ҳаммаси тўғри, азаматлар... Хўш, бўлмаса, жанозамга келинглар... Бўлмасам-чи. Ахир бу ишни охирига етказишимиз керак-ку... Мен нима деяпман? Жанозамга келинглар, деяпман. Нима қиламиз деганинг нимаси? Одатимизга кўра, ичамиз, овқатланамиз... Ҳозирнинг ўзида... Келяпсанларми? Жуда соз. (Гўшакни жойига қўйиб, столга ўтиради ва қозғоз билан ручка олиб, нималарнидир ёзиб қўяди, сўнг ўрнидан туриб, қопчиқдаги ўқлик камардан бир дона ўқ олиб, шошилинч равишда милтиқни ўқлайди. Стулга ўтиради, милтиқни полга қўйиб, тигини кўксига қадайдди. Аввал бир қўли, кейин иккинчи қўли билан тепкига бармоқ босиб кўради. Стулни столга яқин келтириб қўяди. Милтиқнинг қўндоғини столга тираб, тигини кўксига қадайдди. Шундан кейин милтиқни бир чеккага қўйиб, ўнг оёғидаги этикни, сўнг пайпоғини ечиб, яна милтиқни стол билан кўкраги оралиғига қўйиб, оёғининг бармоғини тепкига теккизиб кўради.

Телефон жириглайди. У эса қимирламай ўтираверади. Телефон узоқ жириглайди. Ниҳоят ўрнидан туриб, милтиқни қўлидан қўймаган ҳолда иккинчи қўли билан гўшакни кўтаради.)

Эшитаман... Гапиринг, эшитаман... Гапирсангиз-чи! (Қаттиқ ҳаяжонланиб) Ким бу? Ҳой, менга қаранг, сиз билан ҳазил қиладиган ҳолатда эмасман...

Эшикни тақиллатмасдан Кузаков билан Саяпин кириб келишади. Улар Зиловнинг қиёфасию гапириш оҳангидан бир мунча ҳадиксираб, остонада туриб қолишади. Зилов орқасини ўгириб тургани учун уларни кўрмайди.

Ким бу? Ким кўнғироқ қиляпти? Жавоб беринг! (Гўшак тутган қўлини настга тушуриб, бир нафас туриб қолади, сўнг гўшакни қолдириб, стол ёнига қайтади. Стулни жойига суриб қўяди. Айни шу пайтда Кузаков унинг қўлидаги милтиққа ташланади. Зилов сапчиб ўрнидан туради.)

Қисқа сукут.

**Зилов:** Бу ёққа бер! (Кузаковга ташланади.)

Тортишиб кетишади.

**Саяпин:** Витя... Витя... Сенга нима бўлди?

Кузаков билан Саяпин икковлашиб, Зиловни стулга ўтқозишади.

**Кузаков** (милтиқни қўлидан қўймаган ҳолда). Ақлдан озган тентак. Ўзингга ўйинчоқ топибсан-да, а!

**Зилов** (огир нафас олиб). Сурбетлар!

**Саяпин:** Яна бизлар сурбет бўлдик.

**Зилов:** Эшикни тақиллатиб кириш керак, жин ургурлар!

**Саяпин:** Қутуриб кетибсан-ку. (Стол устида турган қозғозни қўлига олиб, ундаги ёзувни овоз чиқариб ўқийди.) “Менинг ўлимимда ҳеч кимни айбдор қилмасликларингизни сўрайман...” Витя, сенга нима бўлди, қария? Ақлдан оздингми, нима бало!

**Кузаков** (*милтиқни буклаб, ундан ўқни чиқариб олади-да, унга бир зум қараб туради*). Сен ростдан ақлдан озганга ўхшайсан.

**Саяпин** (*Кузаковдан ўқни олиб, чўнтагига солиб қўяди. Зиловга*) Ҳа-а, бунақа ишлар учун... (*Кузаковга*) Пиёда келганимизда нима бўларди, а? (*Зиловга*) Наҳот сен...

**Зилов:** Сенлар барвақт келиб қолдиларинг. Кетинглар.

**Кузаков:** Ҳеч қаёққа кетмаймиз.

**Саяпин** (*ўтиради*.) Сеникида ўтириб турамиз. Дам оламиз, чекиб оламиз, тўғрими, Коля? Мана, қанақа ҳангомалар. (*Кузаковга*) Сен бўлсанг, пиёда борамиз, дейсан. Мен эса таксини кўриб қолиб, йўқ, таксида ғизиллаб бора қолайли, дедим. Юрагим сезган шекилли.

**Кузаков:** (*Зиловга*). Эсингни йиғ, оғайни. Ўзингни қўлга ол... Аввал бошланишига этигингни кийиб ол.

*Сукут.*

**Зилов:** Кетинглар.

**Кузаков:** Ҳеч қаёққа кетмаймиз. Бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрма.

**Зилов:** Ихтиёрларинг. Менинг шошаётган жойим йўқ.

**Кузаков:** Нима бўлди ўзи? Наҳот сен учун ҳаётнинг лаззати қолмаган бўлса?

**Зилов:** Мени авраб ўтирманглар. Бефойда. Бу ишни охирига етказмай кўймайман.

**Кузаков** (*телефон рақамларини териб*). Магазинми? Верани телефонга чақириб кўйинг. Вера? Сен мени хаяллаб қолди, деб ташвишланма. Кечроқ бораман... Кутилмаган иш чиқиб қолди... Қачон? Аниқ айта олмайман. Уйда бўлиб тур, хўпми? Соғ бўл. (*Гўшакни жойига қўяди*.)

**Саяпин:** Витя, балки гулчамбар туфайли кайфиятинг бузилгандир? Витя, наҳот бизлардан шунчалик хафа бўлгансан?

**Зилов:** Таксига бало бормиди? Нима, тўртта гузарни пиёда босиб ўтолмасмидиларинг?

**Кузаков:** Нима бўлди, айтақолсанг-чи? Нима гап? Нимадан кўнглинг қолди? Сенга нима етишмаяпти? Ёшсан, соғломсан, яхши ишдасан, квартиранг бор. Аёллар яхши кўришади. Роҳат қилиб яшайвермайсанми. Яна нима керак сенга?

**Зилов:** Кетишларинг керак.

**Саяпин:** Витя, нима деяётганингни биласанми ўзинг? Ахир биз сенинг дўстларингмиз-ку. Қандай қилиб сени бу ҳолатда ташлаб кета оламиз? Сени шунақа ҳолатда ташлаб кетиш! Нима деяпсан!

**Зилов:** Мен бу ишни охирига етказмай кўймайман. Ҳеч ким, жин урсин, бирон тирик жон менга халал бера олмайди. Тушунарлими? Гап тамом...

*Сукут.*

**Саяпин:** Йигитлар, нимага жим бўлиб қолдиларинг? Келинлар, бошқа бирон нарса тўғрисида гаплашайлик?

*Қисқа сукут.*

(*Соддадиллик билан*) Витя, полларинг қуриб, дарз кета бошлабди, сезганмисан? Таъмирлашинг керак бўлади. (*Ўрнидан туриб, хона билан ошхона ўртасидаги деворни тақиллатади*.) Картон... Устидан шувок қилинган картон. Чала-чулпа қилинган. Уйларни ёмон кура бошлашди. (*Иккинчи тўсиқ-деворнинг олдига боради*.)

*Зилов унга ҳайратланиб қарайди.*

---

Бу-чи? (*Тақиллатиб*) Бу ҳам шунақа...

*Қисқа сукут.*

**Зилов:** Нега тўхтаб қолдинг, давом эт. Хоналарни айланиб чиқ, қаерга нима қўйишни мўлжалга олиб қўй.

**Саяпин:** Витя! Нима деяпсан! Наҳот мени бу ерга даъвогар деб ўйласанг...

**Зилов:** Даъвогар, дейсанми? Йўқ, сен калитларни олиб кетгани келгансан. Мана улар! (*Чўнтагидан бир нечта калит олиб, Саяпинга отади.*) Ол... Олавер, уялма.

**Саяпин:** Қария, сен ростдан ҳам ақлдан озибсан!

**Кузаков:** Бас қил, сен уни нотўғри тушундинг.

**Саяпин:** Бизларни ким деб ўйлаяпсан?

**Зилов:** Қўйсаларинг-чи, хиссиётга берилишнинг кимга кераги бор. Тан олинглар, менинг ўлимим ҳар иккаланг учун ҳам қўл келади. Ё нотўғрими? Шундай экан, бу ерда нимани кутяпсизлар? Милтиқни қайтариб берингларда, айниб қолмасимдан жўнанглар бу ердан.

**Кузаков:** Нималар деб валдираяпсан, хушингни йиғ. Сенинг ўлимнинг ҳеч кимга керак эмас, ўзинг ўйлаб кўр. Унга керакми? Менгами? Сенинг ўзингга ҳам керакмас. Ҳозирги турмушинг ўзингга ёқмас экан, бошқача яша, ким сенга халақит беради? Ҳаммани ўзингга ўхшатма, одамлар тўғрисида ёмон ўйга борма.

**Зилов:** Хўп, етар. (*Саяпинга*). Толя, мана бу такводорни уйингдан ҳайда.

**Саяпин:** Нега энди...

**Кузаков:** Гучамбарга келадиган бўлсак, мен сендан узр сўрашга тайёрман.

**Зилов:** Ўчир овозингни, сенга ишонмайман.

**Кузаков:** Бу ишда мен қатнашмаганман. Лекин билардим. Гулчамбар бу ерда экан, демак, мен ҳам айбдорман.

**Зилов:** Мен сенга ишонмайман. Ишонмайман. Тушундингми? Энди жўна.

**Кузаков:** Кетмайман. Ўз ўзингга суиқасд қилиш тўғрисидаги аҳмоқона ўйларинг миянгдан чиқиб кетмагунча ҳеч қаёққа бормайман.

*Официант пайдо бўлади.*

**Официант:** Салом... Нимага шовқин қиляпсанлар?

**Саяпин:** Сенинг келиб қолганинг ҳам яхши бўлди. Унга қара ва қандай ниятда эканлигини эшит.

**Официант:** Жаноза қачон?

**Зилов:** Биласанми, тайёргарлик кўришга улгурмадим.

**Официант:** Ичкилик-чи, ичкиликлар қани?

**Зилов:** Бунинг устига мен энди бу ерга хўжайин эмасман.

**Саяпин** (*Официантга ўз бошига ишора қилиб*). Кўрмаяпсанми? Ма, ўзинг ўқи. (*Қозонни унга узатади.*) Бирон нарса де унга...

**Официант** (*овоз чиқариб ўқийди*). Менинг ўлимимда ҳеч кимни айбдор қилмасликларингизни сўрайман”.

**Саяпин:** Шунақа ҳаракат бир марта бизнинг кўз олдимизда бўлди.

**Официант:** Шунақами?

**Кузаков:** Ҳа, бўлди.

**Саяпин:** Мана. (*Милтиқдан чиқариб олинган ўқни унга беради.*)

**Официант** (*ўқни синчиклаб кўриб*). Питра...Лекин пистонинг яхшимас. Оддий пистонлар билан алмаштир.

**Зилов:** Маслаҳатинг учун раҳмат.

**Официант** (*ўтиради*). Албатта, алмаштир. Ёмғир тўхтади. (*Милтиқни қўлига олади.*) Бир соатдан кейин жўнаш керак. (*Милтиқни ўқлайди.*) Тушундингми? Ғиди-бидиларни бас қил, бир соатдан кейин келаман. Жўнаймиз.

**Зилов:** Ҳеч қаёққа бормайман, дедим-ку. (*Кузаков билан Саяпинга*) Сенлар эса ташвишланманглар. Тутган йўллариинг тўғри.

**Саяпин:** Витя! Жинниликни бас қил! Овга отлан.

**Кузаков:** Этигингни кий. (*Қопчиқни қўлига олади.*) Мана бунингни елкангга осиб ол. (*Саяпин билан официантга*) Кўчага олиб чиқайлик.

*Кузаков билан Саяпин Зиловга яқинлашади.*

**Зилов:** Яқинлашманглар, тегманглар менга.

**Официант:** Қисқаси, ўжарлик қилиб турасанми ё овга борасанми?

**Зилов:** Ҳеч қаёққа бормайман.

**Официант:** Нима десам экан? Аҳмоқсан. Бошқа нарса деб бўлмайди. (*Ўрнидан туради*).

**Саяпин:** Нима, кетасанми?

**Официант:** Мен нима қилишим мумкин? Ҳеч нарса.

**Зилов:** Тўғри, Дима. Сен бўлмағур йигитсан, лекин менга кўпроқ ёқасан. Ҳар қалай мана буларга ўхшаб қийшанглаб турмайсан... Кўлингни бер...

*Официант билан Зилов бир-бирига қўл беришади.*

**Официант:** Хўп, ҳозирча, Витя. Бирга кетсак яхши бўларди, афсус. Бевақт айнаб қолдинг. Яна ўйлаб кўр. Тузалиб қолсанг – бор.

**Зилов:** Хўп, Дима, хайр.

**Официант:** Шошма, қайиғинг қаёқда?

**Зилов:** Хромовникида.

**Официант:** Омборхонасидами?

**Зилов:** Ҳа, омборхонасида турибди.

**Официант:** Демак, мен...

**Зилов** (*хириллоқ овоз билан*). Олиб кетавер.

**Официант:** Раҳмат, Витя, борди-ю...

**Зилов:** Ўзимники, деб ҳисоблайвер... Олаверинглар... Ҳаммасини олинглар...

**Саяпин:** Витя, нима деяпсан?!

**Зилов:** Ҳалитдан барини бўлишиб олдиларинг. Менинг ўлимимдан хурсанд бўласизлар. Биламан, хурсандсизлар!

**Кузаков:** Бекорларни айтибсан!

**Зилов** (*тўсатдан газаб билан*). Мен ҳозирча тирикман, лекин сенлар ҳалитдан бу ерда турибсанлар. Ёпирилиб қолдиларингми? Ўз бисотларинг камлик қияптими? Сенларга ер юзида жой торлик қияптими? Ялақилар! (*Уларга ташланади.*)

*Олишини бошланади.*

**Кузаков:** Ёлғон! Тухмат! Тухмат!

**Официант:** (*Зиловга*). Тинчлан... Ўзингни қўлга ол! Ўзингни босиб олишинг мумкинми?

**Зилов:** (*қаришлик кўрсатишдан тўхтаб*). Мумкин. (*Осойишта*) Лекин энди мендан ҳеч нарса ололмайсанлар. Ҳеч нарса. (*Кутилмаганда*)

---

Саяпиннинг қўлидан милтиқни олиб, бир қадам орқага жилиб) Қани, жўнаб қолинглар!

*Қисқа сукут.*

**Официант:** ( *ажабланиб*). Жиддий айтяпсанми?

**Зилов:** (*осойишта*). Кетинглар.

**Официант:** Қўйсанг-чи, қария.

**Зилов:** Йўқолинглар.

*Саяпин эшик томон орқага жилади. Кузаков жойида, Зиловнинг рўпарасида, официант эса унинг орқасида, эшикка яқинроқ жойда туриб қолишади.*

**Зилов:** (*Кузаковга*). Кет.

**Кузаков:** Кетмайман. Кетмайман, дедим-ку. То...

**Зилов:** Кет.

**Кузаков:** Кетмайман.

**Зилов:** Отаман. (*Милтиқнинг тигини унга қаратади.*)

**Кузаков:** От.

**Официант:** Милтиқ ўқланган.

**Зилов:** Жуда соз.

*Саяпин гойиб бўлади.*

**Официант:** Қани, (*Кузаковни итариб, эшикдан чиқариб юборади.*) Шундоқ қилганимиз маъкул... Энди милтиғингни тушир.

**Зилов:** Сен ҳам йўқол.

*Улар бир нафас бир-бирига қараб қолишади ва ниҳоят официант эшик томон чекинади.*

Тезроқ!

*Официант остонада пайдо бўлган Кузаковнинг йўлини тўсиб, у билан биргаликда гойиб бўлади. Зилов милтиқ тутган қўлини настга тушириб, хонада юради, сўнг ўзини каравотга мукка ташлайди. Ётган жойида қайта-қайта сесканиб тебранади. Куляптими, йиғлаяптими – билиб бўлмайди. Шу ҳолатда орадан чорак дақиқа вақт ўтади. У қимирламай ётаверади. Яна қўнгироқ узоқ жиринглайди. Зилов қимирламай ётаверади. Қўнгироқ овози тинади, бир нафасдан сўнг қайтадан жиринглайди. Зилов қимир этмай ётаверади. Қўнгироқ овози тинади.*

*Зилов ўрнидан туради. Кўриниши осойишта, юз ҳолатидан кулган ёки йиғлаганлигини билиб бўлмайди.*

**Зилов:** (*телефон гўшагини кўтариб*). Дима? Зиловман... Ҳа... Кечир, қария, қизишиб кетибман. Ҳа, бари ўтиб кетди... Мутлақо осойиштаман... Ҳа, овга боргим келяпти. Ҳозир келасанми? Жуда соз. Мен тайёрман. Ҳа, ҳозир чиқаман.

Парда

ТАМOM



## Араб ҳикоялари

### Маҳмуд ТАЙМУР

(1894 – 1973)

Араб тилидан  
Сарвар АБДУЛЛАЕВ  
таржимаси

*Мисрлик ёзувчи Маҳмуд Таймур Қоҳира Араб тили академиясининг ҳақиқий аъзоси. Миср реалистик новелла жанрини бошлаб берган ёзувчилардан. Асарлари 1920 йилдан нашр қилина бошланган. Таймурнинг илк ижодига А.П.Чехов, Ги де Мопассан каби жаҳон классик ёзувчиларининг асарлари таъсир қилган.*

*Инқилобий ўзгаришлардан сўнг (1952) Таймур ижодида реалистик анъана устунлик қила бошлади ва у ижтимоий мавзудаги “Шамрух” (1958) ва “Мовий чироқлар” романларини ёзди. Унинг ҳикоя ва пьесалар тўплами, шунингдек, адабиёт тарихи ва назариясига бағишланган қатор асарлари бор.*

## САЛОМ ПОШО<sup>1</sup>НИНГ ХОЛАСИ

Камолбек “Ал Жунд” қахвахонасида дўстлари билан ҳар доимгидек қахвахўрлик қилиб, чилим тортиб ўтирарди. Қўлида ҳозиргина сотиб олинган газета. Кечки пойтахт газетасининг одатда таъзияномалар бериладиган жойида, йўғон ҳошия ичига олинган каттагина таъзиянома босилганди. Унда шундай дейилган:

“Оғир мусибат, мудҳиш жудолик! Аслзодалар ичида ўз муруввати ва шарафли фаолияти билан донг таратган, собиқ ҳукумат амалдори мухтарам жаноби олийлари Муҳаммад Салом пошонинг меҳрибон холалари бандаликни бажо келтирдилар. Улар ўзларининг Шаржа<sup>2</sup>даги қасрида, ҳатто ҳозик табибларни ҳам ожиз қолдириб, узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг ҳаётдан кўз юмдилар. Мархума жасади эртага эрталаб соат тўққизу ўттизда махсус поездга солиб, соат роппа-роса ўнда вокзалдан жўнаб кетади. Майит ва жиянининг мавқеи вазидан дафн маросимида кўплаб таниқли шахслар иштирок этиши кутилмоқда”.

Камолбек кўзга яққол ташланган бу хабарни диққат билан ўқиб чикқач, хандон отиб кулиб юборди ва атрофидагиларга қараб:

– Фавқулудда муҳим хабар, дўстлар! – деди.

<sup>1</sup> Пошо – асли форсча “подшоҳ” ҳукмдор маъносида, турклар (Усмонли Турк империяси) уни “паша”, “паша” шаклида қабул қилганлар.

<sup>2</sup> Шаржа – Мисрнинг Суҳаж вилоятидаги катта бўлмаган шаҳар; Нил дарёсининг ғарбий қирғоғига жойлашган; тўқимачилик ва чинни саноати билан машҳур. – Тарж.

Ҳамма унга ҳайратланиб қаради. Камол кулиб давом этди:

– Салом пошонинг холаси оламдан ўтибди.

Сухбатдошлардан бири ҳайрон бўлиб сўради:

– Бунинг нимаси кулгили?

– Мен унинг холаси борлигидан беҳабар эдим.

У яна кулди. Дўстларидан бири Камолга қараб:

– Мен эса бу ҳақида эшитганман, – деди.

– Ажабо!

– Ажабланишга ҳаққинг бор, чунки унинг борлигини ҳаммадан яширишарди. Салом пошо ўз холаси ҳақида одамлар ҳеч нима билмасликларига ҳаракат қилар эди.

– Нимага ундай қилган экан?

– У шов-шувдан кўрқарди. Шаржа яқинидаги кулбасида кўл учида кун кўраётган фақир холаси борлигидан одамлар хабар топса, нима бўлишини биласанми?

Ҳамма Рифъатбек томон ўгирилиб олди, Камолбек яна сўради:

– Бундан чиқди, газетада таъкидланган марҳума оламдан ўтган қаср аслида йўқ нарса экан-да?

– Албатта йўқ. Салом пошо холасининг танг аҳволдалигини, фақирона яшашини билса ҳам, ёрдам бермасди. Мен аниқ биламанки, у холасига охирги йилларда бошқарувчи воситасида эллик курш<sup>1</sup> берган, холос. Салом пошо у билан қариндошлигини инкор қилган, аммо бечора аёл, аксинча, турли йўллар билан ундан ёрдам олиш учун ҳаракат қилиб келган. Бироқ пошо бу қариндошидан қочар ва ҳазар қиларди. Чунки холаси пошонинг оғир ва қора ўтмиши билан боғловчи ягона ришта эди. Ўша машъум кунларда пошо ўзининг оддий кўк кўйлаги ва кўпол жунқалпоғини кийиб, мол боқар, товоқ бошига кўйиб, далада ишлайдиган отасига тушлик олиб борар эди.

– Қизик. Сен булар барини қаердан биласан, Рифъатбек?

– Мен буларни Салом пошо тарбия топган оиланинг бир аъзосидан эшитганман. Салом пошо ҳақида қайғурган оила бошлиғи меҳрибон ва очиккўл одам эди. У Саломни қаноти остига олиб, ўз ўғиллари қаторида Қохирадаги бошланғич мактабга беради ва то шаҳодатнома олгунича ўқиш пулини ҳам тўлайди. Саломнинг ўрта мактабда ўқишни давом эттиришга лаёқатсизлиги маълум бўлгач, валинеъматини, ўзи таниган одамларга ялиниб-ёлвориб, уни ҳукумат идораларидан бирига оддий югурдак бўлиб ёлланишига ёрдам беради. Салом ўз мавқеида яхши ўрнашиб, мансаб пиллапояларидан анча юқорилаб олгач, оддий ва итоаткор ўспирин бориб-бориб ўжар ва такаббур одамга айланди. Унинг омади чопгандан-чопди, тез орада катта лавозимларга ўтди ва димоғи баттар шишиб кетди. Саломнинг феъл-атворидаги ғаразгўйлик тўлиқ ошса ошдики, камаймади. У ўтмиш билан боғлиқ ҳамма нарсани, ҳатто уни тарбиялаб ўқитган, унинг омадли келажагини таъминлаган кишини ҳам унутди. Ҳа, дўстлар, Салом нонкўр чиқиб қолди ва энди ношукурлиги бундан-да ошса, ажаб эмас. Биз бу одамнинг феълини яхши биламиз ва ана шу сабабдан мен у ҳақда айтилган юқоридаги гапларга ажабланмадим.

– Наҳотки, ана шу бечора холасидан бошқа унинг қариндошлари қолмаган бўлса?

<sup>1</sup> Курш – Миср чақаси. – Тарж.

– У ягона тирик қолган қариндоши эди. Холасидан нафратланиши ва уни тан олишдан орланишининг асосий сабаби ҳам ана шунда.

– Лекин у барибир холасини тан олибди-ку.

– Ҳа, ўлимидан кейингина тан олди.

– Энди тан олишнинг нима кераги бор?

– У бу ишни шуҳратпарастлиги сабабли қилмоқда. Салом холаси ҳаётлигида арзимас нарса берган бўлса, энди у вафот этганида катта пуллар сарфлайди. Бундан мақсад – умри давомида ортидан қувган ва ягона қувончи деб билган сохта асъасаю дабдабага қараб интилишдан бошқа нарса эмас. Зотан бу тантанали мотам ва дабдабали дафн маросими ўзини кўрсатишдан бошқа яна нима ҳам бўлиши мумкин? Мамлакатнинг кўзга кўринган арбоблари, оқсуяк зодагонлар ва ҳукуматнинг олий мавқели амалдорлари ушбу тантанали маросимда қатнашиб, ҳамдардлик билдиришлари, тасалли беришлари пошога хуш ёқмайдими?

Камолбек кулди:

– У ақлдан озган! Мен ана шу маросимда иштирок этиб, у ерда рўй берадиган қизиқ воқеаларни кўришни жуда истардим.

– Нимага? Сен бу одамни танитайсан-ку?

– Сен қанчалик билсанг, мен ҳам шундай.

– У ҳолда, жанозага бориш учун нима сенга монелик қилади?

– Мен эртага далага боришим керак.

Ўтирганлардан бири маслаҳат берди:

– Сен унга телеграмма жўнат.

– Сен ҳақсан, худди шундай қиламан.

Рифъатбек:

– Мен эса жанозага бориб, у ерда кўрганларимни сенга айтиб бераман – деди.

Камолбек қошиқни тақиллатиб, хизматчини чорлади-да, қоғоз ва қалам олиб келишни буюрди. Ўзи эса, телеграмма матнини тузишга киришди. Ўйлаб туриб:

– Лекин бу аҳмоққа нима деб ёзишни ҳам билмайман, – деди.

– Қисқароқ ёзавер, дўстим. Масалан: “Биз ҳаммамиз Аллоҳники ва Унга қайтажакмиз”<sup>1</sup>.

– Бу етарли эмас, Рифъатбек. У мени бахил деб ўйлаб, назарга илмай, устимдан кулсинми? Шундай телеграмма ёзиш керакки, қиймати ўттиз кушдан кам бўлмасин...

Кейин у Ҳуснибекка юзланди:

– Сен менга мана шу одамга ўз ҳамдардлигимни билдириш учун бир неча қайғули ва таъсирчан сўзларни айтиб туролмайсанми?

Ҳуснибек бу давранинг шоири саналар эди. У Камолбекка узоқ тикилиб туриб, сўнг сўради:

– Насрда бўлсинми ё назмдами?

– Насрда бўлгани яхшироқ, осон ва тушунарли бўлади, ҳолбуки бу одам ўзингизга маълум, нодон ва аҳмоқ.

– Бўлмасам, ёз!

Ҳуснибек айта бошлади.

– Бу нима, дўстим? Сен назмда айтаяпсан, мен сендан насрда сўрадим-ку.

– Бу ҳали бошланиши. Киши ўз қайғусини изҳор этмоғи лозим. Ёз, ёз...

<sup>1</sup> Оят. “Бақара” сурасидан. – Тарж.

“Мен бугун бошингизга тушган оғир мусибат – меҳрибон ва муниса аёл, хонадонингиз устун меҳрибон холангиз вафоти ҳақидаги хабарни ниҳоят даражада ғам-ғуссага ботиб ўқидим. Холангизни Худо ярлақасин, менинг самимий ва чин дилдан ҳамдарддигимни қабул этгайсиз. Аллоҳ сабрингизни мукофотлаб, умрингизни узоқ қилсин. Марҳумани ўз раҳматига олган бўлсин.

Маҳзун ва қайғуга ботган Камол”.

– Баракалла, Ҳуснибек. Бироқ, бу телеграмма қирқ ё эллик қурш чикса кераг-ов.

– Ҳечқиси йўк!

Ўтирганлар орасида илгари Салом пошони кўрмаган ва у ҳақда ҳеч нима эшитмаган Носирбек ҳам бор эди. Унинг бу борада бугун эшитганларидан кўра, кўпроқ нарсаларни билгиси келди.

– Бу жоҳилнинг кўриниши қандай? – Камолбекдан сўради. – Ёши нечада? Билганича менга гапириб бер-чи.

Камолбек чўнтагидан портсигарасини чиқариб, дўстларига тутар экан, деди:

– Салом пошо – барваста, баланд бўйли киши. Унинг юзи буғдойранг, деярли қоп-қора, кўп ичкилик ичганидан доим қизариб юради. Қизарган кўзлари атрофидаги кўкиш ҳалқалар унинг қартайганидан далолат. У бадбашара, юзидаги чечакдан қолган излар “хуснига кўрк” кўшади. Эллик бешга борган бўлса ҳам ҳамон суюқоёқ. Ақлли одамлар сахий бўлган ўринларда бахил, улар аҳмоқона деб билган нарсаларга эса, пулни сувдек сарфлайди. Нодон ва укмаган, у фақат ташқи ялтир-юлтур ва ёлғон шарафга кўлидан келган барча имкониятларни – иккиюзламачилик, лаганбардорлик, соткинлик, алдов ва пулни ишга солиб интилади. У ўрта мактабда омадсизликка юз тутган ҳамона валинеъматининг тавсияси орқали амалдор бўлди. Салом лаганбардорлик билан мансаби ошиб, юқори мартабаларга кўтарилди ва ҳаром йўл билан мол-дунё орттирди. Ерлар сотиб олди, қасрлар қурди ва энг бадавлат одамлардан бирига айланди. Ахийри унинг қалбаки ишлари очилди ва уни ҳукумат ишидан шармандаларча ҳайдашди. У яна лаганбардорлик ва пасткашлик йўлига ўтиб бўлса ҳам, ҳар тарафдан пул оқиб келадиган ўрнини сақлаб қолишга интилди. Аммо пошога ҳеч ким ёрдам бера олмади ва билишимча, анчагина сармоя ва машҳурлик билан ўз аризасига мувофиқ ишдан кетди. Кишилар бу можарони тез унутдилар ва бироз вақт ўтмасдан унинг исми яна Қоҳирада ҳурмат ва эътибор билан тилга олина бошлади. Бугун эса, у атрофдагиларга ўз таъсирини ўтказа олар даражада машҳур, мухташам қасрида тўкин-сочинликда ҳаёт кечирмоқда.

\* \* \*

Мартабали шахслар, ўнлаб машҳур қорилар, узун жун қалпоқ кийган сўқир ва дарвешлар, исириқ тутатувчилар, оқ салла ўраб, яшил ридо кийган турли тариқат шайхлари, барча тоифадаги ходимлар иштироки билан жаноза дабдабали ва тантанавор ўтди. Олдинда тўрт сандиқ мева ва ширинликлар ортилган икки туя турибди. Бу каффора<sup>1</sup> деб номланади...

Салом пошо жаноза учун махсус сотиб олинган қора ридо ва янги қора ялтироқ пойабзал кийиб, маҳзун ва ғамгинроқ кўринишга ҳаракат қилган.

<sup>1</sup> Каффора (араб) – шариатда айрим гуноҳлар эвазига тўланадиган ҳақ. – Тарж.

Лекин унинг овозидан бу ясамалик аниқ сезиларди. У ҳамсуҳбатларига меҳрибон марҳуманинг кадр-қиммати ҳақида сўзлар, ғам-андухини васф этар, уни эъзозлаб ҳурматлагани, холаси ҳам ўз ўрнида унга оналарча ғамхўр бўлганидан гапирарди.

Бу вақтда эса унинг иш бошқарувчиси дўстларидан бирининг қулоғига:

– Агар пошо холаси тириклигида унга мана шу дафн маросимига кетказган маблағининг ўндан бирини берганида, бу уни умрбод кашшоқликдан қутқарган бўлар эди... Пошо менга тўртта сандиқни энг лаззатли мевалар ва ширинликлар билан тўлдиришни буюрдик, холаси уларни хаёлига ҳам келтирмаган. Марҳума устига раҳматлар ёғилиши ва номини абадийлаштириш мақсадида уларни бечораларга тарқатишим лозим.

\* \* \*

Оқшом чўкди. Салом пошо яшайдиган кўчадаги йўлларда чироклар порлай бошлади. Чироклар шу қадар кўп эдики, йўловчилар ўзларини гўёки танти бир бойваччанинг кечки шодиёнасига кириб қолгандек ҳис қилардилар. Чиройли матолар билан ўралган, қимматбаҳо гиламлар тўшалган, кўз камашар даражада ёритилган мухташам чодир одамлар билан тўлган, номи чиққан қориларнинг Қуръон тиловати қулоққа чалинди. Салом пошо сел бўлиб ўтирарди. Атрофдан таомлар тайёрланаётгани ва дастурхонлар тузалаётганининг шовқини келарди. Салом пошо яқин дўстлари ва юксак мартабали кишиларга энг сара ва тансиқ ноз-неъматларни тортишни буюрди.

Пошо ҳамдардлик билдириб келган меҳмонларни мулозамат билан кутиб олиб дастурхон олдига борди ва хизматкорларига бир ишни буюриб бошқасини тўхтатиб, ниманидир талаб қилиб ё рад этиб, баланд овозда фармойишлар бера бошлади.

Кейин ўз ўрнига қайтиб, яна меҳмонларни оралаб ўтар экан, қайғусини намоийш этишга тиришди ва оғир хўрсиниб, марҳуманинг фазилатлари, унинг вафоти ҳамда бу машъум хабарни эшитгач, қандай ғам-ғуссага ботганлигини гапирди.

Қори Қуръондан бир сурани тамомлаб, юзига фотиҳа тортгач, меҳмонлар Салом пошога ҳамдардлик билдириб, тарқала бошлашди. Чодирда пошо ва унинг яқин гумашталаригина қолди.

Пошо оёқларини бир-бирига чалиштириб ўтираркан, дастурмоли билан терини артиб, елпина бошлади. Сўнг чуқур нафас олиб:

– Ух, роса чарчадим! Маросимлар бу қадар қийин бўлишини билмаган эканман, – деди.

Пошонинг ёнида калта мўйлов ва сийрак соқоллик, итоаткор ҳамтовоқларидан бўлган кўримсиз бир чол қўлларини арта туриб деди:

– Нимасини айтасиз, албатта, чарчадингиз, агар сиз чарчамаганингизда маросим бу қадар дабдабали ва тантанавор ўтмасди. Ёшу қари ҳамма бу ерда кўрганларини гапириб юради энди.

Пошо унга жавобан янада қаттиқроқ ух тортиб, хўрсинди:

– Қасам ичаманки, Абдунаби, кеча оқшомдан бери мижжа қоқмадим, бир дақиқа бўлса ҳам ўтириб дам олишга фурсатим етмади. Сен ўзинг кўрдинг, кечқурун қанча меҳмон келганини. Уларни ёлғиз қолдира олармидим?

– Албатта, йўк. Бу сиздек одамнинг қўлидан келмас.





– Мен бир неча бор уларни айланиб ўтиб, таъзиялари учун ўз миннатдорчилигимни билдирдим. Дастурхоннинг қандай тузалгани ва таомларнинг қандай тортилганини ўзим назорат қилдим. Бу борада хизматкорлардан биронтасига ишонишим мумкинмиди?

– Йўқ, пошом, йўқ. Сиз доим ҳамма нарса ҳақида фақат ўзингиз қайғурасиз.

Абдунаби бир эснаб олиб, давом этди:

– Аллоҳ таоло, унинг пайғамбари ва барча муқаддас нарсаларга қасамки, мен умрим давомида бугунгидек тотли таомларни емаганман ва ҳеч қачон бундай тантанали, дабдабали маросимни кўрмаганман. Марҳума холангизнинг руҳи поклари ҳозир бошингиз узра чарх уриб, унинг олдидаги ўз муқаддас бурчингизни адо этганингиздан миннатдор бўлмоқда.

Абдунаби яна эснади, сўнг, кетиш учун изн сўради. Пошо унинг бу лаганбардорлиги ва мақтовларига миннатдорчилик юзасидан кўлини узатар экан, киссасига пул солиб қўйди.

Шундан сўнг пошо бир керишиб, баланд овозда чақирди: – Азиз афанди! Дид билан кийинган ўттиз саккизлардаги бир киши пошонинг хос котиби вазифасида эди. У олдига яқинлашганда пошо бир ўқрайиб:

– Жаноза маросими менга умуман ёқмади. Мен сенинг бу қадар кам маблағ сарфлаганингдан ҳайронман... Одам дегани ҳам бу қадар қурумсоқ бўладими? Ахир пуллар менинг чўнтагимдан чиқаяпти-ку...

– Мен бахиллик қилибманми?! Лекин жаноза ҳаддан ташқари дабдаба ва асъаса билан ўтди-ку!

– Ёлғон!

– Маросим уч юз метрга чўзилди ва пойтахтнинг энг катта кўчасини тўлдирди. Биз ҳатто барча муҳим йўналишлардаги трамвайларни тўхтатиб қўйдик ва бутун ҳаракат анча вақтгача тўхтаб қолди. Бирон-бир фойтун ёки автомобилга маросимни қувиб ўтиш ёки кесиб ўтишга имкон бермадик. Сиз жаноби олийлари дарвешларни кўрмадингизми!? Биз уларни бутун Қоҳира бўйлаб тўплادик. Олдинда борган қориларни айтмайсизми!? Исириқ ва хушбўй тутатқилар тутатган бир гуруҳ одамларга кўзингиз тушгандир?! Улар бизга оз-мунча пулга тушмади. Мен уларнинг ҳар бирига янги белбоғ сотиб олдим, ҳайдовчи – уста Абдуга уларнинг кийимларини бензин билан ювиб бериш ва Халилга эса уларнинг турбушларини<sup>1</sup> дазмоллашни буюрдим.

Хизматкор ва яқинларингиз борасида эса, жаноби олийлари ўзингизга маълумки, уларнинг ҳар бирига янги либос ва оёқ кийим харид қилдик. Улар барчанинг эътиборини тортдилар. Қасамки, эй хўжам, кўчаларнинг икки тарафида одамлар ҳурмат ва сукут билан жаноза маросимининг дабдабасини кузатиб турдилар. Улар бу кимнинг жанозаси деб сўрадилар ва мен баланд овозда уларга Салом пошонинг холалариники – дедим, улар сидқидилдан таъзия изҳор қилишди. Жаноби олийлари, нахотки сиз қашшоқлар мева ва ширинликлардан олганларида сизни дуо қилганларини эшитмадингиз?! Уларнинг овозлари ҳатто қорилар тиловатини ҳам босиб тушди.

Пошо котибининг сўзларини завққа тўлиб, кибрланиб тинглади. Бироқ, сўнггида у хўмрайиб олди ва Азиз афанди сўзини кесиб, яна ўшқирди:

– Полиция-чи? Аҳмоқ, у қаерда эди? Холамнинг жанозасида атиги икки

<sup>1</sup> Турбуш – миллий бош кийим, латта дўппи. – Тарж.

отлиқ ва тўрт пиёда полициячи иштирок этиши уят эмасми?

– Қасам ичаман, жаноби пошо, менга бундан ортиғига рухсат беришмади.

– Сенга рухсат беришмади?! Абдукарим пошо онасининг жанозасида ўнта чавандоз ва йигирмата пиёда полициячига рухсат беришганди-ку.

– Жаноби олийлари, биласизми, ҳар ҳолда Абдукарим пошонинг бугунги мавқеи...

Салом пошо унинг гапини бўлди:

– Бас, гапимга қулоқ сол! Авваламбор, мен шуни аниқ биламанки, сен эътиборсизсан. Қандай уят?! Холамнинг жанозасида менинг бугунги ҳолатим ва ўтмишда ҳукуматда қилган хизматларимга мутаносиб равишдаги етарли миқдорда полиция ходимлари бўлмаса?! Мени бўлса, мамлакатга донғи кетган одамлар танийди! Энди улар мен ҳақимда нима деб ўйлашади? Мен одамларнинг бу ҳолдан ажабланишларини олдиндан сезиб турибман. Бунинг ҳаммаси сен туфайли!

– Сиз фақат мақтовларнигина эшитасиз.

– Сен эртагаёқ ўз хатоингни тўғрилашинг лозим.

– Буюринг, амрингизга мунтазирман.

– Газеталар дафн маросими ҳақида хабар ёзишсин, тантанани батафсил ёритсинлар, иштирок этган машхур кишиларнинг исмлари берилсин ва тобутни кузатиб борган полициячилар сони кўрсатилиши керак.

– Жаноби олийлари дафн маросимида нечта полициячи иштирок этишини истар эдингиз?

– Қиркта пиёда ва ўттизта отлиқ.

– Худди шундай бўлади.

– Сен газетада дафн маросимининг дабдабаси, анвойи дастурхон, қориларнинг машхурлиги каби барча нарсаларнинг хабарини беришинг керак. Газетачиларга сахийлик қил, ҳаргиз қурумсоқлик қила кўрма.

– Ҳаммаси сиз истагандек бўлади.

Пошо қаттиқ эснади, бир оз сукут сақлаб, сўнг овозини пасайтириб гапирди:

– Сен қўшиқчиларга бўнак бериб қўйдингми?

– Ҳа, жаноби олийлари, наҳотки базм ўтказмоқчи бўлмасангиз?

– Албатта, ўтказаман, ким ўтказма дебди? Мен бошқача бўлиб қолишни истамайман. Мен доим ўтказиб келадиган шўх базмлар давом этаверади. Мотам маросимига келсак, сен ҳаммасини ўзинг биласан. Ёки берган буйруқларимни яна бошқатдан қайтарайми?

– Йўқ, шарт эмас, ҳаммаси тушунарли.

– Сенга бир нарсани тушунтиришнинг ўзи бўлмайди. Дафн маросимидан уч кун ўтиб, ҳар оқшом қориларни бу ерда – уйда ва мозорда тўплайсан... Ҳар кеча то қирқинчи кунгача... Бунинг ҳаммаси марҳуманинг ҳурмати ва одамлар олдидаги вазифамиз юзасидандир... Уқдингми?

– Уқдим, хўжайин.

\* \* \*

Оқшом пайти Абдунаби пошога Азиз афанди томонидан газетага берилган мотам маросимига оид хабарни ўқиб берар эди. Пошо диққат билан тинглар, боши билан тасдиқ ишорасини қилар эди.

Мақолада дафн маросими батафсил ёритилган, унда иштирок этган машхур шахсларнинг исмлари номма-ном қайд қилинган, тиланчи-



ларга улашилган садақаю эҳсонлар, одамларнинг марҳумани хотирлаб йиғлаганларию, уни дуо қилиб Аллоҳдан марҳамат сўраганлари, ўз бурчини маромига етказиб бажарган пошонинг кўрсатган ғайрати ва ҳиммати мақталган эди...

Хабар “Маҳобатли манзара” номи билан босилган бўлиб, у куйидагича бошланган: “Газета босиш учун тайёр бўлган чоғда, биз махсус мухбиримиздан муҳим бир хабар олдик ва жаноби олийлари Муҳаммад Салом пошо ҳамда у кишини билганлар ҳаққи-хурматини эътиборга олган ҳолда, мазкур хабарни газетага жойлаштиришни лозим деб топдик”.

Шундан сўнг “зоти шарифлари” ва “жаноби олийлари” деб бошланувчи узундан узоқ исмлар рўйхати берилган, полициячилар ва уларнинг сони алоҳида қайд этилган эди.

– “Тобутни ўттизта чавандоз ва қирқта пиёда полициячилар ўраб олган ҳолда кузатиб бордилар”.

Пошо мамнун бош силкиди:

– Бу тўғри. Улар бу хизматни сўраганимизда рад этмадилар, агар мен бундан-да кўпроқ сўраганимизда ҳам, ҳеч ким менга йўқ дея олмасди.

Абдунаби қўлларини арта туриб:

– Сиз ғоят машхур одамсиз. Наҳотки, сиздек ҳукуматга садоқат билан хизмат қилган кишига рад жавобини беришлари мумкин?

– Абдукаримнинг онасига бўлган жанозада полициячилардан бор-йўғи саккиз нафар иштирок этган эди, чамамда...

Абдунаби ўқишда давом этди. Хабарнинг охирида бундай дейилган эди:

“Пошо ҳазратлари, Аллоҳ ул зотнинг умрини узоқ қилсин, жуда ғамгин ва қайғуга ботган ҳолатлари барчада самимий ҳамдардлик ҳиссини уйғотди”.

– Бу тўғри... Бу жуда тўғри. Сиз жуда маҳзун эдингиз, хўжам.

– Нима ҳам қила олардик. Аллоҳнинг иродаси.

\* \* \*

Пошо ва унинг ҳамтовоғи газета ўқиб, суҳбатлашиб ўтирган чоғларида, оёқда аранг қилпиллаб турган бир қари чол қаср остонасида ўтирарди. У ёнгинасидаги қаср соқчиси берган тамакини тутатарди.

Бу қартайган чол узоқ йиллар пошонинг ерларида ишлаган чоракорлардан бири. Унинг кўзлари кексалиқдан хира тортган, соқоллари оқарган. У қишлоқча кийинган, бошида эса титилиб кетган салла.

Узоқ жим ўтиргач, соқчига мурожаат қилди:

– Аллоҳга қасамки, марҳума Шаржа томонларда болаларга шакарқамиш сотар эди, аммо нима учун унинг шаънига бундай ишлар қилинмоқда, тушунмадим. Наҳотки, мен ўзим тушунмайдиган нарсани гапирадиган ва бошқалар кўрмаётган нарсани кўрадиган даражада ақлимни еб қўйган бўлсам?

Қаср дарбони унга яқинроқ келиб шивирлади:

– Асло ундай эмас. Сиз ҳақсиз, отахон. Аммо пошо шуни истайди, пошонинг истаги эса ҳар нарсадан юкори...

**Абдурахмон АЛ-ХАМИСИЙ**

(1920–1987)

*Миср адабиётининг кўзга кўринган адибларидан бири, мунаққид, жамоат арбоби.*

*Абдурахмон Ал-Хамисийнинг ўндан ортиқ ҳикоя тўпламлари нашр қилинган. Уларнинг орасида ““Чуқурлар”, “Биз ўлмаймиз”, “Олов еллари” каби тўпламлари жуда машҳур бўлган. Кўплаб асарлари Европа ва бошқа халқлар тилларига таржима қилинган.*

**ҲАҚИҚАТ УЗУГИ**

*Қоҳирадаги ёнгин<sup>1</sup> оқибатида бегуноҳ одамлар устидан ватан хоини деб ҳукм чиқарилганини эшитганимда, юрагим газаб ва нафратга тўлди. Бу эртак-ҳикоя ўша кезларда тугилди.*

\* \* \*

Қоҳирадан Файюмга олиб борувчи йўл оралиғидаги Ал-Вустанинг икки томони ўрмон билан қопланган. Шу йўл яқинида ҳамиша юракни эзувчи сукунатга кўмилган қабристон бор. Қуёш ушбу ўликлар маъвоси узра кўтарилар экан, бу маҳзун маконнинг ягона соҳиблари бўлмиш чувалчанг ва хашаротларни жонлантириш учунгина нур сочса керак, деб ўйлаш мумкин.

Қабрлар ёнида бир эски қуриган дарахт турибди. У қаттиқроқ шамолдан йиқилгудек туюлса-да, лекин илдизлари ерга чуқур ботганидан марҳумларнинг содиқ кўриқчиси каби қимир этмай турарди. Туйкус аллақайлардан келиб қолган даҳшатли қуюн ва ўрамалар ҳам бу дарахтни қулата олмаган.

Қуюн кўплаб дарахтларни мудҳиш чангалига олиб, кўплаб шохларни синдирган, талафотлар етказганди. Аммо, дарахт ҳамон ўз ўрнида қойим. Унинг шохлари жимжимадор қилиб ўрилган сочга ўхшайди, танаси ерга чуқур илдиз отган. Вақт унга ўз таъсирини ўтказмаган, йиллар уни букмаган. Яшиллигини абадга йўқотиб, яшнаган ёшлиги билан видолашган-у, метиндай қотган-қўйган.

Минг йиллар ўтдики, дарахт ҳамон ўз ўрнида, арғувон рангини йўқотмаган, худди ҳозиргина қон билан ювилгандек. Унинг қуриган шохларидан бирининг учида тилла узук бор. У шохга шундай қаттиқ ўрнашган эдики, худди шох билан бирга ўсиб чиққандек.

Кўпчилик ўша узукни олмоқчи бўлган, аммо ҳеч кимга уни олиш насиб этмаган. На пичоқ, на ханжар – ҳеч нима унга қор қилмаган.

\* \* \*

Минг йиллар илгари Даҳшур деган ўлка бўлган экан. Бу ўлканинг “ҳақиқат узуғи” деб номланган бир узуғи бўлган. Маҳаллий қози “Адолат

<sup>1</sup> 1952 йил январда инқирозга юз тутаётган монархистлар Қирол саройидаги бинолардан бирига ўт кўядилар ва бу жиноятни республикачиларга ағдарадилар. – *Тарж.*

қароргоҳи”да ўтириб одамлар орасидаги можароларни ҳал этар, шикоятларни ўрганар ва ҳукм ўқир экан ана ўша узукни бармоғига тақиб олар эди. Агар қози адолатсиз ҳукм чиқарса, узук унинг бармоғини шу қадар қаттиқ сиқар эканки, узиб юборай деркан. Шундай ҳолларда қози ўрнидан туриб: “Мен адолатсиз ҳукм чиқардим, ҳақиқат узуги бармоғимни сиқаяпти. Ҳукмни бекор қиламан ва яна бошқатдан сўроқни бошлайман”, – дер экан. Ана шу сўзлардан кейин узук секин кенгаяр ва қозининг бармоғига озор бермай кўяр экан.

Дахшурликлар шу узук билан фахрланишаркан. Ҳамма узукнинг ҳеч кимга маълум бўлмаган сирли қуввати борлигини билар экан.

Дахшурда бир одат жорий қилинганди, унга кўра қози ўлимидан аввал ўз издошини тайинлар, ҳақиқат узугини унинг бармоғига тақиб, доимо адолатли ҳукм чиқаришга қасамёд қилдиар экан.

Дахшур қозиси Климунус умри тугаб бораётганини ҳис қилгач, ёш Ардикасни ўз вориси деб эълон қилди. Қоҳинларнинг тантанали мажлисида Климунус унга ҳақиқат узугини тақди. Ардикас узукни шафе келтириб қасамёд қилди ва Климунус вафотидан сўнг қози бўлди.

Ардикас тез-тез Дахшурдан ташқарига чиқишни, далаларда бўлишни, қушлар нағмасини тинглашни, тиниқ осмон ва табиат гўзаллигидан баҳра олишни севарди.

Бундай саёҳатларга Ардикас бир ўзи борар, ёнига на бир аскар ва на бирон дўсту ҳамроҳ оларди. У доим саёҳатдан мамнун ҳолда янги ва порлоқ таассуротларга тўлиб қайтар эди.

Кунлар ўтаверди. Ардикас ўз бурчини яхши бажариб юраверди.

Бир куни оқшом, у ўз одатича саман отида сайрга чикди.

Гўзал оқшом. Ардикас узоқ юрди. Кенг даладан ўта туриб, тиниқ бир жилға кирғоғида тўхтади; от бошини эгиб сув ича бошлади.

Ардикас отдан сакраб тушиб, атрофни кузатди ва сал наридаги бир ёғоч кулбага кўзи тушди. Уйчанинг ёнида бир гўзал пари турар эди.

Ардикас ўзини йўқотиб қўйди. Соҳибжамол билан қандай саломлашишни билмай, тили танглайига ёпишиб қолди. Шу аснода от сув ичиб бўлиб бошини кўтарди ва қозининг ёнига келиб туёқларини бетоқат ерга ура бошлади.

Қиз бошини кўтариб, Ардикасга кўзи тушди-ю, худди ёввойи оҳудек чўчиб, югуриб уйга кириб кетди. Парининг ҳусн-жамоли Ардикаснинг юрагида ухлаб ётган ишқ эҳтиросини уйғотиб юборди.

У қизга отилиб, унинг нозик белидан кучмоқчи, лабларини лабига оҳиста босиб бўса олмоқчи бўлди.

От пишқириб, ерни депсир, чанг-тўзон кўтарар эди. Ардикас ўзига келди. Бироқ у отга минмади, кулба яқинига бориб, эшик олдида тўхтади-да, деди:

– Ҳой соҳиби хонадон, бир мусофир учун егулик ё ичгулик бера оласизларми?

Жавобан қизнинг овози чалинди:

– Биз меҳмонни атойти Худо, деймиз.

Бир муддат ўтиб, қиз бир кўза сув олиб чиқиб, Ардикасга узатади. Ардикас кўзани оғзига олиб борди, чанқаманган бўлса-да, сувдан бир хўплаб, сўрайди:

– Соҳибжамол, исминг нима?

Қиз кўзларини ерга қадаб, жавоб қилади:



– Клара.

– Менинг исми эса, Ардикас – Дахшур қозиси бўламан.

Қизнинг юзи қув учиб, дами ичига тушиб кетди. Ардикас унинг кўрқувдан қалтираётганини кўрди.

У ўзининг кимлигини айтиб қўйганидан афсусланиб, Кларани тинчлантириш, қалбида пайдо бўлган хавотирни йўқотиш учун:

– Мен адолат хизматкориман, – деди.

Сўнг унинг кўзларига қараб, қўшиб қўйди:

– Ва гўзалликнинг қулиман.

\* \* \*

Ардикас отига миниб, Дахшурга қайтди.

Учратгани соҳибжамол ҳақида тинимсиз хаёл сурганча, завқу шавққа тўлиб борарди. У Кларанинг мовий кўзларини, унда эҳтирос уйғотган овозини, силлиқ билакчалари, ингичка бармоқларини ўйласа, аъзойи баданини ўт олгандек бўларди... Ардикас бу қизга етишишни, васлидан баҳра олишни истар эди.

Тонг отди. Ардикас жиноятчи ва жафокорлар, айбдор ва айбсизлар ишини кўриб чиқиш учун “Адолат қароргоҳи”га келди.

Бироқ, у бу кун айбдорларнинг сўзларини диққат билан эшитолмади ва ўйламай қарор чиқарди. Узук унинг бармоғини аёвсиз сиқа бошлади.

Шунда Ардикас:

– Бугун ҳеч қандай ишни ҳал қилолмайман... Эртага... – дея олди, холос.

Қози ўрнидан турди-да, отини эгарлаб, ўша ёғоч кулба тарафга қараб учириб кетди. Кларанинг сиймоси унинг бутун тасаввурини забт этди, бахилнинг юрагини олтин тангалар жаранги поралагани каби, қизнинг овози юрагини забт этганди. От шамолдай елиб бораркан, Ардикаснинг кўзлари бетоқат равишда кулбани ахтарарди.

Ниҳоят, Ардикас жилға лабига етиб келди. У сакраб ерга тушди, от эса сувга талпинди. Қози кулбага яқинлашиб чақирди:

– Клара, Клара!

Ўрмон париси кўринди. У сочларини ёйиб олганди. Унинг чўчиган кўзларидан таралган учқун Ардикаснинг юрагини куйдириб ўтди.

– Келдингизми? – сўради Клара.

– Ҳа, келдим, мен Ардикасман – ҳуснинг шайдоси.

– Нима истайсиз?

– Сени кўргим келди. Мен ўз ҳаётимни сенинг қўлингга топширишга тайёрман... Сен розимисан?

– Нима учун, хўжам?

– Меники бўлмоғинг учун. Менинг сен учун атаб қўйган ажойиб уй, ипак тўшак... сарупо... атир-упа, ноз-неъмат ва ичимликлар бор...

– Хўжам, ҳозироқ кетинг-да, бошқа ҳеч қачон қайтиб келманг. Менинг қалбим сизга аталган эмас.

– Лекин мен сенсиз яшолмайман.

– Йўк, мен фақат ўз севгилимга мансубман.

Осмонни шом қоронғилиги босиб келди. Бу қонли хайрлашув эди. Эриган қуёш томчилари булутлар устига тўкила кетди...

Узоқлардан, шамолнинг енгил қанотлари найнинг ғамгин овозини олиб келарди. Қизнинг юраги муҳаббатини йўқотишдан хавфидан хаприқиб

кетди, уйига кириб кетар экан, қозига:

– Бу кўшиқ – севгилимнинг чақириғидир... – деди.

Қози сўради:

– Ким у, севганинг?

Клара Ардиқаснинг сўзини эшитмагандек кулбага кириб кетди.

Қози ўзини йўқотиб қўйди. Бир қанча муддат ақл-хушидан бегона, мажхул ҳолда туриб қолди, сўнг ирғиб отига минди-да, бор кучи билан қамчи солди. От булут кўчгандек қўзғалди.

Эртаси куни эрталаб Ардиқас биронта иш кўрмади ва хузурига донишмандни олиб келишларини буюрди. Донишманд келгач, хонани ичкаридан кулфлаб, ўзи ва Клара ўртасида юз берган ҳодисани баён қилди. Донишманд бу ҳолга оид барча нарсаларни ўрганиб, ўз маслаҳатларини бошқа куни айтишини билдирди. Белгиланган муддатда у хузурида пайдо бўлди:

– Клара чўпон Лагосни севади. Сиз, жаноб қози, ўз орзуингизга фақатгина ўша чўпон йўқ бўлсагина етишасиз... Унинг ҳаётидан чўпон Лагосни йўқотмагунингизча, жаноб Ардиқас, севгингизга жавоб олишга уринишингиз ҳам беҳудадир.

Ардиқас ўз-ўзига шивирлади: “Бу ўша най чалган одам... Бу қиз мендан қочиб кутула олмайди. Ахир мен қозиман... Дахшур қозиси”.

Донишманд кетди, Ардиқас эса, ўзининг мудҳиш режасини туза бошлади. Унинг ақлига золимона фикрлар келди ва бунинг воситасида ундаги хоҳиш яна қайта уйғонди, у эҳтиросдан сармаст эди. Ардиқас қандай йўл билан бўлмасин, қизга етишмоққа қарор қилди.

Қози ўз аскарларидан бирига Лагос ҳақида тўла маълумот тўплашни буюрди. У аскар келтирган хабарга бетоқат ташланди ва кундан-кунга ўзининг фитнасини худди балиқчи тўр тўқигандек, тўқий бошлади. Бир куни оқшом Дахшур аҳолиси чўпон Лагосни зиндонга олиб кетишаётганига гувоҳ бўлди. Бу унинг ҳалокатидан дарак эди.

Одамлар Лагосга нафрат билан боқардилар. Уни тутиб келтиришларидан бир неча соат илгари, катта бир далада ёнғин чиқиб, олов у ердаги барча тирик жонзотни йўқ қилгани, дарахту мевалар битта қолмай нобуд бўлгани ҳақида Дахшурда овоза тарқалди. Бу хабарни Дахшурга номаълум бир суворий олиб келганди. Ёнғин чиққан далага аскарлар юборилди. Қоронғи тушиб қолган, бироқ қишлоқда ҳеч ким уйқуга ётмаганди. Ахийри аскарлар қайтишди. Уларнинг олдида банди қилинган чўпон борар эди.

– Мана, ўғрини тутдик! – деб кичкиришди улар. – У ўз жиноятини яшириш учун далага ўт қўйиб юборган.

Дахшур аҳли сўради:

– Ўтни ўчирдингларми? Олов Дахшурни ҳам ютиб кетмасин.

Аскарлар бунга жавобан:

– Ўтни ўчирдик. Қишлоққа таҳдид қилмайди, – дейишди.

Шу тарика қози ўйлаган ғаразли режанинг дастлабки босқичи амалга ошди.

Эртаси эрталаб Ардиқас “Адолат қароргоҳи”га йўл олишдан аввал қўлидаги узукни ечди, уни бежирим қутичага жойлаб, ўрнига худди ўшандай соф олтиндан ясалган бошқа бир узук тақиб олди. Унга қараб туриб деди: “Бу узук бармоғимни сиқмайди ва узиб ҳам ололмайди”.

Маккорона илжайиб қози “Адолат қароргоҳи” томон йўл олди. Ҳамиша бечораларнинг додига етувчи ва золимларни жазоловчи қози муқаддас ўринни эгаллади.

Аскарлар кишанланган Лагосни қозининг рўпарасига келтирдилар.

Ардикас чўпондан сўради:

– Ҳосилни ўғирлаб, ўз жиноятингни яшириш учун далани сен ёқиб юбордингми?

Лагос жавоб берди:

– Йўқ, жаноб. Мен ўғрилиқ қилмайман, ўт ҳам қўймайман. Мен най чалиб, ундан дилгир наволар таратаман.

Қози шу заҳоти найнинг ҳасратли оҳангини эслаб, кўнгли озди, шамол бу ғамгин куйни олиб келганда Клара бир сесканган эди...

У ҳаяжонини босишга интилиб, деди:

– Вақтни бекор кетказмайлик. Қани суворий? Аскарлар-чи? Гувоҳлар қани?

Суворий ўзи ва қози ўйлаб топган воқеани гапириб берди ва ёнгин чиқмасидан олдин чўпоннинг даладан шошилиб чиқиб кетганини кўрганига қасам ичди. Аскарлар чўпоннинг ғори ёнидан топилган ҳосил ҳақида гувоҳлик бердилар.

Қози худди ўйлаётгандек, жим қолди ва куйидаги сўзларни ирод қилди:

– Лагос ўғирликда айбланади. Бундан ташқари, у ўғирликдан ҳам оғирроқ жиноятни содир этган. У далани ёқиб юбориб, Дахшур аҳолисини бир йиллик озукасидан маҳрум қилди. У бизни бир йиллик муҳтожлик ва очлик исканжасига солди.

Оддий узук тақилган қўлини боши узра кўтариб, давом этди:

– Лагосни ўлим жазосига ҳукм қиламан.

Барчанинг нигоҳи қозининг узукли бармоғига қадалди. Ҳамма нафасини ичига ютганди.

Қози деди:

– Узук бармоғимни сикмаяпти. Демак, қарор адолатли. Жинояткор жазосини олиши лозим.

Деворлар гулдурас қарсағу олқишлардан ларзага келди:

– Яшасин, Ардикас! Яшасин, адолатли қози! Лагосни жаҳаннам ютсин! Ардикас омон бўлсин!

Ана шу лаҳзада Ардикас оломон орасида Кларанинг бўзарган юзини кўриб қолди. У чўчиб тушди. Аъзойи бадани жимирлаб кетди. Кўзларини ерга қадаган куйи “Адолат қароргоҳи”дан ташқари чиқди. Олқишлар уни кузатиб қолди. Қози чўпонни ҳукм ижро этувчи аскарлар қўлида қолдириб, ўзи уйига қараб йўл олди.

Лагос қатл қинаётганида Ардикас Дахшур майдонига келмади. У булғанган виждони олдида даҳшатга тушди.

Бироқ яна унинг олдида Кларанинг мунгли чехраси, бор нафосати билан намоён бўлди ва яна қалбида шайтоний ҳирси жунбишга келди.

Дахшур майдони турли маконлардан етиб келган одамга тўлди. Бу ерда кексалар ва болалар, аёллар ва эркаклар, йигитлар ва кизлар бор эди. Улар бир-бирларини итариб, суриб, ҳукм ижро этиладиган жойга яқинлашишга ҳаракат қилдилар. Лагос учун тайёрланган дорнинг шундай чеккасида Клара ва бир қария турар эди.

Аскарлар Лагосни супага чиқардилар, бўйнига сиртмоқни илиб, оёқлари остидаги тиргакни юлқиб олдилар. Чор атрофдан: “Лагосга ўлим! Яшасин, адолат!” деган ҳайқириклар янгради.

Дор ёнгинасида турган қария ҳушидан кетиб йиқилди, Клара эса, белбоғига қистириғлик ханжарни олиб, ўз кўксига урди. Оломон улар томон

отилди. Қария жон берган, Клара эса, жон талвасасида эди...

Дахшур ахли қария Лагоснинг отаси, Клара эса – унинг қаллиғи эканини биларди. У ўз севгилисиз яшагандан кўра у билан ўлмоқни афзал кўрди. Дахшур халқи мозорга уч майитни олиб бориб кўмди.

Тун. Қози уйдан чиқмади. Унга қариянинг ўлими ва қизнинг ўз жонига қасд қилгани хабарини етказдилар. Бу хабар унинг надомат чекаётган қалбини момақалдироқдек ларзага солди. Ардикас кечалари ўзини йўқлаб келгувчи одатий кишиларни қабул қилишни ҳам истамади. У ютқазган эди. У Кларага жон ато қилиб, унга қарата бундай деб ҳайкиргиси келди: “Сен мендан қочиб кутила олмайсан, ўрмоннинг асов соҳибжамоли. Ҳатто ўлим ҳам сени мендан кутқара олмайди”.

Дахшур уйқуда. Фақат қози бедор. Пўлат қискичлар унинг юрагини исканжага оларди. У вақтни ҳис қилмай қолди. Унга атроф фақат ҳадсиз ғашликдан иборатдек туюларди, гўё чироклар ёритмас ва уйда ҳам ҳеч зог йўқдек.

Ардикаснинг қулоғига чўзиқ увлаган овоз эшитилди. Увиллаган овоз келаётган қоронғи бўшлиқ тарафда боши алангаланган ингичка жасад пайдо бўлиб, у томонга икки қўлини чўзди. Ардикаснинг юраги тарс ёрила ёзди ва бақириб юборди:

– Кимсан?

– Мен узукнинг қулиман. Тўғрироғи, мен унинг сон-саноксиз қулларидан бириман.

– Сен руҳмисан?

– Ҳа, мен руҳман, Ардикас.

– Нима истайсан?

– Сени ҳукм қилмоқ учун олиб кетаман.

– Қандай ҳукм? Қаерга?

– Сен ҳозир буни ўзинг кўрасан, шараф ва бурчига хиёнат қилган қози.

Қози ўзига кўринмас икки қўл уни кўтариб, зулмат томон тортқилаганини ҳис қилди. У қичқириб юборди ва юраги кинидан чиққудек уриб кетди:

– Раҳм қилинг менга, Дахшур ахли, ёрдам беринг!

Ҳаммаёқни зулмат қоплаган. Ой беркиниб, юлдузлар йўқолган. Ардикас узукнинг қули ҳамда унинг алангаланган бошидан бошқа ҳеч нарсани кўрмасди. Ахийри кўринмас қўллар уни майса устига улоқтирди. Ардикаснинг оёғи ерга теккач, сўради:

– Мен қаердаман?

Узукнинг қули жавоб берди:

– Мозорда. Бу ерда сенинг қурбонларинг ётибди, Ардикас. Бу ерга Лагос, унинг отаси ва Клара дафн этилди. Энди англагандирсан қаердалигингни? Атрофингни олов қоплаган. У борган сари қаттиқроқ аланга олмоқда. Бу олов сенинг қурбонларинг бошидан кечирган азоблардир. Ана шу олов нурида фосиқ хиёнаткор устидан ҳукм ўқилади. Қара, мана бу дарахтни кўраяпсанми?

Ардикас ёнгинасида кўкка бўй чўзган дарахтга дахшат билан боқди. Унинг битта шоҳида олтин узук илиниб турар эди.

– Мана шу – ҳақиқат узугидир, – деди узукнинг қули ва шу заҳотиёк гулдурос овоз билан қалтираётган Ардикасни банди қилди-да: – Ҳукм ижроси бошланди... – деди.

Ана шу ҳайкириқ билан бир вақтда қабрларнинг бири очилиб, ундан

оппоқ кафанга ўралган мурда чиқиб келди. Кафанини йиртиб Ардикас ва узукни кули турган дарахтга яқинлашиб кела бошлади. Шу захотиёк иккинчи, кейин учинчи қабр ёрилиб, улардан ҳам яна икки мурда чиқиб келди. Улар биринчисининг ортидан юриб келишди. Учови ҳам Ардикаснинг олдида тўхтади. Узукнинг кули овоз берди:

– Мақтуллар! Юзингиздаги ниқобни йиртинг!

Ардикас ўзини йўқотиб ерга йиқилди. У мархумларнинг юзини кўрди ва учовини ҳам таниди: чўпон Лагос, унинг кекса отаси ва соҳибжамол Клара. Улар Ардикас устидан ҳукм чиқариш учун чақирилгандилар.

Узукнинг кули Ардикасни ўзига келтирди.

– Сен менинг устимга ёлғон айб қўйдинг, – деди чўпон қозига. – Мени бегуноҳ эканимни билиб туриб, ўлимга буюрдинг.

– Сен ўзингнинг қабих ҳирсингни қондирмоқчи бўлдинг, – нидо қилди Клара. – Лекин сен бунга эриша олмадинг. Сен менинг Лагосга бўлган муҳаббатим ва найдан таралувчи мунгли оҳангни севишимни билардинг.

Сўнг узукнинг кули сўзлади:

– Сен донишмандни чақирдинг, Ардикас, у эса сенга чўпонни қизнинг хаётидан йўқотиш маслаҳатини берди. Сен унинг насихатига қулоқ солибгина қолмай, ўзингга яқин бир суворийни жосус, ёлғончи бўлишга ундаб, манфур ғаразингни амалга ошириш йўлида уни ҳам қўлини қонга ботиришга мажбур қилдинг.

– Мен бу захматни кўтара олмадим, – шивирлади чол. – Ва юрагим ёрилди.

Ардикаснинг даҳшат исканжага олди овози бўғзига тиқилди. Атроф мудҳиш сукутга чўмди. Тўсатдан дарахт тарафдан овоз келди:

– Сен ўз қасамингни буздинг, Ардикас! Сен менга, ўз бурчингга, адолатга хиёнат қилдинг.

Ардикас овоз келаётган тарафга қаради.

– Буни ҳақиқат узуги гапирмоқда, – изоҳ берди унинг кули, – бу ўша сен жирканч жиноятинг учун алмаштирган муқаддас узук. Ана энди сенинг устингдан ҳукм чиқарувчиларнинг сўзларини тингла.

Чўпон деди:

– Мен яшаган хотиржамлик ҳаққи, мен куйлаган муҳаббат ҳаққи, найимнинг нозик оҳангларини таратган тунги шамол ҳаққи, ўзимнинг покиза исмим ҳаққи, мени ўлдириш билан сен ўчирмоқчи бўлган туйғуларим ҳаққи хурмати, мен дарҳол сенга жазо берилишини талаб қиламан.

Ота сўзлади:

– Сен ўз ёвуз жиноятинг билан ўлим зарбасига рўбарў қилган Оталик ҳаққи, сўлғин барглар билан кўмилган ҳоким ҳаққи, мен сенинг ўлимингни истайман.

Қиз деди:

– Қалбимда сақлаган чўпонга бўлган соф муҳаббатим ҳаққи, қалбим яшаган ёруғлик ҳаққи, сен Лагосни қотилисан, адолатсиз қози, шаҳватпараст, менинг вужудим билан ўзингни қондириб, мени шармусор этмоқчи бўлдинг, мен ҳам сенга ўлим тилайман.

Дарахтдан баланд овоз янгради:

– Сен пасткашларча хиёнат қилган шараф ҳаққи, муқаддас адолат ҳаққи, ҳаққоний ҳукмлар ҳаққи-хурмати мен ҳам сенинг ўлимингни истайман.

Узукнинг кули сўради:



– Ардикасга ёрдам қилган суворийни нима қиламиз?

Узук жавоб берди:

– У бошқа адолатли ҳукм олдида жавоб беради. Ҳозир эса, жинояткорни боғланг.

Узукнинг қули Ардикаснинг қўл-оёқларини боғлаб, уни юкорига кўтарди. Ардикас ҳамон ҳеч нима деёлмасди. Учала қурбон дарахт шохидаги узук қандай кенгайгани ва узукнинг қули уни Ардикаснинг бўйнига кийдиргани, то у жон бермагунча узук уни сиқа бошлаганини кўра турдилар...

Эрталаб одамлар мазор олдидаги майдонга келиб, дарахтда осиглик мурдани кўрдилар. Улар бу ҳақда Дахшурга хабар етказдилар. Қишлоқ аҳли мазорга югуриб келиб, дарахтда осиглик турган қозини кўрди. Унинг бўйнини олтин узук сиқиб олган эди. Дарахтнинг ёнида эса ўша уч мурда ётар эди.

Узоқдан овоз эшитилди:

– Дарахт шохида ҳақиқат узуги осилиб турибди, у ўз бурчига хиёнат қилган малъун қозининг жонини олди.

Бу эртак-ҳикояни одамлар авдоддан-авлодга етказдилар.

## Юсуф ИДРИС

(1927–1991)

1927 йилда Мисрда туғилган. 1951 йилда Қоҳира университетининг тиббиёт факультетини тамомлаб, Қоҳира касалхонасида шифокор бўлиб ишлаб бошлади. Кейинроқ Қоҳира шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасида инспекторлик қилди. 1959 йилдан “Ал-Жумҳурия” газетасининг журналисти сифатида матбуотда кўрина бошлади. 1970 йилдан – “Ал-Аҳрам” газетасида ишлади.

Биринчи тўплами – “Энг арзон кечалар” 1954 йилда нашр этилди. Ўнлаб ҳикоя ва қиссалар тўплами, “Оппоқина” номли роман ҳамда еттита пьеса муаллифи.

## ШЎРПЕШОНА

Абдунинг пули йўқ эди. Бу биринчи марта бўлаётган эмас. У умр бўйи ҳар бир чақасини оғир меҳнат, машаққат билан топиб келган. Абду новвойлик қилди. Бу касбни суриялик моҳир новвой Фойд устадан ўрганганди. Улар пиширадиган қатлама кулчалар ҳар қандай уста новвойнинг ҳавасини келтиргудек юмшоқ, қизариб чиқарди. Аммо унинг тақдири айтарли кўнгилдагидек кечмади...

Абду болалигидан устахонада ишлади. Хўжайин уни хайдаб юборгач, катта бир ўн қаватлик уйга баввоб<sup>1</sup> бўлиб ишга ёлланди. Кейин то бели майишиб, чурраси тушгунча ҳаммоллик қилиб юрди.

Абдунинг овози чиройли бўлмаса ҳам, недир авжи бор эди. У кўчада мева сотиб юрган вақтларида баланд овозида қичқириб, харидорларни чақирарди.

Абду бир гал даллоллик ҳам қилди. У эртаю кеч шаҳар кўчаларини изғиб, ижарага арзон хоналар қидирар, хоналар топганида хизмат ҳақиға

<sup>1</sup> Баввоб – араб тилидан сўзма-сўз “эшиқдон” маъносини беради. Уйларнинг эшиги олдида келдикеттини кузатиб ўтирувчи, шу уйнинг ободонлигига хизмат қилувчи ходим. – Тарж.

10 қурш оларди. Бора-бора тажрибаси ортиб, “олий” мартабадаги даллол даражасига етишди ва кўчама-кўча дайдиб юрмасдан ўша 10 чақага қаноат қилиб яшай бошлади. Бироқ, кўп ўтмай, бу ишидан ҳам айрилди.

Абду қахвахонанинг яхшигина дастёри ҳам эди. Ўша фаровон кезларда у байрам кунлари жуда кўп миждозларга хизмат кўрсатар экан, уларни асло куттириб қўймас, қўли қалтираб идиш синдирмасди.

У катта бир хонадоннинг мўъжазгина ҳужрасида хотини билан турар, қўшнилари ҳам ёмон одамлар эмасди. Бироқ унда-бунда хотини ва қўшни аёллар ўртасида майда-чуйда можаролар бўлиб турарди. Қўшнилари Абдуни тушунишарди. У ишсиз қолганида унга қарз бериб туришар, ишлаб юрган кезлари эса, ўзлари ҳам ундан қарз олиб туришарди. Қисқа қилиб айтганда, бу хонадонда яшовчиларни тақдир у қадар сийламаганди!

Мана Абдунинг чўнтаги қуп-қуруқ.

Бу галги пулсизлик узоққа чўзилди, пул топишга умид ҳам қолмаганди, энди ҳаммаси тамом. Абду иш қидириб, бош уриб бормаган эшиги қолмади, рад жавобини олавериб, чарчаган ва ғамга ботган кўйи қуп-қуруқ қўл билан уйига қайтди. Хотини Нафиса унга қорасини кўрсатмайди ҳам. Абду жимгина бўйрага чўзиларкан, хотинининг доимий минғир-минғирини эшитмаслик учун қулоғини беркитиб олди. Нафиса эса, ҳар куни унга унинг эгаси агар ижара ҳаққини тўламасак ҳайдаб юбормоқчилигини, катта байрам яқинлашиб келаётганини, яқинда кўзи ёриши ва унинг шафтолига бош қоронғи эканини, бундан олдинги қизалоғи турмаганини қайта-қайта айтиб, тўхтамай жавранарди.

Баъзан эса Нафисанинг дийдиёси азбаройи ҳаддан ошганидан эрига бор овози билан кичкира бошларди. Абду мана шунисига чидай олмасди. Шусиз ҳам у қўшниларининг кўзига балодай кўришиб қолганди. Улар Абдунинг ёш бўлишига қарамай, омадсиз эканига ачинишар, аммо бундан ҳеч қандай наф йўқ эди, қашшоқлик унинг гирибонидан маҳкам тутганди.

Бир куни Абду уйига келганида хотини уни қўшнисини Талба иш масаласида чақирганини айтиб қолди. Абдуга жон кирди: ишқилиб, маоши дурустгина иш бўлсин-да.

Кўз очиб-юмгунча у касалхонада ёрдамчи бўлиб ишлайдиган қўшнисини Талба ҳузурда пайдо бўлди. Талба бу уйда яшовчилар орасида энг ҳурматли қўшни ҳисобланарди. Абду Талбанинг саломига ийманибгина, илжайиб алик олди ва аста ўзининг таржимаи ҳолини гапира бошлади. Абду бир вақтлардаги кунларини эслар экан, кўнглида бир ширин хотиржамлик хиссини туя бошлади. Талба унинг серямоқ кийимларига қараб турганини сезгач, худди ўзини оклашга тиришаётган одамдек бошидан ўтганларини ҳикоя қилишда давом этди. Борган сари унинг овози қатъийлашиб, қалби фаҳрга тўла бошлади: у қачонлардир одам бўлган! Сўнг овозини бир оз пасайтириб, ўткинчи дунё, замон ва одамлар, зуғумга тўла қалбларга нисбатан ўзининг қаҳрини ёғдира бошлади. Шу билан бирга яхши кунлар келишига умиди борлигини ҳам тилга олиб ўтди. Ниҳоят, деярли пичирлаб, худди айб иш қилиб қўйган одамдек кулимсираб, Талбадан иш-пиш топа олармикинман, деб сўради.

Унинг гапларини охиригача эшитган Талба ишонч билан иш топилишини айтди.

Абду қувончга тўлиб уйига қайтди, ахийри Аллоҳга додим етди, деб кўнглидан ўтказди. Талба уни қандай қарши олганини хотинига тўлиб-тошиб сўзлаб берди ва эртасига талабаларнинг чойшабларини ювиб келгач,



Талбанинг хотини олдига бориб, унга рўзгор юмушларида ёрдам бериб юборишини айтди.

Абду кун ёришмасдан уйғониб, Талба билан биргаликда касалхонанинг донорлик бўлинмасига борди. У ерда аллақачон туманот одам навбат кутиб турарди. Донорлик эшиги соат ўнда очилди. Ҳамма жимжит йўлакка кирди. Абду тахтага ўтирди. Атрофда карболка<sup>1</sup> хиди бурқсир, кўп ўтмай бундан унинг боши ғовлай бошлади. Кутиб ўтирганларни гуруҳ-гуруҳ ичкарига чақириб, савол-жавоб қила бошладилар. Абдудан ҳам исмини, ота-онасининг исмларини, бувиси ва бобосининг нимадан вафот этганларини сўрашдилар. Ундан фотосуратини сўрашди, бироқ унинг ёнида фақат полиция текширувидан кўрқиб ҳамиша ёнида олиб юрадиган шахсни тасдиқловчи ҳужжатдан бошқа ҳеч вақо йўқ эди.

Кўп ўтмай уни яна чақирди, ҳамшира унинг қўлини сиқиб, томирига игнасини суқди ва уни қон билан тўлдирди. Сўнг унга: “Бир ҳафта ўтказиб кел” – дейишди.

Ҳафта давомида Абдунинг пули бўлмади. Ўша айтилган куни эрта тонгда у яна донорлик бўлимига борди. Соат ўнда эшиклар очилди. Кирганларнинг кўпчилигига: “Сизнинг қонингиз тўғри келмади” – деб жавоб бериб юборишди. Абдунинг юраги увишди. Бироқ у: “Яроқли” – деган жавобни олди ва қон олгунларича кутиб ўтирди. Абду очиқиб кетган бўлса ҳам кутди, кутаётганлар орасида ўзини қахрамондек ҳис қиларди.

Кўп ўтмай Абдуни хонага чақирди. Унинг қўлини тахта тоқчага қўйганларида бир оз кўрқди, бироқ атрофидаги одамларга қараб сал ўзига келди. У қўлида муздек совуқни ҳис қилди. Абду жимгина ўз ишлари билан машғул ҳолда қўлларга эм игнаси суқаётган ҳамшираларга қаради. Ҳамширалар унинг вайсақи хотинига ўхшамас эдилар. Абду бу ерда эркалар ҳам борлигини кўрди. Уларнинг юзлари чойшабдек оқариб кетганидан ялтирар эди.

Абду юзига тугиладиган дока ниқоб ясаётган ҳамшираларга қаради. Сўнг у ўзида бир оз толиқиш сезди. Ўнг тарафдаги қўшниси сўради: “Қанча қон олишади?”. Кимдир жавоб берди: “Билмасам, ярим литр дейишяпти”. Сухбат шу билан тўхтади. Ниҳоят Абдунинг қўлини бўшатишди, совуқ спирт билан артиб, “Бўлди” дейишди.

Абду ўрнидан туриб, ўйлашиб, эшик томон борди-да, пул ҳақида сўради. Унга кутиб туришни тайинлашди. Сўнг Абдуга бир жунайху ўттиз қурш тўлашди! Кейин уни сулкат билан овқатлантиришди ва бунинг эвазига берилажак ҳақдан озгина чегириб ҳам қолишди.

Касалхонадан чиқиб, Абду уйига боришдан аввал, қассобдан гўшт, сабзавотчидан картошка сотиб олди. У уйига кулиб, хурсанд қайтди. Нафиса эшикни очиб, унинг қўлидан халталарни олар экан, хотинининг саломига жавобан назокат билан уни севиши, ҳатто унинг учун ўлимга ҳам тайёр эканлигини айтмоқчи бўлди-ю, уялди.

Ўчоққа олов ёқилди, гўштли қайнатманинг димоқни қитиқловчи ёқимли иси бутун хонадонни тутиб кетди. Бу ис қўшнилари димоғига етиб, кимдир хурсанд бўлди, кимдир ҳасад қилди.

Абду яхшилаб таомланиб, кўчага чиқди ва тарвуз сотиб олди.

Бу оқшом аёлининг одатдаги бидирлашларини эшитмади. Уларнинг инок шивир-шивирлари нару мода кабутарларнинг ғув-ғув овозига ўхшарди.

<sup>1</sup> Карбол кислота – карболка, фенол (дезинфекция учун ва техникада ишлатиладиган ўткир хидли суюқлик).– Тарж.

Ҳафта охирига бориб пул тугади.

Белгиланган кун ва вақтда Абду донорлик бўлимида ҳозир бўлди. Ундан яна қон олишди, овқатлантиришди ва пул бериб кузатишди. Абду ўзининг янги ишидан кўнгли тўлганди. У на устанинг танбехларини ва на ширкат бошлиғининг бақириқларини ва на хўжайиннинг сўқинишини эшитарди. Ҳар ҳафта касалхонанинг озода ва саришта хонасига борар, ярим литр қон топширар ва хотинини боқар эди.

Кўпчиликнинг унга ҳаваси кела бошлади...

Хотини ҳам унга бошқача қарай бошлади. Унинг қўлидан харид тўла халталарни олаётиб, чиройли кулиб қўярди. Ётганларида эса унга уйқу бермай, борган сари ранги гезариб, озиб кетаётганини сўзларди. Нафиса хонадондаги қўшнилар ва унинг орасида бўлиб ўтган гапларни ипидан игнасиғача сўзлаб берарди, қўшни Ҳамида билан жанжаллашгани, унинг “эринг сени қонини сотиб боқяпти”, деганиғача гапирди. Ора-сира она боласини эркалагандек эрини эркалаб қўяр эди, уни аярди, чунки у кўп қон топшириши керак эди-да. Кечаси уни иссиқроқ ўраб қўяр, кундузлари уринтирмас, барча инжиқликларини кўтарар, ҳамма айтганини муҳайё қиларди.

Абду хотинининг бу қадар қайғуриши сабабини жуда яхши билиб турар ва шундай қилиш шартми, дея дили хижил ҳам бўлар, баъзан эса очикдан очик жаҳли чиқарди.

Тўғри, одамлар у ҳақда кўп ғийбат қилишарди. Тўғри, у ҳар гал қон топширганида боши айланарди, касалхона ҳовлисида кечгача ухлаб қоларди. Лекин, энди уларнинг уйида ҳар куни қозон осиларди, ижара ҳақи ҳам ўз вақтида тўлаб бориладди. Одамлар нима деса деяверсин, унинг нима иши бор улар билан?

...Галдаги донорлик бўлимига ташрифида Абдуни ичкари қўйишмади.

- Нима учун? – хайрон бўлиб сўради Абду.
- Анемия.
- Нима у “анемия”?
- Камқонлик.
- Хўш, нима қилибди?
- Сиздан қон олиш мумкин эмас.
- Хўш унда нима қилишим керак?
- Соғлиғингиз тикланганда айтасиз.
- Мен соппа-соғман, тоғни уриб, толқон қиламан керак бўлса.
- Юрак фаолиятингизда заифлашиш бор.
- Ҳеч нима қилмайди, мен ўзим жавоб бераман бунга.
- Бу ўлим билан тугайди, ахир.
- Розиман.
- Мумкин эмас. Аввал соғлиғингизни тикланг. Биз бундай қила олмай-миз. Бу ғайриинсонийлик.
- Бу-чи, инсонийликми? Хўш, сизлар айтинг?
- Доктор тўғри айтаяптилар, оғайни.
- Демак, мендан қон олишмайди-а?
- Ҳа.

Бу кун улар Абдуни овқатлантиришни ҳам унутишди.

Хасталанган Абду яна пулсиз қолди...



**Ян ПАРАНДОВСКИЙ**

(1895–1978)

## СЎЗ КИМЁСИ<sup>1</sup>

*Рус тилидан  
Мирзаали АКБАРОВ  
таржимаси*

### АДАБИЙ ЛАБОРАТОРИЯЛАР

Шоирлар кўплаб асрлар мобайнида илмий унвонлардан воз кечишмаган. “Doctus” сўзи Рим шеъриятида фахрий мурожаат ўрнида қўлланилган. Латин адабиёти дунёга келган даврда юнон адабиёти шеъриятда билимдонликнинг энг юкори чўққисига кўтарилган Искандария даврини бошдан кечирмоқда эди. Наинки йирик поэмаларда, балки ҳатто энг кичик эпиграммаларда ҳам мифология, тарих ёки адабиётнинг излари мавжуд бўлиб, уларни фақат энг билимдон кишиларгина тушуна олган. Ўз-ўзидан маълумки, ушбу ҳодиса янгилик эмасди, аммо Искандария даври учун ўзига хос характерга эга эди. Пиндар олим ва халқ ривоятларининг ажойиб билимдони сифатида тенги йўқ, мислсиз оҳанглари кашф қилиб, уларга ўзига хос ранг, тус бера олди. Гесиод пухта, синчков илоҳиётшунос эди, у “Теогония”ни тузган, “Меҳнатлар ва кунлар”ни ёзган чоғида эса дала ишларини ҳам зўр диққат билан кузатган. Ҳомер бронза асрига доир маълумотларни жиддий тадқиқотларсиз қўлга кирита олмасди ва яна бошқа жуда кўп нарсаларни, биринчи навбатда ҳарбий санъат, денгизда кемаларнинг юритилиши ва тиббиётга оид қимматли маълумотларни ҳам кунт билан ўрганиб чиққанлиги кундай равшан. Ундан кейин Троя уруши мавзуси устида иш олиб борган шоирлар мифологияга доир минглаб вариантлардан иборат улкан материал тўплашган. Шунга ўхшаш дастлабки изланишлар фожианавислар, айниқса, Еврипид ижодида ҳам кўп учрайди, у барчага маълум бўлган, кўп ишлатилган ва сийқаси чиққан ривоятнинг ғайриоддий ва ўзига хос шаклини топишга ҳаракат қилган.

Рим шеъриятининг отаси Энний ўзининг “Солнома”си учун материал тўплаётиб, китобларга ҳам қарамаганини, Лукреция эса “Нарсалар табиати ҳақида” номли поэмасида материалистик фалсафага гўё умумий шарҳ бериб ўтганини тасаввур қилиш қийин. Вергилий “Энеида” учун ўзининг мифология, тарих, география ва дин бўйича олган бутун билимларини ишга солган – ҳар бир шеърда, ҳар бир таъриф-тавсифда тафсилотларни жиддий

<sup>1</sup> Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.



ва пухта ўрганиб чиққанлиги яққол сезилиб туради, жаноб Бержере ўзининг “Вергилий – денгиз сайёҳи” асари устида қаттиқ ишлаган пайтида мазкур поэтик қомуснинг кичик бир қисмидан фойдаланган. Овидий “Метаморфозалар” устида ишлаётиб, ўзини чинакам мифограф олим сифатида намоён қилган, аммо унинг “Фасталар”и тугалланмай қолган, чунки ваҳшиёна Томаларда сургунда бўлган чоғида илмий асарлари ёнида бўлмаган.

Ўрта аср илм-фани ўз даврида бир қадар тартибсиз ва хаёлий бўлган, аммо шоирлар уни англаб, тушуниб етишни ўз бурчлари деб билишган ва “Илоҳий комедия” шоирнинг ўз замонаси ҳақидаги билимлари билан баб-баравар даражада Данте илҳоми ила йўғрилган эди. Унинг дунё тўғрисидаги билимлари “Базм”да ҳам ўз ифодасини топган, бу асар уни ўша даврнинг энг билимдон кишилари қаторига олиб чиқди. Гуманизм шоирларни ҳаттоки энг шахсий, интим ҳис-туйғуларни ифодалашда ҳам китоблардан олинган материаллардан фойдаланишга ўргатди, ўша даврда ёзилган ҳар бир шеърни ўқиётганда беихтиёр аввал китоб тоқчаси, ана ундан кейингина қоғоз, сиёҳдон ва перо томон чўзилган кўл кўз олдимишга келади. Мильтон лотин грамматикаси дарслигини, мантиқ, Англия тарихини ва илоҳиётшунослик бўйича трактат – “De doctrina christiana”ни нашр эттирди, катта лотинча луғат учун материаллар тўплади. XVII – XVIII асрларда Европада шоирлар томонидан дастлабки тайёргарликни талаб қилган мавзулар ишлаб чиқилди ва ҳатто “бекорчилар мактаби”нинг бирдан-бир, ягона ва эҳтимол, ҳақиқий шогирди бўлган Лафонтен табиатнинг ҳалол, виждонли тадқиқотчиси, деган обрў-эътиборга сазовор бўлди.

Романтизм ҳеч бўлмаса лирикани мажбурий билимдонликдан озод қилишга эришди, шу туфайли эндиликда эротик ёки “кайфиятга боғлиқ”, масалан, ёмғирли кун ҳақида шеър ёзувчилардан ҳеч ким ўтмиш шоирларига хизмат қилган «предмет адабиёти»ни ўрганиб ёки истиоралар ҳамда оҳ-воҳ, зорланишлар рўйхатини тузиб ўтирмайди. Бироқ романтизм ҳам шоирларга билимсиз бўлиш ҳуқуқини бермаган. Мицкевич ажойиб маълумот олишга эришган ва бу унга Лозаннада лотин ва “Коллеж де Франс”да славян адабиёти бўйича ҳеч қандай қийналмасдан маърузалар ўқиш имконини берган, унинг Наполеон III га бағишлаб лотин тилида ёзган қасидасини эса бемалол XVI аср гуманист шоирларининг лотинча ёзган шеърини асарлари билан бир қаторга қўйиш мумкин. Красиньский тарих ва фалсафани яхши билган, Словацкий ўз билимларини бошланғич маълумотномалардан олмаган. Барча машҳур шоирлар ақлий маданиятни пухта эгаллашган, буни Польша тарихи ва антик даврни атрофлича ва чуқур ўйлаб кўрган Виспяньский ҳамда университет кафедрасини бошқарган Каспровичда ҳам яққол сезиш мумкин. Фақат ҳеч қандай келажаги йўқ умри қисқа адабий қовоқбошлардагина бемаза асарлар учраб туради.

Стефан Жеромский ўзининг “Снобизм ва тараққиёт” номли асарида поляк кубистлари, футуристлари ва экспрессионистларининг билимсизлиги ҳақида нафратланиб ёзган, орадан ўн йил ўтгач эса, аллақандай нўноқ шоир ижодкор номини орқаворатдан эшитган шекилли, уни ҳурмат қилгиси келмай, “француз больделерлари”ни ўзича рад этган. “Алкоголь” муаллифи Апполинернинг шеърлардан иборат жилдини очган ҳар қандай кишининг димоғига бирдан ақл-заковат, билимдонликнинг ҳиди урилади, бунга албатта, Миллий кутубхонада ўтказган сон-саноксиз соатлари ҳисобига эришган, зеро, ҳозирги мухлислари у бутун умрини қовоқхонада

ўтириб ўтказган, деб ўйлашади, аслида эса мутлақо ундай эмас. “Шоир иш устида” – Эмил Верхарннинг Рейссельберг мўйқаламига мансуб портрети шундай деб номланади: шоир қўлёзма узра мук тушган, стол устида – очик китоб, қуйида эса кутубхона тасвири.

Қачонлардир роман ёзиш учун дастлабки тайёргарлик ишларига ҳожат бўлмаган. Гелиодор ўзининг “Эфиопика” сини, Лонг эса мафтункор идиллия<sup>1</sup> “Дафнис ва Хлоя” ни ёзган ўша боқибегам замонларда ва кейинчалик, Магелона ва Мелюзина ҳақида китоблар яратилган ва ниҳоят, ламанчилик рицарнинг бошини айлантирган ҳайратланарли севги қиссалари битилган даврларда роман ўқилган ва эшитилган эртақлар, ҳикоялар ва оқшомги суҳбатлар билан аралашиб, қоришиб кетган бой, тийиксиз фантазия – бир сўз билан айтганда, дунёда инсон оёғи етган жой борки, барчасини айла-ниб, кезиб чиққан сон-саноксиз мотивлар асосида юзага кела бошлади. Аммо ёлғон ва сафсаталар уясида гоҳо чангалзор ва чалкашликлар оралаб, ҳақиқий гўзаллик сари йўл оча олган чинакам ижодкор ҳам пайдо бўлиб қолар, бу албатта, истисно эди, чунки ўша даврда яратилган романларнинг аксарият кўпчилигидан ярмаркаларга хос балаган<sup>2</sup>га ўхшаб кетар эди. XVIII асрда Польшада “роман” деб аталган уйдирма ва чўпчаклар кулгили ҳамда шармандали бир нарса эди, холос.

Роман ниҳоят, ушбу жирканч адабий шаклдан ҳазар қилмасдан, уни жиддий бадиий иш мавзуга айлантирган ёзувчилар шарофати билан янги ҳаёт остонасига қадам қўйди. Улар романга руҳият, турмуш тасвирини олиб кирдилар, тарихни чуқур ва тўғри ҳис қилиб, роман услубини ижтимоий ва фалсафий тафаккур билан бойитдилар, унга кайфият ва файз бахш этдилар. Англияда Ричардсон, Филдинг, Голдсмит, Стерн, Вальтер Скотт; Францияда Лесаж, Прево, Бернарден де Сен-Пьер, Шодерло де Лакло, Руссо; Испанияда улуғ Сервантес; Германияда Гёте (“Вертер”, “Вилхелм Майстер”, “Ҳамроз диллар”) ўз асарлари билан роман агар ижодкорнинг айтар сўзи бўлса ва унга астойдил киришиб, меҳнат қилса, унинг санъат асари, тафаккур асари бўла олишини амалда исботладилар.

Адабиёт оламида Бальзак ва Стендаль, Теккерей ва Диккенс пайдо бўлди. XIX асрнинг баҳор сувлари жилдираб оқа бошлади. Флобер, Доде, Золя минглаб майда жилға, ирмоқлар билан Франция ҳаётини бутун дунёга кўрсатдилар; Гоголь, Тургенев, Толстой, Достоевский рус қалбининг қоратупроқ замин аро сирларини тасвирлаб, шимолий дарёларнинг қудратли оқимини юзага келтирдилар; Висла тўлқинлари ўзи билан Сенкевич, Прус, Жеромскийни олиб келган бўлса, Скандинавия мамлакатлари Ҳамсун, Бьёрнсон, Сельма Лагерлёф прозаси орқали ўзларини танитдилар. Европа адабиётининг ландшафти бирданига ўзгариб кетди. Яқиндагина қад ростлаб турган мағрур қасрлар, фил суягидан ясалган миноралар, шоирлар орзулаган ибодатхоналар жойлашган ерларда янги услубдаги бинолар, барча даврлар ва табақаларга мансуб оддий ва кундалик, сершовқин манзилгоҳлар пайдо бўлди. Қироллар ва рицарлар устахоналар, дўконлар, биржалар, чордоқлар ва оқова ариқлардан чиқиб келган оддий одамлар тўдасига қўшилиб, аралашиб кетдилар. Аслзода хонимларни севги-мухаббат туйғусига бирдай тобе бўлган оддий аёллар

<sup>1</sup> Идиллия – табиат кучоғидаги тинч ва осойишта ҳаётни тасвирловчи кичик шеърый асар – тарж.

<sup>2</sup> Балаган – сайёр халқ артистларининг қўғирчоқбозлик, масхарабозлик ва ҳ. к. дан иборат бўлган томошалари – тарж.

орасида ажратиб бўлмасди, бундан зодагон аёлларнинг юраклари эзилар, чунки у аёлларни илгари адабий салонларга қўйишмас эди.

Роман замондош шоирлар томонидан рад этилган жанрлар – эпопея, дидактик поэма, идиллияни “ютиб” юборди, бироқ роман ушбу жанрлардан кўплаб композицион усулларни, мотивлар, персонажлар, кайфиятларни “ўрганди” ва тарих, социология, фалсафа ҳамда дунё организмнинг барча шира-шарбатлари билан озиқлана бошлади. Роман таназзули ҳақида бир қанча вақтдан бери пайдо бўлган гапларга хилоф равишда у ҳамон давримизнинг бош адабий жанри бўлиб келаётир. Ҳатто гўзал Мелюзинанинг зот-зурриёти ҳам батамом қирилиб кетмади ва “Шарқ мамлакатадаги подшонинг олийжаноб қизи Банялука”нинг уруғ-авлоди янги либос кийиб, “мирза ва оқсочлар” учун мўлжалланган романларнинг саҳифаларида ўз саргузаштларини давом эттириб келмоқда, аммо улар ҳақиқий, чинакам адабиётга мансуб эмас.

Роман тикланиши билан ёзувчи иш фаолиятида катта ўзгаришлар бошланди. Энди ёлғиз фантазия билан силлиққина услубнинг ўзи етарли бўлмай қолди. Танланган мавзу меҳнатни талаб қиларди, бу ҳақда ҳатто тушунчага ҳам эга эмас эдилар ва эҳтимол, бунга нисбатан эскиликка амал қилувчи бўлмағур уйдирмаларнинг муаллифлари менсимайроқ муносабатда бўлишлари ҳам мумкин эди. Илгарилари тафсилотларга, реалаяларга ҳеч қачон бунчалик аҳамият берилмаган, инсон ҳаётининг майда-чуйда икир-чикирларига ҳам ҳеч қачон бунчалик чуқур кириб борилмаган эди.

Роман муаллифи ўз материалини худди олим сингари йиғиб, тўплайди. Танланган мавзуга қараб, тарихни, қадимшуносликни, тиббиёт ёки кишлоқ хўжалигини ўрганади, ҳаётнинг ўзига хос хусусиятларини кузатиб, уларни қайд қилиб қўяди, маълум бир муҳитгагина хос бўлган лаҳжалардаги тафовутлар ва ибораларга кулоқ солади, воқеа ривожланадиган жой, ер билан танишади, айрим эпизодлар ёки персонажлар учун қўшимча махсус маълумотлар излайди, роман устида ишлаётган пайтда стратег (“Уруш ва тинчлик”даги жанг режалари)га, юрист, шахтёр, денгизчига айланиши ҳам мумкин, у барча касб-хунарларни, инсон иш фаолиятининг барча турларини жиддий, пухта билиб олишга ҳаракат қилади ва мабодо буни ўз шахсий тажрибасида қилиб кўришнинг уддасидан чиқолмаса – ўзи тасвирламоқчи бўлган, ҳаётнинг янги ва нотаниш соҳаларига ўзи кириб боролмаса агар, – унда буни сиртдан, ташқаридан, четдан диққат ва тиришқоқлик ила кузатиш билан кифояланади ёки жуда бўлмайдиган бўлса, бу ҳақда ишончли манбалардан зарур маълумотлар олишга эришади.

Ва шунда денг, ажойиб ишлар содир бўлади. Мактабда ўқиб юрган пайтларида илм деса кўнгли айниб, синфдан-синфга аранг кўчиб юрган, ўқув юртини ҳам чала-чулпа билим билан битириб чиққан худди ўша одамлар қачонлардир ўзлари менсимаган предметларни бирдан ўрганишга шунақанги ғайрат, иштиёқ билан киришиб кетадиларки, буни кўриб ё эшитиб ҳайратдан ёқа ушлайсиз, гўёки бу ерда гап уларнинг келажаги, дипломлар ва илмий даражалар ҳақида бораётгандай, ҳеч қандай қийинчиликлардан ҳам кўрқмасдан, фақат китоб ёзиш учун ўзларига зарур бўлган билимларни пухта эгаллаб оладилар. Томас Манн ўзининг енгилтаклик ва мулоҳазасизлик билан кечган ўқувчилик йилларини эслайди, бу ёқда эса “Сехрли тоғ”нинг, “Доктор Фаустус” ёки “Лотта Ваймарда” асарининг ҳар бир боби тегишли материалнинг, хоҳ у сил ка-

саллиги сихатгоҳининг тиббий сирларига оид бўлсин, хоҳ Нафта билан Сеттенбрини ўртасидаги мафкуравий мавзулардаги баҳс-мунозараларга ё мусиқа ёки Гётенинг ҳаёти ва ижодига доир бўлсин, беками-кўст ўрганиб чиқилганидан далолат бериб турибди. Лекин шундай бўлса ҳам, Томас Манн "Фаустус"ни ёзган йилларини хотирларкан, ўз ижодхонасига бирров назар ташлашимизга ҳам изн беради, у ерда материалларнинг улкан захира-лари тўпланганини қайд этиш билан бирга, мусикашунослар билан бўлиб ўтган сон-саноксиз маслаҳатлашувлар ва кенгашларни ҳам эслатиб ўтади. Анатолий Франсга хос эрудиция ҳақида гап кетганда, унинг гимназияда ўқиган пайтларида илм-фан билан чиқишолмагани ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмайди, университетга-ку, етиб боролмаган. Худди шунга ўхшаб, Жеромскийнинг ҳам интеллектуал ва жисмоний очликдан азоб чекканини унинг "Кундаликлар"идан билиб олиш мумкин. Лекин ҳормай-толмай меҳнат қилиб, пировардида наинки поляк ёзувчилари орасида камдан-кам учрайдиган билим даражасига эришди, балки олган билимларини ўзининг бутун ёзувчилик умр йўли мобайнида то сўнгги лаҳзага қадар муттасил кўпайтириб ва такомиллаштириб борди. "Денгиз шамоллари"нинг ҳар бир саҳифаси муаллифнинг улкан ақл-заковат соҳиби эканлигидан дарак бериб турибди. Ўзининг романларида шундай бир оддий ва тушунарли бўлган Прус эса, уларнинг саҳифаларида олимлар ва мутафаккирларнинг иш кабинетларига камдан-кам эшик очган, фақат шахсий қайд ва ёзув-ларидагина амалий теран тафаккур ҳамда илм-фан билан бўлган муттасил мулоқот сезилиб туради.

Шу зайлда ишлаш зарурати ёзувчи нима учун ўз билим доирасидан ташқарига чиқадиган мавзуларни ёқтирмаслиги ва улардан ўзини олиб қочиши сабабларини ҳам тушунтириб беради. Одатдаги, кўникиб кетилган муҳитни, шинам кабинетни тарк этиб, ақлли ва ёқимли китоблардан қочиб, ёғлаш учун ишлатиладиган мой ҳиди анқиб турган машиналар гуриллаб ишлаётган сершовқин цехга йўл олиш учун ҳам муайян даражада ўзини қурбон қилишга тўғри келади ва у ердаги елиб-югураётган, қаёққадир шо-шилаётган одамларнинг қаттиқ, дағал овозларига чидаб, винтлар, болтлар ва кўтарма кранларнинг чалкаш-чигалликларига дош бериб, сўнг янаям юқориюққа – мана шу тарақа-туруқ ва ғачир-ғучур "дунё"ни ҳаракатга келтирадиган математик формулаларнинг кўрқинчли муҳитига чиқиб бориш керак бўлади. Ва ёзувчи бутун бир китоб ёзиш учун эмас, балки баъзида ун-даги биргина эпизод ёки икки-уч жумла, ҳатто бирдан-бир, ягона муқоясани деб, ўзини қурбон қилишнинг мана шундайин ҳаракатларга ҳам тайёр туради. Флобер бошлаб қўйилган "Иродиада"нинг қўлёмасини бир четга олиб қўяди-да, таникли шарқшуносга хат ёзиб, ундан Махаэро қальасидан чўққилари кўриниб турган тоғларнинг номларини айтиб беришини илтимос қилади, қаранг, нари борса, икки-уч бўғиндан иборат ном ёки номларни деб ёзувчи, то жавоб келмагунича ишни тўхтатиб қўяди, мақсад шубҳадан холи бўлиш ва йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолардан сақланиш, холос. "Денгиз шамоллари"нинг биринчи қисмида Сментек виола чалиши лозим бўлган бўлса, Жеромский контрапункт билан шуғулланди, камонча билан чалинадиган турли хил мусиқа асбоблари, уларнинг келиб чиқиши ва тарихи билан танишиб чиқиб, буларнинг барчасини ён дафтарчасига ёзиб қўйди. Башарти бундай материал келгусида керак бўлмасдан, баён ёки сю-жет таркибига киритилмаган тақдирда ҳам, романнывис ўз қахрамонлари

учун уй қуришга киришар экан, ундаги деразаларнинг шакли, деворларнинг ранги, ошхонанинг жойлашиши, асардаги қахрамон киз кириб борадиган эшик тутқичининг тузилишигача билиши лозим бўлади. Мабодо у кўйлак бичимини ёки кўйлак қайси газлама, матодан тикилганини билмаса агар, қандай кўнгилсизликлар содир бўлишини бир тасаввур қилиб кўринг! Бу ўринда гап қадимги романларда учрайдиган узундан-узоқ баён ва баланд-парвоз тасвирлар ҳақида эмас, балки инсон билан уйғунлашиб кетган ва унинг характер ҳамда ҳаётий тамойилларини олдиндан белгилаб берадиган нарсалар ҳақида бораётибди. Ахир, энтмолог Фабр ҳашаротлар яшайдиган ўсимликларга гўзалликни деб таъриф-тавсиф бермаган, шунинг учун ҳам роман муаллифлари табиатшунослардан одам билан олам ўртасидаги алоқа-муносабатларни қидиришни ўрганишган.

Эмлашларни ўзларида синаб кўрадиган бактериологлардан улги олиб, ёзувчилар ҳам баъзан гиёҳванд моддаларни қабул қилишдан кўрқинмайди, бундан мақсад романда шундай ҳолатни тасвирлашдан олдин унинг таъсирини синаб кўриш ёки бўлмасам, ўз қахрамонларини бўйинтурукка кўшиш ёки сиртмоққа маҳкум қилишдан олдин ўз ҳаёт тарзини одатдан ташқари, ғайриоддий ва оғир бир вазиятга “алмаштириб” кўришдир.

Сўзда ифодалаш лозим бўлган ҳақиқийликка зориқиш, воқеа, ҳодисанинг туб моҳиятига кириб боришга бўлган ташналик гоҳида ёзувчи учун даҳшатнинг ўзгинасига айланади. Агар унинг ижодий режасида келгусида ўрганиш ёки тасвирланажак воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини янаям чуқурроқ тушуниб етиш учун тўлдириш ҳамда ойдинлаштириш мумкин бўлган бўш ёки ноаниқ жойлар қоладиган бўлса, ёзувчи бундан ҳеч бир муболағасиз изтироб чекади. Ёзувчи китоб ёзишга киришаётганда, унинг географиясини билишига, ландшафтларининг барча қисмларини жуда яхши тасаввур қилишига ишончи комил эди, буни қарангки, бирданга куёш қайси томондан чиқарди, балиқчи қушлар эса кўл тарафга йўл тополмай, беҳуда уриняпти-ку, деган саволлар пайдо бўлиб, унинг тинчи йўқолди. Бунақанги ҳолатга тушган ёзувчи ёзув столининг ғаладонини шартта ёпади-да, чамадонга нарсаларини жойлаб, йўлга отланади. Флобер “Саламбо” устида ишлаётган пайтида худди шундай вазиятни бошдан кечирган, у яна бир бор Карфаген харобалари томон жўнайди. Отдан йиқилиб, қаттиқ шикастланган шифокорнинг хотини, қандайдир мадам Поншенинг дафн маросимига ҳам худди шу тарзда етиб борган: ўшанда Флоберга Бовари хотинининг дафн маросимида ўзини қандай тутишини тасвирлаш учун материал керак эди. Камина ҳам “Олимпия диски” устида ишлаётган чоғимда худди шундай ҳолатга тушиб, эрамиздан аввалги V аср бошларидаги Олимпия ҳақида яна бир бор тасаввур ҳосил қилиб олишим учун, ишни вақтинча тўхтатиб туришимга тўғри келган. Баъзан шундай китоблар ҳам учраб турадики, уларни кўриб одам уялиб кетади, негаки, уларнинг муаллифлари географияни фақат дарсликлардан ўқиб-ўрганганлиги яққол сезилиб туради ва ўзлари ҳеч қачон бормаган, кўрмаган жойларда чор-ночор “адашиб”, лекин уларни ўзларига шунчалик ишонч билан тасвирлайдиларки, бунчалик сохтакорликни ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди. Стивенсон ўзининг “Ҳазиналар ороли” учун эринмай харита чизиб чиққани ҳақида шундай ҳикоя қилади: “Эҳтимол, романим учун хаританинг унчалик аҳамияти йўқдир, аммо ўзим учун ҳар доим керак деб ўйлайман. Муаллиф ўзи тасвирлаётган мамлакатни, ундаги мавжуд ёки



ўзи тўқиб чиқарган воқеликни билиши, шунчаки эмас, балки беш қўлдай билиши лозим, – масофалар, дунё томонларининг йўналишлари, – Ой ҳам беками-кўст тасвирланмоғи керак. Мен ҳеч қачон таквимсиз ёзмайман”.

Мавзу ичига чуқур кириб кетиш ёзувчидан муайян куч-ғайрат сарфлашни талаб қилади. Мисол учун, Тургенев ўз қаҳрамонларининг таржимаи ҳолларини бутун тафсилотлари билан ишлаб чиқишга одатланган ва бу борада ёлғиз эмас эди – кўпгина ёзувчилар ҳам шундай йўл тутишади. Тургенев эса қандайдир даражада кўпроқ иш қилган: “Оталар ва болалар” романини ёзаётган пайтида Базаровнинг кундалигини юритган. Ҳар бир ўқилган китоб ҳақида, ҳар бир дуч келган одам ҳақида, ижтимоий ҳаётга оид ҳар бир муҳим воқеа ҳақида кундаликка шу йўсинда қайд қилиб борганки, агар кундалик муаллифи Базаров бўлганда, худди шу ёзувлар унинг ҳаёлига келган бўлиши керак эди. Натижада хийла каттагина жилд дунёга келади ва роман ёзиб тугаллангач, фойдаланиб бўлинган хомашё сингари, бутунлай ноқерак нарсага айланади. Аслида эса кундалик муаллифга ўз қаҳрамонидан кўз узмай, унинг фикрлари, ҳис-туйғулари ва таассуротларидан мунтазам хабардор бўлиб бориши учунгина зарур бўлган эди. Тургенев шу тариқа ўз персонажларининг ҳаддан ташқари ҳаётийлигига эриша олган.

Борди-ю, ёзувчининг ўз таъб-дидига тўғри келмайдиган, балки ғоя, дин ёки халқ олдидаги бурчи тақозо этган, ўзи шу пайтга қадар ўйлаб ҳам кўрмаган қандайдир мавзу устида ишлашига тўғри келиб қолса, у ҳолда материал устида олиб бориладиган тайёргарлик ишлари анча кўпаяди. Золя билан ҳам худди шундай ҳолат юз берган. У аллақандай умумий ғояга қизиқиб қолиб, уни гавдалантириб кўрсатмоқ учун тегишли муҳит, ижтимоий гуруҳ ёки табақани танлайди, сўнг ҳужжатлар тўплашга киришади. Фанга оид, кишилар ўртасидаги алоқа-муносабатлар, одамларнинг характерларига тааллуқли ўз кузатувларини ҳар куни ёзиб боради. Ўзининг “Аббат Мур”и ҳақида жиддий ўйлаб кўраркан, қўлтиғига қалин ибодат китобини қисганича кунига черковга қатнар, у ерда меҳробга яқинроқ турволиб, руҳонийнинг хатти-ҳаракатларини ва имо-ишораларини диққат билан кузатарди. “Парижнинг ички қисми” учун эса ҳар куни марказий бозоргача сайр қилиб келар ва йўл-йўлакай магазинларнинг витриналарига қўйилган молларнинг муфассал рўйхатини тузиб қайтарди. У ўз мавзудан ташқарига чиқадиган ҳеч нимани ўқимас, аммо мавзунини кенгайтиришга, чуқурлаштиришга хизмат қиладиган жамики нарса билан танишиб чиқишга ҳаракат қилар эди. Эрталабданоқ ёзув столига ўтириб, танланган умумий ғоя мазмунини персонажлар ҳамда воқеалар билан қандай қилиб яхшироқ безаш ва бойитиш мумкинлигини обдан пухта ўйлаб, мулоҳаза қилиб оларди. Шунда иштирок этувчи персонажлар аста-секин кўрина бошлар, уларнинг биографиялари, ташқи қиёфалари, моддий аҳволи ҳам намоён бўлиб, шакллана борар, ундан сўнг, манзиллар дафтарида уларга мос келадиган фамилияларни қидириб топиш қоларди, холос. Маълумотларнинг улкан захирасига эга бўлиб, мавзунини то майда-чуйда тафсилотларигача ўрганиб бўлгач, фақат шундан кейингина, романнинг муфассал режасини бобма-боб тузиб чиқар эди. Режа тап-тайёр бўлгач, ёзишни бошларди. Тўғри, у ва унинг издошлари ҳам ўта синчков, майдакаш бўлиб, романи ортиқча тафсилотлар, касб-хунарга оид атамалар билан тўлдириб ташлардилар.

Ёзувчи умуман битта китобда ўзининг бутун билим захирасини тўкиб солиши шарт эмас.

Ёндафтарчалар, блокнотлар, чала-ярим қоралама варақлар солинган папкалар – буларнинг барчаси ҳар бир ёзувчи учун зарурий ашёлар ҳисобланади. Улар ё китобга унинг юзага келиш жараёнида ҳамроҳлик қилади ёки олдиндан тўплаб юрилган таассуротлар, кузатувлар ва қайдларнинг архиви вазифасини ўтайди. Шоирлар уларга қофиялар, шеърнинг бошланишини, истиораларни ёзиб қўядилар. Теннисоннинг Корнуэлл, Уайт ороли ва Ирландия бўйлаб қилган саёҳатлари чоғида олиб юрган ёндафтарчаларини бунга мумтоз мисол қилиб кўрсатиш мумкин – уларда табиат манзараларидан тортиб, то қушларнинг чуриллаб сайрашларига монанд парча шеърлар ҳам учрайди. Юлиан Тувим менга қачонлардир кўрсатган ёндафтарча ҳам қизиқарлиликда улардан қолишмайди. Шунчаки номига нашр қилинган Жеромский кундалиги<sup>1</sup> айнан мана шунақанги чўнтаки ён дафтарчалар воситасида юзага келган бўлиб, ёзувчи унга ўз даврида олинган таассуротлар, иқтибослар, қисқача таъриф-тавсиф ва тасвирларни шоша-пиша, кўпроқ қалам билан ҳам ёзиб қўяверган. Худди шунга ўхшаш нарса Анатолий Франснинг қоғозлари орасидан топилган. Альфонс Доде ўзининг *petits cahiers* – жажжи дафтарчалари ҳақида шундай дейди: “Бу ерда қайд этилган кузатувлар, фикрлар баъзан бир сатрни ҳам ташкил қилмайди – улар кейинчалик қайси бир асарда фойдаланилган ёки ривожлантирилган имо-ишора, оҳангни ёдга солиб турса бўлди. Парижда бўлганимда, сафар ва саёҳатлар чоғида, қишлоқда бўлган пайтларимда ушбу ёндафтарчалар ўзидан-ўзи тўлиб қолаверарди, улардан келажақда фойдаланиш фикри ҳаёлимга ҳам келмаган”.

Доде ушбу ён дафтарчаларга ўзининг диққатини жалб қилган исм ва фамилияларни ҳам ёзиб қўяверган, бунга айтишни унутган, чоғи. Роман-навис ва драматургга – айниқса, агар улар сермахсул бўлишса – жуда кўп бўғинлар комбинацияси керак бўладик, уларга қараб туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалар, хужжатлар, пешлавҳалар ва қабристонлардаги ёдгорликларга номлари битилган шахсларни бир-биридан осонгина ажрата олиш имкони туғилади. Ёзувчи уларни ўзи излаб, қидириб топади, бундан ташқари, герб-лар китобидан, манзиллар дафтарида, газеталардан олади. Оскар Уайльд ўз комедияларида аслзодаларни Англиядаги жойларнинг чиройли жаранглайдиган номлари билан атаган бўлса, поляк ёзувчиси Юзеф Вайсенхоф ўз қаҳрамонларига Костков, Лигензов, Збарских деган номларни бериш учун аллақачонлар ўлиб кетган зодагонларнинг зот-зурриётларига мурожаат қилган. Пруст ўзининг шахсий “Готлар альманахи”ни чалқаш ва чигал шажаралар воситасида тузган.

Одатда одамлар ўз ҳаётида ўзига ўзи исм-фамилия танлаш имконига эга эмас. Камсонли тахаллуслар ёки фамилия ўзгартиришларни ҳисобга олмаганда, улар туғилган пайтда ўзларига берилган исм ва фамилияларни итоаткорлик, қатъият ёки фахр билан бир умр кўтариб юришади. Бироқ тақдирнинг муайян ижодкорона топқирлиги намоён бўладиган ҳоллар ҳам тез-тез учраб туради. Ўз фамилияларига ҳайратланарли даражада мос келадиган кишиларга деярли ҳар қадамда дуч келамиз, уларни ҳатто бошқа фамилия остида тасаввур қилиш ҳам қийин, фамилия бамисоли физио-

<sup>1</sup> Гап бу ерда Жеромскийнинг ёшлиқдаги ёзувларидан ташкил топган ва бундан бир неча йил муқаддам каттагина икки жилдда босилиб чиққан “Кундаликлар”и эмас, балки урушдан олдин ушбу ном остида нашр этилган мўъжазгина китобчаси ҳақида бормоқда (*Муаллиф изоҳи*).

номия, характер, касб-кор учун рамзий ишора бўлиб хизмат қиладиган иероглифга айланади. Баъзида ҳатто шундай бир таассурот ҳам туғиладики, фамилия одамни бошқариб, гўё унга бахт ё бахтсизлик келтиради, келажакдан дарак беради.

Ёзувчилар ҳам топқирлик ва топағонликда такдир-қисматдан орқада қолишни хоҳлашмайди, шу боис ўз қахрамонларига фамилияларни фавкулотда эҳтиёткорлик билан танлашади. Тўғри, уларга баъзан замона зайли билан бахтли тасодифлар ҳам учраб туради. Тасодифан эшитилган фамилия худди учар юлдуз каби “ялт” этиб, ўша пайтгача номсиз юрган қахрамон ҳаёти ҳақидаги фикрлар тугунини ёриб ўтади.

Адиба Мария Домбровская ногоҳ дуч келиб қолган Нехтице аҳоли пунктининг номи билан аталган хамиртуруш солинган банка наинки унинг “Тунлар ва кунлар”идаги қахрамон қиз фамилиясига асос солади, балки роман устидаги иш жараёнидан буткул ўзига хос тарзда мустаҳкам ўрин олади. Фамилия образ билан шу қадар уйғунлашиб кетадики, уни бошқаси билан алмаштириб бўлмайди, чоғи. “Туйғулар тарбияси”нинг қахрамониға Фредерик Моро деб ном берган Флобер, гарчи Руан атрофида худди шундай фамилияли оила истиқомат қилиши маълум бўлиб, айрим кўнгилсизликларга олиб келган бўлса ҳам, уни ўзгартиришга зинҳор рози бўлмаган. Худди шунга ўхшаш воқеа ўзимнинг бошимдан ҳам ўтган. “Ўт туташган осмон” романидаги Гродзицких деган фамилия баъзи бир англашилмовчиликларга сабаб бўлган, лекин энди ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмас эди. Фамилия китобдаги персонаж учун худди характер ёки ташқи қиёфа кабир, уни бошқа ҳеч нима билан алмаштириб бўлмайди.

Кўплаб асрлар мобайнида адабиёт “гапирадиган” фамилиялардан фойдаланиб келган, улар яқин-яқингача ҳам комедияларда учраб тургучи эди, эҳтимол, ҳозир ҳам бадиийлик унча етишмайдиган аллақандай асарларда гоҳо кўриниб қолса ажабмас. Уларни биринчи бўлиб яратган юнон (грекларда, худди биз, поляклардаги каби, исмлар ҳақиқатан ҳам “гапирадиган” бўлган) тилидан бошлаб, барча тилларда персонажнинг ниқоби ва либоси билан тенг қимматли бўлган ғалати лақаблар турли хил вариациялар воқеасида такрорланиб келган. Улар муайян хусусиятлар ва ахлоқий камчиликларни жонлантиришга таяниб, типлар ва характерларга тўхталиб ўтишни жуда яхши кўрадиган содда адабий психология принципларига жавоб берган. Мазкур ифодали пешлавҳалар остида фикр билдирган персонажлар фақат характернинг биргина хусусиятини гавдалантирган, холос ва уларни фақат биргина эҳтирос кемирган, уларнинг инсоний шахсиятидаги қолган бошқа барчаси эса гўё буткул мавжуд бўлмагандек эди. Француз классик драмаси юнон мифларидан Федр билан Андромасни олиб, улардан жонли, оташин, азоб-изтироб чекадиган инсоний хис-туйғулар рамзларини яратган, бироқ улар замон ва муҳитдан ажралиб қолган эди. XVII – XVIII асрларда яратилган пьеса ва романларнинг муаллифлари ўсимликлар ва жониворларга грекча ёки лотинча номлар бериб, у ёки бу турнинг қандайдир хусусиятларини таъкидлаб ўтган табиатшунослардан ибрат олиб, йўл тутишган. Ўша давр Эраст, Клитандр, Альцей каби ишқий қахрамонларга тўла бўлиб, улар бир-бирларига маъшуқаларини инъом қилгани каби, ўз номларининг бахридан ҳам ўтиб юбораверган. Уларнинг ўрнига Густавлар, Октавлар, Конрадлар ҳамроҳлигида Юлия, Коринна,

Валериялар – ҳаттоки бизларнинг боболаримизга ҳам шу қадар азиз бўлган исмлар кириб келган.

Шахсларни ҳаётда ўзаро фарқлайдиган ўша хусусиятлар мажмуи, уларнинг чалкаш ва чигал зиддиятлар ҳамда кутилмаган воқеа, ҳодиса ва тасодифларга тўла шахсий тақдир-қисматларини олдиндан белгилаб берувчи хусусиятлар мажмуи, – фақат шугина ҳафсала ва кунт билан тузилган метрика талаб қилади. Пруснинг “Кўғирчоқ” асари қаҳрамони Вокульский-ни шартли равишда “гапирадиган” фамилия остида тасаввур қилиш мумкинми? Бироқ бу нафақат XIX асрнинг, балки яна реализм даврининг ҳам хизматидир. Тримальхион Петрония, Дон-Кихот ва Санчо Панса, Лессинг қаламига мансуб Эмилия Галотти ва Минна фон Барнхельм ўз фамилиялари ва туб моҳиятига кўра ўша, бизнинг тасаввуримизга роман фабула<sup>1</sup>сидаги энг ғалати, қув ва мураккаб жараёнларга қараганда ҳам кўпроқ нарсани айтиб бера оладиган ифодали ва тўлақонли фигуралардан саналади.

XIX асрда гуллаб-яшнаган, адабиётни гўё демократлаштирган реализм тўқима, уйдирмалар дунёсини ҳаддан ташқари кенгайтириб юборди (фақат Бальзакнинг биргина “Инсон комедияси”нинг ўзида беш мингта персонаж катнашади) ва адабиёт бугунги кунга келиб, сон-саноғига етиб бўлмайдиган оломон билан шундай тўлиб-тошдики, унда черковсиз руҳонийлар, тарихга номаълум қироллар, ҳеч қандай насабномаларда қайд этилмаган князлар авлодлари, бутун дунё биржаларини бошқарадиган ўйлаб чиқарилган молиячилар, қомусларда номлари тилга олинмаган саноатчилар ва ниҳоят, расмий рўйхатдан ўтмаган, аммо тирик одамларга кўшнилари сифатида мавжуд бўлган шаҳар ва қишлоқларда яшовчиларни ҳам учратиш мумкин эди. Мана сизга ўйлаб чиқарилган уйларга жойлашиб олган ҳақиқий ҳаёлий шарпалар! Парижда ўзининг бир неча миллионлик аҳолисидан ташқари, француз адабиётининг фантазияси ва қайсидир даражада бошқа Европа адабиётларининг ҳам фантазияси дунёга келтирган яна деярли шунча шарпа-кўланкалар яшайди. Бунинг замирида ушбу шаҳарга хос бўлган жозоба-тароватлардан яна бири мужассамдир – ҳар бир киши уни худди Реймонтнинг “Хаёлпараст”и каби қабул қилади. Шунингдек, китъамиздаги бошқа пойтахтларни ҳам, гарчи камроқ даражада бўлса-да, адабий персонажлар босиб кетган ва Ғарбий ярим шарда ҳам худди шунга ўхшаш манзара кузатилмоқда.

Ёзувчи ҳеч қандай сабабсиз (бунақаси ҳарқалай кам учрайди) амалда мавжуд бўлган аҳоли пунктларидан воз кечиб, уни ўйлаб топилган ном билан алмаштирса, айниқса, қадимий ва ҳурматга сазовор шаҳарга ўйлаб чиқарилган ҳамда ғайриоддий ном (Жеромскийда Клериков) берса, одамга алам қиларкан. Бальзак ҳеч қачон бунақа “гуноҳ” иш қилмаган, у Францияни барча шаҳар ва қишлоқлари билан бирга тасвирлаган: “Бўйдоқлар хўжалиги”да Иссуден, “Мутлақ нарсани излаб”да – Дуэ, “Қари қиз”да – Алансон, “Евгения Гранде”да – Сомюр, “Икки шоир”да – Ангулем, “Тур руҳонийси”да – Тур, “Қишлоқ руҳонийси”да – Лимож, “Провинциал муза”да – Сансер. Ҳаммасини санаб, адоғига етиш қийин. Бальзак тағинам шундай бир замонларда қалам тебратганки, у даврларда ҳозирги пайтда урфдан қолган: “Ушбу воқеа N ёки X шаҳрида юз берди” қабилдаги ибораларни қўллаш ҳали модадан қолмаган эди. Аноним<sup>2</sup>,

<sup>1</sup> Фабула –бадий асарда тасвирланган воқеалар занжири – *тарж.*

<sup>2</sup> Аноним – номини яширган муаллиф; муаллифи номаълум асар, хат ва ҳ. к.

криптоним<sup>1</sup> ва тахаллуслар асосан, муаллифларнинг журъатсизлигидан келиб чиққан, улар роман воқеаларини аниқ ва маълум муҳитда акс эттиришдан ёки кимнингдир нафсониятига тегиб кетишдан истиҳола қилибми ё ўз маҳоратига ишонмасликданми, шундай йўл тутишган, чунки ҳақиқатда мавжуд бўлган персонажни аниқ, тўғри ва бадиий акс эттиришдан кўра, ўйлаб чиқарилганини тасвирлаш осонроқ кўринган. Баъзан эса ишни оддий қулайлик осонгина ҳал қилган. Франс “Замоनावий тарих” асарида типик провинциал шаҳар образини яратди, бунга у ўзи илгари кўрган барча француз провинциал шаҳарларини эсга олиб, хотирлаш орқали муваффақ бўлди, қандайдир Дижон ёки Греноблнинг топографиясини аслидай аниқ акс эттириш учун атайлаб Париждан ташқарига чиққиси келмаган.

Ёзувчидаги темперамент ва шахсий таъб-дидга кўп нарса боғлиқ. Аммо баъзан ёзувчи ўз таъб-дидига қарши борадиган ҳоллар ҳам учраб туради. Масалан, Мицкевич географик харитада ўзи йўқ шаҳарларни ва тарихда бўлмаган қиролларни ёмон кўришини эътироф этган, ўзи эса “Пан Тадеуш”да Соплицовони ниқоблаб яширишни шунақанги боплаганки, Новогрудок яқинидаги беш-олтита жой кимнинг мулки эканлиги ёлғиз Яратганнинг ўзига маълум. Бир умр конспирация (сир сақлаш, махфий тутиш)га таяниб келган Стендалдан ўз қаҳрамонларига нисбатан лутфан очик-ошкора муносабатда бўлишни талаб қилиш қийин. Ўқувчини шу хилда лақиллатишга мойилликни Вацлав Берентда ҳам кўриш мумкин: “Чиркин муҳит”да воқеа қайси шаҳарда бўлаётгани ҳақида лом-мим демайди, “Жонли тошлар”ни эса шунчалик пардалаганки, ҳар қандай фарзтахмин, ҳар қандай фаҳм-фаросат унга чикора. Прустда бир қадар бошқача манзарага дуч келамиз. Бу синчков ва пухта тадқиқотчи ўзининг кичик “катта дунё”сини тасвирлашда фантазияга шу қадар берилганки, ҳақиқий ҳис-туйғу, эҳтирос, завқ-шавқ билан уйдирмаларни тўқиб ташлайверган. У Франция табиат манзараларига тўла-тўқис уйғун ва ҳамоҳанг бўлган кўплаб географик пунктларни ўйлаб чиқарган ва биз географик харитадан бундай шаҳарларни тополмай, харитани ушбу “камчилиги” учун айблашга тушамиз. Пруст эса пировардида энг ноёб ғалабани қўлга киритган: Илье деган жой ўз номига Прустнинг “Комбре”сини қўшиб олиб, ҳозирда бу гўша Илье-Комбре деб аталади, бунинг устига, ҳозир иш шу томонга қараб боряптики, мазкур қўшма номнинг биринчи қисми бутунлай йўқ бўлиб кетиши мумкин ва шоир фантазиясининг маҳсули – Комбре келажакда Францияда муқим географик ном бўлиб қолади.

Фамилияларни танлашда ёзувчининг ўзига хос индивидуаллиги, услуби ва таъб-диди намоён бўлади. Одатда ёмон муаллифларнинг асарларидаги қаҳрамонларнинг фамилиялари ҳам қандайдир беўхшов чиқади. Эшитганда тишларинг ғичирлаб, ғашга тегадиган Ржавич, Зжарский, Жажжинский деган фамилиялар, гарчи ҳаётда учраб турса-да, лекин фақат ноталабчан қалам аҳлинигина жалб қилиши мумкин. Энг бемаъни фаранг романна-висларидан бири бўлмиш Абель Эрман қайсидир романига рақсни олиб чиқиб, унга князь хотин де Коломеа-Пшемисль номини беради. Аммо бундай кўпол хатога йўл қўйган ёлғиз у эмас: ўзи чет эл адабиётида полякча исм ва фамилияларга омад кулиб бокмайди. Сорбонна профессори Шарль Брюно ўз мақолаларидан бирида Кельци французчада Сандомир деб ата-

<sup>1</sup> Криптоним – фақат бош ҳарфлар ёки бўғинлардан иборат бўлган ёхуд ҳарфлари сўзлар ёки гаплар орасига яширинган муаллиф номи (*тарж.*)



лади, деб тургандан кейин (ахир, булар иккита бошқа-бошқа шаҳар-ку!), беллетристлардан нима ҳам кутиш мумкин. Энди биз ҳам ўз навбатида қарздан қутулиш учун, биздан узоқда жойлашган халқларга, фантазиямиз уларнинг ўлкаларига адашиб бориб қолди дегунча, худди ўшандай билим-сизлик ва беадаблик билан жавоб қайтарамиз.

Китобга ном танлаш ҳам ўзига хос нозик иш бўлиб, бунда таъб, дид, майл, ҳавас, мойиллик ва қизиқишлар, баъзан эса мазкур асар хизмат қилиши лозим бўлган ғайриихтиёрий тенденциялар ва ниҳоят, мода ёки давр урф-одатлари ҳам намоён бўлади. Баъзи бир ҳолларда оддий ва камтарона ном афзал кўрилса, бошқа пайтларда – унинг фавкуллодалиги, ажойиблиги, ғалатилиги, чалкаш-чигаллиги ва жумбоқли бўлишига эътибор қаратилади. Эльжбета Дружбацкая ўз поэмасига қуйидагича сарлавҳа қўйиб, бу борада бир қадар ўртамиёна иш тутган: “Фортеция, Худо ёрлакаган, беш дарвоза ортига бекинган, яъни беш туйғуга соҳиба инсон”. Ўша даврда ва ундан илгариги замонларда яшаб ўтган бошқа шоирлар эса ўз асарларига Шекспир драмаларининг илк нашрларидаги каби бир бетлик сарлавҳалар қўйишар, ўша сарлавҳаларда бутун бир пьесанинг салкам қисқача мазмуни ўз ифодасини топган бўларди. Бундан ташқари, ўша даврларда ҳукм сурган кайфият ҳам, – қувноқлик ёки қайғу, юраксизлик ёки жасорат, шодмонлик ёки дилгирлик кайфияти ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилган, сентиментализм ҳукмрон бўлган замонларда ўта таъсирчан, нозик табиатли, ҳиссиётга берилувчан китобхонларни қанақадир қуруқ ном билан жалб қилиш қийин бўлган.

Рамз ишқибозлари китобларнинг номлари учун кўпинча гуллар, юлдузлар ёки асар маъно-мазмуни ва унинг ғоясини ўзида акс эттирган сўзларни танлайдилар. Ном замирида ҳар қандай сўз туркуми, ҳатто равиш ва ҳаттоки Честертондаги “Generally speaking” – “Умуман айтганда” сингари равишдош ибора ҳам мужассам бўлиши мумкин.

Одатда ўқувчилар китобнинг номи қўлёзманинг илк саҳифасидаёқ бирданига пайдо бўлиб қолади, деб ўйлашади. Гоҳо шундай бўлиши ҳам мумкин, лекин бу камдан-кам учрайди. Ном танлаш муаллифга жуда кўп ташвиш келтиради, уни неча марталаб алмаштиришга, бу ҳақда бошқалар билан маслаҳатлашишга, ноширнинг фикри билан ҳисоблашишга тўғри келади. Флобер романи аввалига “Карфаген” деб аталиши лозим эди, кейинчалик эса “Саламбо” деб ўзгартирилган. Сенкевичнинг “Қирғин”и дастлаб “Бўри уяси” деб номланган, Сенкевич уни кейин дўстларидан бирининг маслаҳатига кўра ўзгартирган. Унинг “Тўфон” трилогияси иккинчи китобининг номини “Варшава кутубхонаси” муҳаррири Генкель ўйлаб топган. Муаллифга фақат учинчи қисмининг номи – “Пан Володиевский” тегишли, холос.

Асарни бош қахрамон номи билан аташ одати “Одиссея” каби қадимий, антик трагедия учун эса бузилмас қоида ҳисобланган. Бундай номнинг қанчалик равшан ва ифодалилигига қарамасдан, баъзида у англашилмовчиликларга ҳам сабаб бўлган, мисол учун, “Пан Тадеуш”да худди шу номдаги персонаж бош қахрамон ролига мутлақо тўғри келмайди.

Ном, бу – мазкур асарни бошқа барча асарлар орасида ажратиб турадиган рамзий белгидир, агар асарга умрбоқийлик насиб қиладиган бўлса, ушбу рамз ўзига хос, алоҳида жозиба касб этади. Асар муаллифни буткул “ютиб” юборадиган ҳоллар ҳам учрайди, бунга “Роланд ҳақида кўшиқ”, “Нибе-

лунглар”, “Минг бир кеча эртаклари”ни мисол қилиб келтириш мумкин, ёки муаллифдан хира, рангпар кўланканинг ўзи қоладика, у ҳолда китобхон уни бир четга улоқтириб, қўлига “Робинзон Крузо” жилдини олади. Кўпгина асрлар давомида биз билан бирга яшаб келаётган китоблар қатида қанчадан-қанча орзу, хаёллар, фикр-мулоҳазалар, оҳ-воҳ, зорланишлар ва хотиралар мужассам! Янги китобларнинг муаллифлари баъзан улар билан ўзаро тажриба алмашиб туришади – масалан, Зигмунт Красиньскийнинг “Ноилохий комедия”си, буни баҳс ёки бирлик дейиш мумкин.


Номлар гоҳида бир-бирини такрорлайди. Худди ўша бир хил ном айна чокда турли мамлакатларда пайдо бўлади, баъзан эса бир мамлакатнинг ўзида икки муаллиф бир-биридан беҳабар бир хил ном остида иккита китоб чиқаради. Бундай китобларнинг пайдо бўлиши худди Довейка билан Домейка сингари ёқимсиз ҳолатдир. Бунга йўл қўймаслик учун ёзувчилар ўзлари ёзмокчи бўлган китобнинг номи ҳақида олдиндан хабар қилиб, баъзан муаллифлик ҳуқуқини ҳам далил қилиб келтирадилар. Аммо кўпинча режалари ўзгариб, ваъда қилинган ном остида китоб ёзишни унутиб ҳам қўйишади.

Эдмон Ростан бир пайтлар ёзилмаган китоблар учун ўз кутубхонасида махсус тоқча ажратишни ўйлаб қўйган ва унинг фикрича, уларнинг барчаси чиройли муқовали, номлари зарҳал ҳарфлар билан ёзилган бўлиши, фақат саҳифалари бўм-бўш қолиши лозим эди – ҳуллас, буни ният қилинган ва номланган, фақат ҳали дунёга келмаган китобларнинг, ҳали сўзларга кўчиб улгурмаган ўйлар ва орзу-хаёлларнинг хилхонаси деб аташ мумкин эди.

*(Давоми келгуси сонда)*



# NOBEL SOVRINDORLARI



*Патрик МОДИАНО*

## МЕНИНГ СЮЖЕТИМ – ЗАМОН

*Рус тилидан  
Амир ФАЙЗУЛЛА  
таржимаси*

2014 йилда француз ёзувчиси Патрик Модиано (1945 йилда туғилган) адабиёт бўйича Нобель мукофоти совриндори бўлди. Нобель кўмитасининг қўшимча хатида таъкидлаб айтиладики, у ушбу мукофотга “ёзувчи энг мураккаб инсон тақдирини аниқлашда ва босқинчилик вақтидаги ҳаёт моҳиятини очиб беришда фойдаланган хотира санъати” учун мушарраф бўлди. Патрик Модиано адабиётда муҳим ўрин эгаллаган таниқли француз ёзувчиларидан бири. Ўттиздан ортиқ роман унинг қаламига мансуб, улардан кўпчилиги Иккинчи жаҳон уруши вақтида Франциянинг босиб олиниши мавзуси билан чамбарчас боғлиқ воқеалар эса Парижда кечади.

Патрик Модианонинг асарлари Францияда юксак баҳоланган. “Қоронғи дўконлар кўчаси” (1978) Гонкур мукофотини олди, “Хиёбонлар ҳалқаси” (1972) француз академиясининг Катта мукофотига сазовор бўлди. Унинг сўнгги китоби – “Шу даҳада йўқолиб қолмасайдинг” номли асари 2014 йилда “Галлимар” нашриётида чоп этилган. Адибнинг “Тўй саёҳати” романи 2016 йил журналхонларимизга ҳавола этилди.

Энг аввало, Сизларнинг орангизда пайдо бўлиб қолганимдан, адабиёт бўйича Нобель мукофоти тақдим этиб, менга кўрсатган эътирофингиздан қанчалик бахтиёр эканимни шунчаки изҳор этмоқчиман.

Бу қадар кўпсонли йиғин олдида нутқ сўзлаш менга биринчи марта насиб этиб турибди ва бундан бироз хайиқяпман. Бундай машқ ёзувчига осон ва табиий ҳолда насиб этади, деб ўйлаш одат тусига кирган. Аммо ёзувчи ёки ҳеч бўлмаганда романнависнинг оғзаки нутқ билан чиқишмоғи кўпинча душвордир. Ёзма ва оғзаки топшириқ ўртасидаги фарққа мактабча қарайдиган бўлсак, ёзувчи кўпроқ ёзмада мохирроқ келади. У сукут сақлашга ўрганиб қолган ва муҳитни ёриб киришга интиларкан, оломонга қўшилиб кетмоғи жоиз бўлади. У зимдан суҳбатларга кулоқ тутаяди, борди-ю, суҳбатга аралашгудек бўлса, бу ҳам шу вайданки, бир нечта мавҳумроқ саволлар бўлса ва уни қуршаб турган аёллар ва эркакларни

яхшироқ тушуниб етса. У ёзма хатоларни тўғрилашга ўрганган, аммо ўзининг оғзаки нутқига кўпда ишонмайди. Ўз-ўзидан равшанки, кўплаб тахрирлардан кейин унинг услуги тоза ва аниқ кўриниши мумкин. Аммо у гапира бошлаганда эса бирон нарсани ўзгартиришга имкон қолмайди.

Кейин, мен айрим ҳоллардан ташқаригина, яъни болаларнинг гапиришига йўл қўйилмаган, бунга ҳам махсус рухсат олган авлодга мансубман. Бизнинг гапимизга қулоқ солишмаган ва жуда кўп ҳолларда болаларнинг гапини оғзидан олиб қўйишган. Айримларимизнинг нутқимиз яхши чиқмаганлиги, оғзимдан олиб қўйишмасин, деган кўрқувда ғоят тез гапиришимиз шу билан изоҳланади. Менда вужудга келган ёзиш хоҳиши, бошқаларда бўлганидек, ўспиринликда ўсиб чиққани, шундандир. Сиз ёши катталар ўқишидан умидворсиз. Гапларингизни қулоқ қокмай тинглашга мажбурлиги ҳам шундандир, кўнглингиздагини билиб олишлари ҳам шундандир.

Бу мукофот ҳақидаги хабарга ишонмадим, нима учун мени танлашингиз сабабини билишга ошиқардим. Ўша кунгача унинг китоби ҳақида сўз очилганда романнавис нақадар кўр бўлиб қолишини, унинг ёзганларини ўқувчилар нечоғли яхши тушунишларини ҳеч қачон бунчалик кучли ҳис этмагандим. Ёзувчи ҳеч қачон ўзининг шинаванда ўқувчиси бўлиши мумкин эмас; борди-ю, у ўз китобининг ўқувчиси бўлса, фақат қўлёзмадаги синтактик хатоларни, такрорларни тўғрилаш ёки кераксиз жумлаларни олиб ташлаш учунгина ўқийди. У ўз китоблари ҳақида хира, чалакам-чатти тасаввурга эга бўлади, бу зинапоярларда ётиб олиб, гумбаз остида суврат солаётган ва бутунликни илғаёлмай, қисмларни ҳаддан ташқари яқиндан туриб ишлаб чиқаётган рассом ишига ўхшайди.

Ёзувчилик – ғалати ва етимча машғулот. Романнинг дастлабки саҳифаларини ёзар экансиз, вақти-вақти билан руҳингиз тушиб кетаверади. Ҳар куни сиз йўлдан тойилиб кетаётгандай бўлаверасиз. Шунда орқага қайтгингиз ва бошқа йўлдан боргингиз келаверади. Васвасага берилмаслик, олға қараб юриш керак. Бу машинани тунда, музламада кўзни чирт юмиб ҳайдашга ўхшайди. Бошқа иложингиз йўқ, орқага қайтолмайсиз, олға ҳаракат қилиш керак, ўзингизни ҳаммаси яхши бўлишига, туман тарқалиб кетишига ишонтиришга мажбурсиз.

Китобни ёзиб тугатганингизда сизга шундай туюладики, у сизни тарк эта бошляпти, у энди эркин нафас оляпти, ёзги таътил арафасидаги мактаб боласига ўхшайди. Болалар ҳардамхаёл бўлишади ва кий-чув кўтаришади, ўқитувчининг гаплари қулоғига кирмайди. Сўнги жумлалар ёзиб бўлинаётганда, таъбир жоиз бўлса, китоб муаллифга нисбатан адоватда бўлиб қолади, ундан қутилишга интилади. Сўнги сўзни ёзиб бўлишингиз биланоқ у сизни тарк этади. Албатта-да, энди унга сизнинг керагингиз йўқ, у сизни эсидан чиқариб бўлди. Шу аснодан эътиборан китоб ўқувчи туфайли ўзини инкишоф этади. Шу лаҳзадан бошлаб сиз ўзингизни бўм-бўш ва танҳо ҳис қиласиз. Китоб билан сизнинг ўртангиздаги алоқа ҳаддан ташқари тез узилганидан ғира-шира қониқарсизлик туйғусини ҳам туясиз. Ниманидир нотугаллигидан кўнгил яримталиги ва хўрлик туйғуси сиз ҳеч қачон етиша олмайдиган мувозанатни тиклаш учун сизни навбатдаги китобни ёзишга ундайди. Йиллар ўтаверади, ўқувчилар эса “ижод” ҳақида гапирадилар. Аммо бу олға қараб узоқ югуриш эканини ҳис этиб турасиз.

Ҳа, ўқувчи китоб ҳақида муаллифнинг ўзидан кўра кўпроқ нарсани билади. Роман ва уни ўқийдиганнинг ўртасида фотосуратни чиқаришга ўхшаган бир нарса рўй беради, бу даққионус замонида бўладиган нарса эди.

Фотолабораторияда суратни босиш вақтида тасвир аста-секин кўзга ташлана бошлайди. Романни мутолаа қилиш баробарида шундай кимёвий жараён содир бўлади. Аммо ёзувчи ва ўқувчи ўртасидаги бундай келишув учун ёзувчи ҳеч қачон ўқувчини “сафарбар” қилиши керак эмас. Токи китоб китобхонга беозор игна санчишдек таъсир қилсин, игнани шундай санчсинки, бу таъсир аъзойи баданига тенг тақсимлансин.

Назаримда, ёзувчи ва ўқувчи ўртасидаги бир-бирига яқин ва ўзаро бир-бирини тўлдирувчи муносабатларга ўхшаган нарсани мусиқа соҳасида ҳам кўриш мумкин. Мен ҳар доим асар ёзишни анча эркинроқ бўлган мусиқага яқин деб билардим ва ҳар доим машшоқларга ҳавасим келарди, менга шундай туюлардики, санъатда ижод қилиш адабиётга қараганда анча юксак туради, яна романдан кўра машшоқларга яқин бўлган шоирларга ҳавасим келарди. Мен болалигимдан шеърлар ёза бошлаганман, шунинг боиси ўлароқ аллақерда кўзим тушган “Ёмон шоирлардан ёзувчилар чиқади”, деган гапнинг маъносини яхшироқ тушунардим. Кейин, роман-навис кўпинча кўриб турган одамлар, пейзажлар, кўчаларни мусиқага, мусиқа партитурасига олиб киради, бу ерда китобдан-китобга ўтиб юрувчи мусиқий парчалар борлиги маълум бўлади, аммо партитура унга чала қолгандай кўринади. Романнавис ўзимни мусиқага бағишласам, дея пешонасига шап уриб кўяди.

Ўзингнинг китобларингга нисбатан аниқ ва танкидий муносабатдаги камчилик мен ўзимда ҳамда бошқаларда пайқганим бир ҳодиса билан изоҳланади: ёзиб бўлган аснодаёқ ҳар бир янги китоб олдингисини худди эсдан чиққандек қилиб ўчириб ташлайди. Ўйлайманки, мен уларни танаффуслар билан олдинма-кетин чоп этар, ҳар гал олдингисини эсдан чиқарар эканман, кўпинча ўша шахслар, жойлар, номлар, ўша жумлалар худди уйқусираб тўқилган гилам нақшидек биридан бошқасига ўтаверади. Уйқусирабми ёки хаёлпарастлик биланми? Ёзувчи ойдинда юрувчи ойпарастга ўхшайди, у ёзиб тугаллашим керак деб оёқ тираб туриб олади, кўчани кесиб ўтаётганида ишқилиб машина уриб кетмасин-да, деб юрак ҳовучлаб турасиз. Ойдинда томлар оша сайр қилиб, бирон марта ҳам йиқилмаган ойпарастларнинг ҳаддан ташқари аниқликлари ҳам эсдан чиқиб кетади.

Нобель мукофоти ҳақидаги хабардан кейинги ахборотда мен иккинчи жаҳон урушига тааллуқли гапни эшитдим: “У босқинчилик вақтидаги инсон оламини кўрсатиб берди”.

1945 йилда туғилган барча одамлар каби мен ҳам уруш боласиман ёки аниқроғи, Парижда туғилганим боис ўзининг босиб олинган Парижда туғилганидан миннатдор гўдакман. Ўшанда Парижда яшаган одамлар тезроқ уни унутиб юборишни хоҳлашган ёки уларнинг кундалик ҳаёти фаровон замонлардаги ҳаётдан унчалик фарқ қилмайдиган икир-чикирли кунларни эшлашдан нарига ўтишмаган. Алоқ-чалоқ туш дейсизми, тирик қолганидан истиҳола қилишлар дейсизми, ихтиёрингиз. Кейинроқ болалар улардан ўша давр ҳақида ва ўша Париж ҳақида сўрашганида, улар жавоб беришдан бош тортишган. Ёки гўё ўша аянчли йилларни хотирадан



чиқариб ташлашмоқчи ва ниманидир биздан яширмоқчи бўлгандек сукут сақлаганлар. Аммо ота-оналаримизнинг сукутига қараб бизлар буни худди ўзимиз бошдан ўтказганимиздек ҳаммасини англаб етардик.

Босқинчилик давридаги Париж ғалати шаҳар эди. Ташқаридан қараганда ҳаммаси “олдингидай” давом этаётган театрлар, кинозаллар, мюзик-холлар, ресторанлар... Радиодан кўшиқлар янграган. Театр ва киноларда халқ урушдан олдингига қараганда кўп бўлган, гўё бу жойлар пана жойга айлантирилгандек, одамлар ўзларини тетикроқ тутиш учун зич бўлиб, бир-бирларини кўлларидан ушлаб олишган. Бироқ тасодифий воқеалар шундан гувоҳлик берардики, Париж энди аввалги Париж эмас: машиналар йўқлигидан шаҳар жимжит ва сукунат ичидан дарахтларнинг шитирлаши, от туёқларининг дупури, одамлар товуши ва ғўнғир-ғўнғир овозлар қулоққа чалинарди. Жимжит кўчаларда ва қишда кечки бешда бошланадиган қоронғилик кўйнида, деразалардан ёруғлик тушиши ман этилганда, шаҳар ўзидан-ўзи хувуллаб қолар эди – нацист босқинчилар тилида бу “кўзсиз” шаҳар дейиларди. Ўспирин ва ёш болалар ҳеч бир из-пиз қолдирмай, зумда ғойиб бўлар эди, ҳатто дўстлар билан тўйиб гаплашиш йўқ, суҳбатлар эса ҳеч қачон очиқ-сочиқ бўлмасди, чунки ҳамма боши узра ажал қанот қоқиб туришини яхши биларди. Алоқ-чалок уйқудан уйғонган метродан чиқишда ҳар ким чақув ёки тинтув қурбони бўлиш эҳтимоли тугилган ўша Парижда омонлик вақтларда ҳеч қачон дуч келмайдиган одамлар ўртасида тасодифий учрашувлар рўй берарди: комендантлик соати ғира-ширасида омонат алоқалар вужудга келарди, яна такрор учрашишга тарикча умид қолмасди. Мана шу аксарият қисқа муддатли, гоҳида эса беҳосият учрашувлар оқибатида болалар туғилар эди. Шунинг учун ҳам босиб олинган Париж ҳар доим мен учун қандайдир мен туғилган тунга ўхшарди. Бу тунсиз мен ҳеч қачон дунёга келмаган бўлардим. Ўша Париж мени ҳамон таъқиб қиларди. Унинг пасайтириб қўйилган нури вақти-вақти билан китобларимга сизиб кирарди.

Ёзувчи, борди-ю, сиёсий ҳаракатларда бевосита иштирок этмаган, борди-ю, у “олтин қафас ичра” танҳо қамалиб олган бўлса-да, ўз туғилиш ва замони санаси билан ўчмас қилиб муҳрлаб қўйилгани шу бўлса ажаб эмас. Борди-ю, у шеърлар ёзса, уларда шоир яшаган замон акс этади, шеърлар бошқа даврга атаб ёзилган бўлиши мумкин эмас. Буюк ирланд шоири Йейтснинг “Кўлдаги ёввойи оққушлар” шеъри ана шунақа, уни ўқиб мен ҳар доим қаттиқ таъсирланардим. Парижда Йейтснинг кўзи сувда сузиб кетаётган оққушга тушади:

*Ҳисоб очган кунимдан буён  
Куз ўн тўққиз марта келибди,  
Ҳисобдан адашиб кетдим-да  
Тош қотиб қолдим.  
Қанотларини ваҳимали қоққанча  
Улар тик осмонга кўтарилди  
Чарх ура-ура  
Аммо энди улар чексиз гўзаллик  
Манбаиға айланган эди.  
Қай қамишзор бўлар уларга ошён,*

*Ва қайда топгайлар ором  
Янги тонг бўзариб чиққанда  
Уларнинг йўқлигидан берганда хабар  
Кимнинг нигоҳи менга берар тасалли?*

XIX аср шеъриятида – Бодлер ёки Маллармеда оққушлар тез-тез кўзга ташланади. Аммо Йейтснинг бу шеъри XIX асрда ёзилган бўлиши мумкин эмас. Ўз оҳанг ва хафаконлиги билан у XX асрга ва ҳаттоки у ёзилган (фалон) санага дахлдор эди.

Шундай бўладики, XXI аср ёзувчиси ўзини ўз замонасининг асири деб ҳис этади, XIX асрнинг буюк романчилари Бальзак, Диккенс, Толстой, Достоевскийни мутолаа қилиш унда қандайдир қўмсаш ҳиссини жунбушга келтиради. Ўша даврда вақт бугунгидан кўра жуда секин ўтган ва сусткашлик романчининг иши билан омухта бўлиб кетган, чунки у ғайрати ва диққатини бир жойга яхши жамлай олган. Ўшандан буён вақт тезлашиб кетди ва сакраб-сакраб ҳаракат қила бошлади, бу ўтмишнинг гумбаздор жомелар сингари қад кўтарган маҳобатли романлари билан бизнинг кунлардаги узук-юлуқ, улама асарлар ўртасидаги фарқни изоҳлаб беради. Шу нуқтаи назардан, мен оралиқ авлодга мансубман ва интернет, мобил телефон, электрон почталар билан тенг туғилганлар адабиёт орқали ҳар ким доимий “банд бўлган”, ижтимоий тармоқлар кун-кечагача бизнинг мулк бўлиб келган хусусийлик ва эзгуликнинг бир қисмини – инсонга теранлик бахш этган ва роман учун катта мавзу бўлишга лойиқ сирни қандай ифода этишга қизиқаман. Аммо мен адабиётнинг келажагига бундан кейин ҳам умид билан қарашни хоҳлайман ва ишонаманки, келажакдаги муаллифлар ворисликка асло шак келтирмайдилар. Ҳомердан тортиб ҳар бир авлодда шундай бўлиб келган.

Дарвоқе, ҳар қандай бошқа санъаткор каби ёзувчи – майли, у замони билан чамбарчас боғлиқ бўлсинки, ундан қочиб кета олмасин ва “замон руҳи” деб аталган ҳаводангина нафас олсин – ҳар доим ўз асарларида қандайдир вақтдан ташқариликни ифода этсин. Расин ёки Шекспир пьесалари асосида қўйилган спектаклларда персонажлар қанақа кийим кийишининг аҳамияти йўқ, булар бари майда-чуйда нарсалар. Толстойни ўқир экансан, Анна Каренинани 1870 йилги русум бўйича кийинганини эсдан чиқарасан, киши, 150 йил ўтгандан кейин ҳам у бизга шу қадар яқин. Айрим ёзувчилар эса, масалан, Эдгар По, Мелвилл ёки Стендаль ўлганларидан 200 йил кейин ҳам ўз замонасидан кўра бизга кўпроқ тушунарли.

Пировардида, ёзувчи қандай аниқ масофада туриши керак? Агар уни тавсифлаш имкони бўлса, ҳаётдан сал нарида туриш керак; зеро, ҳаёт гирдобига ғарқ бўлиш – воқеа-ҳодисаларга қўшилиб кетиш унинг тиниқлигига путур етказди. Аммо бу четланиш ёзувчига ўзини ўз қахрамонларига ва борлиқ ҳаётда уларнинг прототиплари бўлганларга менгзатишга ҳалал бермайди.

Флобер: “Бовари хоним – бу мен”, деган. Толстой ҳам ўзини қандайдир Россия станциясида тунда поезд остига ташлаган аёлга менгзайди. Ўхшашликнинг бу неъматини шунгача бориб етганки, Толстой осмон ва табиатнинг бир қисмига айланган Анна Каренина киприкларининг ен-

гил пирпирашигача ўзига сингдириб олганди. Шахс иккиланишининг бу ҳолати нарциссизмга қарама-қаршидир, зеро, энг майда тафсилотларни идрок этиш учун бу ҳолат ҳам ўз-ўзини унутишни, ҳам энг кучли сафарбарликни кўзда тутлади. Қандайдир яна ёлғизликни ҳам англатади. Бу ўзига махв бўлиб йўқолиш эмас, балки шундай танҳоликки, у муайян даражадаги эътиборга ва романда ташқи олам тажассуми учун фавқулудда зехндорликка эришишга имкон беради.

Мен доим шоир ва ёзувчиларни кундалик икир-чикирларга кўмилиб кетган одамлар ва кўринишидан зерикарли нарсалар сирларини тартибга соладиганлар, деб билардим. Муаллифлар қаттиқ тикилиб ва қарийб махлиё бўлиб қарайдилар; улар учун бегим кунлари сирлар қобиғига ўраниб олади, ва қандайдир илғаб бўлмайдиган нурланиш бўлиб туюлади.

Шоир ва ёзувчининг, шунингдек, рангтасвирчининг вазифаси шундан иборатки, улар бу сирни ва ҳар бир одамнинг қалбида сақланувчи бу нурни намоён этиб берсин. Мен ўзимнинг узоқ бир қариндошимни, рассом Амадео Модуано ҳақида ўйлаб турибман: у танлаган шахси номаълум натурчилар, ўйинқароқ болалар ва кўча қизлари, оқсочлар, деҳқонлар, шогирд усталар унинг самимий суратлари эди. У бир ўткир чизиқда чизар эди, Боттичелли мактабини, Кватрочентонинг рассомларини эса солиб юборарди. У шу тариқа оддий киефа остида пинҳон ётган нафосат ва олийжанобликни ифодалар, тўғрироғи, намоён этиб берар эди. Романчи ҳам ана шундай ишлаши даркор. Унинг тасаввури борликка хиёнат қилмасдан, унинг қаърига ёриб кириши, бу борликни ўзи билан намоён этиши керак. Гоҳо мен романнависни башоратчиларга ўхшатаман. Яна энг майда ҳаракатларни ҳам илғайдиган сейсмографга менгзатаман.

Мен ҳар доим истеъдодли ёзувчиларнинг таржимаи ҳолини ўқишдан кўрқиб келардим. Ҳасби ҳолчилар гоҳо майда-чуйда нарсаларга ёпишиб олишади. Кишининг ҳавасини келтирадиган ёш, хафсалани пир қиладиган феъл-атворлар ҳар доим ҳам ҳақиқатга мос келавермайди, бу менга қарсиллаган овозни эшитмаслик учун радиоэшиттирувни ўчириб қўйишларини, мусиқа ёки кўшиқ тинглашга қўймасликларини эслатиб юборади. Ёзувчи билан бизни фақат унинг китоблари мутолаасигина яқинлаштиради, айнан шу ерда ўзини яхшироқ намоён қилади, биз билан жимгина сўзлашади ва унинг овозини ҳеч қанақа хириллаш буза олмайди.

Ёзувчи таржимаи ҳолини ўқир экансиз, гоҳо бўлажак ижодининг ўзига хос қолипига айланган болалиқдаги жонли воқеага дуч келасиз ва бу воқеа турли манзилларда бўлади – ҳар доим атайлаб бўлмаса-да, қайсарлик билан унинг китобларида иштирок этади. Бугун мен Альфред Ҳичкок тўғрисида ўйлаб турибман, у ёзувчи бўлмаган, аммо унинг фильмлари роман кучига эга. Беш яшарлигида отаси унга полиция комиссарига бир хат олиб боришни топширади. Бола хатни олиб бориб беради ва комиссар уни турли қонунбузарлар тунлари панжара ортида сақланадиган полиция маҳкамаси бўлмасига қамаб қўяди. Кўрқиб кетган бола у ерда роса бир соат ўтиради, уни қўйиб юбора туриб, комиссар бундай дейди: “Ўзингни ёмон тутадиган бўлсанг, сени нималар кутишини бир умр эсингдан чиқарма”. Ғалати тарбия қиладиган бу полиция комиссари ҳақидаги эсдалик, эҳтимол, Альфред Ҳичкокни барча фильмларига хос шундай муҳитни етиштириб бердики, бунда юрак ҳовучлаб кутиш ва ғам-ташвишлар биринчи ўринга қўйилади.

Мен сизларни зериктириб кўймоқчи эмасман, аммо ўйлайманки, болалигимдаги айрим хотиралар кейинчалик китобларим учун хамиртуруш бўлди. Мен кўпинча ота-онамдан узоқда, дўстларим хузурида бўламан, ота-онам мени уларга ишониб топширган, турли жой ва уйларда турганлари боис мен уларни билмасдим. Бундай пайтларда бола ҳеч нарсдан таажжубланмайди, ҳатто ноқулай аҳволга тушиб қолса ҳам буни табиий деб билади. Болалигим кўп йиллардан кейин ўзимга ғалати кўрина бошлаган. Мени ишониб топширишган одамларни кўпроқ билишга ҳаракат қилганман. Аммо мен уларнинг кўпчилиги ҳақида бир чимдим ҳам маълумотга эга эмасдим.

Мана шу беҳуда уринишлар қалам тебратишимга мажбур этди, мана шу ички сирларимни ташқи оламга чиқаришда хат ва тасаввур асосий воситачига айланди ва жумбоқлар ечилиб, сирлар фош бўлди.

Модомики, гап “сирлар” устида кетар экан, улар XIX асрнинг француз романи “Париж сирлари” номи билан уюшиб кетади. Катта шаҳар, айти дамда Париж, менинг она шахрим дастлабки болалик таассуротларим билан чамбарчас боғлиқ, бу таассуротлар шунақанги кучли эдики, ўшандан буён мен ҳеч қачон “Париж сирлари”ни ўрганишдан чарчамаганман. Мен тўққиз-ўн яшарлик вақтимда бир ўзим сайр қилишга ишқибоз бўлиб қолган эдим, йўқолиб қолишдан кўрқмаган эканман. Сенанинг нариги кирғоғига ўтиб, олис-олис овлоқ жойларга кетиб қолардим. Сайрларим кундузи бўлгани учун ўзимни дадил тутар эдим. Кўпчилик романнависларга эргашиб, кўп нарсаларни ана шундай ўрганганман. XIX асрдан бошлаб катта шаҳар – у хоҳ Париж ё Лондон, хоҳ Санкт-Петербург ё Стокгольм бўлсин – улар китобларининг безаги ва асосий мавзуларидан бири бўлган.

Ўзининг “Оломон одами” ҳикоясида Эдгар По биринчилардан бўлиб йўлакдан сел бўлиб оқиб бораётган одамлар ҳақида сўзлайди, уларни адиб қаҳвахона деразасидан томоша қилиб турарди. Унинг бир ғалати чолга кўзи тушади ва у ҳақда кўпроқ нарса билиш мақсадида тунда чолнинг ортидан эргашиб кетаверади. Аммо “номаълум” чол ортидан кузатиш беҳуда кетади, у ёзувчи учун номаълумлигича қолаверади. Чол бор-йўғи катта оломоннинг бир дона заррасидан нари ўтолмайди, у гоҳ бир, гоҳ бошқа одамга туртина-туртина охири кўздан бутунлай ғойиб бўлади.

Шоир Томас де Квинси ёшлигида бошдан ўтказган бир воқеани ҳам ўйлаб турибман. Оксфорд-стрит кўчасида у ёш бир қиз билан танишиб қолади. Катта шаҳарларда бўлиб турадиган оддий учрашув. У қиз билан бир неча кунни ўтказди, кейин у Лондонни тарк этишига тўғри келади. Қиз бир ҳафта кутишини айтади, кейин эса ҳар оқшом Татчфилд-стритнинг бир муюлишида ҳар оқшом бир вақтда келиб туради. Аммо улар учрашишмайди. “Ҳойнаҳой, биз бир вақтнинг ўзида айқаш-уйқаш Лондон кўчаларида бир-биримизни роса қидирган бўлсак керак. Эҳтимол, бир-биримиздан бир-икки метр наридан кўрмай ўтиб кетгандирмиз – абадий жудолик учун шундан ортиқ нарсанинг кераги ҳам йўқ-да”.

Агар менинг дастлабки китобларим ҳақида гапирадиган бўлсам, назаримда, улар кўҳна Париж маълумотномаларини титкилаш пайтида юзага келгандир. Қалам билан биронта нотаниш одамнинг исм-шарифи ва телефон рақами остидан чизик тортиб кўярдим, бас, минг-миллионлаб номлар

орасида унинг қисматини тасаввур қилиш қийин кечмасди. Менда қисқа жавоб ҳамиша тайёр турарди, уларни қидирув дафтарчаларида учратиш мумкин эди. Ғойиб бўлиш, кетаётган вақт тақчиллиги катта шаҳарларнинг ер усти тузилиши билан узвий боғланган бўлади. XIX асрдан бошлаб улар кўпинча романнавислар мулкига айланиб қолишининг сабаби шунда. Гоҳо буюк ёзувчиларни биронта шаҳар номи билан кўшиб тилга оладилар. Париждан Бальзак, Лондондан Диккенс, Санкт-Петербургда Достоевский, Токиодан Нагаи Кафу, Стокгольмдан Яльмар Сёдерберг.

Мен шу ёзувчилар таъсиридан четлаб ўтмаган авлодга мансубман ва ўз навбатида Бодлер “кўҳна пойтахтларнинг нимкоронғи бурчаклари”ни тадқиқ этишни ҳам истаган ўша авлод. Ўз-ўзидан равшанки, менинг болалигимдаги бундай шаҳарлар бутунлай ўзгариб кетган. Олисидаги катта мамлакатларда бундай шаҳарлар “мегаполис” номини олган. Улардаги аҳоли ижтимоий адоватда яшайди, харобазорлар кўпайгандан-кўпайиб бормоқда. Келажакдаги ёзувчилар бундай улкан шаҳарлар тўғрисида нима ёзаркин – мени шу нарса кўпроқ қизиқтиради.

Китобларим ҳақида гап кетганда, сиз лутф ила “энг тутқич бермас инсон тақдирлари безанадиган хотира санъати” ҳақида эслатиб ўтдингиз. Бу ортиқча мақтовдан бошқа нарса эмас. Бу алоҳида хотира ҳисобланади, ўтмишдан мисқоллаб тўпланган бу хотирага менинг туғилган санам қўйилади: 1945. Бутун-бутун шаҳарлар аҳолиси билан нест-нобуд қилиб ташланган мен туғилган 1945 йил, шубҳасиз, мени ва менинг тенг-тўшларимни хотира ва унутиш мавзуларига яқиндан ошно қилиб қўйгани аини ҳақиқатдир.





## АВЕЗОВ ВА ЎРТА ОСИЁ АДАБИЁТИ

### *Адиб таваллудининг 120 йиллиги муносабати билан*

Мухтор Умархон ўғли Аvezов XX аср қозоқ миллий адабиётини жаҳон миқёсига кўтарган катта истеъдод соҳибларидан бири эди. У адабиёт майдонига 1917 йили, йигирма ёшида “Енглик – Кебек” номли драматик асари билан кириб келди. Сўнг наср ва драматургия жанрларида самарали ижод қилиб, жаҳон адабиёти равнақига улкан ҳисса қўшди.

Адибнинг “Абай йўли” номли монументал роман – эпопеяси, “Ўскан ўркан” романи, “Енглик – Кебек”, “Ойман – Чўлпон”, “Қорақўз”, “Кечки оқим!”, “Чегарада” каби драмалари ҳамда “Ким айбдор?”, “Қараш – Қараш воқеалари”, “Излар”, “Ҳинд очерклари”, “Паноҳсизлар куни”, “Кўкёл” сингари очерк, ҳикоя ва қиссалари кенг китобхонлар томонидан қизғин кутиб олинган.

Хусусан, унинг “Абай йўли” роман-эпопеяси шу кунга қадар юз элликка яқин тилга таржима қилиниб, нафақат Ўрта Осиё, балки, жаҳон адабиёти тарихида ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам Мухтор Аvezовни чет эллик адиблар ҳам ҳурмат билан тилга оладилар. Бу ўринда Нозим Ҳикмат, Луи Арагон, Анна Зегерс, Андре Стиль каби дунё адабиёти намояндаларининг Мухтор Аvezов ҳақидаги фикрларини тилга олиб ўтиш жоиз. Масалан, унинг “Абай йўли” роман-эпопеясининг француз тилига таржима этилиши ва таҳрирларига бош – қош бўлган Луи Арагон адибга “Замонамизнинг энг бук шоирларининг бири” – дея таъриф берган бўлса, Андре Стиль “Юманите” газетасида, Луи Арагон фикрини қувватлаб: “Мухтор Аvezов романини олсак, унда энг аввал поэзиянинг ҳидини сезасан”, – дейди.

Француз танқидчиси Бержерон эса “Аvezовнинг овозидек овоз билан, Аvezов куйлаган буюклик билан, ажойиб муҳаббат билан куйлаган бахтли халқнинг, ажабо, не армони бор экан”, дея ёзувчи ижодига юксак баҳо беради.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Мухтор Аvezовнинг ижоди Ўрта Осиё адабиёти билан чамбарчас алоқадордир. Чунки у Осиё адабиётининг энг катта билимдони бўлиши билан бир қаторда Осиё адибларининг самимий дўсти, сирдоши, маслаҳатгўйи эди.

Машҳур адиб ва йирик жамоат арбоби Николай Тихонов: “У ҳамкасбларини тезда ўзига жалб этадиган дилкаш инсон, айниқса, Ўрта Осиё адабиёти масаласида катта билимдон, буюк олим эди... У бутун ҳаётида илм тўплади, шунинг учун ҳам унинг тадқиқотлари ўзбек, туркман, тожик адабиётининг ҳамма сирларини очиб берар эди”, – деганди ўзининг “Замонамизнинг буюк инсони” номли мақоласида.

Мухтор Аvezов умрининг сўнги дақиқаларигача Ўрта Осиё адабиётини мукамал ўрганди. Ойбек, Ғафур Ғулом, Иззат Султон, Воҳид Зоҳидов, Асқад Мухтор, Берди Кербобоев, Мирзо Турсунзода, Мирзо Иброҳимов, Сотим Улуғзода, Аали Тўқомбоев, Тугелбой Сидиқбеков, Темирқул Умбеталиев, Қувончбек Маликов, Чингиз Айтматов каби буюк адиблар билан бўлган самимий дўстлигини тилга олиш жоиз. Қардош ўзбек, қирғиз, туркман, тожик диёрларида бир неча бор бўлиб, мазкур эллар турмуш тарзи билан яқиндан танишди.

Бу ҳақда туркман адиби Берди Кербобоев: “Инсоният маданий ҳаёти тарихи тўридан муҳим ўрин олади” – деса, буюк адиб Чингиз Айтматов: “Мен ўзим бошқа элга сафар қилиб, бошқа юртнинг остонасига қадам ранжида қилсам, доимо ҳурмат қилиб, ўзим билан олиб юрадиган икки хил дурдонам бор. Бири – “Манас”, бири – Мухтор Аvezов”, – дейди.

Мухтор Аvezов 1897 йилнинг 28 сентябрида, Қозоғистон Республикасининг Шарқий Қозоғистон вилоятидаги Абай туманига қарашли Чингизтоғ этагида жойлашган “Бўрили” қишлоғида дунёга келади.

Унинг отаси – Умархон ҳам, бобоси Аvez ҳам эскича, саводли кишилардан бўлиб, унинг ўқишига алоҳида аҳамият беришади. Адиб 11 ёшида отасидан, 15 ёшида онасидан айрилиб, бобоси – Аvezнинг тарбиясида бўлади.

Мухтор Аvezов болалигидан қозоқ халқ оғзаки ижоди, қардош халқ эртак ва афсоналарни, қозоқ оқин-жировлари томонидан кенг куйланган шоирларнинг асарларини ўрганади. Айниқса, буюк қозоқ шоири Абай Қўнонбоев асарлари унинг ижодий юксаклишида катта ўрин тутди.

Ёш Мухтор Аvezов бобоси Аvez ва акаси Қосимбек ёрдамида, даставвал овулдаги бошланғич рус-қозоқ мактабида, сўнгра Абай туманидаги бошланғич рус мактабида таҳсил олади. Ундан сўнг Семейдаги билим юртига ўқишга кириб, уни 1915 йили муваффақиятли тамомлайди. Кейинчалик Семипалатинскдаги ўқитувчилар тайёрлайдиган семинарияга кирди.

Мухтор Аvezов семинарияда ўқиб юрган чоғларидаёқ шарқ шоирлари асарлари билан бир қаторда рус мумтоз ёзувчилари асарлари таъсирида, дастлабки – “Енглик – Кебек” номли драматик асарини ёзади.

Мазкур асарга, адиб Енглик билан Кебек ўртасидаги самимий севгини асос қилиб олади. Унда икки ёшнинг муҳаббатига қаршилик қилган қора кучларнинг адолатсизлигини аёвсиз фош этади.

У мазкур асарни, шу йилнинг ўзидаёқ Абайнинг севган ёри Айгерим ўтовида ўзи сахналаштиради. Бу асар кейинчалик, 1922 йили Оренбург шаҳрида нашр этилади ва 1926 йили Қизилўрда шаҳрида сахналаштирилади.

У 1922 йили Ўрта Осиё Давлат университетининг (ҳозирги – Ўзбекистон Миллий университети) Шарқ факультетига, эркин тингловчи сифатида ўқишга қиради.

Аммо, орадан бир йил ўтгач – 1923 йили, ўқишини Ленинград университетининг тарих-филология факультетига кўчириб, у ерда академиклар – В.В.Бартольд, А.Н.Самойлович, В.Шчербак, В.Виноградовларнинг маърузаларини тинглайди.

У 1928 йили шу университетни муваффақиятли тугатиб, Ўрта Осиё Давлат университетига аспирантурага қабул қилинади. Бу ҳақда унинг умр йўлдоши Валентина Николаевна Кузмина “Илк йиллар” номли эсдалигида: “1928 йили кўкламда Мухтор Аvezов Ленинград университетини тамомлади. Биз августда Тошкентга етиб келдик. Унда Мухтор Ўрта

Осиё университетинг аспирантурасига ўқишга кирди. Тошкентда биз Ўрмончилик техникуми худудида, Салор ўзани бўйидаги улкан ёнғокзор боғда яшадик. Тошкентда Мухтор ўзининг ажойиб “Кўксерак” ҳикоясини ёзди”, – дея эслайди.

Мухтор Авезов 1928–1930 йилларда Тошкентдаги Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) “Туркология” кафедрасининг аспирантурасида ўқиб юрган пайтларида, Ўрмончилик техникуми ҳамда Тошкентдаги қозоқ-қирғиз педагогика институти талабаларига “Адабиёт тарихи”, “Қозоқ халқ оғзаки ижоди” фанларидан маърузалар ўқийди.

Авезов Тошкентдалик пайтларида Фирдавсий, Низомий, Алишер Навоий, Бобур, Бедил, Хўжа Аҳмад Яссавий асарларини кунт билан ўрганган. Садриддин Айний, Абдулла Қодирийлар билан яқиндан алоқа боғлайди. Шунинг учун ҳам у: “Шонли ўзбек насрининг илк даврида Айний ижод қиларди. Йигирманчи йилларга келиб Абдулла Қодирий етишиб чикди. Мен 1928 йилдан бошлаб унинг асарларини ўзбек тилида ўқий бошладим”, – дейди.

Мухтор Авезов Тошкентда бўлган пайтларида, ўша йиллари Тошкентда қозоқ тилида чиқадиган “Шолпон”, “Ақ жол”, “Енгбек”, “Жанга ўрис”, “Кедей айнаси”, “Саула” каби газета ва журналларда ўз асарларини чоп эттиради, улар мухлислар томонидан қизгин кутиб олинади. “Шолпон” журналининг ҳайъат аъзоси бўлиб ишлайди. Унинг “Тунги овул”, “Сивон кабрида”, “Ким айбдор”, “Кўкёл”, “Қараш – Қараш воқеалари” каби қисса ва ҳикоялари шу газета ва журналларда чоп этилади.

М. Авезов “Қундошлар” номли драматик асарини 1923 йили Тошкентда чоп эттирган бўлса, 1924 йили профессор Ю. Вагнернинг “Ернинг яратилиши ҳақидаги ҳикоялар” номли асарини қозоқ тилига таржима қилиб, уни ҳам Тошкентда нашр эттиради.

Маълумки, адибнинг “Қараш – Қараш воқеалари” номли машҳур қиссаси билан “Абай” номли драматик асарининг ёзилиши тарихи ҳам, шунингдек, Абай Қўнонбаевнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақидаги илк ижоди ҳам, ҳатто қирғиз халқ эпоси – “Манас” тўғрисидаги илк изланишлари ҳам унинг Тошкентда яшаган даврларига тўғри келади. Умр йўлдоши В. Кузмина берган маълумотга қараганда, Мухтор Авезов 1927 йили Еттисув ўлкасига Бишкек орқали ўтади ва у ерда қирғиз оқин-жировлари ижросида “Манас” асаридан парчалар эшитиб, асарнинг ғоявий-бадиий хусусиятларини ўрганган.

1936 йилда М. Авезов “Манас”ни оқин Соғимбой Ўразбоев оғзидан ёзиб олади. Кейинчалик, шу асар асосида нафақат қозоқ, балки қардош ўзбек, қирғиз, туркман ва тожик халқлари адабиётини ҳам кунт ва сабот билан ўрганган.

Шунинг натижасида у, қирғиз халқининг тахминан 500 минг мисрали эпоси бўлмиш “Манас” билан “Алпомиш” достони ҳақида, “Тоҳир-Зухра”, “Қўзи Қўрпеш-Баян сулуви”, “Қиз Жибек” дostonлари тўғрисида ўз қарашларини билдиради.

Ўрта Осиё халқларининг эртақ, афсона ва мақолларини ўзаро таққослаб, Хўжа Насриддин латифалари билан Алдар Кўса, Жийранча чечан ҳақидаги афсона ва ҳикояларни қиёслади.

Мухтор Авезов “Қозоқ халқининг эпоси ва фольклори”, “Қозоқ адабиётининг тарихини ёритиш масаласи тўғрисида” каби илмий-назарий ишларида ҳам ўзбек, қирғиз, туркман ва тожик халқларининг оғзаки ижодига алоҳида назар ташлаб, уларни қозоқ халқ оқинларининг ижоди билан ўзаро солиштирган ҳолда фикр юритади, “Ўрта Осиё халқлари адабиёти” номли махсус тадқиқотида эса Рўдакий, Низомий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Хожак Аҳмад Яссавий, Бедил, Бобур ва бошқалар меросига мурожаат қилади.

Авезов Қозоғистонда улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг ижодий меросини илмий равишда ўрганиб, уни қозоқ халқи билан таништиришда катта меҳнат қилади.

Адиб ўз тадқиқотларида XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида яшаб ижод этган Абай Қўнонбоев ва Оқан сери, Шаади Жонгиров, Майли хўжа, Мадали мулла, Кенжа хўжа каби шоирлар ижодига Алишер Навоий ва Низомий Ганжавий асарларининг таъсирини ўрганди. У Абай ижоди ҳақида тўхталар экан: “Шуни ҳам кўзда тутиш лозимки, Абайнинг Шарққа муносабати унинг ижодининг турли даврларида турлича эди. Агар у ёшлик йилларида ўз ижодини кўпроқ тақлиддан бошлаган бўлса, ижодий камолотга етган даврларида эса Навоий ва Низомийга мурожаат қилиши энди тақлид характерида бўлмади”, – дейди.

1941 йили Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан мазкур тантанага қозоқ халқи ҳам катта тайёргарлик кўради. Унда Мухтор Авезов фаол қатнашиб, шоирнинг бир қанча ғазаллари билан лирик шеърларини, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” каби достонларидан парчаларни Абдильда Тажибоев, Қолижон Бекхожин, Ўтебой Тўрмонжонов, Сағинғали Саетов каби шоирлар ўз она тилларига маҳорат билан ўгиради.

М.Авезов шоирнинг бир жилдлик “Танланган асарлари” тўпламига сўзбоши ёзади.

Маълумки, 1957 йили 12 июнда Тошкентда Шарқни ўрганиш Бутуниттифоқ биринчи анжуман бўлиб ўтади. Мазкур анжуманда Мухтор Авезов билан бирга машҳур тилшунос олим, профессор Сарсен Оманжолов ҳам иштирок этади. Шунда Мухтор Авезов йиғинда сўзлаган нутқида шарқ шоирларининг, шу жумладан, Фирдавсий, Низомий, Абдурахмон Жомий, Ҳофиз, Саъдий ва Алишер Навоийнинг асарларини ўзаро таққослаган ҳолда ўрганиш муҳимлигини таъкидлайди.

Буюк ижодкор 1958 йил Тошкентда бўлиб ўтган Осиё ва Африка ёзувчиларининг конференциясида ҳам фаол иштирок этади.

Мухтор Авезов мазкур анжуманнинг халқаро аҳамиятига алоҳида тўхталар экан, Ўрта Осиё ижодкорларининг асарларини ўзаро таққослаган ҳолда фикр юритади. Хусусан, Ойбек ижоди ҳақида бундай дейди: “Ҳозир унинг (Ойбекнинг – Қ.С.) Навоий ҳақидаги (собик) Иттифоқ бўйлаб кенг тарқалган романи, хориждаги кўплаб дўстларимиз орасида ҳам шухрат қозониб, севиб ўқиладиган китоб бўлиб қолди. Мен Чехословакияда бир тадбирда қатнашган эдим. У ерда жуда кўп китобхонлар ўзбек халқининг ўтмиши билан танишиш мақсадида “Навоий” романини такрор-такрор ўқиб, муҳокама қилишар экан”.

1959 йили М. Авезов Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган қирғиз ёзувчилари-

нинг 3-съездида, шу йили Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати ҳафталигида ҳам фаол иштирок этади.

Шунда ўзбек ёзувчиларининг асарлари тўғрисида баъзи бир москвалик танқидчилар тирнок остидан кир кидириб, Шароф Рашидов, Ҳамид Ғулом, Пиримқул Қодиров асарлари юзасидан айрим танқидий фикрларни билдиришади. Авезов бу фикрларни кескин рад этади. “Мен Шароф Рашидовнинг “Бўрондан кучли” сини ва Пиримқул Қодировнинг “Уч илди” ини ўқиб чиқдим. Ҳар иккала роман воқеликни бадиий идрок этиш нуктаи назардан тушунишга интилиши билан адабиётимиз вазибаларининг асосий йўлидан боради ва ўзбек адабиётининг энг яхши ютуқларидан ҳисобланади”, – деган фикрни ўртага ташлайди.

Шароф Рашидовнинг “Бўрондан кучли” романи ҳақида тўхталиб: “Бу асар замонамиз билан бирга одим ташлайди, шунинг учун етти йилликнинг қайси бир йилида бўлса ҳам, Олимжон иштирок этадиган учинчи китоб пайдо бўлишига шубҳам йўқ. Бу асарнинг энг муҳим жиҳати шундаки, ундаги қаҳрамонлар катта ҳаётдан нафас оладиган ва замон байроғини кўтарган кишилардир”, – дейди.

М. Авезов “Баъзи миллат ёзувчиларининг романлари ҳақида” деган тадқиқотида машҳур сўз заргари Ойбекнинг “Олтин водийдан шабадалар”, қирғиз ёзувчиси Тугелбой Сидиқбековнинг “Замонамиз кишилари”, қозок адиби Ғабидин Мустафиннинг “Миллионер”, ажойиб татар ёзувчиси Умер Башировнинг “Номус” ва рус ижодкори Семён Бабаевскийнинг “Олтин юлдузли йигит” каби йирик асарларини бир-бири балан таққослаб, уларнинг бадиий қимматини очиб беради.

Мухтор Авезов Ойбек билан жуда ҳам яқин дўст, самимий сирдош эди. Шунинг учун ҳам Ойбек Мухтор Авезов таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан, 1957 йили ёзган “Адабиёт тўйи” номли мақоласида: “Мен Мухтор оғани йигитлик вақтимдаёқ танидим. Дўст бўлдим. Мухтор Авезов моҳир драматург, ажойиб ёзувчи. Асл академик, ҳақиқий олимдир”, – дея илиқ гапларни айтган эди.

Ҳақиқатан ҳам иккала буюк сиймонинг дўстлиги умрларининг сўнгги дақиқаларигача давом этди. Бу эса, ҳар иккала халқнинг истиқболига, адабий-маданий алоқаларининг ривожига муҳим хисса бўлиб қўшилди. Масалан, 1946 йилнинг ёзида қозок шоири Жамбул Жабаев таваллудининг 100 йиллиги катта тантана билан нишонланди. Мазкур адабиёт байрамига дунёнинг турли мамлакатларидан кўплаб ёзувчи ва олимлар хусусан ўзбек адиблари ташриф буюрди.

“...Бизни тоғ устидаги ажойиб боққа олиб боришди ва ҳар кимга алоҳида жой қилишди. Дўстлар, танишлар жам эди бу тўйда. Сергей Бородин, Берди оға, Сильва Капутикян, қуйинг-чи, кўпчилик эдик. Гурунг гурунгга уланарди. Ўшанда ҳамма Ғафур ака ва Сергей Петрович айтган латибаларга лол бўлиб ўтиришганда, Ойбек билан Мухтор оға хиёбонда сўзлашиб юрарди. Бир куни тонг отгунча қизгин суҳбат бўлди. Грузин ҳам, озарбайжон ҳам, татар ҳам, рус ҳам топганини ўртага ташларди, бир сўз билан айтдиган бўлсам, бу сархуш кулги кечаси эди. Лекин ҳаммадан кўп гапирган Ғафур ака бўлди. Ул зот шундай латибалар айтдики, бутун давра қотиб-қотиб кулар, унга сайин Ғафур ака латибаларни пайдар-пай тўқиб ташларди... Тонг отгандагина чойга ўтирдик. Ҳайрон қолгулик ҳол. Бир вақт ўша улкан зиёфатхонага ёндош уйдан Ойбек ва Мухтор оға чиқиб келди.



Гўё сой билан куёш баравар уфқдан кўтарилгандек!”, – деб ёзади машхур шоир Миртемир ўзининг “Мухтор оға зиёратида” деган хотирасида.

Маълумки, 1957 йили Олмаотада ўтказилган Мухтор Авезовнинг 60 йиллик юбилейи тантанасига Нозим Ҳикмат, Михаил Шолохов, Берди Кербобоев, Мирзо Турсунзода, Аали Тўқомбоев, Тугелбой Сидиқбеков, Гафур Ғулом, Ойбек, Миртемир, Мирмуҳсин каби ёзувчилар иштирок этган эди.

Мазкур маросимда Ойбек, жонажон дўсти Мухтор Авезовга бўлган самимий муносабатини ўзининг “Табрик” номли шеъри ва “Адабиёт байрами” номли эссесини “Қозоқ адабиёти” газетасида чоп эттиради.

Мухтор Авезовнинг шогирди Чингиз Айтматов ҳам: “Мухтор Авезовни қирғизлар зўр қувонч билан ўз фарзандимиз деб билади. Авезовнинг асарларини бизлар икки тилда бирдай севиб ўқиймиз” – деб қайд этади.

Мухтор Авезов умрининг сўнгги йилларида Жанубий Қозоғистон ўлкасида, шу жумладан Чимкент, Жамбул вилоятларининг турли туман, овул ва кишлоқларида бўлиб, одамлар ҳаёти билан яқиндан танишади, дардлашади.

Мана шу изланишларининг самараси ўлароқ М. Авезов ўзининг “Ўскан ўркан” романини ёзади. Аммо роман тугалланмай қолади.

Адиб 1961 йилнинг 27 июлида вафот этади.

Маълумки, XX асрнинг 20-йилларида Мухтор Авезовнинг драматик асарлари ўзбек, қирғиз, туркман ва қорақалпоқ ўлкаларида ҳам кенг намойиш этилади. Масалан, 1928 йили адибнинг “Қоракўз” номли драматик асари Тошкентда, “Кундошлар”, “Оғир замон” каби драмалари, 20-йилларда Қорақалпоғистонда саҳналаштирилган.

Адибнинг “Абай йўли” роман-эпопеясида “Татянанинг саҳродаги шеъри” номли парчаси Мирзакалон Исмоилий таржимасида, “Абай йўли” роман-эпопеяси Ҳабиба Зиёхонова таржимасида, “Кўкёл” ҳикояси Суннатилла Анорбоев таржимасида нашр этилди.

Марказий Осиё халқлари ижодкорларининг самимий дўсти, Ўрта Осиё адабиётининг улкан билимдони, машхур адиб Мухтор Авезов таваллудининг 80, 90 ва 100 йилликлари Ашхобод, Тошкент, Душанбе, Бишкек шаҳарларида катта тантаналар билан ўтказилди. 1997 йили адибнинг 100 йиллиги ЮНЕСКО қарори асосида бутун дунё бўйлаб кенг нишонланди.

Қалдибек СЕЙДАНОВ,  
профессор



## ЖАҲОН МАШҲУРЛАРИ ҲАЁТИДАН

*Рус тилидан  
Шодмон ОТАБЕК  
таржимаси*

Кунлардан бир кун, Кишинёв шаҳрида рус поэзиясининг қуёши, Александр Сергеевич Пушкин икки марта дуэлга чиқади. Қарта ўйнаётганда бир зобит билан жанжаллашиб қолади. Уларнинг дуэли ҳам жуда ғаройиб бўлади. Пушкин тўқнашув бўладиган жойга бир ҳовуч олча билан келади. Биринчи бўлиб отиши лозим бўлган зобит уни мўлжалга олаётганда шоир бамайлихотир олчасини еяверади. Зобит ўқ узади, лекин мўлжалга теккизолмайди. Отиш гали Пушкинга келади. У отиш ўрнига рақибдан сўрайди:

– Энди кўнглингиз ўрнига тушдими?

Шунда рақиб ўзини Пушкиннинг кучоғига отмоқчи бўлиб талпинади, аммо шоир уни четга суриб, “Буниси энди ортикча!”, дея гўё ҳеч нима рўй бермагандек, хотиржам жўнаб қолади.

\* \* \*

Репин уйига чорлаган меҳмонлардан бири, асл касби адвокат бўлган, тасвирий санъатдан мутлақо бегона кимса қадаҳ сўзи айтаётиб яхшигина қовун туширади:

– Ушбу қадаҳни “Бояр хоним Морозова” деган даҳо картинани яратган Илья Ефимович Репиннинг соғлиги учун кўтаришингизни сўрайман!

Илья Ефимович шундай жавоб қилади:

– Чин юракдан эътирофингизга қўшиламан. Сиз айтган картина ростдан ҳам беқиёс санъат намунаси, фақат уни Суриков эмас, мен яратганимда эди, шодлигимнинг чеки бўлмасди.

\* \* \*

Кунлардан бир кун театрда ўтирган Россини ёнидаги қўшнисига шундай дейди:

– Қўшиқчининг мазаси йўқ, эпложмаяпти. Бунақа ёқимсиз овозни биринчи бор эшитишим.

– Агар қўшиқ ёқмаётган бўлса, балки уйга кетганингиз маъқул, – дея маслаҳат беради қўшниси.

– Мутлақо кетмайман, – дейди Россини жонланиб. – Эшитишимча, учинчи пардада бошқа қахрамон бу қўшиқчини ўлдираркан, шунини ўз кўзим билан кўрмоқчиман.

\* \* \*

Катта театрда “Евгений Онегин” операси намоиш этилаётганди. Бир қанча ёш артистлар сахна ортидан томоша қилиб туришарди. Татьяна-нинг мактуби воқеасига келганда артистлардан бири нега энди Татьяна Онегинга эмас, Ленскийга хат ёздийкин, дея норозилик билдиради. Шунда яқинроқда турган Онегин ролининг ижрочиси – артист Оленин кулимсираб лукма ташлайди:

– Азизлар! Пушкиндан норози бўлишнинг ҳожати йўқ, ахир у Ленский-ни Собинов ижро этишини билмаган-да.

\* \* \*

Машхур олим ва адиб Виктор Шкловскийни қўшниси туғилган куни билан табриклайди:

– Табаррук тўқсон ёшингиз муборак бўлсин, Виктор Борисович!  
– Раҳмат, миннатдорман, қўшнижон!  
– Юз ёшингизда ҳам сизни табриклаш насиб этсин!  
– Илоё ниятингизга етинг. Агар ичкиликка ружу қўймасангиз, чекишни ташласангиз, бадантарбияни қанда қилмасангиз юз ёшлик юбилейимда қатнаша оласиз.

\* \* \*

Пётр Ильич Чайковский Одессага келганда маҳаллий театрда унинг опералари кетма-кет намоиш этилаётганди. Репетиция пайтида опера мутасаддиси Эммануэль буюк композиторга шундай дейди:

– Биласизми, Пётр Ильич, “Мазепа” оперангизда “Евгений Онегин”, “Пиковая дама”нинг таъсири сезилади.  
– Маълумотингиз учун айтиб қўяй – “Мазепа”ни ҳам, “Евгений Онегин”, “Пиковая дама”ниям ўзим ёзганман.

\* \* \*

Эрцгерцогиня Мария Антуаннета болакай, бўлажак композитор Моцартни Вена саройида ўйнатиб юрарди. Ногоҳ бола қоқилиб, йиқилади. Мария чопкиллаб келиб, уни ердан кўтариб олади.

– Сиз жуда ҳам олийҳимматсиз,– дейди ёш мусиқачи, – мен сизга уйланаман.

Мария боланинг сўзларини онасига айтади.

– Нега энди сен маликага уйланмоқчисан?– деб сўрайди император хоним.

– Ҳиммат юзасидан, – дея жавоб қилади бўлажак даҳо.

\* \* \*

Америкада гастролда юрган польшалик актриса Гелена Моджеевскани

бир оқшом зиёфатга таклиф этишади. Таомдан кейин меҳмонлар актрисадан ўз она тилида бирон нарса ижро этиб беришни сўрашади.

Актриса узоқ вақтгача рози бўлмай туради, ахийри ўрнидан туриб, ўз тилида ижрони бошлайди.

Тингловчилар биронта сўзни тушунишмаса-да, кўзларида ёш билан актрисани қарсақлар билан олқишлайдилар. Сўнгра ундан ижро этилган асарнинг мазмунини сўрашади.

– Мен бор-йўғи она тилимда юзгача санадим, холос,– дея жавоб қилади актриса.

\* \* \*

Машҳур итальян трагик актёри Росси бир куни шундай деган эди:

– Ҳамма бало шундаки, Ромеони ўн етти ёшда ўйнаш керак, қандай ўйнаш лозимлигини эса фақат етмишга кирганда тушунасан.

\* \* \*

Машҳур пиониначи Падеревский Париж кўчаларида айланиб юрганида рўпарасидан бир искирт бола чиқиб қолади.

– Туфлингизни тозалаб берайми?– деб сўрайди у.

– Раҳмат, керак эмас! – дея жавоб қилади Падеревский.– Агар сен ҳозир юз-қўлингни топ-тоза қилиб ювиб келсанг, мендан йигирма франк пул оласан.

Болакай ғизиллаб кўчанинг нариги томонига югургилаб кетади ва сув қувурида обдон ювингач, топ-тоза бўлиб келади.

– Мана сенга ваъда қилинган йигирма франк,– дейди Падеревский болага пулни узатиб.

Болакай сочлари ўсиқ пиониначига ажабланиб қарайди:

– Йўқ, олмайман, сартарошга бориб, бу пулга пахмоқ сочингизни олдирволинг!

\* \* \*

Машҳур итальян композитори Пуччини ҳаётсевар, некбин одам эди. Ҳазил туйғуси бир умр уни тарк этмаганди. Кунлардан бир куни унинг оёғи синиб, касалхонага тушади. Орадан кунлар ўтгач, дўстлари йўқлаб келишади. Салом-алиқдан сўнг композитор қувноқ овозда хитоб қилади:

– Мен жуда бахтиёрман, дўстларим! Ҳозирданок менга ҳайкал ўрнатишмоқчи!

– Ҳар нарсани валдирайверма! – дейди дўстлардан бири.

– Мен ҳазиллашаётганим йўқ, мана кўринглар! – дея жавоб қилади композитор ва гипсга ўралган оёғини очиб кўрсагади.

\* \* \*

Озодлик руҳидаги шеърлари учун Пушкин жанубга сургун қилинади. Киевдан ўтаётганда бир дўстини учратиб қолади. У Пушкиндан бу томонларга қандай қилиб келиб қолганини сўрайди.

– Тил югуриги Киевга етаклайди! – жавоб қилади шоир тагдор оҳангда.

\* \* \*

Пушкин Москвада анча вақтдан буён кўришмаган танишини учратиб қолади.

– Эшитишимча, уйланаётган эмишсан?– деб сўрайди у шоирдан.

– Ҳа,– дея жавоб қилади Пушкин,– аммо бу ҳаётимдаги охирги тентаклик эмас.

\* \* \*

Бир даврада Пушкинни хижолат қилмоқчи бўлган кимса шоирдан сўрайди:

– Айтинг-чи, мен билан куёш ўртасида қандай ўхшашлик бор?

Шоир ҳозиржавоблик билан дейди:

– Сизга ҳам, куёшга ҳам пешонани тириштирмасдан қараш мумкин эмас!

\* \* \*

Ўзи ҳақида жуда юқори фикрда бўлган бир ёш актёр таниқли актёр Рибакондан сўрайди:

– Охирги пардада Дездемонани жуда қойил қилиб ўлдирдимми?

– Яхши,– дея жавоб қилади Рибакон. – лекин сен Шекспирни ундан ҳам қойил қилиб ўлдирдинг.

\* \* \*

Рим императори Нероннинг тарбиячиси бўлган файласуф Сенека гоҳо ёвуз ҳукмдорга аччиқ ҳақиқатларни айтишга журъат эта оларди. Бир куни Неронга шундай деган эди:

– Қанча одамларнинг ёстиғини қуритмагин, барибир бир куни ўрнингни эгаллаши мумкин бўлган ворисни ўлдиролмайсан!

\* \* \*

1815 йили, Францияда Реставрация даври бошланганда депутатларнинг Миллий йиғини жуда ғариб бир жамоа кўринишида эди.

– Нахотки ушбу жамоа ватанни қутқариб қололса?– дейди кимдир Талейранга.

– Қайдам,– дея жавоб қилади машҳур дипломат,– бир замонлар ғозлар Римни қутқариб қолган-ку!...

\* \* \*

Кунлардан бир кун Марк Твен яқин дўстлари даврасида меҳмон бўлиб ўтирган эди. Одатига кўра у жуда кўп чекди, сигаретасининг кули ҳамма жойга – дераза тоқчасига, роялга ва печка устига тўкилади. Хонадон соҳиби кулларни бир банкага тўплаб, ёзувчидан бу идишга дастхат ёзиб беришни сўрайди. Ёзувчи шундай дастхат битади: “Бу куллар ҳақиқатан ҳам меники эканлигини тасдиқлайман”.



\* \* \*

Марк Твен муҳаррирлигида чоп этилаётган газетада бир безори, муттаҳам одам ҳақида ўткир танқидий мақола босилади. Мақола шундай сўзлар билан тугагани: “Жаноб Н. юзига туфлашга ҳам арзимайдиган одамдир”.

Жаноб Н. ўзини ҳақоратланган ҳисоблаб, муҳаррирни судга беради ва газетада раддия берилишига эришади. Суд қарорига кўра, Марк Твен газетада шундай раддияни эълон қилади: “Жаноб Н. ҳақида чоп этилган мақолани рад этамиз ва олдинги фикримизни нотўғри деб ҳисоблаймиз. Жаноб Н. юзига туфлашга арзимайди дейилиши нотўғри, аксинча, жаноб Н. юзига туфлашга арзийдиган шахс.”

\* \* \*

Кунлардан бир кун Марк Твен касал бўлиб қолади. Врач унга парҳез буюради:

- Сизга кунига бир стакан сут ва озроқ қотган нон кифоя.
- Намунча оз, дўхтиржон? – дейди ёзувчи норози бўлиб.
- Бундан ортиғи мумкин эмас, сиз парҳездасиз.
- Ҳмм!..–дейди ёзувчи ўзича минғирлаб. – Ундай бўлса менга почта маркасини берсангиз. Уйқудан олдин озроқ ўқимокчи эдим.

\* \* \*

Марк Твен далаҳовлисига ўғирликка тушган ўғри қўлга олинганини эшитиб, шундай дейди:

- Мен бу жинойтчиларга жуда ачинаман. Агар ўғирликни ташлашмаса, уларни конгрессга сайлашади. Бундан ҳам ортиқ кўргулик бўлиши мумкинми?

\* \* \*

Яқин дўстларидан бири Марк Твендан катта миқдорда пул қарз олиб, агар ўлмай қолса, қарзни бир ой ичида тўлашга ваъда беради. Орадан бир ой ўтади. Қарз қайтарилмайди. Шунда Марк Твен газетада шундай эълонни бостиради: “Ҳамма дўстларимни Гарри Дунканнинг куни кеча вафот этганидан огоҳ қиламан. Мендан 500 доллар қарз олиб, агар ўлмай қолса бир ой мобайнида пулни қайтаришга ваъда берувди. Қадрдоним Гарри Дункан ҳамиша ўз сўзининг устидан чиқадиган одам эди, шу боис унинг кеча ўлгани шубҳасиздир. Раҳматлининг жойи жаннатда бўлсин”

Бу хабарни эшитган “раҳматли” тезда тирилик кетади ва қарзни қайтаради.

\* \* \*

Л.Н.Толстой уйлангандан кейин ёзувчи Соллогуб уни йўқлаб Ясная Полянага боради.



– Қандай бахтли одамсиз,– дейди у. – Сиз яхши кўрадиган ҳамма нарса бор.

Толстой кулимсираб жавоб қилади:

– Ундай эмас, мен яхши кўрадиган ҳамма нарса йўқ, аммо менда бор нарсаларнинг ҳаммасини яхши кўраман.

\* \* \*

Немис адиби ва муҳаррири Теодор Фонтане бир куни почтадан келган шеърни олади. Унда муаллиф шундай илтимосни қўшимча қилганди: “Мен принцип юзасидан вергулларни қўймадим, уларни кераксиз деб ҳисоблайман. Агар зарурати бўлса, вергулларни ўзингиз қўйиб чиқсангиз”

Фонтане шеърни эгасига қайтариб юборади ва куйидаги гапни илова қилади:

“Кейинги гал фақат вергулнинг ўзини юборсангиз, шеърни ўзим бир амалларман”.

\* \* \*

Кунлардан бир кун врач француз адиби Фонтенелга шундай маслаҳат беради:

– Кофе жуда ҳам зарарли ичимлик, уни ичманг.

– Гапингизда жон бўлиши мумкин,– дейди ёзувчи,– аммо унинг зарари жудаям секин таъсир қиларкан. Мана мен уни 80 йилдан буён ичаман.

\* \* \*

Фонтенелни Франция фанлар академияси аъзолигига сайлашади. Академияга жами 40 нафар одам аъзо эди. Жавоб нутқида ёзувчи шундай дейди:

– Мана энди дунёда фақат 39 нафар одамгина мендан ақллироқдир.

\* \* \*

Кунлардан бир куни адабиёт мухлиси Фонтенелдан сўради:

– Шеърингиз асарларга қандай баҳо бериш мумкин?

– Уларни ҳеч иккиланмай, ёппасига ёмон деяверинг, – дея маслаҳат беради ёзувчи,– шунда фақат бир-икки ҳолатдагина янглишишингиз мумкин.

\* \* \*

Кунлардан бир куни машҳур ёзувчи Анатоли Франс хузурига ишга ёлланмоқчи бўлиб стенографист қиз келади.

– Мен бир дақиқада 150 та сўзни ёза оламан,– дейди ёш қизалоқ.

– Яхши, аммо бунча сўзни қаердан топаман? – дея хайрон бўлади ёзувчи.



## ИНСОНГА МАДҲИЯ

Машхур олмон мусаввири Альбрехт Дюрер 1471 йил 21 майда Нюрнберг шахрининг заргарлар оила-сида дунёга келган. Илк бошланғич таълимни у отасидан олган. 1477 йилдан бошлаб лотин мактабига борган. Аввал бошда отаси Альбрехтга заргарлик ишларини ўргатади. Бироқ болакай рассомликка кизиқар эди. Ва буни тушунган ота 15 ёшида ўғлини ўша даврнинг машхур рассоми бўлмиш Михаэл Волгемут устахонасига юборади. Рассомнинг ўзи бу ҳақида “Оилавий хроника” китобида ёзиб қолдиради ва бу китоб Ғарбий Европа тарихидаги биринчи автобиографик китоб ҳисобланади.

1490–1494 йилларга келиб унинг жанубий Германия ва Швейцария бўйлаб саёҳати бошланади, 1494–1495 йилларда эса Италияга, 1505–1507 йилларда Венецияга, 1507–1520 йилларда Нюрнбергга, 1521–1528 йилларда Нидерландияга саёҳат қилади. Рассом умрининг сўнггида Нюрнбергга қайтади ва шу ерда вафот этади.

Дюрер қайси мамлакатга бормасин, шунчаки саёҳат қилиб қолмасдан ўша мамлакатнинг анъанасини, мактабларини, рассомларининг ишларини чуқур ўрганган ва албатта, улар услубида ўзини синаб кўрган. Бу ҳолат унинг бир қанча гравюралари, пейзаж ва хомаки ишларида кўринади. Рассом бир қанча портретлар яратган бўлиб, улар ортиқча деталлардан холи, ҳеч қандай атрибуция ва уй жиҳозларисиз, яъни иккинчи даражали жиҳозларисиз бўлиб, мураккаб ва аниқ ишланган юз қиёфага эгалиги ҳамда бутун диққат эътибор шахсга қаратилгани билан ажралиб туради. Унинг портретлари нейтрал фонда, асосий образнинг ташқи ва ички дунёсини, индивидуал ташқи қиёфасини яратиш учун пухта ўйлаб ишланган асарлардир.

Дюрернинг ўзига хос томони шундаки, у асарларини тугал ишлайди ва уларда кўпроқ ўзининг шахсий дунёқарашини акслантиради. Инсон фигурасини, унинг идеал қиёфасини яратишга интилади, назарий жиҳатига катта эътибор қаратади. Бу каби хусусиятлар унинг 1500 йилларда яратган икки гравюраси: “Денгиз мўъжизаси” ва “Немезида”да ўз аксини топган. Унда ажойиб, мураккаб образли қаҳрамонлар юксак маҳорат билан ишланган.

Ҳақиқатан ҳам, ушбу асарларда инсонлар индивидуаллиги классик нормалардан узоқлашмаган. Бу каби хусусиятлар унинг 1500 йилларда яратган икки гравюраси: “Денгиз мўъжизаси” ва “Немезида”да ўз аксини топган. Унда ажойиб, мураккаб образли қаҳрамонлар юксак маҳорат билан ишланган.

Дюрер ижодининг энг чўққисига чиққан даврида уч қисмдан иборат: “Чавандоз, ажал ва иблис”, “Хужрадаги Муқаддас Иэрон” ва “Меланхолия”

гравюрасини яратади. Ушбу дастгоҳли гравюралар улкан маҳобатли санъат намуналари даражасига бемалол кўтарила оларди. Бу уч гравюрадаги сюжетлар ўзаро боғлиқ эмас, лекин улар гўё ягона занжирга тизилган, худди бир бутун воқеликка ўхшайди; уларнинг барчасидаги образ инсонларга хос ақл, онг, ҳиссиёт образидир, ҳар бир гравюра алоҳида, ўзига хос бир қанча пландан иборат.

“Хужрадаги Муқаддас Иэрон” гравюрасида рассом илмий тафаккур оламини яратган бўлиб, унда уйғунлик ҳукмронлик қилади; “Чавандоз, ажал ва иблис” асарида инсон ҳаракати – Чавандоз – турли хавфлар билан ўраб олинган, аммо у кўркмас; “Меланхолия” даги қанотли Илоҳа эса юксак фантазия ва қайғу ҳисси билан уйғунлашган.

Ҳар бир гравюра – бу фақатгина рассом тасаввурининг меваси эмас, улар натурадан қараб ишлангандек. Мисол учун, “Чавандоз, ажал ва иблис” қисмидаги от фигураси, асосан, натурадан ишланган отнинг хомаки тасвири асосида яратилган ва идеал даражадаги от пропорцияларини вужудга келтирган. “Муқаддас Иэрон”нинг хонаси натуранинг буюк кўриниши, рассом интерер ва натюмортдан оқилона тарзда фойдалана олган ва бу билан ёруғлик ҳамда ҳавони яратган. “Меланхолия” асари эса психологиянинг самимий ва кучли намунаси акс эттирилган асар бўла олади. Катта аҳамиятга эга бўлган гравюралар фалсафий мавзу ва рамзий тасвирлар ортидаги реализмнинг ўзига хос кўриниши эди.

Альбрехт Дюрер гравюрада тенгсиз эди. У турли эгри-бугри чизиклар, ранглар, нур ва соя орқали асарнинг бутун ғоясини очиб беришга интилган ва шуни таъкидлаш лозимки, унинг ижодида доимо биринчи ўринда инсон турган. Унинг маънавий дунёсини моддий гўзаллик орқали кўрсатиш рассомнинг асосий хусусияти эди. Дюрернинг устози эса табиат эди. Рассом ҳеч қачон бир қолипга тушиб, шу қолипда қотиб қолмаган. Имконияти даражасини билиш учун ўзини турли жабҳаларда синаб кўрган. Дюрернинг шогирдлари маълум эмас. Шунинг учун ҳам унинг ишларини давом эттирган ижодкор бўлмади. Аммо рассом ўзи, ҳаёти, саёҳатлари, ижоди ҳақида ёзиб қолдирган автобиографик китоб бугунги кун рассомлари ва санъатшунослари учун асосий қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Альбрехт Дюрернинг ижодий ишлари асл санъат намуналари сифатида умуминсоний кадрятлар тизимида муайян ўрин эгаллаб, жамиятни юксалтиришга хизмат қилади. Зеро, Дюрер мукамал ижодкор бўлиб, ўз устида тинимсиз ишлаган. Ҳозирги кунда мусаввирнинг ижоди батафсил ўрганилмоқда. Унинг рангтаъсир, графика, гравюра ва назарияларига оид мероси ҳақида ўнлаб китоблар, юзлаб мақолалалар чоп этилмоқда. Рассомлар эса буюк мусаввирларнинг, шулар қаторида Албрехт Дюрер ижодини ҳам алоҳида ўрганиб, ўз ишларида унинг услубини қўлламоқдалар ва ўзларидан кейинги шогирдларига ҳам ўргатмоқдалар. Хусусан, А. Барч, австриялик И. Медер, В. Г. Холштейн каби олимлар ижодкорнинг гравюраларини ўрганиб, бир қанча каталоглар тузганлар. Бугунги кунда Альбрехт Дюрернинг барча асарлари дунё музейларида энг нодир экспонатлар қаторидан жой олмоқда.

*Зилола ЙЎЛДОШЕВА*

## УЛАР ҲАМ ШУ ОЙДА ТУҒИЛГАНЛАР..

### 2 СЕНТЯБРЬ

**1926-1994 йиллар. Евгений ЛЕОНОВ**, машхур рус кино ва театр актёри, Россия Федерацияси давлат мукофоти соҳиби (1992), Халқ артисти (1978). Актёр “Омад кулиб боққанда”, “Омадли жентльменлар”, “Кин-дза-дза”, “Биринчи хабарчи”, “Адабиёт дарси”, “Катта танафус”, “Мимино”, “Тугуртга кетиб” каби кўплаб фильмларда суратга тушган. Евгений Леонов “Кузги марафон” фильмидаги энг яхши эркак роли учун Венеция ва Сан-Себастьян кинофестиваллари мукофоти билан тақдирланган.

### 6 СЕНТЯБРЬ

**1926-1997 йиллар. Синъити ХОСИ**, япон фантаст-ёзувчиси, у умри давомида мингдан ортиқ асар ёзган, шу сабабли уни “қисқа ҳикоялар қироли” деб аташади. Унинг “Самовий саркарда”, “Хокусая вақти”, “Юлдузлар исми”, “Япония сотилади”, “Гумон қилинмаган” каби ҳикоялар тўплами нашр этилган.

### 8 СЕНТЯБРЬ

**1830-1914 йиллар. Фредерик МИСТРАЛЬ**, франциялик шоир, Нобель мукофоти лауреати (1904). “Мирей”, “Календал”, “Нерто” каби поэмалар, “Олтин орол”, “Зайтун терими” шеърӣй тўпламлари ҳамда “Қиролича Анна” пьесалари муаллифи.

### 10 СЕНТЯБРЬ

**1897-1955 йиллар. Маннон УЙҒУР**, таниқли театр арбоби, машхур режиссёр, Ўзбекистон халқ артисти (1932), “Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби (2001). “Туркистон табиби”, “Фоний уй”, “Ўн икки соатлик ҳокимият” пьесалари муаллифи. М.Уйғур “Бой ила хизматчи”, “Алишер Навоӣй”, “Заҳарли ҳаёт”, “Тухматчилар жазоси”, “Аршин-мол-олан”, “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин”, “Ҳамлет”, “Отелло”, “Ревизор” каби спектакллари муваффақиятли сахналаштирган.

### 11 СЕНТЯБРЬ

**1862-1910 йиллар. О’ГЕНРИ** – тахаллуси, асл номи Уильям Сидни Портер, америкалик атоқли ёзувчи. “Ёнаётган шам”, “Ғарб қалби”, “Ёқимтой





ўғри” сингари ўнлаб новеллалар муаллифи. “Қироллар ва карам” саргу-зашт-юмористик романи ҳамда “Тўрт миллион” номли ҳикоялар тўплами адибга оламшумул шуҳрат келтирган. Ўзбек ёш тамошабинлари суюб кўрган “Ишбилармон кишилар” фильми сюжетлари О.Генри ҳикоялари асосида суратга олинган.

### 15 СЕНТЯБРЬ

**1789-1848 йиллар. Жеймс Фенимор КУПЕР**, америкалик машҳур ёзувчи. “Эҳтиёткорлик”, “Жосус”, “Сўнгги могиқан”, “Чўл”, “Изкувар”, “Чингачук – улкан илон” “Лоцман”, “Бостон қамали”, “Қаддингни ур”, “Гейденмауер ёки Бенедиктликлар”, “Жаллод ёки узумзорлар аббатлиги” ва бошқа романларида Америка ҳиндуларининг ҳаёти, ватанпарварлиги тасвирланган. Купер ўттиздан ортиқ роман, саёҳатномалар ҳамда бир неча жилддан иборат публицистик асарлар муаллифи ҳамдир. Адиб асарлари жаҳондаги кўплаб тилларга таржима қилиниб, улар асосида кинофильмлар ишланган.

**1254-1324 йиллар. Марко ПОЛО**, италиялик машҳур сайёҳ. У Яқин Шарқ, Ўрта Осиё, Хитой, Япония, Ҳиндистон ва Африкага қилган саёҳатлари таассуротларини “Дунёнинг ранг-баранглиги ҳақида китоб” номи билан чоп эттирган. Ушбу саёҳатномада Ўзбекистон ҳудудидаги Бухоро, Самарқанд ва Қўқон шаҳарлари ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар бор. Бундан ташқари, сайёҳнинг “Дунё мўъжизалари” китоби тарихий тадқиқотларни ўрганишда муҳим манба сифатида аҳамиятлидир.

**1904-1952 йиллар. Наби ҒАНИЕВ**, миллий ўзбек киносининг асосчиларидан бири, таниқли кинорежиссёр, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби” (1944). “Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби. У ўзи яратган “Юксалиш”, “Рамазон”, “Йигит”, “Насриддин Бухорода”, “Тоҳир ва Зухра”, “Фарғона кизи”, “Қорақалпоқлар диёрида”, “Ўзбек рақси усталари”, “Фарғона водийси” каби бадиий ва ҳужжатли фильмлари билан ўзбек кино санъатига муносиб ҳисса қўшган.

### 20 СЕНТЯБРЬ

**1934 йил. Софи ЛОРЕН**, машҳур италян актрисаси ва кўшиқчи. Канн, Венеция, Москва ва Берлин каби кўплаб кинофестиваллар мукофоти совриндори. “Олтин глобус”нинг беш карра совриндори. “Оскар” мукофоти соҳибаси (1962). “Италянча никоҳ”, “Чочара”, “Кеча, бугун, эрта” “Кунгабоқар” каби кўплаб фильмларда роль ижро этган. Софи Лорен 65 ёшида “Дунёнинг энг жозибали аёли” мақомига эга бўлди. Актриса Америка кино санъати институти томонидан тузилган кинематография тарихидаги энг буюк 25 актриса қаторига киритилган.

## 21 СЕНТЯБРЬ

**1947 йил. Стивен КИНГ**, фантастика, мистика, триллер ва драма жанрида ижод қилувчи машҳур америкалик ёзувчи. 50 дан ортиқ роман, юзлаб қисса ва ҳикоялар муаллифи. Унинг асарлари асосида суратга олинган машҳур “Рита Хейворд ёхуд Шоушенкдан қочиш”, “Яшил миля”, “Нурланиш” ва жорий йилда экранларга чиққан “Қоронғу минора” ва “У” каби фильмлар адибга шон-шуҳрат олиб келди. Кинг ёзувчилик фаолиятини бошлагандан бери унинг китоблари 350 миллиондан кўпроқ нусхада сотилган.

## 23 СЕНТЯБРЬ

**1123-1197 йиллар. Бурҳониддин АЛ-МАРҒИНОНИЙ АР-РОШИДОНИЙ**, ханафий мазҳабидаги буюк фақих. У фикҳ бўйича ўндан ортиқ кимматбаҳо асарлар яратган. Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари ҳар бир давр учун аҳамиятли бўлган ҳуқуқий масалаларни тартибга солиб берган. Ушбу асарнинг тўлиқ номи “Ҳидоя фил-фуруъ ал-фикҳ” бўлиб дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган.

## 29 СЕНТЯБРЬ

**1547-1616 йиллар. Мигель де СЕРВАНТЕС**, таниқли испан ёзувчиси, шоири ва драматурги. “Галатея” романи билан танилган. Унинг “Дон Кихот” романи Ғарб адабиёти классикаси ҳисобланиб, 65 дан ортиқ тилга таржима қилинган. Ушбу роман асосида жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида сахна (опера, балет, драма), кино (кинофилм, телесериал), мусиқа (фантастик вариациялар) ва тасвирий санъат (ҳайкал ва бошқалар) асарлари яратилган. “Панднома ҳикоялар” ва “Парнасга саёҳат” дostonларини ёзган. “Персилес ва Сихизмунданинг саргузаштлари” номли роман адибнинг сўнгги асаридир.

## 30 СЕНТЯБРЬ

**1207-1273 йиллар. Мавлоно Жалолоiddин РУМИЙ**, буюк мутафаккир ва тариқат алломаси. Румийнинг илмий-адабий мероси форс тилида ёзилган бўлиб, унинг шеърӣ асарлари, асосан, “Девони кабир” (“Улуғ девон”)га жамланган. Девонда ғазал, рубоӣ ва маснавий шаклларида ёзилган уч мингдан ортиқ шеърлар бор. Илмий-фалсафӣ мероси олти дафтардан иборат “Маснавийи маънавий” асаридан ўрин олган, ушбу ислomий-тасаввуфӣ мажмуа “Форсий Қуръон” деб ҳам аталади. Румийнинг кўпгина асарлари ўзбек тилида нашр этилган.

*Жамила АСҚАРОВА  
тайёрлади*

---

## РЕЗЮМЕ

●● Английская писательница Барбара Картленд обрела популярность как автор многочисленных любовных романов. Независимость, достоинство и гордость – превыше всего. Об этом автор повествует в романе “Любовь на востоке”. Главная героиня, дочь аристократического рода Шона проходит через многие испытания, проявляя силу воли и стойкость. Перевод на узбекский язык Шахло Ахроровой.

●● Лауреат Нобелевской премии Ясунари Кавабата слыл мастером, сумевшим выразить суть японского образа мышления. Также, как и в других произведениях писателя, в рассказах “Италия” и “Письмо о родинке” умело раскрыты тончайшие стороны человеческой души, с пониманием описан внутренний мир женщины. Читайте в рубрике “Проза”.

●● Великий итальянский поэт Петрарка – целое событие в мире литературы: личность, поэт, мыслитель, ученый, общественный деятель. Выделить одно из этих определений сложно. Возможно это и стало причиной того, что “Канцоньере” – “Книга песен” Петрарки, состоящая из 317 сонетов, 29 канцонов, многочисленных баллад, секстин и мадригалов в течении длительного периода определяла путь развития европейской лирики. Предлагаем вниманию читателей образцы сонетов из данного сборника.

●● “Манас” – это не только крупнейший кыргызский эпос, он также включен в Книгу рекордов Гиннеса как самый объемный эпос в мире. Существуют различные версии данного образца народного творчества. Популярнейший в стране манасчи – исполнитель “Манаса” Саякбай Каралаев знал наизусть около 1 миллиона строк эпоса. Представляем перевод “Манаса”, подготовленный на основе не сокращенного, но сжатого варианта, автором которого является Герой Кыргызстана, профессор Бексултан Жакиев.

●● В 2014 году Патрик Модiano был удостоен Нобелевской премии по литературе. Известному французскому писателю премия присуждена “за искусство памяти, благодаря которому он выявил самые непостижимые человеческие судьбы и раскрыл жизненный мир человека времен оккупации”. В журнале представлена речь Модiano, которую он произнес на церемонии вручения премии.

---

## RESUME

●● Well-known English writer Barbara Cartlend in her novel “Love in the East” writes about freedom and honor which are the most important things for human. The main character of the novel, brave, courageous girl Shona gets through a lot of difficulties to reach her freedom and happiness. Novel is translated by Shahlo Ahrorova.

●● Japanese writer, Nobel Prize Winner Yasunare Kavabata tries to describe impulses of human spirit and women’s feelings in small details with a special manner in his “Italy” and “Birthmark” stories.

●● Great Italian poet Petrarka’s personality is many-sided: person, poet, philosopher, scientist, public figure – all of them are connected in him. That’s why his work named “Kansonieri” (“The Book of Songs”) and consisted of 317 sonnets, 29 canzones and ballads, madrigals marked the way of European lyric for a long time. Some of his sonnets are presented in this issue.

●● Well-known Kyrgyz epos “Manas” is the biggest poem in the world. It has got many versions in the nation. Oqin Sayakhbay Kho-raev learned by heart 1 million lines of “Manas”. Hero of Kyrgyzstan, professor Beksultan Jakiev prepared not “shortened”, but “pressed” version of “Manas”. A translation of “Manas” presented in this issue is a variant of this version.

●● French writer Patrick Modiano has got Literary Nobel Prize in 2014. He won it “for the art of memory with which he has evoked the most ungraspable human destinies and uncovered the life-world of the occupation”. Modiano’s Nobel lecture is presented in this issue.





*2017 йил сентябрь сони*

Навбатчи муҳаррир: А.ТОЖИЕВ  
Техник муҳаррир: О.СОБИР ўғли  
Мусахҳих: Д.АЛИЕВА  
Компьютерда саҳифаловчи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.  
Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.  
“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда  
ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олиниши шарт.

**Таҳририят манзили:**

100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: (0371) 244-41-60, 244-41-61, 244-41-62.  
Сайт: [www.jahonadabiyoti.uz](http://www.jahonadabiyoti.uz)  
E-mail: [jahonadabiyoti@list.ru](mailto:jahonadabiyoti@list.ru)

Босишга рухсат этилди 24.10.2017 й. Бичими 70x108 <sup>1/16</sup>. Офсет қоғози.  
Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.  
Адади 2128 нусха. 5041 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.  
“Жаҳон адабиёти” журнали компьютер марказида териблиб, “Sharq” НМАҚда чоп этилди.

**Босмахона манзили:**

100000, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

© **Жаҳон адабиёти, 2017 й.**